



# НИКОХ ТАРИХИ

ЖОН ВА ЛИЗА  
**БИВЕР**

Қадрдон дүстим!

Сен бу китобни қўлга киритганингдан биз жуда ҳам хурсандмиз! Сен Худонинг қувончисан, Унинг юрагининг овунчоғисан. У сени билишга жуда ҳам ташнадир ва сен Уни билишингни жуда ҳам истайди. Сен У билан муносабатларда улгаймоқдасан ва Унинг юрагини сенинг атрофингдаги одамларга кўрсатишинг учун У сени Унинг ҳамкори бўлишга таклиф қилмоқда. Ҳаворий Повул Коринфликларга мактубда айтганидек, биз Масиҳнинг элчиларимиз, бизлар хабарчилар ва вакиллармиз, У бизлар орқали дунёга мурожаат қиласди.

Никоҳ – бу Худонинг табиатини намоён қилишнинг энг ишончли усусларидан биридир. Никоҳ – бу Масиҳ ва Унинг келинчаги Жамоат орасидаги муқаддас муносабатларнинг тасвиридир. Ҳар бир никоҳ иттифоқи(ҳатто қийинчиликларга, оғриқ ва хатоларга тўлалари ҳам) кўплаб одамларнинг манфаати учун севги, қувонч ва тинчликни ўстиришичи имкониятига эгадир.

Раббий бизнинг юрагимизни бу хабарни сен билан ва бутун дунё бўйлаб бошқа етакчилар билан ўртоқлашишга унади. Бу таълимот барча: бўйдоқлар ва ўйланганлар, турмушга чиққанлар ва турмушга чиқмаганлар учун ҳамда эр хотинлик муносабатларининг турли фасллари учун долзарбдир. Марҳамат, бу китобни ва бизнинг бор муҳаббатимиз ҳамда қўллаб - қувватлашимизни қабул қилгин. Сен билган ҳар бир киши билан буни ўртоқлашгин. Биз ишонамизки, бу нома сенга ва сен ўстиларидан етакчи қилиб қўйилган одамларга сенинг орзуингда бўлган ягона, Худо дуо қилган севги тарихини ёзишингга ёрдам беради.

Бизнинг никоҳимизда ўзига хос қийинчилар ва синовлар бўлган эди, лекин бизлар Худо нақадар содиқ эканлигини кўрмоқдамиз. У бизнинг никоҳимизни ҳётимизни ҳамма соҳада кенгайтириш учун ишлатди, У сен учун ҳам шундай қилмоқчи! Биз ибодат қиласмизки, бу саҳифаларни ўқиётиб, сен ўзингнинг ажойиб тарихинг учун руҳланиш ва қўлланма олгин.

Биз бу нома сенга ва сен ғамхўрлик қилаётган одамларга қандай таъсир қилганини эшитишни истар эдик.

Исо Масиҳда сизларнинг биродар ва опангиз

Жон ва Лиза Бивер.



JohnBevere@ymail.com  
LisaBevere@ymail.com



Messenger  
International  
MessengerInternational.org



# НИКОХ, ТАРИХИ

ЖОН ВА ЛИЗА  
**БИВЕР**

**Story of Marriage by John & Lisa Bevere, Uzbek**

**© 2015 Messenger International**

**[www.MessengerInternational.org](http://www.MessengerInternational.org)**

**Originally published in English as Story of Marriage**

**Additional resources in Uzbek by John & Lisa Bevere are available for  
free download at: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)**

**To contact the authors: [JohnBevere@ymail.com](mailto:JohnBevere@ymail.com), [LisaBevere@ymail.com](mailto:LisaBevere@ymail.com)**

**«Никоҳ тарихи», ўзбек тилида, Жон ва Лиза Бивер**

**© 2015 Messenger International**

**[www.MessengerInternational.org](http://www.MessengerInternational.org)**

**Инглиз тилидаги асл нашри Story of Marriage**

**Ўзбек тилидаги қўшимча манбаларни қўйидаги сайтдан бепул  
юклаб олишингиз мумкин: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)**

**Муаллиф билан қўйидаги манзил орқали боғланишингиз мумкин:  
[JohnBevere@ymail.com](mailto:JohnBevere@ymail.com), [LisaBevere@ymail.com](mailto:LisaBevere@ymail.com)**

## МИННАТДОРЧИЛИК

Бизларнинг фарзандларимизга, уларнинг турмуш ўртоқларига ва бизларнинг набираларимизга миннатдорчилек билдирамиз: Бизнинг никоҳимиз тарихи ёзилишига кўп ҳолларда сизлар сабабчи бўлдингизлар. Биз сизларнинг қандай улгайиб бораётганингизга ва бир-бирларингизни ҳақиқатдан севишингизга қараб қувонмоқдамиз.

Брейв Эддисонга миннатдорчилек билдирамиз: Сенинг қўшиган ҳиссангни фақат абадият аниқ ўлчаб беради. “Биз буни сенсиз қила олмас эдик”, – десак, ҳеч нима демаган бўламиз. Сабр-тоқатинг учун ҳамда одамларнинг ҳаётига таъсири қилишига қодир бўлган асар яратиш учун бизнинг сўзларимизни библиявий донолик билан боғлаганинг учун раҳмат.

Қадрли ва доно Джейлиннга миннатдорчилек билдирамиз: Сенинг жозибадорлигинг, темиклигинг ва ажойиб гайратинги бу никоҳ тарихини шу қадар чиройли шаклланишига ёрдам берди. Сен бу далага эккан экинларингнинг барчаси сенга юз карра қайтиб келсин. Винсентга ва Аллисонга миннатдорчилек билдирамиз: Биз учун қулган барча ишларингиз, ибодатларни тузишига берган ёрдамингиз учун раҳмат. Сизларнинг ишингиз бу китобни кенгайтирди ва бойитди.

Командамиз аъзоларига ва “Messenger International” ташкилоти ҳамкорларига миннатдорчилек билдирамиз: Сизлар ҳар доим бизнинг ёнимизда бўлганингиз учун раҳмат. Биз Худодан, Исо Масиҳнинг шуҳратли хушиҳабари дунёнинг ҳалқларига етиб бориши учун биз билан бирга саёҳат қиласетган сиз каби дўстлардан кўра содикроқ ва фидокор дўстларни сўрай олмаган бўлар эдик.

Худо Ота, абадий севгинг учун энг аввало Сенга миннатдорчилек билдирамиз ва Ўзининг қимматбаҳо ҳаётини бергани учун бизнинг Подшоҳимиз Исо Масиҳга миннатдорчилек билдирамиз ҳамда ажойиб қудратинг, юпанчинг, ўқитувинг ва яқин сухбатинг учун Худойимиз Муқаддас Руҳ Сенга миннатдорчилек билдирамиз. Бизларни ҳеч қачон қолдирмаслигинг ва тарк этмаслигинг учун Сенга раҳмат.



# МУНДАРИЖА

Мазкур интерактив китоб ҳақида .....	7
Кириш .....	9
1. Илк режа .....	11
2. Бошлаётіб,nihояси ҳақида ўйланг .....	51
3. Кема сатхини тозалаш .....	95
4. Туриш ва қуриш .....	145
5. Жинсий яқинлик .....	185
6. Бошидан бошланг .....	229
Илова. Қандай қилиб нажот топиш мүмкін? .....	271



# Мазкур интерактив китоб ҳақида

Мазкур китобни ҳар қандай бошқа китоб сингари бошидан охирига-ча ўқиб чиқиши мумкин. Бироқ кўпроқ шахсий тажрибага эга бўлишингиз учун, биз сизларни қўшимча интерактив маълумотларни ўрганиб чиқишига даъват қиласмиш:

Бу китобнинг ҳар бир боби кундалик мутолаа учун бештадан қисмга бўлиниб, бобнинг охирида мавзуга мувофиқ ибодатлар варианtlари келтирилган. Сиз ҳар куни бир қисмини ибодат билан ўқишингиз ёки шахсий ўкув режангизни танлашингиз мумкин. Биз бу мавзуларни ўрганиб чиқаётган гурух иштирокчиларига ҳафтасига бир бобдан ўқиб чиқишиларини маслаҳат қиласмиш.

Агар сиз бу китобни “Messenger International” хизматидан бўлмиш, “Никоҳ тарихи” материалларининг қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда биз сизларга ҳафтасига аввал битта видеодарсни кўришингизни ёки аудиодарсни эшлишингизни ва гурухда саволларга жавоб бериб, сўнгра китобдаги бобни ўқишингизни ҳамда якуний ибодатни ўқишингизни маслаҳат берамиз. Бу китобнинг ҳар бир бобига битта видеодарс берилган. Мухокама учун саволлар Кундалик ўқиш учун берилган боблардан сўнг жойлашган.

Марҳамат, роҳатланинг!



# Кириш

Сиз: “Яна битта никоҳ ҳақидағи китоб нима керак?” – дерсиз. Биз худди шу саволни бераётган әдик. Биз бу китобни ёзиши мизга учта сабаб бор. Биринчидан, биз Худонинг бошқарувини ҳис қилдик. Иккинчидан, буни бизлардан фарзандларимиз ва ҳамкасларимиз илтимос қилдилар. Учинчидан, бу ҳақида сизлардан кўпларингиз илтимос қилдингизлар.

Никоҳ ҳақида дунёда аллақачон кўплаб жуда яхши китоблар ёзилганига ишончимиз комил, уларнинг баъзилари бизнинг ўзимизга ҳам фойда келтирди. Аммо яхшироқ назар ташлаб, биз бу соҳада катта бўшлиқ борлигини сезиб қолдик. Аниқланишича, бу китобларнинг кўпчилиги аксарият ҳолларда эр-хотиндан фақат биттасининг нуқтаи – назари остида ёзилган. Бироқ буюк никоҳ – ҳақиқий ҳамкорлик мевасидир, шу боис биз ушбу китобда бизнинг муаллифдошлигимизнинг аҳамиятига ишонамиз.

Шунингдек, биз ҳар бир тарих ўзига хос бўлишини биламиз ва бизники ҳам бундан мустасно эмас. Айтиб ўтиш жоизки, бизнинг икковимиз ҳам кучли иродага эга бўлган одамлармиз. Биз энди ўттиз йилдан ортиқ эр-хотинмиз ва бу давр мобайнида ўзига хос қийинчиликлар билан тўқнашишимизга тўғри келди. Бизнинг ноёб тажрибамиз бизга ноёб истиқбол беришини бизлар англадик.

Бундан ташкари, биз эркакларни ва аёлларни, никоҳ – уларни чекловчи қолип эмаслигини кўришларига ундашни истар әдик. Биз ҳар бир одамда, ўзининг шахсий никоҳини лойиҳалаштириши учун уларнинг индивидуал талабларига ва илоҳий мақсадга бошқа барчасидан кўра яхшироқ мувофиқ келадиган ижодий лицензия бор деб хисоблаймиз. Биз бу китоб сизга, ўзингизнинг ноёб тарихингизни аниқлашда ва ёзишда ёрдам беради, деб умид қиласидик.

## БУ КИТОБ КИМ УЧУН

Бу китоб никоҳ тузмоқчи бўлганлар, никоҳда яшаётганлар ва никоҳ нима эканлигини яхшироқ тушунмоқчи бўлганларга мўлжаллан-

ган. Модомики биз атрофимизда бу қадар кўп ажралишлар ва низолар даврида яшаётган эканмиз, кўпчилик ўз тарихини ҳатто бошлашга ҳам кўркмокдалар. Бироқ сиз кўрган кечинмаларингиз сизни олдинда кутаётган келажагингизни белгиламаслиги керак.

Шундай одамлар борки, кўнгилларига ёқмайдиган бобнинг ўртасида қопқонга тушиб қолган одамга ўхшайдилар. Биз, сиз ўзингизнинг никоҳ китобингизни ёпишингизни истамаймиз, биз сизга кейинги сахифани очишингизга ёрдам бермоқчимиз.

Бизнинг атрофимизда, ўзларининг севги тарихини ҳеч қачон тугамайди деб ўйладиган, лекин кутилмагандан ажралиш ёки турмуш ўртоғини йўқотиш ҳоллари уларнинг ҳаётидан сахифаларни йиртиб оладиган одамлар ҳам кўп. Сизнинг тарихингиз хали якунига етгани йўқ.

Бу китобда никоҳнинг мутлақо барча жиҳатлари муҳокама қилинмайди. Бу масалага бутун бир асарларни ёзиш мумкин, бироқ биз барча жавобларни ола олмаймиз. Шунга қарамасдан, биз, кўплаб қалтис лаҳзаларга эга бўлган ўзимизнинг тарихимизни ёзишга карор қилдик, чунки биз уларни ёнгиб ўта олдик ва ишонамизки, бизнинг тажрибамиз бошқаларга ҳам ёрдам беради.

Ниҳоят, Раббий Исо аввалгидек, никоҳ – у хақида гапириш керак бўлган тарих, деб ҳисоблайди. Бу – У қанчалик бизни севишини бизга кўрсатадиган тимсолдир. Биз ибодат қилмоқдамиз, токи китобимизнинг сахифалари, турмушга чиққанмисиз ёки йўқми, уйланганимисиз ёки уйланмаганимисиз, ёшмисиз ёки ёши каттароқмисиз, сизларда имон, умид ва севгини уйғотсин. Биз сизлардан янгидан орзу қилишга журъат қилишингизни сўраймиз!



## Илк режа

*“Раббий Худо ердан күзга ёқимли ва емоққа яшии бўлган  
ҳар хил дараҳтларни ўстирди. Богнинг ўртасида эса ҳаёт дараҳтини ва  
яхшилик билан ёмонликни билиш дараҳтини қўйди”.*

— Ибтидо 2:9

### 1-кун

**Б**ир вактлар бир боғ яратилган бўлиб, унинг ўртасида иккита дараҳт ўсар эди. Сиз энди албатта, бу оддий боғ бўлмаганини – у чиришга ва хувиллаб қолишга мойилбўлмаганини билсангиз керак. Адан орқали иккита дарё оқиб ўтиб, ундаги барча тирик мавжудотни шаффоф тиник сув билан сугорар эди.

Ўша боғда нақадар ажойиб дараҳтлар ўсганини фақатгина тасаввур килиш мумкин. Уларнинг ҳар бири, шаршаралар билан сугориладиган ва қуёшнинг тоза нури билан озиқлантириладиган ўша бой заминда томир отган бўлиб, бенуқсон ҳаётнинг тимсоли эди. Боғда кўплаб дараҳтлар ўсар эди, бироқ Муқаддас Ёзув фақатгина иккитаси – ҳаёт дараҳти ҳамда яхшиликни ва ёмонликни билиш дараҳти ҳақида гапирмоқда. Иккала дараҳт ҳам чиришга ва қаришга мойил бўлмаган, бизнинг гуноҳ билан булғанган еримиз ҳеч қачон такрорлай олмайдиган ҳаёт муҳитида, бир хил беками-кўст шароитларда ўсар эди. Шунга қарамай, уларнинг бири ҳаёт келтирадиган, бошқаси эса ўлим келтирадиган эди.

## 12 НИКОҲ ТАРИХИ

Сиз, шубҳасиз, бу ҳикояни аввал эшигтгансиз, ҳар бир оиланинг тарихи Аданинг иккита дараҳтларидан бошланади. Бизнинг оиласари миз кўп ҳолларда ҳаёт дараҳтларига ўхшайди. Турли даврларда улар турли суръатларда ўсади, улар етуклик томирларида мустаҳкамланганида эса улар учун энг мувоғик, маъқул давр бошланади. Оила тарихида мўл-кўлчилик ва ҳосилсизлик, кутилмаганда тез ва секин ўсиш йиллари бўлади. Ҳар бир никоҳ, ўзининг шахсий иқлими, турли мавсумлари, шиддатли пўртанаалари таъсири остида шаклланиб, ҳаётнинг ўзгарувчан шамолларидан бизга пана бўлиб хизмат қиласди.

Бу китобнинг муқовасидаги расм дараҳтнинг ҳаётига нигоҳ ташлашга имкон беради. Бу ҳалқалар тўпламида биз кўраётганларимиз, аслида дараҳтнинг сафари изларини олиб юрувчи унинг ҳаёти тарихидир.

Бизларнинг кўпчилигимиз мактабда дендрология (дараҳтлар син-фига кирувчи ўсимликларни ўрганиш фани) асосларини ўрганганмиз ва ҳалқаларнинг сони бўйича дараҳтнинг ёшини тахминан аниқлай оламиз. Бизлар умуман олганда дендрологлар эмасмиз, шунга қарамай, чиройли ўрмонни севамиз ва дараҳтдаги ҳалқаларни етарли даражада аниқ санай оламиз. Мутахассислар эса бизга дараҳтнинг нафақат аниқ ёшини, лекин шу билан бирга, шунчаки унинг кесилган танасини кўздан кечириб, унинг ҳаётининг сирли томонларини ҳам айтиб бера оладилар. Тажрибали нигоҳларга ҳар бир ҳалқа ўз тарихини айтиб беради. Ҳалқанинг турли кенглиги, бу дараҳт қандай қишини бошидан ўтказгани – юмшоқ ёки одатдагидан бошқача қаҳратон, у йили ёки бошқа йили курғокчилик бўлгани ёки мўл ёмғир ёққани ҳақида гапиради. Диққатроқ назар ташлаб, жароҳатлар ва зааркуннанда ҳашаротларнинг хужуми изларини кўриш мумкин. Ҳар бир ҳалқа шакли бўйича айлана ва ўз табиати бўйича ноёб бўлган фасллар йилидир.

Никоҳда яшаб ўтилган ҳар бир йил, кесилган дараҳтнинг танасидаги ҳалқага ўхшайди, у ҳам шакли бўйича айлана ва ўз табиати бўйича ноёбdir. Йилликлар бир йилнинг якунини ва кейингийилнинг бошланишини белгилайди. Ҳар йилги сана аниқ белгиланган, лекин календарь йилидаги кунлар, ҳафталар ва ойлар – булар қувонч, оғриқ, меҳнат ва хатто кутилмаган совринлар тўпламиди.

## СИЗНИНГ ТАРИХИНГИЗ

Биз билан бу саёҳатни бошлаётиб, сизнинг тарихингиз, хоҳ бугунгиси бўлсин, хоҳ келажакдагиси бўлсин, фақат сизга тегишли эканлигини ёдингизда туting. Ҳар бир одамнинг ҳаёти каби, ҳар бир никоҳ битими-нинг тарихи ҳам – хурсандчиликлар, қийинчиликлар ва ғалабалар тў-пламидир. Жуда ҳам кўп вакт давомида, жамоатнинг катта қисми бар-ча оиласиди муаммолар учун умумий рецептлар билан қаноат қилишиди. Бизга: “Хотинлар, хурмат қилинглар. Эрлар, севинглар”, – дейишади. Бу сўзларнинг ҳақиқатлиги ва аҳамиятли эканлигига қарамасдан, никоҳни куриш учун доимо, мустасносиз амал қиладиган восита мавжуд эмас, чунки ҳар бир оила ўзининг ноёб бармоқ излари билан туғилади.

Келинг, бу масалага бошқача назар ташлаймиз. Ҳар қандай уйнинг умумийлойиҳаси пойдевор, кўтариб турувчи деворлар ва томни ўз ичига олади, лекин меъмор уй эгасининг эҳтиёjlари ва истаклари-га мувофиқ равишда дизайн яратиш учунижодий эркинликка эгадир. Эр-хотинликда биз ҳам, ўзимизнинг индивидуал чизмаларимиз бўйича, ўз никоҳимизни куриш учун ижодкорлик рухсатномасига эгамиз. Ҳаёт-нинг ҳамма ҳалқалари бир-биридан фарқ қиласи ва ҳаётнинг фасллари-га мувофиқ эркин ўзгариши мумкин. Масалан, ҳар бир оилаота-оналик роли устивор бўлган даврдан кейинги даврга ўтишга ҳаракат қиласи. Бу дегани, кўп вакт ўтмай, бизнинг уйимизга яна биттагина ётоқхона етарли бўлади, холос. Оиладаги ўзгаришлар, худди йилнинг фасллари ўзга-риши сингари табиийдир.

Умумий, абадий ҳақиқатлар ва қадриятлар сизнинг никоҳингизни Худо уни нима бўлишини олдиндан тайинлаган бўлса, шунга айлантиради. Худо, бизнинг ҳар биримиз ўзимизнинг никоҳимизни севги, хурмат, қувонч, ўзини бағиашлаш, масъулият, содиклик, ғамхўрлик ва яқинлик билан (бу зарур бўлган кўп фазилатлардан бор-йўғи айримларидир) куришимизни, ўзимиздан сўнг яхши мерос колдиришимизни истайди. Никоҳнинг қурилиш блоклари – эр-хотиннинг ҳар бирининг ўзига хослигини ва уларнинг никоҳи фаслини акс эттиради. Худо бизга асосий негизларни бермоқда, бирор ўзлигимизни фодалашимиз учун ўрин

## 14 НИКОҲ ТАРИХИ

қолдирмоқда. У ҳар хилликни ёқтиради. Уяратган ижодларига бир нигоҳ ташлашнинг ўзи буни исботлайди.

Шуни олдиндан таъкидлаб ўтмокчимизки, биз барча жуфтлар, қандайдир бир ягона колипга тўғри келишлари керак деб ишонмаймиз. Ҳозирги замонавий дунёда, кўпинча эр-хотиннинг икковлари ҳам ишлашади, (2012 йилнинг статистикаси бўйича Кўшма Штатларда 60%га яқин аёллар бирон бир меҳнат соҳасида банд бўлгандар) айрим ҳолларда аёл киши ҳатто эридан ҳам кўпроқ пул топади. Унинг пул топиш қобилияти, у бўйсuna олмайди ёки эркак оиласнинг бошлиғи бўлишни бас қилмоқда, дегани эмас. Бу бор-йўғи, уларнинг икковлари ҳам оиласнинг бюджетта ҳиссаларини қўшмоқдалар деганидир ва уларнинг никоҳи эҳтимолга кўра уларнинг бувилари ва боболарининг никоҳидан кўпроқ фарқ киладиган бўлади.

Бизнинг оиласизда биз икковимиз ҳам ишлаймиз ва икковимиз ҳам – хизматда етакчилармиз. Баъзан биз бирга ишлаймиз (масалан, мазкур китоб устидан), баъзан эса алоҳида ишлаймиз, лекин бизнинг никоҳимиз мақсади ва бизнинг асосий қадриятларимиз ўзгармайди. Эр сифатида менинг ёки хотин сифатида хотинимнинг тутган ўринларимиз, бизнинг пул ишлаб топиш қобилиятимизга боғлиқ эмас.

Адан боғида, Худо Одам Атога ва Ҳаввага серҳосил бўлиб, кўпайишни буюрган. У Ҳаввага, у уйда ўтириши ва Одам Атонинг даромадини бошқариши кераклигини айтмаган. Ҳикматлар китобининг 31-бобидаги эзгулик қилувчи хотин – ажойиб уй бекаси, уй бошқарувчиси ва тадбиркор аёл эди. Агар сизнинг фикрингиз бўйича, бундай роль сизнинг никоҳингизга тўғри келса, унда олға! Борди-ю сизлардан бирор тангиз ўзини уйга, оиласа ва фарзандларга (агар фарзандларингиз бор бўлса) бафишламоқчи бўлса, бунинг ҳам ҳеч қандай ёмон томони йўқ.

Бизга, бошқа оиласарга ёрдам берган бирор нима, албатта бизга ҳам ёрдам берадигандек туюлиши мумкин. Аммо аслида эса, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида, биз ўзига хос вактига эга бўлган ўзига хос қийинчиликлар билан тўқнаш келамиз. Биз, сизнинг никоҳингиз мустаҳкам бўлишини истаймиз. Бу – сиз бошқа оила жуфти никоҳ орзуларини эмас,

ўзингизнинг никохингиз орзуларини қуриш озодлигига эга бўлишингиз керак деганидир.

Биз сизларни, фурсатдан фойдаланишингизни ва ҳақиқат Рухи бўлмиш Худонинг Рухидан, абадий ҳақиқатлар сизнинг никохингизни қандай килиб, хали асрлар бошланишидан аввал У айнан сизлар учун ўйлаб кўйган, ўзига хос иттифокқа айлантириши мумкинлигини очишини сўрашингизга даъват қиласиз.

## 2-кун

### СИЗНИНГ ТАРИХИНГИЗ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР БИЛАН ТЎҚНАШГАНИДА

Сафардаги йиллар сони бутун тарихнагапириб бермайди. Эллик йиллик никоҳ, бу – эллик йил давомидаги қийинчилик ёки эллик йил давомидаги тўхтовсиз баҳт-саодат бўлиши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда никоҳ – хар хиллик ва фаслларнинг ўрин алмашуви йиғиндинисидан иборатdir.

Бу китобнинг муқовасидаги кесилган дараҳтнинг тасвирига қараб, хар бир ҳалқа дараҳтнинг диаметрини каттартираётганини кўрамиз. Босиб ўтилган йилқийинчиликларга тўла ёки мўл-кўлчиликларга тўла бўлганидан қатъий назар, у тарихни кенгрок қиласи ва бутун сафарга кўпроқ маъно баҳш этади. Жон Буняннинг “Сайёҳ зиёратчининг саёхати” китоби, агар Масиҳий (бу ҳикоянинг бош қаҳрамони) Фамгинлик Ботқоғидан ўтмасдан ва Тушкунлик Полвонини енгмасдан Самовий Шаҳарга (унинг келиши белгиланган сўнгти манзил) келганида эди, шу қадар абадий дурдона асар (шу кунгача аллақачон 300 йилдан буён нашр қилинмоқда) бўлган бўлармиди? Бир-бири билан мушкул чирмасиб кетган хурсандчиликларсиз ва синовларсиз, унинг тарихи зерикарли ва ҳар қандай воқеалардан мосуво бўлган бўлар эди. Масиҳийнинг қисматига тушаётган ва у енгиб ўтаётган қийинчиликларнинг шарофати туфайли, бу китоб уни ўқийдиган китобхонларнинг дикқатига сазовордир. Худди шу йўсинда бизнинг никоҳларимиз қийинчиликлари, бизнинг тарихларимизга катта завқ ва маъно шимдириш иқтидорига эгадир.

## 16 НИКОХ ТАРИХИ

Фамгинлик онларига нисбатан менсимаслик муносабатида бўлманг. Улардан, Худонинг иноятидан чўмичлаб олиш учун ва сизнинг хиссий ва руҳий имкониятларингиз чегарасидан ошиб ўтишга қодир бўлган Унинг илохий қурдатига тўлишиш учун фойдаланинг. Ўттиз йилдан ортиқ вақт эр-хотинлик умримиз даври мобайнида, ҳаётимиздаги айнан энг зимиштон туюлган онлари, кейинчалик, аслидабизга йўлимизни ёритадиган машъаллар эканини тушундик. Улар бизни ўрнимиздан туришга ва маълум бир ҳолатни эгаллашга мажбур қиласар эди. Бугунги кундаги курашувлар, никоҳингиз тарихидаги энг буюк даврларга айланиши мумкин.

Никоҳ ҳақидаги тарихга шўнғищдан аввал, келинг, унинг мақсадини тадқиқ қилиб чиқамиз. Никоҳ иттифоқи шубҳасиз ажойибdir, бироқ гоҳида унда осон бўлмаган даврлар пайдо бўлиб туради. Бизлардан кўпчилигимиз оғрикли жараёндан ўтаётганимизда, агар унинг мақсадини тушунсак кўпроқ сабр қилишга ҳаракат қиласиз. Масалан, агар барча даволаш тадбирлари чидаб бўлмас тиш оғриғидан кутулиш учун кераклилигини билсангиз, тиш шифокори ўринидига бир, икки соат чидаб туришингиз мумкин. Албатта, сизнинг эр-хотинлик ҳаётингизда, сув бўйида сайр қилгандагидан кўра, кўпроқ тиш шифокорининг қабулида бўлганга ўхшаш кунлар кўпроқ бўлгандир (агар ҳали бўлмаган бўлса, унда сизда ҳаммаси олдинда). Айнан шундай оғрикли онларда мақсадни англаш барчасидан муҳимроқдир.

Бугунги кунда никоҳнинг мақсади сўроқ бўлиб турибди ва модомики, кўпчилик мақсадни тушунмас экан, қутурган тўлқинлар кемани чайқатишни бошлаганида, улар тезгина кемадан сакраб қолишга қарор қилишмоқда. Бошқалар, никоҳ институтининг ўзи яроксиз ҳолга келганини ва уни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш кераклигинитъкидлашмоқда. Баъзилар ҳатто, никоҳ иттифоқини маълум муддат билан чеклашни таклиф қилишмоқда: “Абадий никоҳ? Нима деяпсиз, бизлардан ҳар биримиздан буни талаб қилиш учун бу жуда ҳам узоқ вақт”. Бу одамлар, келажак ҳақида қарор қабул қилишнинг иложи йўқлигини, чунки ўз хиссиётларини эртанги кун бошқаришга аранг қодир бўлган-

ларида, йигирма йилдан сүнг нима ҳис қилишларини билмасликларини таъкидлашмоқда.

Кўпчиликка таниш бўлган “Мисс Джексон” қўшиғида, хип хоп йўналишидаги “Out Kast” гурухи, жамиятнинг кайфиятини ифодалаб беришган:

Сизнинг қизингиз билан орамизда нимадир содир бўлмоқда.

Сиз, бу болаларга хос ошиқлик дейсиз.

Биз, бу балоғатдаги ҳиссиёт деймиз.

Умид қиласанки, биз ҳар доим шундай ҳис қиласиз.

Сиз табиат кўйнида базм қилишни режалаштиришингиз мумкин.

Бироқ сиз об-ҳавони олдиндан башорат қилишга қодир эмассиз.

“Мисс Джексон” қўшиғи бу – ундан ҳомиладор бўлиб қолган, аммо энди у қизга нисбатан севги туйғусини бошқа ҳис қилмаётган эркакнинг, шу ёш қизнинг онаси қарисидаги узридир. Афсуски бу қўшиқ, “менга” лаззат бағишлиши керак бўлган никоҳ ва севгига нисбатан кенг тарқалган дунёқарашни энг юксак даражада акс эттиради. Бундай дунёқараш, бизга нима тўғри ва нима нотўғри эканлигини бизнинг ҳиссиётларимиз уқтиради деб ўйлашимизга ҳамда биз уларни бошқара олмаслигимизга ишончимиз комил эканига асослангандир. Агар мен ўзимни баҳтиёр ҳис қиласам, унда, шубҳасиз, мен бирон нимани ўзгартиришим мумкин. Нихоят, мен, ўзимнинг ҳиссиётларимни, об-ҳаводаги ўзгаришларни бошқара олмаслигимдан кўра кўпроқ бошқара олмайман. Ёки Out Kast куйлаётганидек, табиат кўйнида атло даражадаги базмни режалаштириш мумкин, аммо об-ҳавони олдиндан башорат қилиб бўлмайди.

Шундайлар ҳам борки, улар, никоҳ тушунчасини даврнинг ўзгаришига мослашишини исташади. Улар: “Нима учун биз кўпроқ қайишқоқ бўла олмаймиз? Агар оила институтига яшаб кетиши тақдирни белгиланган бўлса, унда эркаклар билан эркаклар ёки аёллар билан аёллар ўртасидаги бирликни ҳам қонунлаштириш зарур”, – дейишади. Баъзи машхур одамлар, никоҳ битимининг шартлари қайта кўриб чиқилмагунича, ҳатто никоҳ тузишдан бош тортмоқдалар. Шуни қўшиб ўтмоқчимизки, ҳар бир

## 18 НИКОХ ТАРИХИ

никоҳ, шубҳасиз, доим мослашиши ва ривожланиши керак, аммо унинг таърифи, моҳияти ва иштирокчилари ўзгармас бўлиб қоладилар.

Ҳўш, кимга қулоқ тутишимиз керак? Никоҳ нима эканлигини таърифлаш ва бу таърифни қайта кўриб чиқиш ҳуқуки кимга тегишли? Никоҳ бизнинг ҳаётимизга қандай таъсир қилишини гапириш учунким салмоқ ва ҳокимиятга эга?

Биз, бунга факат Худо эга эканлигига ишонамиз. Унинг Сўзи шундай дейди:

“Сен эмас, Худо никоҳни яратган. Худонинг Рухи унинг ҳатто энг кичик қисмларини тўлдиради... Шундай қилиб, никоҳингизнинг руҳини ичингизда асранг” (Мал. 2:15, The Massage таржимаси).

Бу оят шубҳаларга ҳеч қандай ўрин қолдирмайди: “*Сен эмас, Худо никоҳни яратган*”. У нафакат никоҳни яратган, лекин шунингдек, икки одамни бир танага айлантириш жараёнида Ўзи шахсан иштирок этади. Ҳар бир никоҳ турли хил кўпгина таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг баъзилари оддий, баъзилари эса ҳаддан зиёд мураккабдир, лекин Худо Ўзининг Рухи билан никоҳнинг ҳатто энг сирли қисмларини ҳам жонлантиради (хаёт билан тўлдиради).

Малахи пайғамбарнинг китоби 2:15да қандай ёзилганига эътибор қилинг: “*Худонинг Рухи унинг (никоҳнинг) ҳатто энг кичик қисмларини ҳам тўлдиради*”. Бошқача сўз билан айтганда, Худо бизга, ўзимизнинг никоҳимизга ижодий ёндашибимизга йўл қўяди, бироқ У, никоҳ нима ва ким унинг иштирокчиси бўлиши кераклигини ҳал қилиш ҳуқукини Яратувчи сифатида Ўзининг ихтиёри остида қолдирган. Худонинг розилигисиз ва иштирокисиз, никоҳни тузиб бўлмайди, У эса асосий ҳақиқатни аниқ равшан қилиб айтган: “*Чунки Мен – Раббийман, Мен ўзгармайман*” (Мал. 3:6).

### ОРТГА, АДАН БОҒИГА

Келинг, боқقا қайтамиз. Икки дарахт ёдингиздами? Уларнинг бири – яхшилик ва ёмонликни билиш дарахти, Одам Ато ва Ҳаввага ундан

ейиш таъкиқланган ягона дарахт. Худо уларни, агар улар ўша дарахтнинг ҳосилини ейишса, ўлим билан ўлишлари ҳақида огоҳлантирган эди. Бироқ бу дарахтдаги нимадир, уларни Худонинг огоҳлантиришига кар бўлишларига ва таъкиқланган ҳосилни ейишга мажбурлади.

“Хотиндаракхтнинг озиққа яхши, кўзга ёқимли ва донолик бериши учун ардоқли эканини кўриб...” (Ибт. 3:6, курсив муаллифларники).

Ўз-ўзидан маълумки, ўша боғдаги кўп дарахтлар озиққа яхши ва кўзга ёқимли эди. Аммо одамни Худонинг ўрнигача кўтаришга қодир бўлган ҳосиллар дарахти умуман бошқа гап! Ҳавва, у аллақачон эга бўлганидан-да кўра кўпроқ нимадир бор деб ўйлади. Аёл қандай қилиб эга бўлмаган нарсасига (Худо билан тенглик) бирданига авралгани, шу билан бирга, аллақачон потенциал ҳолда эга бўлган нарсасини (донолик) йўқотиб қўйгани, биз учун ажабланарли кўринади.

Одам Ато ва Ҳавва Худонинг таъсири ва ҳокимиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда Худо каби бўлишни истадилар. Улар ўзларига тегишли бўлмаган ўринга кўз тикдилар. Биз уларнинг қарори ва уларнинг авлодларидан бирининг қарори ўртасида қанчалик кескин қарама-қаршиликни кўришимиз мумкин.

“Масих Худонинг киёфасида бўла туриб, Худога тенг бўлишни ўғирлик деб хисобламади. Аммо У Ўзини паст олиб, кулнинг киёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, кўринишида инсон каби бўлди” (Флп. 2:6,7).

Одам Ато билан Ҳавва Худонинг сиймосида яратилган эдилар, аммо улар Унга тенг эмас эдилар. Бирон ниманинг сиймоси, унинг тўлиқ кўриниши ҳақида эмас, лекин унинг акси ҳақида гапиради. Худо билан тенглик ҳақидаги ёлғон вაъда – эркакни ва аёлни, улар аслида маҳрум бўлган бўлишса-да, ниманидир кўлга киритдик деб ўйлашга мажбур киласди. Улар доноликни кўлга киритмадилар, улар алданган эдилар.

Алданган ва итоатсиз жуфтни боғдан қувиб юборишиди. Уларнинг тақдирига, энди ҳеч қачон ҳаёт дарахтининг ҳосилига қўл тегизмаслик белгиланган эди. Бу ҳаёт бахш этувчи мевасиз, улар ўлимга маҳкум эдилар. Улар ўлишди, уларнинг бояни эса узок ўтмишда қолиб кетди. Шундай бўлсада, улар бизларда – уларнинг авлодларида яшашни давом

## 20 НИКОХ ТАРИХИ

эттиришмоқда. Эркаклар ва аёллар ерда энди абадий ҳаётга бошқа эга эмаслар, лекин никоҳ – ҳаёт давом этиши учун воситадир.

Хушхабарнинг мазмуни шуки, Масиҳнинг хочи, энди бизнинг охирги ҳаёт дараҳтимиздир. Боғда йўқотилган ҳамма нарсани У тиклайди. Диёнатли никоҳ ҳам ҳаёт берувчи дараҳт каби хизмат қилиши мумкин. У яқинлик ва насл учун зарур бўлган шароитларни таъминлайди. Мана нима учун, биз ўз никоҳимизни хурмат қилишимиз, унинг руҳини ардоқлашимиз ва бир-биримизни қаттиқ севишимиз Худо учун шунчалик муҳим.

Боғдан бугунги кундаги воқеликка бўлган сафарда, қандайдир муҳим мулкимизни йўқотиб қўйганимизни бизга айтиши учун, ўзаро муносабатлар бўйича гуруга мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ. Бугунги кунда кўпгина никоҳлар, ҳаёт берувчи дараҳтга умуман ўхшамайдилар. Ажралишлар, хиёнатлар, кўнгил қолиш, баҳтсизлик ва хафагарчиликлар оиласаримизни бузмокдалар. Севги тушунчасини шу қадар янгилиш ҳолатда кўрсатиш оқибатида, кўп одамлар никоҳнинг мақсадини ва ҳаттоқи, нима учун улар умуман олганда оила куришни исташаётгандарини ҳам тушунмаяптилар. Бошқалар эса, икки ўт орасида шунчаки тирик қолишга ҳаракат қилишмоқда. Улар учун никоҳ – хавфсиз бандаргоҳ эмас, ҳарбий ҳаракатлар худудидир.

### 3-кун

#### СЕВГИ МАНБАИ

“Худди ёзилганидек, сизлар туфайли мажусийларнинг орасида Худонинг номи куфрланмоқда” (Рим. 2:24).

Бизлар, Масиҳнинг танаси, айтилганидек яшамасак ва севмасак, одамлар Худонинг исмини куфрлашади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки агар биз ўзимизни масиҳийлар деб атайдиган бўлсак, унда биз Масиҳнинг элчилари бўлиш номига даъвогарлик қилган бўламиз. Ҳавориј Повул шундай ёзган:

“Чунки Худо Масихда одамларнинг гунохларини ҳисобга олмасдан, дунёни Ўзи билан яраштириди ва бизга яраштириш Сўзини топширди. Шундай килиб, биз Масих ҳаки элчилармиз ва гўё Худонинг Ўзи биз орқали инсонлардан ўтиниб сўрайяпти. Биз Масих ҳаки ёлвораяпмиз...” (2 Кор. 5:19,20).

Элчи – бу ҳокимият улушига эга бўлган, юборилган одам ёки вакилдир. Масихийлар сифатида, биз Масих номидан гапирамиз. Накадар ажойиб имтиёз! Бизни Худонинг яраштириш хизматида иштирок этишга таклиф килиб, ҳатто даъват қилдилар. Биз ўзимизнинг сўзларимиз ва ишларимиз билан Худонинг номидан гапирамиз. Бу ҳаётимизнинг мақсадидир. Биз – ерда Худонинг Шоҳлигини тарқатувчи Унинг ҳамкорларимиз.

Хўш, Масих биздан, Ўзининг элчиларидан нимани илтимос қилди? Раббий Исо шундай деди:

“Сизларга янги амрни бераяпман: Бир-бирингизни севинглар. Мен сизларни севганимдек, сизлар ҳам бир-бирингизни севинглар” (Юх. 13:34).

Худога шарафки, биз бу вазифани ўз кучимиз билан бажаришимиз керак эмас. Муқаддас Ёзув аниқ айтмоқдаки, мақсадларимизни амалга оширишимиз учун биз (бизнинг ҳаммамизни кутқариш учун У хочда амалга оширган ишнинг шарофати билан Унинг инояти меросхўрлали) энг аввало Масихда бўлишимиз кераклигини аниқ айтмоқда. Фақат ўшандагина биз, Унинг Рухининг ўзгартиришга қодир бўлган кучида харакат қила оламиз ва факат ўшандагина биз бир-биримизни, У бизни севгани каби сева оламиз.

Иноятнинг янги аҳдида, Худо бизга, уни бажара олишимизга куч бермасдан аввал, ҳеч қачон вазифа бермайди. Биз Масихда бўлганимиз туфайли, Унинг Рухи бизга ва бизнинг оиласларимизга Унинг ҳузурини ва севгисини бу дунёга намоён қилиш имконини беради. Бироқ агар Унинг севгисини аввал ўзимиз бошдан ўтказмасак, унда уни бошқаларга бера олмаймиз. Эфесликларга ёзилган мактубда (3:16–19), ҳаворий Повул Масихнинг севгиси қудратини олиш учун калитни таклиф қилмоқда:

## 22 НИКОҲ ТАРИХИ

“...токи Худо Ўз шуҳратининг бойлиги бўйича Ўзининг Руҳи орқали сизларга ички инсонингизда курдат билан кучайишни ато этсин, ҳамда имонингиз орқали Масиҳ сизларнинг юракларингиздан жой олсин, токи сизлар севгида илдиз отган ва ўрнатилган бўлиб, барча муқаддаслар билан бирга кенглик ва узуңлик, чуқурлик ва баландлик нималигини англаб олинглар ҳамда Худонинг бор тўла-тўқислиги билан тўлишингиз учун Масиҳнинг ақл бовар қилмас севгисини билиб олинглар” (муаллифларнинг курсиви).

Масиҳнинг севгиси ҳақида ваҳий олиш учун, биз аввал Худога, У бизни Ўзининг Руҳининг ички курдати билан тўлдиришига имкон беришимиз керак. Бироқ бу, агар биз ҳаётимизни Унга бўйсундирмасак амалга ошмайди. Ҳаётингизни Унга топширганинг заҳоти, сизда доимо Унинг севгисида ўсиш имкони пайдо бўлади ва бу саёҳат, охир оқибат сизни тўлаконли ва мазмунга бой ҳаётга олиб келади. (Ҳаётингизни қандай қилиб кўпроқ Масиҳга бўйсундириш ҳақида 271-саҳифага каранг).

Демак, ҳаворий Повул, Масиҳнинг севгисини таниб-билиш натижасида намоён бўладиган курдат ҳақида ёзган эди, кейинги иккита оятда эса, у бу курдатнинг мақсадини изоҳлаб берган:

“Шундай қилиб, мен, Раббий учун маҳбус бўлган одам, сизлардан шуни ўтиниб сўрайман: Худо сизларни даъват қилганда давлатингизга муносиб тарзда яшанглар. Доимо камтар ва мулоим бўлинглар. Бир-бирингизга бардош билан, севги билан чиданглар. Бор кучингиз билан руҳнинг бирлигини саклашга харакат килинглар, уни тинчлик ришталари билан мустаҳкамланглар” (Эф. 4:1-3, муаллифларнинг курсиви, замонавий таржима).

Ҳаворий Повулнинг, “даъватимизга муносиб тарзда” яшашимиз кераклиги ҳақида сўзларига эътибор қилинг. У яна қайтадан бизнинг мақсадимиз ҳақида гапирмоқда: яъни, мақсадимиз Худонинг севгисини, ҳақиқатни ва ҳаёт йўлини (Унинг шоҳлиги) дунёга намоён қилишдир. Худонинг севгисини ҳақиқатан таниб-билимасак бунинг иложи бўлмайди. Назарий билимлар етарли эмас. Биз Худонинг севгиси билан шахсан учрашганимизда, ўшандагина ўзимизнинг ҳаётимизни ва никоҳимизни даъватимизга муносиб тарзда куришга куч оламиз.

Бу лавхада ҳаворий Повул, кўп ҳолларда ўзи шундайлигича оиласларда энг яхши муносабатларни намоён қилувчи хулкнинг маълум кўринишини тавсифлаб берган, булар: оддийлик, камтарлик, сабр-тоқат, бир-бирларининг хатоларини кечириш хамда бирлик ва тинчликни сақлаш учун ғайрат қилишлик. Эфесликларга йўлланган мактубнинг кейинги бобида, никоҳ ва оила мавзуига оид Муқаддас Ёзувнинг энг машхур оятларини кўришимиз тасодиф эмас. (Муқаддас Ёзувни бобларга ва оятларга бўлишни, жамоат факатгина ўн учинчи асрга келиб қабул қилгани ёдингизда бўлсин, ҳаворий Повулнинг илк мактубида, боблар ва оятларга бўлиниш ҳали йўқ эди). Эфесликларга йўлланган мактубнинг биринчи тўрт бобларида, эҳтимол, ҳаворий Повул, ўз ўқувчиларининг юракларини, мактубининг энг муҳим мавзуи – Худонинг севгисини фундаменталбилишни талаб қиласиган никоҳ ҳақидаги фундаментал ҳақиқатларга тайёрлагандир?

Демак, кетма-кетлик шундаки, бирор инсонни севишдан аввал (у хоҳ эр бўлсин, хоҳ хотин бўлсин ёки ҳар қандай бошқа одам бўлсин), сиз, Худонинг сизга бўлган севгисининг чукурликларини ўзингиз учун кашф қилишингиз лозим. Сизнинг Худонинг севгисини таниб-билишингиз, “иккинчи қўллардан” бўлган маълумотга таяна олмайди, сиз шахсий кечинмага эга бўлишингиз даркор. Сиз Масиҳнинг севгисини бошдан кечирганингизда – Худодан чиқаётган ҳаётнинг бутун тўликлиги ва кучига эга бўлган бир бутун одамга айланасиз. Фақат ўшандагина сиз, даъватингизга муносиб тарзда яшайоласиз. Муносиб ҳаёт ва севги учун зарур бўлган куч Худонинг сизга бўлган чексиз севгисини шахсан ва яқин билиб олишдан келиб чиқади. Агар сизнинг шахсий мақсадингиз, ерда Масиҳнинг вакили бўлишдан иборат бўлса, унда сизнинг нижохингизнинг мақсади нимадан иборат?

Келинг, гапни Худо севги эканлигидан бошлаймиз. Севги бу, Худо шунчаки қилаётган бирон нима эмас. Бу, Унда бор бўлган бирон нима эмас. Севги бу – Унинг Ўзидир. Никоҳ бу – севги институти бўлиб, Худо томонидан ўрнатилган биринчи институтдир. Бироқ никоҳ, нафақат Худо томонидан ўрнатилган биринчи институт бўлиб, бу шунингдек, Худонинг бизга, яъни Унинг жамоати ва келинига бўлган севги-

## 24 НИКОҲ ТАРИХИ

сининг ва бизларга бағишланганлигининг чуқурлигини тасвирлаш учун ишлатадиган назмий рамзиdir. Келин ва куёв – Жамоатнинг ва Масихнинг рамзиdir.

Бу чуқур рамзлик кам одамлар томонидан тан олинган, аммо никоҳ анъаналарини кирилиб кетишига ёрдам берадиган бошқа чуқурроқ сабабларни ва мақсадларни тушунтириб беради. Эр-хотинлик битимиға (унинг тавсифига, вазифаси ва илохий илдизларига) бўлган таҳдид нафакат сиёсий ва ижтимоий “таракқиёт” томонидан юзага келмоқда. Биз танага ва қонга қарши курашмәтганимизни ва бизнинг душманимиз хукумат ёки бирон бир ташкилот эмаслигини, Муқаддас Ёзув бизга аниқ айтмоқда (Эфес. 6:12га қаранг). Илохий никоҳ битими тушунчасини бузиб ва нотўғри талқин қилиб, куну тун меҳнат қилаётган, бизнинг жонимизнинг душмани бўлмиш ҳақиқий душман бор. Худонинг бизга бўлган севгисини ва Унинг ҳалқи билан бўлмиш ўзаро муносабатлари ни намоён қилиш учун Худо томонидан никоҳ асослари тайинланган ва бу асосларни батамом бузиб ташламагунича, душман никоҳга ҳужум қилишни тўхтатмайди. Боз устига, шайтон, биз Худонинг ўзгартиришга қодир бўлган севгисини таниб-билишимизни ва қабул қилишимизни янада кўпроқ истамайди. Лекин Худонинг инояти билан биз бу душманни шикастлашимиз ва Худо бизга ҳамда бизнинг оилаларимизга тайёрлаб қўйган барча баракатларини олишимиз мумкин.

### РАББИЙ ИСО НИМА ҲАҚИДА ЎЙЛАМОҚДА?

Худо нафакат никоҳни яратган, лекин шунингдек, унинг учун режа ва ўзгармас мақсадни ўйлаб қўйган. Никоҳнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги қайноқ мунозаралар аллақачон минг йиллар давомида олиб борилишига қарамасдан, Худо аввалгидек Ўзининг илк режасини маҳкам тутиб келмоқда. Оила ва никоҳ саволлари бўйича, Ўзининг энг машҳур сұхбатларидан бирида, Раббий Исо фарзийларга нима деганига эътибор қилинг:

“Фарзийлар ҳам Үнга келиб, Уни васвасага солиб: — Ҳар қандай сабабга кўра эркак ўз хотинидан ажralиши мумкинми?- деб сўрадилар. Уларга жавобан деди: — Яратувчи азалдан уларни эркак ва аёл қилиб

яратганини ўз Мұқаддас Ёзувларингда ўқимаганмисизлар? Шунинг учун инсон ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва икки киши бир тана бўлади. Шунинг учун улар энди иккита эмас, балки бир тадирип. Демак, модомики Худо икки хил жинсдан бу органик бирликни яратган экан, хеч ким, уни бўлакларга бўлиб, Худонинг санъат асарини булғамаслиги керак” (Мт. 19:3-6, The Message таржимаси).

Фарзийлар қонунни билишлари билан қониқкан эдилар, бироқ Раббий Исо, улар севги кучини тушунишларини истаган эди.

Худо, эркаклар ва аёлларни бир-бирлари учун яратганини инкор этиб бўлмайди. Никоҳга кираётиб, тирик битим тузиш учун улар ўз ота-оналарини қолдирадилар. Қарама-қарши жинсдаги одамлар бирга қўшилганларидан сўнг, хеч ким уларнинг бирлигини ажратмаслиги керак.

### **НИМА УЧУН ХУДО АЖРАЛИШЛАРГА БУ ҚАДАР ЖИДДИЙ ҚАРАЙДИ?**

Мұқаддас Ёзуvnинг The Message таржимаси, ажралишни, Худонинг санъат асарини булғаш деб атайди. Модомики никоҳ – Худонинг санъат асари, У яратган ажойиб муносабатлар экан, бу нарсанинг ўзи ажралишни шу қадар катта ёвузликка айлантироқда.

Булғаш бу – хурматсизлик қилиш ёки бирон бир мұқаддас нарса устидан зўравонлик қилиш деганидир. “Булғамоқ” сўзининг синонимлари, булар – бадном қилмок, масхара қилмок, нопок қилмок, шаккоклик қилмок, ҳақоратламоқ, зўрлик қилмок, оёқ ости қилмок сўzlаридир. Бу барча кескин сўzlар, зўрлик қилиш маъносини бермоқда. Биз сизларга Мұқаддас Ёзуvnинг The Message таржимасини тақдим қилдик, лекин бу масалада Мұқаддас Ёзуvnинг ҳар қандай таржимаси, Худо бирлаштирганини ажратиш оғир жиноят эканини айтмоқда. Контекстни ўрганиб чиқиб, биз сўzsиз, Раббий Исо шунингдек, барча никоҳлар ҳакида гапирмоқда деган хulosага келамиз.

Агар кимдир Леонардо да Винчининг “Мона Лиза”сини булғаганида эди, бутун дунё қандай жавоб беришини тасаввур қила оласизми? Барча хабарлар ва янгиликлар, бу ўтакетган жаҳолат ҳаракати ҳакида жарсолған бўлар эдилар. Айбдор ўша заҳоти бутун жамият томонидан хукм

## 26 НИКОҲ ТАРИХИ

қилиниб, эҳтимол, бутун умрини қамоқда ўтказган бўлар эди. Буюк санъат асарларидан бирини булғашга, қандай қилиб кимнингдир ҳадди сигиши мумкин? Леонардо тик турган бўлар эди.

Демак, Худо никоҳга, Унинг севимли ижодида ифодаланган буюк санъат асарларидан бирига каби қарайди. Раббий Исонинг никоҳга бўлган эҳтиросли муносабати, Унинг фарзийларга берган жавобида аниқ кўриниб туради. Уларга, Раббий Исонинг сўзларини қабул қилиш жуда қийин эди, шунинг учун улар, Унга жавоб беришдан шунчаки бош тортдилар. Никоҳни Худонинг илк режаси нури остида англамасдан, улар Мусо қонуни ортига яшириниб олдилар, бу эса ўз навбатида, уларга никоҳда қолиш учун куч бериш ўрнига, уни қолдиришга рухсат берди.

“Улар эса Исога: — Нимага унда Мусо ажралиш хати беришга ва у билан ажралишга амр қилган? — дедилар. У уларга: — Мусо сизларнинг тошюрак эканлигингиз учун сизларга хотинларингиз билан ажрашишга рухсат берган, — деди, — лекин бу Худонинг азалий режасида йўқ эди. Менэса сизларга илк режа ҳакида гапирайпман ва айтаманки, кимки ўзининг содикҳотинидан ажралиб бошқасига уйланса, ўша одам қонун бўйича зино қилган бўлади” (Мт. 19:7-9, The Message, инглиз тилидан таржима).

Одамларнинг юраги қаттиқлиги туфайли, Мусонинг қонунида ажралишга рухсат берилган. Бу ишга йўл қўйилган, аммо бу Худонинг илк режаси эмас эди. Янглишманг – Худо ажралишдан нафратланади. Эр-хотин ажрашганида, Худонинг ижодининг сирларидан бири бузилиб, бўлакларга бўлинади (Эфесликларга мактуб 5:31,32да никоҳ шундай таърифланган).

### 4-КУН

#### ЯНГИ ЮРАК

“Мен эса сизларга илк режа ҳакида гапирайпман ва айтаманки, кимки ўзининг содикҳотинидан ажралиб бошқасига уйланса, ўша одам қонун бўйича зино қилган бўлади” (Мт. 19:7-9, The Message, инглиз тилидан таржима).

Демак, шуни қайтариб ўтамизки, Раббий Исо, бизга, бажара олишимизга куч бермасдан аввал, биздан бирор нима қилишимизни сўрамайди. Бизнинг эр-хотинлик иттифоқимиз учун бўлган Худонинг режаси Унинг кўлидадир ва биз унда яшай олишимиз учун У бизга керакли бўлган ҳамма нарсани беришни истайди. Мусонинг қонуни, тошбагирлик туфайли эр-хотинлик мажбурияти талаблари даражасини пасайтирган, лекин Раббий Исо Масиҳнинг қурбонлиги орқали, биз тошдан ясалган эмас, балки Муқаддас Рух яратган янги юракларга эга бўлдик.

“Мен сизларга янги юрак бераман ва сизнинг ичингизга янги рухни соламан. Сизнинг танангиздан тош юракни олиб ташлайман ва сизга этиюрак бераман” (Эз. 36:26).

Биз Янги Аҳдда бу сўзларнинг акс-садо берганини кўрамиз. Ҳаворий Повул бизларни шундай рухлантирмоқда:

“...чунки бизга берилган Муқаддас Рух орқали Худонинг севгиси бизнинг юракларимизга қўйилди” (Рим. 5:5).

Бизларнинг ўзимиз юракларимизни янгилай олмаймиз. Бу Худонинг кудрати ва Унинг севгисининг кучига боғлиқдир. Бизлар эса ўз навбатида бўйсуниб, Унинг кучини қабул қилиш учун жавобгармиз. Ёдингизда бўлсин, Худо ҳеч қачон сизни, Ўзининг севгисини куч билан қабул қилишга мажбур қilmайди. У ҳеч қачон Ўзини бизга мажбуран тиқиширмайдиган ювош Шахсdir.

Бироқ модомики, бизларга, Худонинг севгисини қабул қила оладиган, янги юраклар берилган экан, биз, никоҳ ва ажралиш масаласи бўйича, Худонинг ilk режаси ҳақидаги Раббий Исонинг жиддий сўзларини тушуна оламиз.

Муқаддас Ёзувнинг The Message таржимасида “liable” сўзи қўлланилган (бунинг маъноси “қонун бўйича жавобгар; қонун олдида жавоб бера оладиган” деганидир) ва бу сўз, ўзининг содик эри ёки хотини билан ажрашаётган одамнинг ҳолатини таърифлаб беради. Бу қийин вазифа бўлиб туюлиши мумкин, лекин Худо бизни бундай юкори даражага кўтарган экан, демак унга лойиқ келишимиз учун У бизга иноят беришга янада кўпроқ тайёрдир. Бироқ модомики, бу саёҳат осон эмас экан,

## 28 НИКОХ ТАРИХИ

кўпчилик одамлар, айниғайрат қилиш керак бўлган вактда ундан воз кечмоқдалар.

Бир тадқиқот маълумотларига биноан, никоҳдаги ҳар учта баҳтсиз жуфтларнинг иккитаси, ажралишдан бош тортиш шарти бўйича яшаганларида, беш йил ичидаги баҳтли бўлиб кетишар экан. Шу боис – таслим бўлманг! Сизнинг никоҳингиз қандай ҳолатда эканлигини билмаймиз, бироқ ҳаттоқи, сиз ўзингизни умуман ночор ҳис қилган тақдирда ҳам, барибири умид бордир. Сизнинг муваффақиятингиз тоғлар ортида эмас! Раббий Исо яхши никоҳларни янада яхшироқ қилиш ва бузилгандарини тиклаш учун келди.\*

### ИСТИСНО

“...Мен фақат эри ёки хотини хиёнат қилиши ҳолатларини бундан истисно қиласман” (Мт. 19:9, The Message, инглиз тилидан таржима).

Раббий Исо илк режада истисно борлигини билдири. Аммо, хиёнат бўлган ҳолларда ҳам никоҳнинг тақдирни – бу ҳар доим танловдир. Агар сизнинг эрингиз (хотинингиз) хиёнат қиласа, сиз у билан қолишга мажбур эмассиз, бироқ уни қолдиришга ҳам мажбур эмассиз. Қайси йўлни танлашингиздан қатъий назар, сиз барибири уни кечиришингиз керак.

Кечирав ва ярашув ўртасида катта фарқ бор. Сиз, сизни тунаб кетган одамни кечиришингиз керак, аммо бу, сиз ўгрини уйингизга таклиф қилишингиз керак, дегани эмас. Агар эр-хотин аҳдни, имонни ва ишончни оғир бузишдан сўнг, бирликни тиклай олсалар, ярашув фақат шу ҳоллардагина имконлидир.

Биз ҳеч қачон хиёнат доғида азобланмаганмиз, бироқ биз, бу даҳшатни бошидан кечирган дўстларимиз ёнида туришимизга тўғри келган. Улардан баъзилари, ярашиш йўлини танлаган эдилар. Улар парчаланган аҳднинг бўлакларини бирлаштиришга уриниб, машаққатли

\* Сизга ёки сизнинг болаларингизга хавф тугилган бўлса, бундай вазиятларда қолишнинг кераги йўқ. Агар эрингиз сизни калтаклайдиган бўлса, ўзингизни хавфсиз қилиш учун, дарҳол қандайдир чора кўринг. Мадад ва химоя учун жамоат ёки маҳаллий ҳокимият билан боғланинг.

иши амалга оширдилар. Ўша воқеаларнинг ҳар бирида, бевафолик қилган томон, ўз қилмишидан қайгуриб, тўлиқ синиқликка ва тавбага келган эди. Келинг, аниқлик киритамиз: тавба қилиш бўлмаса, ярашувнинг иложи йўқдир. Ҳаттоти, Худо ҳам, Ўзининг чексиз эзгулиги ва шафқатлилигида, У билан ярашувга келишимиздан аввал, онгимиз ва юрагимизни ўзгартириш учун биздан тавба қилишимизни талааб қиласди.

Биз, яраша олмаган бошқа жуфтлар билан ҳам танишмиз. Улар айблов юкини ҳис қилишлари керак эмас. Раббий Исо хиёнатнинг бутун тубини тушунади ва шунинг учун зарур истиснога борди. Бизлар Худо дўстларимизни дуо қилганини ва ажralишнинг оқибатларидан уларни тиклаганини кўрганмиз.

Агар сиз ажralишни бошдан кечирган бўлсангиз, бу ҳодиса олдиндаги тақдирингизни белгилашига йўл қўймасликка сизни даъват қиласмиз. Ажralиш – ўтмишингизнинг бир қисми бўлиб қолади ва бу ҳодиса, сизнинг келажагингиз манзараси қандай бўлишини ҳал қилиши шарт эмас.

Ўтмиш сизга тегишли эмас. У Худога тегишли. Худонинг келажагингизга бўлган режаларини бузиш учун жонимизнинг душмани сизнинг ўтмишингиздан фойдаланишга ҳаракат қиласди. Ёдингизда бўлсин, Худо сизга бугунги кунни берган ва сизнинг бугунги қарорларингиз кечаги кунни эмас, эртанги кунингизни шакллантиради. Агар сизнинг қарорларингиз ёмон бўлган бўлса, Худонинг донолиги ва кучини қабул қилинг. Тавба орқали бўйсуниб ўзингизни паст олинг ва ҳатто энг зулмат вазиятларни ҳам ўзгартиришга қодир бўлган Унинг инояти мўъжизасини бошдан кечиринг.

### **МЕН БОШИ БЕРК КЎЧАДАМАНМИ?**

Худонинг никоҳ учун режаси ҳақидаги Раббий Исонинг сўзлари кулоққа кескин эшитилган ва маълум бўлган тартиб қоидаларга тўғри келмаган бўлса керак. Раббийнинг шогирдлари, Унинг сўзларидан руҳланиш ўрнига, қайтанга хафа бўлдилар. Улар қандай арз қилаётгандарига эътибор қилинг:

## 30 НИКОҲ ТАРИХИ

“Агар никоҳнинг шартлари бунаканги бўладиган бўлса, унда биз боши берк кўчадамиз. У холда уйланишнинг умуман нима кераги бор?” (Мт. 19:10, The Message таржимаси, муаллифларнинг курсиви).

Боши берк кўчада? Оилавий хаётга нисбатан бундай назар ташлаш накадар даҳшатли. Шундай бўлишига қарамасдан, бизлардан кўпчилигимиз ўша шогирдлар каби никоҳга бизни чеклайдиган ва эзадиган муносабатлар деб караймиз. Қанча ёлғиз эркаклар ва аёллар ўз хаётларини тўғри келмайдиган одам билан боғлашдан қўрқиб, чорасиз аҳволда қолишмоқда.

Бирок биз шуни англадикки, никоҳ учун энг муҳими тўғри одамни топиш эмас, балки ўзимиз тўғри одам бўлишимиздир. Бизни нотўғри тушунманг, эр ёки хотин қидираётиб, Худонинг маслаҳатини ва Муқаддас Рухдан тинчликни излаш муҳимдир. Аммо кўп ҳолларда биз, Тўғри жаноб ёки Тўғри хоним, ҳаётимизнинг ҳамма очик ёриқларини мўъжизавий равишда тўлдиради, деб ўйлаймиз. Ҳеч бир одам бу масалани ҳал қилишга қодир эмас. Бу ишга фақатгина Худо қодир. Шунингдек, бирорта одамни ўзимизнинг орзуимизга тўғирлаб, уни ўзгартиришнинг иложи йўқдир. Бирок, Худонинг поклаш жараёнини қабул қилиб, ўз ҳаётини беҳад садоқат билан бугунги кундаги инсонга ёки агар бундай инсон ҳали бўлмаса, унда бўлажак эрига (хотинига) ишониб топширган аёл (эркак) бўлиш мумкин. Ўз ҳаётингизни бошқа одам учун бағишли ганингизда, ўзингиз учун яшаганингиздан кўра кўпроқ лаззат топганингизни пайқаб қоласиз.

Матто баён этган Хушхабарда (6:22), кўз – бутун тананинг чироги эканлиги айтилган. Бунинг маъноси, бирор нимага қандай нигоҳ билан карашингиз, сизнинг воқелигингизга айланади, деганидир. Шунда никоҳингизни боши берк кўча сифатида кўриш Худо никоҳингизда ва у орқали қила олиши мумкин бўлган ишларни чеклайди. Агар сиз ўз никоҳингизга, чорасиз қопқонга карагандек қарасангиз, унда у худди ўша нарсага айланади. Сизнинг руҳий кўришингиз, охир оқибат, сизнинг табиий вазиятларингизни белгилайди ва никоҳ бундан мустасно эмас.

Эҳтимол сиз шундай деб ўйларсиз: “Жон, Лиза, сизлар жуда кўп нарсани сўрайапсизлар. Сизлар, мен ўз ҳаётимни эримга (хотинимга)

ишониб топширишимни истаяпсизларми? Бу бемаънилик-ку. Менинг эҳтиёжларим-чи, менинг умидларим ва орзуларим, улар нима бўлади? Раббий Исо мени баҳтли бўлишимни истайди. Сизлар гапираётган сўзлар – шунчаки қизиқарли ва фойдали фикрлар”. Сизни ишонтириб айтамизки, Худо чиндан ҳам сизга баҳтни истайди, бироқ ҳақиқий баҳт, бу каттароқ мақсаднинг ва интилишнинг ҳосилидир. Баҳт, баланд мақсадга етишиш жараённида тугилади, ҳар қандай муносиб мақсад эса, сиздан бор кучингиз билан ҳаракат қилишингизни талаб қиласди. Ҳақиқий баҳтга фақатгина худбинликни қўпориб ташлаб эришиш мумкин. Никоҳ эса, худбинлик билан курашиш учун аъло даражадаги мухитдир.

Тимоти ва Кэти Келлерлар: «Агар эр-хотинларнинг икковидан ҳар бири: “Никоҳда, мен ўзимнинг худбинлигимга асосий муаммо сифатида қарайман”, – деб айтишса, унда уларда, энг ажойиб оила қуриш учун ҳамма имкониятлар бор», – деб ёзишган. Худбинлик бизни, буюк никоҳдан лаззатланиб яшашдан айиради, бу эса ўзимизни курбонликка келтириш, никоҳда тўлиқлигича роҳатланиб яшашимизнинг қалитидир деганидир. Агар сиз билан эрингиз (хотинингиз) ўртасида таранг муносабатлар бўлса, унда, ҳойнахой муаммонинг манбаи – худбинлиқdir.

## 5-кун

### НИКОҲНИНГ КЕНГЛИГИ

“Лекин Исо уларга деди: — “Эр-хотинлик ҳаёти билан яшаш учун ҳамма ҳам етарлича етук эмас. Бу учун маълум даражада қобилият ва ионят талаб қилинади. Никоҳ ҳамма учун ҳам эмас. Кимдир тугилганидан хеч ҳам эр-хотинлик ҳаёти ҳакида ўйламайди, бошқалар бу ҳакида хеч қачон сўрашмайди ёки қабул қилишмайди, учинчилари эса Осмон Шохлиги учун ўзлари уйланмасликка қарор қилишган. Бироқ, агар сиз никоҳ кенглигига улғайишга қобил бўлсангиз, унда буни амалга оширинг” (Мт. 19:11,12, The Message таржимаси, муаллифларнинг курсиви).

Шогирдлар боши берк кўчани тасаввур қилаётган бир вақтда, Раббий Исо, уларнинг борлиги чегараларини кенгайтириш қурдатига эга

## 32 НИКОҲ ТАРИХИ

эканлигини изхор килар эди. Раббий Исо никоҳни қопқон сифатида кўрмайди. У никоҳни, сизнинг ҳаётингизни кенгайтиришга қодир бўлган муносабатлар сифатида кўради.

Никоҳ ўзининг иштирокчилари сони ва қадрини камайтираётган бўлиб кўриниши мумкин; ахир охир оқибат икки одам бир танага айланишмайдими? Бироқ никоҳкамайтирмайди ҳам, бўлмайди ҳам, аксинча кўпайтиради. Икки одам бир танага айланишганида, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида кўпайиш содир бўлади. Худо Ҳаввани яратмасидан аввал, Одам Атога ҳосилдор бўлиб кўпайиш буйруғини бермаган эди, бу амр фақатгина дунёга фарзанд келтиришга тааллукли эмас эди. Никоҳдаги ҳақиқий кўпайиш имкониятини баҳолашнинг иложи йўқ, у ўлчаш учун жуда ҳам каттадир.

Сизларни ишонтириб айтамизки, агар бизнинг никоҳимиз бўлмаганида эди, ҳозир сизлар бу китобни (ёки икковимиздан биримиз ёзган ҳар қандай бошқа китобни) ўқимаган бўлар эдингиз. Ҳар биримизнинг ҳаётимиз оддийгина бўлган бўлар эди. Мен (Жон), бугун ким бўлсанм, ўша эканлигимнинг сабабчиси, Худонинг инояти ва Лиза Бивер шахсидаги Унинг инъомидир. Ҳар доим ҳам никоҳда бизга осон бўлганми? Албатта йўқ! Аммо Худо, ҳаётимни ҳар томонлама кўпайтириш учун, бизнинг никоҳимизни ишга солди.

Мен (Лиза) ҳам худди шуни хис қилмоқдаман ва У менинг ҳаётимни эрим орқали кенгайтиргани учун Худодан миннатдорман. Биз турмуш курганимизда, асосан ўзимга ишончим бўлмагани туфайли, мен одамлардан жуда ҳам қаттиқ кўркар эдим, чунки беш ёшлиқ вақтимда, саратор хасталиги туфайли бир кўзимни йўқотиб қўйган эдим. Жонменинг кўркувим ҳақида билар эди, лекин барибир, менинг ҳаётимдаги Худонинг инъоми ҳақида гапирав эди. Унинг далда бериши менга Худонинг режасига эргашишим учун ёрдам берди, менинг ҳаётим кенгайди ва ҳайратланарлиси, одамларга кўп хизмат қила бошладим.

Биз аллақачон айтиб ўтганимиздек, Худо бизга кўпайиш амрини берганида, У факатгина фарзандларни дунёга келтириш ҳақида гапирган эмас эди. Худо эркакнинг ва аёлнинг қўшилиши, (бу ўзи билан оддий математик қўшиш, бир плюс бир намунасини намойиш қиласади)

буюк күпайиш учун имконият яратишини билган эди. Бу негиз ҳаёти-мизнинг ҳар бир соҳасида: ишда, оиласда, рухий ва қолган барча соҳаларда содик ишлайди. Никоҳда Худо бизга ҳар қандай тўсиқларни сура оладиган кучни берган. Агар ҳаётингизда баракат ва кўпайиш етишмаётган бўлса, унда жанжаллашишни тўхтатиб, эрингизни (хотинингизни) хурмат қилишни ва сидқидилдан севишни бошланг.

### БУ ОСОН ЭМАС

Моҳир ҳарбий стратег сизга, буюк жангга тайёргарликнинг муҳим таркибий қисми – бу душманни ва унинг режаларини жуда яхши билиш эканини айтади. (Нима деб ўйлайсиз, нима учун футбол командалари, ўз ракибларининг ўйинлари ёзилган видеотасвирларни кўришга шу кадар кўп вақт сарфлашади?) Душман никоҳларга, айниқса, масиҳий никоҳларга ҳужум қилганида, унинг мақсади оилани бўлинишга олиб келиш ва ҳокимиятни қўлга киритишидир. Билим бизга унинг маккорликларига қарши туришга имкон беради.

Ўз никоҳларимиз учун курашаётib, биз Худонинг мағкураси учун курашган бўламиз. Ёдингизда бўлсин, никоҳни сиз эмас, Худо яратган. Шайтонни ундан нафратланишининг сабаби – никоҳ нафақат жинсий алоқа эканлиги, балки у шунингдек рухий бирлик эканлиги учундир. Ўзининг муҳимлиги ва аҳамиятилиги сабабли, никоҳнинг қаршилиқ билан тўқнашиши муқаррар. Лекин сизлар, мукофот орқасидан олдинга интилишингиз керак (Флп. 3:14га каранг). Раббий Исо ҳеч қачон: “Ҳаммаси осон бўлади”, – деб айтмаган. Аслида У ҳатто, бизларни қўйидаги сўзлар билан курашувга чақирди:

“Эр-хотинлик ҳаёти билан яшаш учун ҳамма ҳам етарлича етук эмас. Бунинг учун маълум даражада қобилият ва иноят талаб қилинади”  
(Мт. 19:11, The Message таржимаси).

Етуклик кўпроқ ўсиш ва ўрганишга тайёрлик билан белгиланади. Ўзининг “Муқаддас никоҳ” китобида, муаллиф Гэри Томас шундай деб ёзган: “Агар сиз Раббий Исога кўпроқ ўхашни истасангиз, никоҳ ту-

## 34 НИКОҲ ТАРИХИ

зишдан кўра яхшироқ йўлни тасаввур қила олмайман. Эр-хотин бўла туриб, ўзимизнинг феъл-атворимизнинг шунақанги муаммолари билан юзма-юз келамизки, агар эр-хотин бўлмаганимизда эди, улар билан ҳеч качон тўқнаш келмаган бўлар эдик”. Раббий Исо бизларга никоҳдаги ҳаётда феъл-атворимизнинг хом хусусиятлари очилишини англатмоқда, бироқ агар биз Унинг иноятида ўсишни истасак, (бу эса бўйсуниб ўзини паст олишни, бегаразликни, сабр-тоқатни талаб қиласди) унда аста-секин биз никоҳнинг кенглиги билан лаззатланишни бошлаймиз.

### ШАРТНОМАМИ ЁКИ АҲДМИ?

Одамлар кўпинча, никоҳ аҳдига шартнома деб қарайдилар. Бу эса муаммодир. Шартнома – бу бор-йўғи харакатни чеклаш учун яратилган келишувдир. У аниқ шундай дейди: “Мана бу ерда чегаралар бор. Келишувни бузмагин. Агар шартларни бузсанг, мен келишувни бекор қилиш ҳукуқига эгаман”. Бошқача сўз билан айтганда, мен бу ерда тўхтаб қолган эмасман.

Шартнома – бу яна феълдир ва Мерриам Уэбстернинг луғати бўйича: “қисиши ва эзиши йўли билан қискартириши”, – маъносини англатади. Бу Раббий Исо никоҳнинг кенглиги деб атаган муносабатларга ҳеч ҳам ўхшамайди. Никоҳ бизнинг ҳаётимизни қисиши эмас, кенгайтириши керак.

Худо никоҳга, оддий шартномага қарагандек қарамайди, У никоҳни руҳий аҳд сифатида кўради. Бу: “Мен бутунлай ўзимни, бутунлай сенга бераяпман. Мен бутунлай ким бўлсам ва менда бор бўлмиш барча нарса сенга тегишли ва сенда бор бўлмиш барча нарса энди менга тегишли. Бу ажойиб алишув туфайли, биз нима ишга қўйл урсак, барчаси ўсади, кўпаяди ва каттаради”, – деб ҳайқираётган келишувдир. Аҳд завқ билан: “Мен шу ерда тўхтадим! Шунинг учун мен хурсандман”, – деб ҳайқирмоқда. Бу – мана шунақанги ўсишдир.

Ҳаворий Повул Эфесликларга шундай деб ёзган:

“Эрлар, худди Масих жамоатни севиб, у учун Ўзини фидо қилганидек, ўз хотинларингизни севинглар” (Эфесликларга 5:25, муаллифларнинг курсиви).

Масих Жамоатни севгани каби, эрлар ҳам ўз хотинларини севишила-рига, хаворий Повул эркакларни руҳлантирган. Бу севги эса, шартномадан анча каттароқ бўлган, аҳд севгисининг худди ўзиdir. Эркаклар, сизлар ҳатто ўзингизга катта севги хис қилмаётган бир вақтда, Раббий Исо сизларни севиши учун нахот хурсанд эмассизлар? Раббий Исо, сиз ва Ўзи ўртасидаги муносабатларга ҳеч қаҷон бу Уни боши берк кўчага киритиб қўйган қандайдир шартномага қарагандек қарамаслиги сизни кувонтиrmайдими? Ўз қалликларимизга нисбатан ҳаракатларимизда ва муносабатимизда Масихга ўхшаш бўлиш бизнинг мақсадимизга айла-ниши керак. (Қолаверса, хаворий Повул фақат шунинг ўзида тўхталиб қолмаяпти. У давом эттириб, биз ўз ҳаётимизни хотинимиз учун бери-шимиз кераклигини айтмоқда. Мана бу буйруқ!).

Эфесликларга йўлланган мактубнинг 3-бобида нима деб ёзилгани ёдингиздами? Ҳаворий Повул бу сўзларни ёзишидан бироз олдин, у Худонинг Ўз халқига бўлган севгисининг чукурлигини таърифлаб берган эди. Икки бобдан кейин эса, у худди ўша севги бизнинг оиласларимизни тўлдириши лозимлиги ҳакида амр бермоқда, токи бизлар “Масих Жамоатни севгани каби” севайлик.

Бизларнинг никоҳларимиз, Масихнинг Ўз Қаллиғига нисбатан сев-гисини тасвирлаб бериш учун мўлжалланган. Агар Унинг одамлари орасидаги муносабатлар севгидан, кучдан, уйғунликдан ва бағишли-нишдан маҳрум бўлса, унда Раббий Исони билмайдиган одамлар, нима учун У билан муносабатга киришишни хоҳлашлари керак? Никоҳ қан-чалик муҳим эканлигини кўраяпсизми? Гап фақат шахсан сиз ҳақингиз-да эмас, балки Ўз севгиси билан бу дунёга эришишни зўр иштиёқ билан орзу килаётган Худодадир.

Биз аввал юкорида айтиб ўтганимиздек, эримизга (хотинимизга) нисбатан бўлган севги, Худонинг ўзимизга нисбатан бўлган севгисини қабул қилишдан оқиб чиқиши керак. Бундай чукур севгини яратиб бўл-майди. Бу севгини севгиси инсон аклидан юкори бўлган Зотдан қабул қилиш зарур.

Худо никоҳдаги муносабатларга оддий ёндашмаслигини тас-диқлашда бизларбиринчи бўламиз. Бизнинг оиласларимизда ҳам муносабат-

## 36 НИКОХ ТАРИХИ

ларни узиб ташлаш биз учун энг осон йўлдек туюлган вақтлар бўлган. Ҳар қандай умид йўқотилгандек туюлар эди. Аммо ҳозир ўттиз йилдан ортиқ давр мобайнида эр-хотин эканмиз, биз аввалги ҳар қанақанги вақтдан ҳам баҳтлирокмиз ва кейинги ўттиз йилга ҳам биз умид ва орзу билан қарамоқдамиз.

### ҲАЁТ ДАРАХТИМИ ЁКИ ЎЛИМ ДАРАХТИМИ?

Мен (Лиза) боғда ишлашни яхши кўраман, аммо Жон бу ишга мен каби қизикмайди. Унга боғнинг ҳосиллари ёқади, аммо уларни етишириш учун зарур бўлган меҳнат унга ёқмайди. Боғ катта меҳнат ва қўп вақтни талаб қиласди. Жоннинг баҳтига биз, Whole Foods супурмаркетидан, автоулов учун бир неча дақиқалик масофада яшаймиз, шу боис у ўз кўлларини кир қилишига эҳтиёж йўқ.

Никоҳ ҳам худди боғ сингари, қўп вақт ва кучни талаб қиласди. Агар биз никоҳимиз соғлом бўлишини истасак, унда “фаст фуд” варианти бизлар учун эмас, боз устига, никоҳ боғида меҳнат қилиш каби бундай жуда яхши ишдан қочиш мумкин эмас. Нима учун? Чунки биз нима учун меҳнат қисак, ўшани қадрлаймиз ва бизлар ўз никоҳимизни қадрлашимиз зарур. Сизларга яхши хабар бор (гоҳида шунинг ўзи ёмон хабар ҳам бўлиши мумкин): сиз ўз никоҳингизга экаётган барча экинларингизни ҳаётингизнинг бошқа соҳаларида ўриб оласиз. Шу бобнинг ўзида, юқорида, биз никоҳнинг моҳиятини тадқиқ қилиб чиқдик ва уни ҳаёт дарахти билан таққосладик, лекин у ўлим дарахти бўлиши ҳам мумкин.

Келинг яна бир бор, Адандаги бу икки дарахтларнинг таърифига на-зар ташлаймиз.

Дарахтларнинг иккови ҳам бир хил ижобий шароитларда ўсар эди. Шунга қарамасдан, уларнинг бири ҳаёт баҳш этса, бошқаси ўлимга олиб келар эди.

Худонинг никоҳ институти худди тупроқ ер каби, сизнинг ҳозирги ёки келажакдаги никоҳингиз эса дарахтга ўхшайди. Никоҳнинг илк ре-

жаси – сизнинг иттифоқингиз ўса оладиган яхши пойдевордир, аммо танлов сизнинг ўзингизда: сизнинг никоҳингиз ҳаёт келтирадиган да-рахт бўладими? Сизнинг турмуш ўртоғингиз, оиласиз, дўстларингиз ва хамкасларингиз, шу озуқа туфайли севги, кувонч ва тинчлик оладиларми? Ёки унинг хосилини истеъмол қилаётганларга у хафсаласи пирлик, худбинлик ва алам келтирадими?

Кўпчилик одамлар никоҳ институтининг ўзини бизларнинг муаммоларимиз манбаи деб ҳисоблайдилар. Бошқалар ўз турмуш ўртоқларини айблайдилар. У томон ҳам, бу томон ҳам ўзларининг юраклари бузуклигини тан олишдан ва уни тўғри ҳолатга келтиришдан бош тортмоқдалар. Биз умид қиласизки, сизларда энди ҳаммаси ўзгача.

Бу саёҳатни давом эттиришдан аввал, қарор қабул қилиш зарур. Сизнинг никоҳингиз Раббий уни қандай режалаштирган бўлса, шундай бўла олишига ва шундай бўлишига ишонишни танлашингиз керак.

Эҳтимол сиз: “Кўрганимдан сўнг ишонаман”, – деб ўйлаётгандирисиз. Аммо ўзгаришларга ишониш ҳар доим кўринарли ўзгаришлардан олдин боради, чунки Худонинг барча ваъдалари ишонч билан қабул қилинади. Яхши янгилик шундан иборатки, сизнинг никоҳингиз факатгина сиз эмассиз, лекин аввалимбор унинг ортида Худо турибди. Сизнинг барча килишингиз керак бўлган ишингиз, бу бор-йўғи ўзингизни енгиш ва Худога Худо бўлишни кўйиб беришдир. Ахийри, сизнинг никоҳингиз – бу Унинг санъат асаридир. Агар сиз Унга ижозат берсангиз, У никоҳингизни ажойиб дурдона асарга айлантиради.

## 1-кун. Кундалик ўқиши учун

### НИКОХНИНГ ФАСЛЛАРИ

“Ҳар ишининг ўз фурсати бор ва осмон остидаги ҳар нарсанинг ўз вақти бор”.

— Воиз 3:1

Баҳор, ёз, куз, қиши – буларнинг ҳар бири, ўзининг қувончи ва ўзининг қийинчиликларига эга бўлган тўртта ҳар хил фасллардир. Никоҳ кўп жиҳатдан йилнинг фаслларига ўхшаб кетади. Ўзингизнинг оиласидан ҳаётингизда, сиз турли хил даврларни бошдан кечиравасиз, баъзиларидан эса такороран ўтасиз. Ҳар бир мавсумда ўрганса бўладиган ҳаётий сабоклар ва ўсиш учун кўп имкониятлар мавжуд. Муаллиф ва чўпон **Чарлз Свингдолл**, мавсумлар ҳакида шундай фикр юритади:

“Худо даврлар ва фаслларни ўзгартираётганидан мен хурсандман, сиз-чи? ...Устоз индамасдан турмаяпти ва У учун барибир эмас. У бизларнинг даврларимизни ва фаслларимизни ўзгартироқда. Ўзгарувчан фаслларнинг бутун ҳаёти орасида, янги сирларга жавоблар топмай ва янги мусикаларни ўрганиб чиқмай, бир хиллик бўйлаб кўр-кўронга кезиши қанчалик бемаънилиқдир. Фасллар биз чукурроқ бўлишимиз ва Ходойимизнинг йўлларида донорок бўлишимиз учун яратилган, токи биз сув оқими бўйида ўтказилган дарахтлар каби кучли бўлиб ўсишимизга ёрдам беришсин...”.

Турмуш ўртоғингиз билан ҳаётингизда ўтган қайси фаслларни энг ажойиб деб айта оласиз? Уларни қискача таърифлаб беринг ва нима учун улар сиз учун шу қадар ўзига хос эканлигини тушунтириб беринг.

---

---

---

Сизлар, эр-хотин жуфтлик сифатида қандай энг қаттиқ довулларни бошдан кечиришингизга тўғри келган? Сиз улардан қандай қилиб ўтдингиз ва Раббий сизларни нимага ўргатди?

---



---



---

*Ёрдам учун Вонзнинг китоби 3:11, Римликларга 8:28; 2 Коринфликларга 2:14 ларни ўқиб чиқинг.*

Атрофингизга қараб чиқинг. Сизнинг назарингизда никоҳингиз ҳозир қайси фаслда турибди? Ундан янада кўпроқ роҳатланиш учун сиз нима қилишингиз мумкин?

---



---



---

*Танаффус қилиб, ибодат қилинг. “Раббий, биз яшаётган ҳаётимизнинг ҳозирги вактдаги фаслидан кўпроқ роҳатланишимиз учун нима қилишимиз мумкин? Сен қандай кўраётган бўлсанг, биз хам атрофимиздаги барча нарсаларни шундай кўришимиз учун кўзимизни очгин. Мана шу фасл туфайли биз келажакда ўриб оладиган барча яхши ҳосилларни қадрлашимизга ёрдам бергин. Рабби Исо номи билан, омин”.*

Йиллар ўтгани сари, сизнинг никоҳингизнинг ўзига хос “излари” тобора аникроқ бўлиб бормоқда. Бир қанча вактни сукут сақлаб ўтказиб, никоҳингизни нима ўзига хос қилаётганини баҳоланг. Сизда ва эрингизда (хотинингизда) бор бўлган инъомлар, истеъ dod, феъл-атвор, орзулар, мақсадлар, ташвишлар ва ҳоказолар ҳакида ўйлаб кўринг.

---



---



---

*Ибодат қилинг ва Муқаддас Руҳдан сизнинг муносабатларингизнинг ноёблигини очишини ва У сиз оркали ҳамда сизнинг иккинчи ярмингиз оркали аниқ нима қилишни исташини сўранг. У сизга нимани очган бўлса, шуларни ёзиб қўйинг, сўнг шулар ҳакида эрингиз (хотинингиз) билан бўлишинг.*

2-кун. Кундалик ўқиши учун

## ХУДО НИКОХНИ ЯРАТГАН

“Никоҳни сен эмас, Худо яратган.

Худонинг Руҳи никоҳни, унинг энг кичик қисмларигача тўлдириб туради”.

— Малахи 2:15, The Message таржимаси

Барча маълум бўлмиш институтлар яратилишидан аввал никоҳ институти яратилган эди. Чўпон ҳамда ажойиб ҳикоянавис **Макс Лукадо**, бу ҳақида қўйидаги сўзларни айтган:

“Худо никоҳни яратган. Уни бирорта ҳукумат муассасаси жорий қилган эмас, бирорта ижтимоий ташкилот ишлаб чиқарган эмас. Никоҳ Худонинг онгига пайдо бўлган ва туғилган”.

Худо никоҳни яратган ва никоҳ Худо учун шунчалик мухимки, У муносабатларингизнинг ҳатто энг майда соҳаларига ҳам иштирок этишни истайди. Унинг Сўзи шундай дейди: “Бизнинг ичимиизда яшаши учун Худо жойлаштирган Рух, бизларга ташнадир ва Худо, биз Унинг Руҳини рашкли севги билан қабул қилишимизни жудаям қаттиқ истайди” (Ёкуб 4:5, кентайтирилган таржима).

Барча ишингиздан, ташвишларингиздан маълум вақтга тўхтанг ва ўйлаб кўринг. Сиз Худонинг Руҳини никоҳингизнинг барча соҳаларига таклиф қилдингизми? Кундалик режаларингизда Унинг маслаҳати сиз учун мухимми? Агар сиз Уни фақатгина вақти-вақти билан таклиф киляётган бўлсангиз, унда таклиф қилишни унугтган пайтингизда хаётингиздаги фарқ қанчалик яққол кўринади?

---

---

---

---

Сизда хар қандай вактда, хар қандай жойда, истаган мавзуингиз ҳакида Худо билан суҳбатлашиш имтиёзи бор. Сизга ўз қўрқувларингизни, моддий қийинчиликларингизни, муносабатингиздаги муаммаларни эплаш қийин бўлаяптими? Нима учун ташвишларингизни ибодатда Худога келтириб кўрмайсиз? Муқаддас Ёзувнинг куйидаги парчаларини дикқат билан ўқиб чиқинг ва Муқаддас Рух сизга нима деса, шуларни ёзib олинг.

Филиппиликларга 4:6,7 • Матто 6:25-34 • 1 Петъор 5:7 • Ёкуб 5:13-16.

---



---



---

Матто 7:7-11 • Юханно 14:13,14 • 1 Юханно 5:14,15.

---



---



---

*“Мана, Худога нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди. Агар Худо барча сўраётганларимизни тинглаётганини билсан, Ундан сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз”.*

— 1 Юханно 5:14,15

Худо сизнинг никоҳингизни жанг майдонига айланишини истамайди. У никоҳни Адан боғига – яъни роҳатланиш ва лаззатланиш жойига айланишини истайди. Ўзи сиз Худодан никоҳингизда қандай ўзгаришларни энг кўпроқ истаган бўлар эдингиз? Жавоб бергач: “Бу ўзгаришлар амалга ошиши учун мен нима қилишим мумкин? Менинг ўзимда нимани ўзgartиришим зарур?” – деб Ундан сўранг.

---



---



---

## 3-кун. Кундалик ўқиши учун

# МАСИХНИНГ ВАКИЛЛАРИ

*“Биз – Масиҳнинг вакилларимиз. Улар ўз келишимовчиликларини қолдиришиларига ва Худонинг яратиштирув меҳнатига киришиларига эркак ва аёлларни даъват қилиши учун, Худо билларни ишлатмоқда. Биз ҳозир Масиҳнинг номидан гапиromoқдамиз...”*

— 2 Коринфликларга 5:20, The Message таржимаси

Борликни яратган, ҳар нарсага қодир Яратувчи Худо, Ўзининг табиатини дунёга намоён қилиш учун ва Ўзининг иродасини ҳамда Ўзининг йўлларини заминга етказиши учун Унинг ҳамкаслари бўлиш имтиёзини бизларга тухфа қилди. Бу ҳар бир кишига алоҳида ҳам, оиласвий жуфтларга ҳам тегишилдир. Муаллиф ва миссионер чўпон Рик Реннер, бу ҳакида шундай деб тушунтирмоқда:

“Хаворий Повулнинг Коринфликларга йўллаган иккинчи мактубидағи 5:20да ёзилган сўзларига биноан, бизлар – самовий делегатлар, элчилармиз ва Само вакиллари сифатида ер сайёрасига жўнатилганмиз. Масиҳнинг элчилари сифатида, биз Самоларнинг овозимиз. Унинг вакиллари сифатида, биз Раббийнинг номидан гапириш ва ҳаракат қилиш хукуқига эгамиш. Самоларнинг элчилари сифатида, биз тўлик мададга, тўлик маблағ билан таъминланишга, тўлиқ химояга ва Само ҳокимиятининг ҳамда манбаларининг тўлиқ кўмагига эгамиш!”

Оиласвий жуфт сифатида, сиз бу дунёга Худони тақдим киласиз. У имонсизларни Унга қайтишларини ёлвориб сўраб, “сиз орқали ўтинмоқда”. Сиз нақадар жозибага эгасиз? Агар сиз Худони билмаганингизда эди ва айнан оиласвийнинг нусхасини учратганингизда эди, унда уларнинг муносабатларидағи қайси жиҳатлар сизни Худога жалб қилган бўлар эди? Қайси жиҳатлар сизни Ундан юз ўгиришга мажбур қилган бўлар эди?

---

---

---

---

Одамлар, Масиҳнинг Танасида ёмон турмуш тарзи олиб борилишини ва севги етишмаслигини кўрганларида, Худонинг исмини куфрлайдилар (Рим 2:24). Муқаддас Рух сизга ўзгартиришингиз зарур бўлган бирор соҳани кўрсатаяптими? Балки бу юриш-туришингиз ёки муносабатларингиздир, ёки эр-хотинлик ҳаётингиздаги Уни салбий қилиб кўрсатаётган жиҳатлардир. Агар жавобингиз “ҳа” бўлса, унда ҳаётингиздаги айнан қайси соҳани Муқаддас Рух сизга кўрсатмоқда?

---



---



---

*Умидсизлик ёки маҳкумликни хис килиш керак эмас! Муқаддас Рух сизга нимани кўрсатишидан қатъий назар, У ўзгаришлар келтиришни истайди. Сиздан бор-йўғи Унга бўйсунишингиз ва Ундан ёрдам сўрашингиз талаб қилинади, холос.*

Раббийнинг қанчалик яхши эканини бу дунёга кўрсатишимиз учун бизнинг ҳаётимизда ўсишимиз ва ўрганишимиз керак бўлган соҳалар бор. Қандай қилиб буни амалга оширасек бўлади? Унинг Рухининг ҳукуклари ва имкониятларини кенгайтириш орқали! Унинг севгисини шахсан қабул қила туриб, сиз ўз турмуш ўртоғингизни ва атрофингиздаги одамларни сева олиш қобилиятини оласиз. Қуйидаги оятларни дикқат билан ўқиб чиқинг ва Муқаддас Рухнинг севгисини қандай қилиб олиш ва қандай қилиб унда ўсиш ҳақида У сизга нимани очса, шуларни ёзиб қўйинг.

Римликларга 5:5. Эфесликларга 3:16–19.1. Юҳанно 4:7–17.

---



---



---

*“...Худо – севгидир ва севгига жо бўладиган одам Худода жо бўлади, Худо эса унда жо бўлади. Севги бизда шундай камолотга эришиадики...”.*

— 1 Юҳанно 4:16,17

## 4-кун. Кундалик ўқиши учун

### ЯНГИ ЮРАК

*“Мен сизларга янги юрак бераман ва сизнинг ичингизга янги руҳни соламан. Сизнинг танангидан тош юракни олиб ташлайман ва сизга этлиюрак бераман. Ўз Рухимни сизларнинг ичингизга соламан ва сизларни Менинг амрларимда юрадиган қиласман ҳамда сизлар Менинг низомларимга амал қилиб, уларни бажасасизлар”.*

— Эзекил 36:26,27

Сиз никохга кўркув ва ташвишлар билан ёндашишингиз мумкин. Балки шахсий ташвишларингиз ёки маданиятингиздаги тартиб қоидалар, сизни никохга оғир юк сифатида қарашга ундаётгандир. Балки сиз ўз юрагингизни омадсизликдан кўркиш билан қаттиқлаштириб қўйгандирсиз. Балки сиз ҳам: “Наҳот мен боши берк кўчадаман?” – деб сўрагандирсиз. Сиз гуллаб-яшнашингиз ва Худонинг ilk режасини бажара олишингиз учунХудо барча тўсиқларни синдириб, сизга Унинг севги билан тегишига сезгир ва юмшоқ бўлган янги юракни совға қилишни истайди.

Раббий Исо учун сизнинг юрагингиздан муҳимроқ бирор нима йўқ. Луқо баён этган хушхабарнинг 8:5–15да айтилган Раббийнинг сўзлари ни диққат билан ўқиб чиқинг. Бу парчада Муқаддас Рух сизга нимани кўрсатмоқда? У сизнинг юрагингиз ҳакида сизга нима демоқда?

---

---

---

*Уруғ сепувчи ҳакидаги масал Матто 13:3–23 ва Марк 4:3–20 да ҳам ёзилган.*

Юрагингизда нима борлигини сиз ўзингиз била олмайсиз. Буни фақат Раббий оча олади ва шифолай олади.

Кўйидаги ҳақиқатлар ҳақида маълум вакт фикр юритинг.

“...зоро Раббий барча юракларни синайди ва фикрларнинг барча ўйларини билади. Агар сен Уни изласанг, Уни топасан...”.

— 1 Йилнома 28:9

“Инсоннинг юраги барча нарсадан кўра айёрдир ва ниҳоятда бузукдир. Ким уни била олади? Мен, Раббий ҳар бир одамнинг йўлига яраша ва унинг ишларининг ҳосилларига яраша унга қаримтасини бериш учун юракнинг ичига синчилаб қарайман ва ичини текшираман”.

— Йермиях 17:9,10

“Ё, Худо, мени текшириб, юрагимни билиб олгин. Мени синаб, фикрларимни билиб олгин. Назар сол: мен хавфли йўлда эмасманми? Мени абадий йўлга йўналтиргин”.

— Санолар 138:23,24

Барча ишларингиздан тўхтаб, шундай деб ибодат қилинг: “Раббий, менинг никоҳимга юрагимнинг муносабати қандайлигини кўрсатгин. Унда нима борлигини менга очгин, токи Сен уни шифолай олгин. Раббий Исо номи билан, омин”. Сўнг сукут сақлаб туринг. Унинг жавобига кулоқ солинг. У сизга нимани кўрсатса, шуларни ёзиб олинг ва барчасини Унинг кўлига топширинг.

---



---



---



---

Сизга Худонинг севгисини ва шафқатини қабул қилишга тайёр бўлган янги юрак керакми? Агар никоҳ учун керак бўладиган ёрдамни тайёрлаб кўймаганида эди, Самовий Отангиз сиз учун никоҳни режалаштирган бўлар эди. Нима учун ҳозирнинг ўзида Ундан ёрдам сўраб кўрмаймиз? Сиз кўйидагича ибодат қилишингиз мумкин:

“Самовий Отажон, оилавий ҳаёт инъоми учун Сенга ташаккур. Ўз никоҳимга нисбатан мени нотўғри назар ташлашга ундаётган ва шу оркали унинг баракатларидан маҳрум қилаётган барча қаршиликлардан мени озод килгин. Менга юмшоқ ва Сенинг таъсирингга сезгир бўлган янги юрак бергин. Сен никоҳимни қандай кўраётган бўлсанг, мен ҳам шундай кўришим учун менга янги кўзлар бергин. Ҳаммаси ёмонрок бўлишини кутмасдан, балки яхширок бўлишига ишониш им учун менга ёрдам бергин. Барча ишларимизда Сени биринчи ўринга кўйишимиз учун бизга ёрдам бергин. Раҳмат Сенга Самовий Отажон. Раббий Исо номи билан, омин”.

## 5-кун. Кундалик ўқиши учун

### НИКОҲНИНГ КЕНГЛИГИ

“...Эр-хотинлик ҳаёти билан яшаши учун ҳамма ҳам етарлича етук эмас. Бунинг учун маълум даражада қобилият ва иноят керак... Бироқ, агар сиз, никоҳнинг кенглигига улгая олсангиз, унда уйланинглар ва турмушига чиқинглар”.

— Матто 19:11,12, The Message таржимаси

Кенгайтириш — бу катталаштириш ёки кучайтириш демақдир. Никоҳнинг Яратувчиси Раббий, сизнинг никоҳ иттифоқингизни кенгайиш воситаси сифатида ишлатмоқчи. Агар сиз, Унинг усталарга хос бўлган режасини амалга ошишига имкон берсангиз, У эрингиз ёки хотинингиз орқали ҳаракат қилиб, сизни кўпроқ Раббий Исога ўхшаш қиласи ҳамда килаётган барча ишингизда муваффақиятли бўлишингизга имкон беради.

“Темир темирни чархлаиди, одам эса ўз дўстининг никоҳини ўткир қиласи”.

— Ҳикматлар 27:17

Айтишларича, никоҳда қарама-қаршиликлар бир-бирларига тортилар экан. Бунда эса куч бор: айнан турли хиллик, бизларга бир бутун бўлишишимизга имкон беради. Бироқ вақт ўтгани сайин, бизни бир-биримизга тортган жиҳатларимиз, энди бир-биримиздан итаришни бошлиши мумкин.

Эрингиз (хотинингиз) шахсидаги, бошида сизни ўзига жалб қилган учта жиҳатларни айтинг. Энди эса, сизни ҳозир ундан итараётган учта жиҳатларни айтинг.

Улардан бирортаси бир-бирига тўғри келаяптими?

Мени кўпроқ жалб қилган жиҳатлар:

Мени ҳаммасидан кўра кўпроқ ранжитадиган жиҳатлар:

---

---

---

---

---

Ёдингизда бўлсин, фарклар бизларни ажратиши эмас, бирлаштириши керак.

Худонинг Рухи сизга ва сизнинг хотинингизга (эрингизга) донолик сўзларини гапиради, Унинг маслаҳати ҳар доим ҳам фақатгина иккавингиз бирга ибодат қилганингизда берилмайди. Кўп ҳолларда, Худо эр-хотиннинг иккови ҳам билиши керак бўлган Ўз маслаҳатларини алоҳида, уларнинг бирига айтади. Худо томонидан берилган ва баракатли қарорларни қабул қилиш учун У ҳар бирингизга берган ваҳийларни чуқур англаш зарурдир. Навбатдаги саволларга рост жавоб беринг:

Мен доноликка, йўналтирилишга, ўз турмуш ўртоғимнинг барпо ки-  
лувчи танқидига очиқманми ёки ёпиқманми?

Қайси соҳаларда мен очиқман? Қайси соҳаларда мен ёпиқман? Нима  
учун?

Сиз хозир ким бўлсангиз, шундай шахс бўлиб шаклланингизга асосий ҳиссани, сизга Худо томонидан берилган умр йўлдошингиз қўшади. Эрингиз (хотинингиз) билан муносабатлар натижасида, феъл-авторингизда сиз эришган хеч бўлмаса битта сифатни ёки ижобий ўзгаришни айтиб беринг. Сизнинг ҳаётингизни кенгайтириш учун Худо уларни қай тарзда ишлатмоқда?

Ҳаётингизни кенгайтиришдаги ва ҷархлашдаги ёрдами учун эрингизга (хотинингизга) бирор марта бўлса ҳам миннатдорчилик изҳор қилганимисиз? Агар қилмаган бўлсангиз, унда ҳозирнинг ўзидаёқ унга ўз миннатдорчилигингизни изҳор қилинг.

# МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз бу китобни “Messenger” хизматидан «Никоҳ тарихи» материалларининг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, 1 видеодарсни кўринг.

- 1| Энг бошиданоқ никоҳ Худонинг ғояси эди. У никоҳни яратган ва У никоҳ учун мақсад ва режага эга. Ибтидо 1:27, 28, 31 ва Малаҳи пайғамбарнинг китоби 2:15 ни дикқат билан ўқиб чиқинг. Никоҳнинг Худо тасдиклаган бешта ўзига хос хусусиятларини айтиб ўтинг. Ёнига эса, уларни алмаштириб қўйишни истаётган, шайтоннинг бешта бузук, сохта хусусиятларини ёзинг.

ХУДОНИНГ МАҚСАДЛАРИ

---

---

---

---

ШАЙТОН БУЗГАН ҚАРАМА-ҚАРИШИЛИК

---

---

---

---

- 2| Художўй никоҳлар, қайси одамларнинг ҳаётига тегинса, ўшаларнинг ҳаётига таъсир қиласидар. Ажойиб оила қурган жуфтларни аита оласизми? Улар қай тарзда севгини сақлашнинг уддасидан чиқмоқдалар? Ўз никоҳингизнинг руҳини сақлаш учун улардан нимани ўргансангиз бўлади?
- 3| Раббий Исо шундай деган: «Демак, модомики Худо икки хил жинсдан бу органик бирликни яратган экан, ҳеч ким уни бўлакларга бўлиб, Худонинг санъат асарини булгамаслиги керак» (Мт. 19:3-6, The Message таржимаси). Органик сўзини эшитганингизда, ақлингизга нима келади? Бу янги тушунчалар, қандай қилиб сизга никоҳни янги, ижобий суратда кўришга ёрдам бермоқда?

- 4| Раббий Исо шундай деган: “Эр-хотинлик ҳаёти билан яшаш учун ҳамма ҳам етарлича етук эмас. Бунинг учун маълум даражада қоби-лият ва иноят керак... Бироқ, агар сиз, никоҳнинг буюклигига улгая олсангиз, унда уйланинглар ва турмушга чикинглар” (Мт. 19:11,12, The Message таржимаси). Никоҳнинг кенглиги қандай кўринишга эга? Биз уни қандай килиб синаб кўрсак бўлади?
- 5| Никоҳ муқаддасdir, у битта эркак ва битта аёл ўртасида, бутун умр-лик аҳд сифатида режалаштирилган. Сиз бу дарсда эшигтан ғоялардан, сўзлардан, фикрлардан қайсиси, сизни ўз никоҳингиз учун курашишга даъват қилмоқда? Янги, ижобий дунёқарашибизга қандай ваҳийларни берди?
- 6| Раббий Исо, кўз – тана учун чироқ эканлигини айтган (Мт. 6:22га қаранг). Бу сизнинг у, ёки бу нарсаларга нисбатан дунёқарашингиз катта аҳамиятга эга, деганидир, чунки вакт ўтиши билан бу дунёқарашингиз сизнинг реаллигингизга айланади ва бу ҳол айниқса никоҳингизга тегишлидир. Агар сиз ҳаётга: “Мен боши берк кўчадаман” деган назар билан қарасангиз, нима содир бўлиши мумкин?

Муқаддас Ёзув биз руҳий жангда эканлигимизни айтмоқда (Эф. 6:12,13 ва 2 Кор. 10:3,4га қаранг). Вазиятнинг бундай эканлигидан хабардор бўлиш, қандай килиб сизга турмуш ўртоғингиз билан ўзаро муносабатлардаги келишмовчиликлар ва қийинчиликларни бошқача нурда кўришга ёрдам бермоқда?

- 7| “Никоҳ тарихи” унаштирилганларга, ҳали никоҳда бўлмаганларга, шунингдек, ким аллақачон уйланган ёки турмушга чиқкан бўлса, ўшаларга ёрдам бериш учун ёзилган. Сиз қайси тоифага тегишли бўлишингиздан қатъий назар, бу китобдан нима олишга умид қилмоқдасиз? Шунга жавоб беринг.

Агар сиз никоҳда бўлсангиз, “ҳа” дейишдан олдин, нима ҳакида билишини истаган бўлар эдингиз? Сизнинг гурухингиз аъзолари орасида, ҳали оила курмаганларга қандай донолик сўзларини айтишни истайсиз?

## БОБНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ:

- Худо никоҳ аҳдини барча институтлардан аввал яратган. У никоҳнинг таърифини белгилаган ва уни ҳеч қачон ўзгартиргани.
- Худонинг тушунчаси бўйича, никоҳ – ҳаёт дарахти каби бўлиши керак. Биз элчилар сифатида, Худонинг севгисини намоён қилиш учун даъват этилганмиз ва Худо Адан боғида йўқотилган барча баракатларни, биз орқали тиклашни таклиф қилмоқда.
- Никоҳнинг ҳар бир кичик соҳаларигача Худони таклиф қилиб, ўз эр хотинлик иттифоқингизнинг руҳини сақланг. Худонинг севгисини қабул қилишингиз ва бера олишингиз учун, У сизга янги юрак беради ҳамда ўз никохингизга Унинг нигоҳи нуқтаи назаридан қарай олишингиз учун У сизга янги кўзларни беради.
- Ундан роҳатланишингиз учун Худо сизга тайёрлаб қўйган мафтункор эр хотинлик муносабатлари йўлидаги энг катта тўсиқ – бу худбинликдир.
- Эр хотинлик иттифоқига нисбатан хужум – Худонинг Ўз халқигамуносабатларига қарши хужумdir.
- Худо ҳаётимизнинг ҳар бир соҳаларини кенгайтириш учун никоҳни яратган.



## Бошлаётиб, ниҳояси ҳақида ўйланг

1-кун

**K**ўпчилик романтик кинолар ва китоблар севги тарихининг фақатгина бошини тасвирлаб беришига эътибор килгани мисиз? Ўзингизнинг энг севимли романтик севги тарихингиз ҳақида ўйлаб кўринг. (Бу ҳақида ўйлаб кўриш кимгадир жуда ҳам осон, бошқаларга эса қийинроқ бўлишини тушунамиз). Унинг сюжети қанақа? Қаҳрамон ўз севиклисининг кўнглини олаётганида, сиз хиссисиётингизжўш урганини ҳис қиласиз, шундай эмасми? Улар бир-бирларини биринчи бор ўпишга айнан энди тайёр бўлишган вақти, нимадир севишганларни чалғитганида, сиз уларнинг тақдирининг бурилиши ортидан кузатаётиб, ўриндикқа михланиб қолган бўласиз. Шубҳасиз, вақтингча тўскинликлар: рақиб, алангали тортишувлар ёки тўсатдан юз берган жароҳатлар ҳам бор, лекин биз барчаси нима билан тугашини биламиз. Уларни ажратишга таҳдид солаётган барча муаммоларга қарамасдан, баҳтиёрлик туфайли кўзлари порлаб турган севишганлар, барчасини енгишнинг йўлини топадилар ва ҳикоя: “Улар узоқ ва баҳтли умр кўрдилар”, – деган сўзлар билан якун топади.

Улар узоқ ва баҳтли умр кўрганларини биламиз, аммо бу қандай амалга ошди? Ажойиб бошланиш – ҳикоянинг осон қисмидир. Тарих-

нинг ўртаси ва охирида меҳнат қилишга тўғри келган вақт мураккаб бўлади. Турган гапки, бизнинг маданиятимиз севги тарихининг қандай бошланиши ортидан кузатишга берилиб кетган. Севишган жуфтлар тўй маросимини соатлаб режалаштирадилар, бироқ тўйдан кейинги йилларни ўйлаб кўриш учун жуда кам вақт ажратадилар. Келин тўй либосини танлашга ва кийибкўришга кўп соатлаб вақтини сарфлаши мумкин, аммо шунинг билан бирга, никоҳ масалалари бўйича маслаҳатхоналарга жуда ҳам кам вақтини ажратади. Сўнгра, ажойиб эртак тугаётганида, бу жуфт ҳақиқий муносабатлар куришга ва ўзлари умуман тайёр бўлмаган жуда ҳам воқе муаммоларни ҳал қилишга мажбур бўладилар.

Тўй кунлари умид, гўзаллик ва байрамга тўладир. Бироқ, agar жуфтлар, ўз тарихларининг баҳтли якунини, унинг бошланишидан кўра кам бўлмаган гайрат билан режалаштирасалар, умид ва узоқ давом этиши кутилган муносабатларнинг гўзалиги шундагина имконлидир. “Узоқ ва баҳтли” ибораси, биз учун қокилиш тоши бўлмаслиги керак, бу – биз йўл олишимиз ва синчковлик билан барпо қилишимиз керак бўлганманзилдир.

Атрофингизга назар ташланг ва одамзод ақлининг ажойиб ижод маҳсулотидан бирини танланг. Бу – уй, автоулов ёки ҳатто, сиз устида ўтирган ўриндик ҳам бўлиши мумкин. Сиз қайси буюмни танламанг, у яхши ўйлаб чиқилган меҳнатнинг ва моҳирликнинг натижаси бўлади. Аммо сиз, бу буюм икки марта яратилгани ҳақида, эҳтимол, ўйлаб кўрмагандирсиз. Бир марта бу, инсон ақлининг ижодий ишлаб чиқиши бўлди, иккинчи марта эса, шу лойиҳанинг реал мужассам бўлишидир. Моддий мужассамланишдан аввал, ҳар доим ижодий гоя келади. Ҳар қандай яратилаётган буюмнинг, бинонинг, автомобилнинг ва ҳ.к. биринчи конструкцияси, ўйлаб қўйилган шубуюмнинг кўринишининг аниқ суратини талаб қиласди. Иккинчи конструкцияяга эришиш учун эса, курилиш материаллари ва меҳнат талаб қилинади. Биз нимаики яратмайлик, бу хоҳ оддий бутерброд бўлсин, ёки қандайдир бир мураккаб механизм, масалан осмонўпар бино бўлсин, уларни аввал ақлимиизда тасаввур қилишимиз зарур, факат шундан сўнг уларни моддий дунёда яратишимиш мумкин.

Чизмаларсиз сиз ҳатто уй ҳақида ҳам орзу қилмаган бўлар эдингиз. Акс ҳолда, тартибсизлик келиб чиққан бўлар эди. Ҳар қандай чиройли уй, яхши ўйлаб кўйилган лойиҳадан бошланади. Фақатгина уйнинг лойиҳаси яратилганидан сўнг, сабот матонатли меҳнат ва тўғри танланган курилиш моллари ёрдамида уйни қуриш мумкин.

Чизмалар, курилишга кетадиган сарф харажатларни ҳисоб-китоб қилиш учун ҳам муҳимдир. Унга қанча маблағ кетишини билмасдан туриб, уй қуришга киришган бўлармидингиз? Ҳаётни қандай қилиб қуриш ҳақида таълим берадиганида, Раббий Исо шу саволни берган эди:

“Масалан, сизлардан қайси бирингиз минора курмокчи бўлсангиз, уни тугатиш учун унинг нарсаси етарлими, деб олдиндан қийматини ҳисоблаб чиқмайсиз? .Акс ҳолда, у пойдевор солиб, минорани тугата олмаса, шунда буни кўрганларнинг барчаси: “Бу одам қуришни бошлади-ю тугата олмади”, – деб уни масхара киладилар” (Луко 14:28-30).

Бинони қуришга нисбатан тўғри бўлган қоида, никоҳни қуришга ҳам тўғридир. Ҳўш, сиз қандай никоҳни қураяпсиз? Нархини ҳисоб-китоб қилиб чиқдингизми, никоҳни қуриш учун зарур бўлган сарф-харажатларга тайёрмисиз?

Худо никоҳимизнинг оғриқ ёки уялишимиз билан тугашини истамайди. У никоҳимиз қурилиши охирига етмасдан биз қўлимини туширишимизни истамайди. Озгинами ёки йиллар бўйи курашибми, қанчалик узоқ вақт давомида сиз эр-хотин бўлишингиздан қатъий назар, Худонинг режасидан фойдаланишни бошлаш ҳеч қачон кеч эмас. Худонинг буюклигини акс эттирадиган никоҳни қуриш учун зарур бўлган мақсадни, керакли воситаларни ва кучни биз Худода топамиз. Бу ҳайратланарли, лекин ҳақиқат шундаки, Унинг дурдона ижоди бўлмиш никоҳингиз қурилишини, баҳтли ва тўлиқ якун топишини, Худо сизга, ҳатто сизнинг ўзингиздан кўра кўпроқ тилайди.

Мазкур боб, сизни режалаштиришга ва ўз тарихингизни яхши яшаб ўтишга ўргатадиган ҳақиқатларни ўз ичига олган. Биз ҳаётнинг барча пўртаналари ва довулларини енгиб ўта олишимиз учун мустаҳкам асос қўйишга ёрдам берган ўз эр-хотинлик ҳаётимизнинг бошланиши та-

## 54 НИКОҲ ТАРИХИ

жрибаси билан бўлишамиз. Биз сизларни керакли маълумотлар билан таъминлаймиз ҳамда сизларни узок ва баҳтли оиласвий ҳаётга олиб кела-диган лойиҳани чизишни сизларга ўргатамиз. Биз негизлардан бошлаб, амалий қисм билан тутгатамиз. Бу боб нафакат янги оила курганлар ва ҳали оила курмаганларга тегишилдири, эр-хотинлик ҳаётининг ветеранлари ҳам ўз муносабатларига янгидан нигоҳ ташлаб, ундан ўзларига фойда чиқариб олишлари мумкин. Биз энди буларни амалга ошириб бўлдик!

### ХУДО БОШЛАЁТГАНИДА ЯКУНИ ҲАҚИДА ЎЙЛАЙДИ

Бошида: “Буни нима учун қиласяпмиз ва қаерга интиляяпмиз”, – деб сўрамай туриб, ахдли муносабатларга кириш нодонликдир. Ҳар бир аҳд ўзига хос мақсадга эга бўлиши керак. Масалан, Худони олайлик. Иброҳим билан аҳд тузишга қарор қиласятиб, У аниқ мақсадга эга эди.

Нима деб ўйлайсиз, нима учун Худо, Унинг танланган ҳалқининг отаси бўлишга Иброҳимни танлаган? Бу саволни бераётиб, биз кўпинчча: “Чунки Иброҳим буюк имонга эга эди”, – деган жавобни оламиз. Худонинг режасида шерик сифатида иштирок этиш учун имон ҳақиқатдан ҳам катта аҳамиятга эга, лекин Худо, Иброҳимни бошқа сабаб туфайли танлаган эди. Худо, бу одам ўз авлодларини Раббийнинг ортидан боришига ўргатишини билган эди.

“Зеро у ўз ўғилларига ҳамда уй ахлига ҳақлик ва адолатни амалга ошириб, Раббийнинг йўлидан юришни буорсин, деб Мен уни танладим. Шунинг учун Раббий Иброҳимга айтганларини бажо келтиради”  
(Ибитдо 18:19, муаллифларнинг курсиви).

Худо бу фарзандсиз кўчманчини танлаганида, У Иброҳимдан узокроққа караган эди ва унинг барча авлодларини кўрган эди. Худо учун, “у ўз ўғилларига ҳамда уй ахлига ҳақлик ва адолатни амалга ошириб, Раббийнинг йўлидан юришни буориши”, жуда мухим эди, чунки У қайта сотиб олиш тарихини Иброҳимнинг оиласвий дарахти орқали ёзган эди. У, Иброҳим билан Соро хатолар қилишларини билган эди, бироқ шу-

нингдек, Худо уларнинг келиб чиқиши асосида тўғри пойдевор турганини ҳам билар эди. Ҳар сафар, Худо биз билан аҳд тузганида, У кенг дараҷада фикрлайди, чунки У аллақачон эртанди кунга ташриф буюрган ва бизни ўша жойга келтириш учун бугун биз билан нима содир бўлиши кераклигини билади. Худонинг Иброҳим билан тузган аҳди шундай кенгайиб кетдики, у бизнинг ҳаётимизга ҳам етиб келди. Имон орқали Иброҳим бефарзанд кўчманчи одамдан, авлодлари юлдузлар каби саноқсиз бўлган одамга айланди. Ўз ҳалқидан ажратилган, бир пайтлар мусофирир бўлган одам, энди ўз барча ҳалқлар учун имон отасига айланди.

“Иброҳимдан буюк ва кучли ҳалқ келиб чиқади. Ер юзидағи барча ҳалқлар унда дуо қилинади” (Ибтидо 18:18).

Бизнинг ҳаётимиз Иброҳимнинг ҳаётидан фарқ қиласи, лекин тартиб-қоида ўша бўйича қолади. Худо онгли равишда Унинг аҳдини кенгайишига ўйл қўядиган одамларни излайди. Сизнинг тарихингиз фақатгина сиздан ва сизнинг турмуш ўртоғингиздан анча каттароқдир.

Сизнинг Худо билан муносабатларингиз орқали намоён бўлган Худонинг аҳдининг таъсири тўлиқлигини фақатгина самолар очиб бера олади. У сиз орқали, сизнинг фарзандларингиз орқали, сизнинг таъсирингиз доирасида бўлмиш ҳар бир киши орқали ҳар бир одамнинг ҳаётига етиб боришни истайди. Бу шуни билдирадики, сиз ўзингиз билантутгамайдиган ва одамзоднинг тор ақли билан чекланмайдиган мақсадни қабул қилишингиз керак. Сизнинг тарихингизга нисбатан Худонинг нијатлари ҳар доим келажақдаги авлодларни ҳам ўз ичига олади.

## 2-кун

### ХУДОНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

“Никоҳни сен эмас, Худо яратган. Худонинг Рухи унинг энг кичик қисмларини ҳам тўлдириб туради. У никоҳдан нимани истайди? Худонинг фарзандларини, мана нимани...” (Малахи пайғамбар 2:15 The Message, муаллифларнинг курсиви).

## 56 НИКОХ ТАРИХИ

Худонинг фарзандлари – бизнинг никоҳимиздан Худонинг кутаётган ҳосили, мана шулардир. Бу – Худо ер юзида кўпроқ болалар туғилишини истайди деганими? Ҳам ҳа, ҳам йўқ.

Малахи пайгамбарнинг китобида: “Никоҳ дунёга кўпроқ фарзандларни келтиришини Худо истайди”, – деб ёзилмаган. Бу ерда: “У кўпроқ Худонинг фарзандларини истайди”, – дейилган. Худо, Уни шарафлайдиган ва Унинг йўлларидан юрадиган ҳар қандай ёшдаги фарзандларни истайди. Ёдингизда бўлсин, биз Худонинг элчиларимиз. Унинг мақсади – бизларга ва биз орқали Ўзини намоён қилишdir.

Вестминстернинг қисқача катехизисида: “Одамнинг яратилишидан асосий мақсад – Худони шарафлаш ва Ундан абадий роҳатланишдир”, – деб ёзилган. Бу бизга қанчалик ёқимли! Шарафлаш – бу биз кундалик нутқимизда эшитадиган бор-йўғи бир сўз эмас. Муқаддас Ёзувда унинг тез-тез ишлатилиб туриши туфайли, биз уни қандайдир руҳий ва аниқ бўлмаган тушунча сифатида қабул қиласиз. Шарафлаш – Худони ҳамма биладиган қилиш деганидир. Худонинг истаги – бизнинг ҳаётимиз, оиласиз ва меросимиз орқали Унинг машхур бўлишидир. Худонинг фарзандлари бўлиб ўсишимиз учун, бизга никоҳ сингари имкон берадиган бошқа яхшиrok катализатор йўқdir.

Агар сизларда ҳеч қачон фарзандлар бўлмаса ҳам, сизларни Худонинг фарзандлари қилиш учун У сизларнинг никоҳингизни ишлатади. У сизларни, Унинг шарафидаги вакил қилиб эритиб қуишини ва Само-вий Отамизга ўхшаш қилиб шакллантиришни истайди. Ўз ҳаётингизни бошқа одам билан бўлишиб, сиз, кўпроқ Отамизга ўхшайдиган бўлиш учун кўп имкониятларни кўлга киритасиз. Биз шуни англадикки, художўй феъл-авторга эга бўлмиш одам, кўпинча баҳтиёрлик уммонида сузмайди. У оила ўчогининг оловида эритиб қуйилади.

Мен (Жон), никоҳни қайноқ ўчоққа билан, ҳаётимизни эса эритиб қуйилган қимматбаҳо металл билан солишираман. Ловуллаб ёнаётган ўчоқ, эритилган металлга қай йўсунда таъсир ўтказади? Ўчоқ эритмадан ҳар хил ортиқча аралашмаларни ажратиб чикаради. Менинг никоҳ узугим тоза олтин каби кўриниши мумкин, аммо узугим тахминан

эллик фоиз миқдорда бошқа металлардан ташкил топган. Агар узук ўчокқа ташланса, унда барча аралашмалар ажралиб чиқади. Бизлар ни-коҳда тўқнаш келадиган муаммолар ҳам – майда келишмовчиликлардан тортиб, муносабатлардаги қийин даврларгача, худди шундай таъсир қиласи ва ҳаётимиздаги аралашмаларни ажратиб чиқаради. (Уларнинг баъзиларини ажратиш баландрок даражада қиздиришни талаб қиласи).

Никоҳ шафқатсиз равишида бизнинг камчиликларимизни очаёт-ганида ўз турмуш ўртогимизни айблаш осон. Ахир сиз ҳали эр-хотин бўлмагунингизча, камчиликлар кўринмас эди. Агар турмуш ўртогимиз камчиликларимизни очгани учун ундан хафсаламиз пир бўлган бўлса, никоҳ бизни кўпроқ Раббий Исога ўхшаш қилаётгани учун Худога миннатдорчилик билдиришимиз керак. Ахир бизнинг охирги мақсадимиз шу эмасми?

### **ҚИЙИН ДАВРЛАРДА МАҚСАДНИ ҚИДИРИШ**

Ўчоққа ўхшатиш унча ҳам қувончли эмаслигини биламиз, бироқ баҳтли ниҳояга олиб борадиган йўл хеч ҳам эртакка ўхшамайди. Гоҳида сизнинг тарихингиз кунботар чоғидаги сайдан кўра, кўпроқ Эверест тоғига кўтарилишни эслатади.

Ҳимолайнинг корли қияликларини забт этишга журъят қилган жасур одамлар, қизиқарли, бироқ қийин бўлмиш, Эверест тоғига кўтарилишни амалга оширишлари учун икки нарсани ёдда тутишлари лозим: Биринчидан, улар бу сафар уларнинг ҳиссий ва жисмоний имкониятларинингчегарасини синовдан ўтказишини билишлари керак. Бу дадил эркаклар ва аёллар, уларни қандай синовлар кутаётганини аниқ билишмайди, бироқ улар, қийинчиликлар албатта бўлишини биладилар. Иккинчидан, улар ўз мақсадларини ёдда тутишлари керак, бу эса – дунёдаги энг баланд тогнинг чўққисига етиб боришидир. Улар учун ғалаба – денгиз сатҳидан 29029 фут баландликда жойлашган нуктага етиб бориши билан аниқ белгиланади (8854 метр – таржимоннинг изохи). Агар бу фактларни билишмаса, биринчи жиҳдий тўсиқлар билан тўқнаш келгач, саёҳатчилар дарров ортга буриладилар.

Эр-хотинлик иттифоқига нисбатан ҳам худди шу мисолни қўллаш мумкин. Агар биз, қийинчиликлар бизнинг тарихимизнинг ажралмас қисми эканлигини тан олсак, унда бизнинг ҳиссий, жисмоний ва руҳий қобилияtlаримиз синовдан ўтаётган пайт, биз енгилмас бўламиз. Агар ниҳоясини ёдда тутган ҳолда бошласак ва курсак, асосий муаммолар билан тўқнаш келганимизда таслим бўлмаймиз.

Раббий Исо руҳий етуклик ҳакидаги таълимотида, ким Худонинг Сўзига ишонса, ўшаларга қарши қайғу ва кувгин келишини айтган (Марк 4:17). Муқаддас Ёзувнинг асл нусхасидаги матнида, юон тилида бу сўзлар “флипсис” ва “диогмос” деб айтилади. Флипсис бу – “стресс, қаршилик, баҳтсизлик, қайғу келтириб чиқарадиган қийинчиликлардир”. Диогмос бу – “бошқа одамни камситиш ва унга жабр-зулм ўтказишуучун яратилган дастур ёки жараёндир”. Унисида ҳам, бунисида ҳам ёқимли бўлган ҳеч бир нарсанинг ўзи йўқ, аммо бу кучлар биз Худода ўсишимизга ёрдам беради. Ҳаворий Повул, Раббий Исонинг сўзларини акс-садо билан қайтармоқда:

“Факат булар билангина эмас, балки қайгулар (флипсис) билан ҳам мақтанмоқдамиз (инглиз тил. кувонмоқдамиз – таржимоннинг изохи), чунки қайғу сабр-тоқатни келтириб чиқаришини биламиз. Сабр-тоқат эса тажрибани, тажриба эса умидни келтириб чиқаради. Умид эса уялтирумайди, чунки бизга берилган Муқаддас Рух орқали Худонинг севгиси бизнинг юракларимизга куйилди” (Рим. 5:3-5).

Ҳаворий Повул, биз муаммоларда ва азобларда кувонишимиз кераклигини ёзган. Нима учун? Чунки азоблар бизга феъл-авторимизнинг кучини ривожлантиришга имкон беради. Муаммолар шундай шароитларни яратадики, бундай шароитларда биз кўпроқ Худога ўхшаш бўлиб шаклланамиз. Худо ҳар доим бизнинг манфаатимизни кўзлаб ҳаракат килаётганини билган ҳолда, шу умид билан юпанишимиз мумкин, У бизларни шунчалик кучли севадики, ҳатто энг кўркинчли тўфонлар орасида ҳам юракларимизни севги билан тўлдирадиган Ўзининг Руҳини бизга берган.

Шунингдек, Муқаддас Ёзув, азобларни бизга Худо юбормаётганини аниқ айтмоқда. Ҳамма қайгуларнинг ва кувгинларнинг ортида шайтон

турибди (Марк 4:15 ва Ёкуб 1:12,13га қаранг), аммо Худо, душманнинг хийла-найрангларини унинг ўзига қарши ишлатади. Бизни Худодан ажратиб олиши керак бўлган бу муаммолар, буюк Қайта Сотиб Олевчининг қўлида бизни кўпроқ Унга ўхшаш қиласидаган воситага айланади.

Ёдингизда тутинг, душман никоҳдан ва у билан боғлик бўлмиш бар-часидан нафратланади. У бизнинг эр-хотинлик иттифоқимизни бўлиб ташлаш учун қўлидан келган ҳамма ишни қиласиди ва никоҳимизни кўта-риб бўлмас туюладиган ташвишлар билан юклайди. Бироқ бизнинг эр-хотинлик иттифоқимизнинг истиқболига ва Худо бизни қийинчил-клардан олиб ўтишига ишониш бизга душманнинг харакатларига қарши туришимизга куч ва умид беради. Худо биз шунчаки никоҳга қарши қи-лингандарни башдан кечиришимизни эмас, лекин янада кучлироқ бўлишимизни истайди. Бу қарама-каршиликда муваффақиятнинг сири – биз нима учун курашаётганимизни (Худонинг мақсадлари), кимга қарши курашаётганимизни (шайтонга қарши) ва Ким биз томонда эканлигини (Муқаддас Рух) ёдда тутишдан иборат. Агар биз Худо биздаги Ўзининг ишини якунига етказишидан аввал таслим бўлиб қолмасак, имонимиз ва умидимиз ҳақиқатан ҳам мустаҳкам бўлиб шаклланади.

### **РАББИЙ ИСО УЧУН “УЗОҚ ВА БАХТЛИ” ЯШАШ**

Раббий Исо шундай азобларни башдан ўтказганки, бунака азобларни ҳеч бир одам башдан ўтказмаган. У, мукаммал Худо, адолатсиз бе-шафқат ўлимнинг оғригини ва хўрлашини башдан кечириш учун биз-лардан биримизга айланди. У бизларга Худо билан ярашув йўлини очди ва шундай бўлишига қарамай, одамзоднинг катта қисми ҳануз Уни рад қилиб келмоқда.

Қандай қилиб Раббий Исо, бу қадар чидаб бўлмас оғриқقا ва рад қи-линишга бардош берган? Жавоб оддий ва қўрқинчли даражада чукур-дир – У ҳеч қачон кўз ўнгидан Ўзининг – “узоқ ва баҳтли” никоясини йўқотмаган. Унинг намунасида биз ўзимизнинг шахсий тарихимизнинг қиёфасини кўрамиз:

«Биз хозир иштирок этаётган ўша югуришнинг асосчиси ҳамда тутагувчиси бўлган Исога кўз тикайлик. У буни қандай амалга оширганига қаранглар. У интилаётган мақсадини, яъни Худодаги ва Худо билан бўлмиш ажойиб ниҳоясини кўз ўнгидан кочирмагани туфайли, Ўз йўлидаги хоч, шармандалик ва яна нима бўлса, барчасига бардош берди» (Ибр. 12:2, The Message, инглиз тилидан таржима).

Раббий Исо барчасига бардош берди, чунки қаерга бораётганини билган эди. У азоблар аро олдинга назар ташлаб, ваъдаларни кўриб турган:

“Шунинг учун бизлар... тайинланган мусобакада сабр-тоқат билан югурайлик. Имоннинг асосчиси ҳамда тутагувчиси бўлган Исога кўз тикайлик. У шармандалини менсимай, Ўзига тайинланган қувончнинг ўрнига хоч азоб-укубатига чидади...” (Ибр. 12:1,2, муаллифларнинг курсиви).

Илғаб олдингизми? “Ўзига тайинланган қувончнинг ўрнига”. Раббий Исо хоч учун хурсанд бўлганмиди? Албатта, йўқ. Унга шунчалик қийин бўлган эдики, қатл қилинишидан олдин, тунни Самовий Отамиздан бошқа йўлини топишини ёлвориб сўраб, ибодатда ўтказган эди. Аммо Раббий Исо бир нимага эга эдики, ўша нарса кўпчилик эр-хотинларга етишмайди. Унда гайритабиий мақсад бор эди. У вазиятлар аро қарай олган ва Унинг танлови туфайли очилаётган куч ҳамда ваъдаларни кўра олган. Энди келинг, Эфесликларга йўлланган мактубнинг 5-бобида, Раббий Исо нимани излаганига қараймиз:

“...Масих жамоатни севиб, у учун Ўзини фидо қилган..., жамоатни муқаддаслаш учун ҳаммом суви билан ювиб, Сўз орқали тозалади, токи уни муқаддас ва бенуқсон холатда Ўзига доғсиз, нуксонсиз ёки шунга ўхшаш бирор нарсасиз, шуҳратли жамоат қилиб тақдим этсин” (Эф. 5:25–27, муаллифларнинг курсиви).

Биз – Раббий Исо учун баҳтли ниҳоямиз. Биз Унинг қаршисида тайинланган қувонч эдик. Раббий Исо бизларни, яъни Унинг қаллигини Ўзи билан яраштириш учун хочни бошидан кечирди. Энди Жамоат ўзининг аввалги бузуқлигидан уялмасдан У билан учрашиши мумкин, чунки Раббий Исада Жамоат янги ижоддир. Бизнинг никоҳларимизда мана

шундай баркарорлик, меҳр ва шартсиз севги бўлиши керак. Бунинг учун бизни барча қийинчиликларда қўллаб турадиган мақсад ва келажакка умид талаб қилинади.

Ибронийларга йўлланган мактубнинг муаллифи, бизларга панд-насиҳат қилишни давом эттироқда:

“Имонда заифлашиб бораётганингизни ҳис қилганингизда, гунохкорлар томонидан шунча душманликни бошидан ўтказган Раббимиз ҳақидаги бу тарихни, икир-чикирларигача қайта қайта ўқиб чиқинг. Бу сизларнинг жонларингиз учун буюк мадад бўлади!” (Ибр. 12:3, The Message, инглиз тилидан таржима).

Бизларнинг ҳаммамиз вақти-вақти билан заифликни ҳис қиласиз. Мана нима учун Ибронийларга йўлланган мактубнинг муаллифи, “агар имонда заифлашсангиз” эмас, балки имонда “заифлашганингизда” деб ёзган. Буюк никоҳ буюк имонни талаб қиласи, чунки содик бўлиш – имонга тўла бўлиш деганидир. Раббий Исонинг тарихини қайтадан ўқиб чиқинг. Сизнинг вақтинчалик вазиятларингиз қанчалик қийин бўлмасин, хоч билан таққослаганда, улар ҳеч нима эмас. Сиз ўз эрингизга ёки хотинингизга садоқатни саклашга базур қодирлигингизни ҳис қилганингизда, Раббий Исонинг сизга нисбатан содиқлигини ёдга олинг. Сизни Ўзи билан яраштириш учун, У бошидан ўтказган барча кўргуликларини ёдга олинг. Унинг намунаси сизга руҳан тушкунликка тушмаслигингизга ёрдам беради.

### 3-кун

#### **ЯХШИРОҚ БЎЛИШИГА ИШОНИШ**

“...Мен – Худоман ва ...Менга ўхشاши йўқдир. Мен ниҳоясини бошидан ва хали амалга ошмаганини қадим замонлардан эълон қиласман...” (Иш. 46:9,10).

Бизнинг Худойимизга “ўхшаши йўқдир” деб ёзиш, оддий гапдек туюлади, бироқ жуда кўп ҳолларда, биз бу таъкидловнинг қучини ва

ҳақиқатини ёдимиздан чиқармоқдамиз. Худонинг фарзандлари сифатида, биз, У сингари бўлишга ва Унинг табиатини қабул қилишга таклиф қилинганимиз. Биз охирида нима бўлишини бошидан эълон қилиб, имон билан ўз ҳаётимизни, фарзандларимизнинг ҳаётини, ўз оиласаримизни шакллантиришимиз мумкин.

Энди бизларга тушунарли бўлдики, узок ва баҳтли ҳаёт – бу тасодиғий кутилмаган нарса эмас, балки биз англаган ҳолда қурадиган ҳаёт биноимиздир. Кейин эса табиийсавол туғилади: “Узоқ ва баҳтли яшашим учун мен нима қилишим керак?” Сиз Муқаддас Ёзувнинг бу оятини сон-саноқсиз марта ўқиган бўлишингиз мумкин, лекин уни яна қайтадан ўқиб чиқинг:

“Имон умид қилинган нарсаларнинг мохиятидир... Имон билан англайпмизки, оламлар Худонинг сўзи билан бунёд бўлган, яъни кўринадиганлар кўринмайдиганлардан пайдо бўлган” (Ибр. 11:1-3).

Бизнинг мақсадимиз – ҳали келажакда бўлмиш узок ва баҳтли ҳаётни қуришдир, имон эса – ҳали воқеликка айланмаган ўша ҳаётни қуриш учун ишга солса бўладиган қурилиш материалидир.

Худо ҳали биз Унинг ишончига лойиқ бирор нима қилишимиздан аввал бизга ишонган эди. Унинг Ўзига бўлмиш ишончининг буюклиги туфайли, Унинг бизга бўлмиш ишончи ҳам буюkdir. Унинг қурдати бизнинг ҳаётимизда нималарга эришиши мумкинлигини У билади. Худонинг чексиз кучидан роҳатланмаслигимиз учун бизни ушлаб турган ягона сабаб – бу мағрурликдан илдиз олган ишончсизликдир.

Мағрурлик – тақаббурлиқда ёки ўз шахсий кучига ортиқча ишонишда намоён бўлади. Мағрурликнинг яна ўзига нисбатан нафрат ниқоби остида яширган, кўп ҳолларда кўз илғамас шакли ҳам бор. У қайси шаклда мавжуд бўлмасин, бу – Масихнинг хочда якунлаган иши орқали, Худонинг буюк кучи қайта сотиб олган барча ютукларни, ҳар қандай ҳолда ҳам рад қилишдан иборатдир. Раббий Исо, бизларни буюк шахс қилиш учун ўлган. “Биз ҳалқ тили билан айтганда, “ўртамиёна одамлар” бўлган ҳолда қолиб, – деб ёзган эди К. С. Льюис, – шу билан “кифояланишимиз мумкин”, аммо У мутлако ўзгача режани амалга

оширишга қатъий қарор қилган. Бу режадан чекиниш – бўйсунувчан камтарликни намойиш қилиш дегани эмас, бу шунчаки дангасалик ва қўрқоклиқдир. Унга бўйсуниш – шухратпараст бўлиб қолиш ёки улуглик васвасаси билан касал бўлиб қолиш дегани эмас, бу – итоатлилиkdir”. Биз Худо томонидан бизга таклиф қилинган ажойиб ҳаётни қабул қиласиз ва ўзимиз ҳақимиздаги фикримизни Унинг таъминлаши дарајасигача кўтарамиз.

Сиз буюк никоҳга лойиқ эканлигинизга ишонасизми? Балки сизнинг онгингизни куйидаги фикрлар тўлдиргандир:

*Менинг юким жуда ҳам катта.*

*Мен ёмон оиласда тугилганман.*

*Менинг ота-онам ҳеч нимага эришимадилар.*

*Мен аллақачон кўп хатоларни қилиб улгурдим.*

*Мен нимага эришган бўлсан, ўша билан чекланишим керак.*

Эҳтимол сиз, Худо чорлашни яхши кўришини аллақачон сезгандирсиз. Аммо имонимиз етишмаслиги бизнинг ҳаётимиздаги Унинг кучининг ҳаракатини чеклайди. Унинг буюклиги ҳақидаги вахий бизни бўйсунувчан камтарлик ҳолатида қолган ҳолда Унга ишонишимизга руҳлантиради. Бўйсунувчан камтарлик – Худода биз учун бор бўлмиш энг яхши баракатларга эшик очади. Ишайё пайғамбарнинг китобида (55:8,9) шундай ёзилган:

“Менинг фикрларим – сизларнинг фикрларингиз эмас, сизларнинг йўлларингиз – Менинг йўлларим эмас, – дейди Раббий, – аммо осмон ердан накадар баландбўлса, Менинг йўлларим сизларнинг йўлларингиздан ва Менинг фикрларим сизларнинг фикрларингиздан шу қадар баланддир”.

Сиз эҳтимол, Худо сиздан ақллироқ, қобилиятлироқ ва сиздан кучлироқ эканлигини тан олсангиз керак. “Худода сиз доимо, сизнинг ўзингиздан, ўлчаб бўлмас даражадаги устунлик билан юзма-юз келасиз”, – деб ёзмоқда К. Льюис. Агар сиз, буюк никоҳ қурилиши учун зарур бўлган қурилиш ашёлари манбаига кириш ҳукукини ва улардан

## 64 НИКОҲ ТАРИХИ

фойдаланиш хукукини қўлга киритишни истасангиз, сиз буларга ишонишингиз керак.

Биз эр-хотинлик иттифоқимизнинг имкониятларини нақадар тасаввур қилмайлик, Худо барибир миқёси бўйича бизнинг тасаввурлари миздан анча улканроқ орзуга эга. Худо нафакат у хақида кўп ўйлади, балки У никоҳ учун буюк режаларга ҳам эгадир.

“Фақат Мен сизлар ҳақингиздаги мақсадларимни биламан,— дейди Раббий,— булар сизларга келажак ва умид бериш учун ёвузиликка эмас, эзгуликка бўлган мақсадлардир” (Йер. 29:11).

Бу ваъда бизларга танловтаклиф килади: биринчиси – бу сўзлар ҳақиқат эканлигига ишониш ва бизнинг никоҳимиз учун Худо эга бўлмиш Унинг мақсадиниқабул қилиш; иккинчиси – У ёлғончи, деб тахмин қилиш. Сизнинг эр-хотинлик иттифоқингизнинг келажагига нигоҳ солиб, Худо Ўзининг Ўғлиниң танага бурканганини кўрмокда. Бу мақсад факатгина сиз Унинг иноятини ва кучиниимон ҳамда бўйсунувчан камтарлик билан қабул қиласангизгина амалга ошади. Борди-ю, биз шундоқ ҳам узоқ ва баҳтли ҳаётни режалаштирган бўлсак ҳам, барибир, бундай ҳаёт бизнинг шахсий кучимиз билан чекланиб қолмайди. Бундай ҳаёт – Унинг Рухи воситасида биз орқали ҳаракат қилаётган Худонинг севгисининг ифодасидир.

Сиз: “Худо менинг никоҳимга аниқ қўл силтаган. Ҳеч қандай умид йўқ. Бизнингистиқболимиз йўқ. Севгимиз йўқолди”, – деб ўйлашингиз мумкин.

Эҳтимол сиз ўз кучингиз билан ҳаракат қилиб кўрганингиз учун шундай деб айтиётгандирсиз. Ўз никоҳингиз ҳақидаги орзулалингизни ва шахсий кучингизни Худоникига алмаштиринг. Сиз Унга уларни ишониб топширганингизда, У сизнинг орзулалингизни олиб, уларни ҳаёт билан тўлдиради ва сизнинг юрагингизга самовий мақсадни жойлаштиради.

Эркаклар, бунинг маъноси шуки, сиз ҳар қандай худбинликни тарқ этишингиз учун ва Масих Жамоатни қандай севса, сиз ҳам ўз хотинларингизни шундай севишингиз учун У сизларни куч билан тўлдиради. Аёллар, сизларга эса, ўз эрларингизни ҳурмат қилиш учун У куч беради.

ди. Шу йўсинда, сизларнинг икковингиз ҳам никохнинг буюклигидагулғая оласизлар.

Имонга эга бўлмасдан эса, Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқлигини, Муқаддас Ёзув аниқ айтмоқда (Ибр. 11:6га қаранг). Нима учун Худо имонни шу қадар қаттиқ яхши кўради? Чунки Унга ишониш орқали, биз У каби бўлишга куч оламиз, биз учун эса, Худога ўхшаш бўлишдаги ҳаётдан кўра яхшироқ ҳаётнинг ўзи йўқдир. Бизнинг лаззатланишимиздан У лаззатланада ва бу ҳақида сўзлаб, биз вақтингчалик баҳт ҳақида гапирмаяпмиз. Биз узоқ вакт давом этадиган қувонч, қоникиш ва лаззатланиш ҳақида гапирмоқдамиз. Худо бизнинг никоҳимиз учун энг яхши баракатларни истайди, Унинг энг яхши баракатлари эса ўз моҳиятини фақатгина Худода топадиган иттифоқларга қуилади.

### ЧИЗМА

Одамлар имон ва умидни қўп ҳолларда, битта тушунча деб қабул килишади. Агар имон, буюк никохнинг қурилиш ашёлари бўлса, унда умид унинг чизмасидир. Бошқача сўз билан айтганда, умид шаклга ўхшайди, имон эса уни амалга оширувчиdir. Умидсиз имон – шаклсиз моддадир. Қурилиш ашёлари чизмасиз қанчалик бефойда бўлса, умидсиз имон ҳам шунчалик бефойдадир.

Иброҳим ўз авлодларини Раббийнинг йўлларига йўналтириши учун, Худо Иброҳимни, аҳдни қабул қилувчи сифатида, аниқ мақсад билан шахсан танлагани ёдингизда бўлса керак. Худо Иброҳимни бу ваъдага ишонишга даъват қилганида, Иброҳим фарзандсиз эди, бироқ Раббий, Иброҳим буюк халқнинг отаси бўлишига уни ишонтириди.

Иброҳим буюк имоннинг одами эди, Муқаддас Ёзув у ҳақида: “Имонсизлик билан Худонинг ваъдасидан шубҳаланмади”, – деб айтмоқда (Рим. 4:20). Шундай бўлишига қарамасдан, Ибтидо китобининг 15-бобида, у имон дунёсига киришдан аввал, ҳафсаласи пир бўлиш билан курашгани ҳақида ёзилган:

“Бу воқеалардан сўнг, ваҳий орқали Ибромга Раббийдан сўз келди:  
“Кўркма, Ибром, Мен сенинг қалқонингман. Сенинг мукофотинг ғоят

буюқдир”. Ибром бунга: “Ё, Раббий Худо! Сен менга нима берасан? Мана, фарзандсиз ўтаяпман. Энди хонадонимнинг бошқарувчиси дамашқлиқ Элиэзер меросхўрим бўлади”, – деди. Ибром давом этди: “Сен менга уруф бермадинг, мана, менинг хонадонимда туғилган қул менинг меросхўримдир”.

Шунда Раббийдан унга сўз келди: “У сенинг меросхўринг бўлмайди, аксинча, сенинг пушти камарингдан туғиладиган бола сенинг меросхўринг бўлади”. Сўнг Ибромни ташқарига олиб чиқиб, унга деди: “Осмонга қараб, юлдузларни санай олсанг, санаб чик. Сенинг авлондинг ҳам шунча бўлади”. Ибром Раббийга ишонди, бу эса унга ҳаклик деб хисобланди” (Ибт. 15:1-6).

Худо Иброҳимга, имоннинг янги миқдорини беради, деб ўйласа бўлар эди. Бироқ бунинг ўрнига, Иброҳим унга маҳкам чирмашиб олиши учун, У Иброҳимнинг имонига руҳий манзара, яъни мақсад берди. Бу унинг имонини мустаҳкамлади ва умидини шакллантириди. Худо Иброҳимни чодирдан чиқишга ва юлдузларни санашга таклиф қилди. Тунги осмон гумбази, унинг имонига юлдузли чизмани чизиб берди ва унинг бошидан юқорида жойлашган, само узра ёйилган саноқсиз юлдузлар, унинг ақли экранида болаларнинг чеҳраларига айланди. Осмонда канча юлдузлар бўлса, унда ҳам шунча ворислар бўлишини Иброҳимга шунчаки айтишнинг ўрнига, Худо унинг тақдирига доимий, жисмоний тирик, суратли мисолни берди. Бу юлдузли сурат орқали, Худонинг руҳий манзараси Иброҳимнинг тасаввурида муҳрланиб қолди. Худди шу тарзда, Худо, сизнинг никоҳингиз ҳақидаги Ўзининг суратини сизнинг тасаввурингизга муҳрлашни истайди, чунки қаерда манзарани олдиндан кўриш, мақсад бор бўлса, ўша ерда умид бор бўлади. Мана нима учун ҳаворий Повул, Худони таниб-билишга қарши кўтарилиган ҳар қандай тасаввурларни асир қилишга бизларни руҳлантироқда (2 Кор. 10:4,5 га каранг). Биз ўз онгимизни ҳимоя қилишимиз керак, чунки у бизнинг ҳатти-харакатларимиз табиатини ва қадриятларини белгилайди. Сизнинг онгингиз – умид учун чизиш тахтасибўлсин.

Худо бизларни умид билан тўлдиришга вაъда берган, аммо қандай килиб уни кўлга киритиш мумкин? Айнан ибодат орқали, Муқаддас

Рух бизнинг тушунишимиздан юқори бўлган умид билан бизларни тўлдиради.

“Умид Худосисизларни хар қандай қувончга ва имонингиз орқали тинчликка тўлдирсинг, токи сизлар Муқаддас Рухнинг кучи орқали умидга бой бўлинглар” (Рим. 15:13, замонавий таржима).

Худо – бизнинг умидимиз манбаидир. Агар биз сўрасак, биз ҳаммамиз ўз никоҳимизда истайдиган қувонч ва тинчлик билан У бизларни тўлдиради. Унинг олдига бўйсунувчан камтарлиқда келиб, Унинг Рухининг кучи ёрдамида ишончли умид билан тўлишамиз. Нақадар ажойиб ваъда!

Ҳикматлар китобида (29:18), руҳий манзара, яъни мақсадсиз бизлар ҳалок бўлишимиз ҳақида ёзилган. Ҳақиқатан ҳам, Худонинг руҳий манзарасига эга бўлмаган эр-хотинлик ҳаётга эга эмас. Унда келинг, катта-катта орзу қилишга журъят қиласиз. Сиз ўз орзуларингиз ва мақсадларингизни ёзаятганингизда, Худо сизнинг юрагингизни Унинг режаси учун уйғотишига ибодат қилинг.

#### 4-кун

#### ХИТОЙ РЕСТОРАНИ

Биз энди турмуш қурганимизда, ўз келажагимиз ҳақида гаплашиш учун вақти-вақти билан бизлар бориб турадиган, маҳсус жойимиз бор эди. Бу – биз ижарада турадиган уйдан узок бўлмаган, кичкина хитой ресторончаси эди. Биз эндингина коллежни тугатган эдик ва пулимиз жуда кам эди, шунинг учун икки кишига бир порция му-шу товугини, унга эса қўшимча қилиб блинчиклар ва қўшимча порция олхўри қайласини буюрар эдик. У ер шовкинсиз ва оддий эди, лекин бир пиёла чой устида, хитой ресторани жихози аро, ёш эр-хотин жуфтига узок ўлжалар ҳақида орзу қилиш кўрқинчли эмас эди.

Ўша вақтлар биз ҳали кўп нарсаларни билмас эдик, лекин бир нарсада кароримиз қатъий эди: биз биргалиқда Худога бутун юрагимиз, бутун

жонимиз ва бутун кучимиз билан хизмат қилмоқчи эдик. Биз яшашни ва ўз оиласизни яхши қуришни иштиёқ билан истар эдик. Ҳаёт йўллари бизларни қаерларга олиб боришини билмас эдик, десак тўғрироқ бўлади, лекин бу йўллардан қандай юришни исташимизни аниқ билар эдик. Биз Худо бизлар орқали янги авлодни мустаҳкамлаши учун шунга лойик ҳаёт кечиришни истар эдик.

Мен (Жон) ажойиб оиласада катта бўлганман. Менинг ота-онам олтмиш беш йилдан ортиқ бирга умр кўрдилар. Менинг дадам бизларни садоқат билан севиб, оиласини таъминлар эди, онам эса ажойиб уй бекасининг намунаси эди. Яхши оила қуришда ва ростгўй ҳаёт кечиришда, ота-онам менга кўп нарсаларда намуна бўлдилар. Бу учун мен абадий улардан миннатдорман.

Мен (Лиза) умуман бошқача оиласада катта бўлганман. Менинг ота-онам билан таққослаганда, Жоннинг ота-онаси аъло муқаммал кўринишади. Менинг оиласам ичкилик, зинокорлик, зўравонлик, хиёнат, очкўзлик, йўқотишлар ва ажралиш алами билан барбод қилинган эди. Эр-хотинлик ҳаётимизнинг бошланишида, мустаҳкам, соғлом оила нима эканлиги хақида тажрибам ва амалий билимим йўқлиги аниқ равшан эди; бироқ мен шунаقا оиласининг қисми бўлишни жон-жаҳдим билан истар эдим.

Биз ўша хитой ресторанида гаплашганимизда, бошқача никоҳ қуришни истаётганимизни тушунган эдик. Жоннинг ота-онасини жуда хурмат қилсак-да, уларнинг никоҳ модели бизларга тўғри келмас эди. Бизнинг икковимиз ҳам ўз эр-хотинлигимиздан, уларнида кўрганимизданда кўпроқ нарсани исташимизни билар эдик – бу никоҳнинг ўзига нисбатан илоҳий даъват эди. Унинг маъноси нафақат ҳаётимизнинг охиригача бирга бўлишдан иборат бўлиб, балки шунингдек, бизнинг иттифоқимиз орқали абадий мерос қолдиришдан иборат эди. Албатта, бу мерос ўз ичига бизнинг фарзандларимизни ва фарзандларимизнинг фарзандларини олган эди, лекин шунингдек, у ўз ичига, кўпчилик бошқа одамларнинг ҳаётига таъсир қилишни ҳам олган эди.

Биз ўз оиласизнинг руҳий манзарасини, яъни тасаввуримизга кўра унинг қандай бўлиши кераклигиничиза бошладик. Биз бир-биримизга

саволлар берар эдик, қоидаларни белгилар эдик ва қанча қила олсак, шунча орзу қиласар эдик. Биз энг аввало биргаликда Худога хизмат қилишга ва ўзимизнинг барча қарорларимиз билан Уни ҳурмат қилишга карор килдик. Қолган барчаси мана шу фильтр орқали ўтиши керак эди.

Ўттиз икки йил давомидаги эр-хотинлик ҳаётимиизда, биз шундай фаслларни бошдан кечирдикки, ўша вактлар бизни бирга боғлаб турган ягона сабаб – бизнинг Худони ҳурмат қилишга ўзимизни бағишилганимиз эди. Мен (Лиза), Жонга нисбатан севги хис қилмаган давр бўлган эди, Жон ҳам менга нисбатан севги хис қилмаётганини айтган эди. У боши билан хизматга шўнғиб кетди, менинг бир ўзимни уйда кичкина болалар билан қолдириб, кўп сафарларда юрар эди.

Тўғрисини айтсам, келажакда севги қайтишига мен ҳеч қандай умид қилмас эдим. Барбод килувчи фаслдан менинг қалбим чандиклар билан қопланди. Мен ўзимни ҳиссий ва жисмоний рад килингандек хис қиласар эдим. Агар мен учун шундай йўл бўлганида, мен жон деб ажralишга рози бўлар эдим. Менда никоҳимизнинг руҳий манзараси, яъни унинг қандай бўлиши кераклиги ҳакида тасаввур йўқ эди, факатгина нима бўлиши мумкинлигининг фира-шира сояси бор эди, холос. Қайсиdir лаҳзада, мен ҳатто: “Эй Худо, агар, самоларда Жон билан яшашимга тўғри келмаслигига ваъда берсанг, мен никоҳимизни саклаб қоламан”, – деб ўйлаган эдим. Мен ўзимни жуда ҳам ёлғиз хис қиласар эдим, хизматчи-ларнинг хотинларига эса бирор бошқа одамлар билан ўз оғриклари ҳакида бўлишиш қийин.

Мен (Жон) ҳам ўша вактлар тушкунлик билан курашган эдим. Мен Лизанинг назарида хамма нарсани нотўғри килаётгандек туюлаётганимни хис қиласар эдим, мен ўзимга паст баҳо беришимда, у айбдор деб хисоблар эдим, менга унинг томонидан ҳурматли муносабат етишмас эди ва унинг кўпол сўзлари менга ҳалақит берар эди. Биз тезлик билан пастга қулар эдик, бирортамиз ҳам севги, ҳурмат ва меҳрни тиклашнинг зарра ҳам имкониятини кўрмас эдик.

Ўша фаслнинг ҳиссий ва руҳий оғриғи чидаб бўлмас бўлиб туюлган эди. Бу жудаям қийин вақт эди, бироқ у бор-йўғи бир фасл давом этди, фасллар эса алмашиниб туради. Йиғлаш вақти жуда узоқ тун давом эти-

ши мумкин, аммо Худонинг ваъдаси тонгда қувонч келишини айтмоқда (Сан. 29:6 га қаранг). Худди у, қайсиdir бошқа жуфтнинг ҳаётида бўлганидек, ҳозир ўша даврлар бизга, аслида бўлмагандек туолади. Худонинг шафқати билан биз Худони ҳурмат қилишдан иборат бўлмиш ўз мақсадимизга содик қолдик. Ўз худбинлигимиз учун чин юракдан тавба қилиш ва Худонинг донолигига қулоқ солиш орқали, бизнинг никоҳимиз ва севгимиз мустаҳкамланганини ва буюк қудрат даражасигача ўсганини кўрмокдамиз.

Бизнинг ҳаётга назаримиз – бизни ўша қийин фаслдан олиб ўтган, олдинга ундейдиган кучлардан бири эди. Биз ҳаётга саксон ёки етмиш йил оралиғидаги вактга қарагандек қарамаймиз: биз унга абадийлик истиқболи орқали қараймиз. Абадийлик билан таққослаганда, етмиш ёки саксон йил, бор-йўғи бир лаҳзадир. Муқаддас Ёзув, Раббий Исонинг хочига нисбатан бўлмиш муносабатимиз, абадийликни қаерда ўтказишимизни белгилашини ўргатмоқда; бироқ масиҳийлар сифатидаги ҳаёт тарзимиз, абадийликни қандай ўтказишимизни белгилайди. Ҳаворий Повул шундай деб ёзмоқда:

“Ҳа, биз дадил бўлиб, бу танадан йироқлашишни ва Раббийда жо бўлишниҳоҳлаймиз. Чунки ҳаммамиз танада яшаган пайтимизда килган яхши ёки ёмон ишларга караб қаримтамизниолиш учун Масихнинг ҳукм курсиси олдидা ҳозир бўлишимиз керак” (2 Кор. 5:8-10).

Ҳаворий Повул имонлиларга мурожаат қилаётганлиги аниқ кўриниб турибди, чунки имонсизлар ўз таналарини қолдирғанларида, улар Худонинг ҳузурига кўтарилмайдилар. Ҳаворий Повул, Раббий Исонинг кутқарувчи инояти орқали Худонинг оиласига келган одамларга гапирмоқда. Биз Унинг қаршисида туриб, барча қабул қилган қарорларимиз ва имонли бўлган ҳолда қандай ҳаёт кечирганимиз учун Унга жавоб берамиз. Раббий Масиҳнинг бизларга чиқарган ҳукми абадий мукофотларга ёки абадий йўқотишларга олиб келади. Ҳаётимизнинг барча меҳнатлари ёки ёниб кетади, ёки биз абадий мукофотни оламиз, ҳатто, Раббий Исонинг ёнида бутун абадият хукмронлик киламиз. Бу асосий таълимотни билишимиз, бизга манзилга элтадиган ўйналишдан чекин-

маслика ёрдам берар эди. Бирортамиз ҳам Раббий Исонинг таҳти қаршисида нима учун Унинг никоҳ дурданасини булғаганимиз ҳақида жавоб беришни истамаган эдик (Хукм Жойи ҳақида кўпроқ, Жон Бивернинг “Абадийлик ҳаракатга бошлиётгандар” китобида ўқинг).

Худони ҳурмат қилишдан кейин туродиган бизнинг иккинчи мақсадимиз, сафаримизнинг охирида, унинг бошидан кўра бир-биримизни кучлироқ севадиган эр-хотинга айланиш эди. Бу мақсад бизни, қийин даврларни енгиб олдинга юришга ва ҳатто севгини ҳис қилмаганимизда ҳам бир-биримизни севишга мажбур қиласар эди. К. С. Льюис шундай деб ёзган эди:

“Севги бу – ирова қўллаб туродиган ва одат мустаҳкамлайдиган кучли иттифоқдир; у иккала жуфтлар ҳам Худодан сўраб, Ундан олган иноят туфайли (масихий никоҳларда) мустаҳкамлангандир. Улар ҳатто бир-бирларига ёқмаган вақтларида ҳам, бу севгини ҳис қила оладилар”.

Ўз-ўзидан маълумки, биз бир-биримизга ёқмаган вақтлар ҳам бўлган. Аммо, биз ўша машаққатли онларни босиб ўта олишимиз учун, Худо бизларни Ўзининг инояти билан куршаб олди ва У сизлар учун ҳам худди шундай қиласар. Бугунги кунда биз бир-биримизга ёқамиз ва бир-биримизни тўйимиз кунидагидан-да кўпроқ севамиз,— бу ҳақиқат! Боз устига, келгуси ҳар ўн йиллик давомида, бу севги янада кўпроқ бўлишини сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

### ХУДО ЁЗИБ БОРМОҚДА

Ресторандаги салфеткаларга ўз орзуларимизни ёзаётиб, ҳали ўша пайларда ҳали бўлмаган фарзандларимизни қандай тарбиялашимиз ҳақида гаплашдик. Бизинтизомни қандай тутишимизни, уларга нимани рухсат бериб, нимани рухсат бермаслигимизни, мажбуриятларни ва уйдаги хоналарни қандай тақсимлашимизнимуҳокама қиласар. Биз меросимиз ҳақида ва фарзандларимизга ҳамда набираларимизтабизларнинг қарорларимиз қандай таъсир қилиши ҳақида гаплашдик. Уларга руҳий ва моддий мерос бериб кетиш биз учун муҳим эди (Ҳик. 13:22га қаранг).

Биз келажакдаги уйимизни тасаввур қилдик. У катта ва чиройли бўладими, бунинг аҳамияти йўқ эди. Биз уйимиз меҳмондўст ва шинам бўлишини ҳамда уйимизга кирганларида, одамлар ўзларини хавфсиз хис қилишларини истар эдик. Биз уйимиз шодликка тўла бўлишини ва фарзандларимиз уйга ўз дўстларини олиб келишларини истар эдик.

Биз шунингдек, ўз даъватимизни ва у, эр-хотинлик муносабатлари ривожланишига қандай таъсир қилишини муҳокама қилдик. Биз эркакларнинг ва аёлларнинг ролини муҳокама қилдик. Биз қарзларга кириб қолмаслик учун маблагимизни қандай идора қилишни ҳал қилдик. Биз, қўлимиздаги салфеткаларда ёзилган ёзувлар, биз курмоқчи бўлган ҳаётнинг чизмалариға айланганини сезмагунишимча, ҳамма нарса ҳакида гаплашар ва яна гаплашар эдик. Биз қоғоз парчаларида режалар тузаттган бир пайтда, Худо ҳам қаердадир уларни ёзиб қўяётганини ўйлаш бизга ёқар эди.

“Лекин Худодан кўркадиганлар бир-бирларига: “Раббий бунга диккат килади. Раббийдан кўркадиганлар ҳакида ва Унинг номини хурмат киладиганлар ҳакида Худонинг хузурида хотира китоби ёзилмоқда”, – дейишади” (Мал. 3:16).

Эр-хотинлик ҳаётимизнинг ўша биринчи кунларида, биз кўп масалалар ҳакида гаплашган эдик. Худо биз гапирган барча сўзларни ёдида тутар эди ва ҳатто, биз ўзимиз бу режаларимизни эсдан чиқарганимизда ҳам Худо уларни амалга оширди. Худо Ундан кўркувчиларнинг сўзларини ёзиб боради. Сиз ўз эр-хотинлик ҳаётингизнинг харитасини ҳаётнинг Муаллифини хурмат қилувчи килиб чизганингизда, Самолар буни ҳисобга олади.

## 5-кун

### ЎЗ РУҲИЙ МАНЗАРАНГИЗНИ ЁЗИБ ҚЎЙИНГ

“Сен кўрадиган вахийни ёзиб қўйгин ва ўкиётган ундан ўта олиши учун лавҳаларга яққол чизгин” (Ҳаб. 2:2, инглиз тилидан замонавий таржима).

Яна шуни тақрорлаймизки, ўз никоҳингизнинг руҳий манзарасини, яъни тасаввурингизда никоҳингиз қандай бўлишини ёзиб қўйиш ҳеч қачон кеч эмас. Токи сизда қандайдир аниқ ва тушуниш учун осон бир нима пайдо бўлмагунича, уни ёзишга ва қайта-қайта ёзиб чиқишига кўркманг. Аниқ руҳий манзара бутун йўлингизни маррагача босиб ўтиш учун сизга зарур бўлган кучни беради.

Илтимос, ўз эрингиз (хотинингиз) (ёки келажакдаги эрингиз, хотинингиз) билан никоҳга нисбатан сизларнинг умумий руҳий манзарангиз ҳақида гаплашиб олиш учун озроқ вақт ажратинг. Агар сиз уйланмаган ёки турмушга чиқмаган бўлсангиз, унда ҳозирнинг ўзиданоқ ўз томонингиздан руҳий манзарангизни ёзишни бошланг. Сиз орзу қила олишингиз мумкин бўлган жойни топинг. Ўз истакларингиз ва келажакда кутаётган нарсалар ҳақида аниқ бўлинг. Сиз учун мутлақ қадр-қимматга эга бўлган қадриятларингизни белгиланг ва катта-катта орзу қилишдан кўркманг! Бу манзара олдинда келаётган кунларингизда сизнинг йўл кўрсатувчи юлдузингизга айланади.

Никоҳ – бу старти ва мэрраси оралиғида ўн йилликлар бўлган узок масофага югуришдир. Жуда ҳам кўп жуфтлар кисқа орзуларга эгадирлар. Улар уй сотиб олишни ва болаларни тарбия қилишни орзу қиласдилар ва бу буюк орзулардир, аммо бундай орзулар узокка олиб бора олмайди. Нимадир бундан-да буюкроги бор. Орзу қилишни тўхтатманг!

Ёдингизда бўлсин, сиз ва сизнинг турмуш ўртоғингиз бу югуришда биргаликда иштирок қилмоқдасизлар, сизлар бир-бирингиз билан мусобақалашаётганинг йўқ. Бутун йўлни ёлғиз югуриб ўтишнинг имкони йўқ, шунинг учун гуруҳда ишлаш жуда ҳам муҳим. Агар эр-хотинлик ҳаётингизнинг бошланиш йўли қийин бўлган бўлса, унда, унинг охири бошидан кўра муҳимроқ эканлиги сизни юпатсин. Лойиҳани чизиш сизга мэррани белгилашга ёрдам беради. Бирор нимага интилиш учун руҳий манзарага, мақсадга эга бўлиш керак.

“Чунки ваҳий тайинланган вақтга *тегишилидир* ва охират ҳакида сўзлаб алдамайди. У кечикирилса ҳам, уни кутгин, чунки албатта амалга ошади ва бекор қилинмайди. ...ҳақ одам эса ўз имони билан яшайди” (Ҳаб. 2:3,4).

Худо томонидан руҳлантирилган руҳий манзара ўзининг амалга ошиши учунйўлак очиб, сизнинг олдингиздан боради. Агар сиз ўз руҳий манзарангизни доимо кўз ўнгингизда тутсангиз, у сизга панд бермайди. Шундай вақтлар келадики, Худо айтган сўзлар хақиқат бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Сизнинг йўлингиз сизни, сиз истамаган ёки сиз мўлжалламаган жойга олиб келиши мумкин. Ўз йўлингизни Худога ишониб топширинг, уни якунлаш учун сизга қандай ёрдам беришни У билади. Руҳий манзарани инъом Қилувчининг кучи муҳтоҷлик онларида сизни мустахкамлайди. Аммо сиз бу руҳий манзарани қалбингизда сақлашингиз керак.

Сизнинг режангиз жонли, нафас олувчи ва органик хужжат бўлсин. Бунинг маъноси – у ўзида икки нарсага эга бўлиши керак деганидир:

### **Аниқ белгиланган негизлар**

Сизнинг руҳий манзарангизга зарур чизгини, масалан: “Бизнинг эр-хотинлик иттифоқимиз Худони ҳурмат қиласи” ёки “Энг аввало биз бир-биримизнинг эҳтиёжларимизни қондиришга интиламиш”, каби ромларни берадиган бағишлиниш ва аниқ маслаглар. Булар сиз аввалдан келишиб оладиган ва қайта муҳокама қилмайдиган қарорлардир. Улар ўзгармас ва муросасиз бўлади.

### **Ўсиш учун жой**

Яхши режа барча саволларга жавоб бермайди. У аниқлик беради. Сизни олдинда нима кутаётганини факат Худо билади, аммо Унинг Рухи бошқаруви орқали сиз аста-секин Унинг режасининг турли жиҳатларини очишингиз мумкин. Вақт ўтиши билан, сизнинг руҳий манзарангиз ўлчамлари ўсиб боради, янги таърифга эга бўлади ва ҳар бир фаслнинг устунликларини ҳамда чорловларини ишлатишни бошлайди. Бу ўзгариш жабҳалари сиз фарзандларингиз ўсаётган пайтда уларни тарбиялаш учун сарфлаётган вақтни ёки бир-бирингизни хизмат поғонасида ва даъватда ўсаётганингизда кўллаб-кувватлашингиз йўлини ўз ичига олиши мумкин.

**Мана булар – ўз никоҳингизнинг режасини ёзишингиз учун, биз сизларга қилишни тақлиф қилаётган бешта амалий ҳаракатлар:**

*1. Ибодат қилинг.*

Сизнинг сўзларингизни, фикрларингизни ва кутаётган нарсаларингизни У Ўз Руҳи билан тўлдиришини Худодан сўранг. Сизга умид ромларини беришини Ундан сўранг, чунки У уларни сизнинг имонингиз билан тўлдиришни истайди.

*2. Илҳомни йигиб боринг.*

Муқаддас Ёзувнинг оятларини, маколаларни, хикояларни, фотосуратларни, кўшикларнинг сўзларини, журналлардан кесмаларни, хуласа сизни мустаҳкамлайдиган ҳамма нарсани сақлаб қўйинг.

*3. Қаерда орзу қила олсангиз, ўша жойга боринг.*

Бундай жой, албатта, қимматбаҳо ёки оммабоп жой бўлиши шарт эмас. Бу сизнинг кўчангиз бурчагидаги оддий қаҳвахона ёки уйингиздан узок бўлмаган хиёбондаги хордик чиқарувчилар учун ўрнатилган ўриндиқ бўлиши мумкин.

*4. Ўз мақсадларингизни аниқлаб олинг.*

Улкан орзулар қилинг! Бугунги кундаги вазиятларингиз ёки ўтмисхингиз суратлари билан ўзингизни чегараламанг. Маблағ, фарзандларнинг тарбияси, оиласвий ҳаётнинг ривожланиш суръати, шахсий ривожланиш, руҳий ўсиш, ором ва хордик, хизмат поғонасида ўсиш, уй бўйича мажбуриятлар, жамоатнинг, шаҳарнинг ҳаётидаги иштирокингиз ва шунга ўхшаш бошқа мавзулар устида фикр юритинг.

*5. Кўйилган мақсадларга қандай қилиб эришишини аниқлаб олинг.*

Руҳий манзарангизни ёзib олганингиз заҳоти, ўз ҳолатингизни баҳолашни бошланг: сиз етиб боришни истаган жойингиздан қанчалик узокда турибсиз? Ҳозирги ҳолатингизни баҳоланг ва сизни сафарингизда асрайдиган батафсил стандартларни, қадамларни ва ўзгаришларни ишлаб чиқинг.

Сизнинг режангиз ҳаётингизнинг кўп фасллари учун муҳим бўлади. Мақсадларни ёдда тутган ҳолда, қуидаги саволларга жавоб беринг:

*Бизлар қуидаги ҳолатда бўлганимизда бизнинг никоҳимиз қандай бўлади?*

*Ҳали фарзандларга эга бўлмаганимизда...*

*Кичкина болаларни тарбия қилаётганимизда...*

*Ўсмирларни тарбия қилаётганимизда...*

*Фарзандларимиз инларидан учиб чиққанларида...*

*Набираларимиз билан роҳатланаётганимизда...*

*Охирги фаслимизга бирга кирганимизда...*

Агар сиз уйланмаган ёки турмушга чиқмаган, учрашаётган ёки унаштириб қўйилган бўлсангиз, сиз қуришни истаган келажакдаги никоҳни тасаввур қилинг.

*Сиз маблаг, фарзандларни тарбиялаш ва бошқа соҳаларда мақсадлар қўясиз. Булар ирик вазифалар ва сиз уларни ўзингизнинг кундалик стандартларингиз, қарорларингиз ва одатларингиз ёрдамида қўллаб турасиз. Навбатдаги саволларга қандай жавоб беришини ўйлаб кўринг:*

*Ойлик бюджетни қандай ва қачон тузасиз?*

*Мехнат таътилингизни қаерда ва қандай ўтказасиз ва уни қандай режалаштирасиз?*

*Қандай биргаликда дам оласиз?*

*Қай йўсинда ўз турмуши ўртогингиз билан учрашувлга боришини давом эттирасиз?*

*Ўз турмуши ўртогингиз билан келишимовчиликларни қандай ҳал қиласиз?*

*Ўз фарзандларингиз билан қандай вақт ўтказасиз?*

*Ўз фарзандларингизни қандай интизомга соласиз?*

*Ҳар бирингиз ўз хизмат погонангизни уйдан ташқарида қуришини истайсизми? Агар шундай бўлса, унда бу ҳаётнинг турли фасларида турлича амалга ошадими? Касб соҳасида ва бошқа асосий мақсадларда бир-бирингизни қандай қўллаб-қувватлайсиз?*

*Қандай маълумотга эга бўлишига ҳаракат қиласиз? Ўз фарзандларингизга қандай маълумот бершига ҳаракат қиласиз?*

*Сизнинг фарзандларингизга қандай дам олиши имкониятлари бўлади?*

*Уларнинг қизиқишилари ва қобилияtlари ривожланишига қандай ёрдам берасиз?*

*Қандай қилиб ўз жисмоний соглигинизни қувватлайсиз? (Жисмоний машқлар, дам олиши, тўғри овқатланиши ва ҳоказо).*

*Қандай қилиб ўзингизнинг руҳий соглигиниз хақида ғамхўрлик қиласиз?*

*Қандай қилиб ўз фарзандларингизга Худони таниб-билишини ўргатасиз?*

*Сизнинг никоҳингиз ва оилангиз атрофингиздаги одамларга қай ўйсинда фойда келтиради? (Жамоатингизга, районингизга, кварталингизга, иши жойингизга ва ҳоказо).*

Биз аввалроқ айтиб ўтганимиздек, режангизнинг аниқ чизгилари, сиз доноликда ўсишингиз ва тажриба ортишишингиз даражасида ўзгара бориши ва ривожланиши мумкин. Бу нормал ҳолат. Бироқ, ромларни белгилаб чиқишингиз ва келажакдаги ҳаётингизда пойdevор бўлиб хизмат қиладиган стандартларга ўзингизни бағишлишингиз муҳимдир.

### ЭВЕРЕСТ ТОҒИГА КЎТАРИЛИШ

Тайёрага ўтираётган жуфтни тасаввур қилинг. Қувонган ҳолда, улар саёҳатга бормоқдалар, лекин қаерга бораётганлари ҳақида заррача тасаввурга эга эмаслар. Улар фақатгина тайёра уларни қандайдир ажойиб

саргузаштга учирив кетишини билишади. Улар қандайдир илиқ иқлимили ўлкаларга бораяпмиз деб ўйлайдилар, шунинг учун факат чўмилиш кийимини оладилар ва оқшомлари салқин бўлиши эҳтимолига қарши, бир жуфтгина иссиқ кийим оладилар. Узок соатлар учганларидан сўнг, улар манзилларига етиб келадилар ва Непалга кўнгланларини билиб қоладилар. Улар иссиқ ўлкага бораяпмиз, деб ўйлаган эдилар, аслида эса, улар Эверест тогига чиқишларига тўғри келар экан. Албатта, улар бундай хавфли ва қалтис саёҳатга тайёр эмаслар, шунинг учун зудлик билан уйга қайтадилар.

Кўплар никоҳни чўмилиш ҳавzasига саёҳат деб қабул қиласидилар, лекин у кўпроқ тоғ чўққисини забт қилишга ўхшайди. Бу ҳам мукофот, ҳам лаззатдир, лекин жараённинг ўзи оғир меҳнатдир. Бундай ўхшатма бироз кулгули туюлса ҳам, статистика бўйича, эр-хотинлар иттифоқларининг ўлими даражаси Эверест тоги чўққисини забт этаётган алпинистлар сонидан тахминан йигирма беш марта кўпдир.

Нима учун Эверест тогига кўтарилаётганлар эр-хотин жуфтлардан кўра анча муваффакиятлilar? Чунки уларда ўз саёҳатларининг руҳий манзараси, яъни саёҳат ҳақида тасаввур бор ва улар нимани кутишлари лозимлигини биладилар. Уларни паст ҳарорат, ҳавонинг сийраклашуви, шиддатли шамоллар кўркитмайди. Афсуски, жуда қўп оиласидар воқеликка асосланмаган нарсаларни кутишлари ва оила ҳақида руҳий манзара, яъни аник тасаввур етишмаслиги туфайли мағлубиятга учрайдилар. Шунинг учун ўз режангизни ишлаб чиқиш учун хозир ўз вақtingизни сарфлашингизда чукур маъно бор.

#### БУНИ ЯХШИ АМАЛГА ОШИРИШ

Сизнинг тарихингиз ривожланиши жараённида, Худо руҳий манзара, яъни тасаввурингиз чегараларини кенгайтира боради ва унга гўзал чизмалар қўшади, лекин У ҳеч қачон сизнинг эр-хотинлик ҳаётингизни бузмайди. Синовлар Худонинг сизнинг тарихингизни барбод қилиш ҳаракати бўлиб туюлиши мумкин, сизда ғазаб ҳамда ҳафсаласи пирлик би-

лан Ундан хафа бўлиш васвасаси пайдо бўлиши мумкин. Лекин билинг: сизнинг синовларингизнинг муаллифи Худо эмас, Худода ҳамма нарса эзгулик учун хизмат қилади (Рим. 8:28). Унинг инояти ва Руҳи ҳеч қачон сизни тарк этмайди ва У сиз ўта олмайдиган синовлардан ўтишингизга йўл қўймасликни ваъда берган.

“...Худо эса содикдир, У кучингиз етмаган васвасага тушишга йўл қўймайди, лекин васваса пайтида бардош беришингиз учун халос бўлиш йўлини ҳам беради” (1 Кор. 10:13).

Баъзан ҳамма нарса бўлакларга парчаланиб кетаётгандек туюлади, лекин сиз умидни маҳкам тутсангиз, ҳар қандай бўронларни енгиб ўтасиз. Ҳамма нарса айтиб ва килиб бўлинганидан сўнг, сиз Устознинг сизга йўналган сўзларини эшитасиз:

“Яхши иш, яхши ва содик кул!” (Мт. 25:23).

Устоз: “Баркамол иш”, – деяётган эмас, У: “Яхши иш”, – демоқда, бу қизик, шундай эмасми? Бизлардан ҳеч биримиз ўз ҳаётилизни баркамол яшай олмаймиз. Лекин уни яхши яшаш мумкин, никоҳда ҳам худди шундайдир. Бу шуни билдиради, У бизларга тайёрлаб қўйган энг яхши нарсаларни олиш учун биз никоҳда соғлом фикр билан, бўйсувучан камтарликни сақлаган ҳолда, ўз хатоларимиздан ўрганиб ва Худонинг иноятида олдинга интилиб яшашимиз лозим. Агар сиз шундай яшашга қарор қилсангиз, унда сизнинг никоҳингиз шунчаки жон сақламайди. У гуллаб-яшнайди. Худо сиз ҳақингизда охиригача ғамхўрлик қиласди.

“Сизларнинг ҳар бирингиз умидга ишончи комил бўлиши учун охиригача шундай ғайрат кўрсатишингизни хоҳлаймиз, токи сизлар ялқов бўлиб қолманлар, лекин имон ва сабр-тоқат билан ваъдаларни мерос қилиб олганларга таклид қилинглар” (Ибр. 6:11,12).

Худо сизнинг никоҳда Унинг ваъдаларини мерос қилиб олишингизни истайди. Унинг Руҳи сизга беравётган умидга таянинг. Турмуш ўр-

## 80 НИКОХ ТАРИХИ

тоғингизга чидамли бўлинг, ўз никоҳ иттифоқингизга ишонинг. Шунда Худо икки нафар номукаммал одамлар орқали нималар қила олишини кўриб, лол қоласиз. Худо тарихлари қандай бошлангани ҳақида эмас, балки қандай тугаши ҳақида бўлган никоҳларни қуришни иштиёқ билан истайди.

## 1-кун. Кундалик ўқиши учун

# ЯРАТИЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ НОЁБ АСАР

“Зеро биз Худо азалданоқ тайёрган яхши ишларни бажариишимиз учун  
Исо Масиҳда яратылған Унинг ижодимиз”.

— Эфесликларга 2:10

Худо яратган ҳамма нарса, шу жумладан, сизнинг никоҳингиз ҳам маълум мақсадга әгадир. Сизнинг ҳаётингизга Ўзининг Рухининг шахсий иштироки орқали У сизнинг никоҳингизни Унинг иноятининг ноёб асари қилмоқчи.

Эсга олинг, сиз ҳали уйланмаган, турмушга чиқмаган ва унаштирилмаган вактингизда ўз никоҳингизни қандай тасаввур қиласаңыз? Муқаммал никоҳнинг қандай тимсолларини юрагингизда ва онгингизда сақлар эдингиз?

---

---

---

Сизнинг никоҳингиз ўша орзуингиздан накадар фарқ қиласади?

---

---

---

Худо никоҳ иттифоқининг аҳд муносабатлари бўлишини режалаштирган. Бу аҳдни бутун умрга “ўлим ажратмагунича” тузадилар. Бу аҳдда ҳар бир томон бошқа томонга бўйсунади ва эга бўлган ҳамма нарсасини беради. Бир кишининг қийинчиликлари бошқасининг қийинчиликларига айланади, ҳар бири ўз шеригининг эҳтиёжларини қондиришга ва уни ҳимоя қилишга вайда беради.

Адиблар ва нотиклар бўлмиш **Боб ҳамда Одри Мейснер** аҳд ҳакидаги ўз ваҳийлари билан ўртоқлашганлар:

“Аҳд – бу Худонинг ишидир. Муқаддас Ёзув аҳдда яшашнинг дуо-баракатлари ҳакида аниқ сўзлайди, у Худонинг иноятини, моддий

## 82 НИКОҲ ТАРИХИ

эркинликни, хавфсизликни, комил ишончлиликни, узоқ ҳаётни, соғликини ва художўй хулқ-авторни ўз ичига олади!... Ҳакиқий аҳд муносабатларида ўз хатоларини тан олиш, ҳаётнинг қийинчиликларига қарши туриш осон, чунки биз биламиз: бизни ростгўйлигимиз учун рад килишмайди. Бизнинг турмуш ўртогимизга ҳам, бизлар қийинчиликлардан биргаликда ўтаётган эканмиз, омадсизликларни енгишга ёрдам бериш учун ҳақиқатни севгидаги айтиш осон бўлади. Масиҳдаги ҳаётнинг ажойиб аҳди шундайдир”.

Худо сизнинг аҳдингиз ҳақида нима дейди? Ўзингиздан сўранг: “Мен никоҳда аҳдга биноан яшаяпманми? Мен аҳдли никоҳда яшаш учун нима қилишга тайёрман?” Ибодат қилинг ва Муқаддас Рухдан сизга таъсир қилиши ва куч беришини сўранг.

---

---

---

Сизнинг аҳдга асосланган никоҳингизга нисбатан Худонинг буюк мақсади бўлиб, бу мақсад эр-хотинларнинг ўzlаридан анча узоқроққа боради. У эр-хотинлик иттифоки севги ва ҳақиқатни, масалан, Иброҳим ва Соранинг иттифоки каби анча йироқ келажакка тарқатишини истайди. Ўзингиздан ва Раббийдан сўранг: “Менинг никоҳим кимга таъсир килмоқда? У қандай таъсирга эга?”

---

---

---

Бир оз тўхтанг ва ибодат қилинг. “Муқаддас Рух”, Сенинг аҳдинг менинг болаларимга, набираларимга ва Сен менинг таъсирим доирасида жойлаштирган одамларга тарқалиши учун Сенинг аҳдингнинг чегараларини қандай кенгайтиришим мумкин?

---

---

---

*Худонинг каршисида сукут сакланг: У хозир ва кейинги кунларда нима дейишишга кулок солинг. Ўнинг насиҳатларини ёзиб олинг ва итоат қилиш учун Ўнинг иноятини сўранг.*

## 2-кун. Кундалик үқиши учун

# ҮЧОҚДА ЭРИТИЛГАНЛАР

“Дұстлар, ҳаёт жуда қиийн бўлиб борганида, Худо мени тарқ этди, деган хуосага келишга шошишмане. Бунинг ўрнига, Исо Масиҳ бошидан кечирган қиийнчиликларга яқин қиийнчиликлар орасида эканлигиниздан қувонинг. Бу рухий покланиши жараёнидир, бунинг ортидан шуҳрат кечикмасдан келади”.

— 1 Петьор 4:12,13, The Message, инглиз тилидан таржима.

Никоҳ – бу рухий покланиш жараёнидир, Худо – Покловчидир. Сизнинг муаммоларингизнинг манбаи У эмас, лекин сизни ва сизнинг турмуш ўтғонгизни Масихга кўпроқ ўхшаш қилиш учун У муаммоларни ишлатади.

Келинг, ростдан айтамиз: ҳеч ким синовларни яхши кўрмайди. Агар кўлимиздан келса, бизлар синовларни четлаб ўтган бўлар эдик. Лекин қиийн йўлдан маъно бор.

Вақт танлаб, синовларнинг устунликлари ҳакидаги қуйидаги хақиқатлар ҳакида фикр юритинг. Бизлар Муқаддас Ёзувдан бир неча оятларни олдик ва уларни бевосита никоҳга кўлладик.

“Аммо У менинг йўлимни билади (менинг эримнинг/хотинимнинг ҳам); У мени (менинг эримни/хотинимни) синаганида, мени буткул айбисиз деб эълон қиласди, олтин каби тоза чиқаман”.

— Аюб. 23:10, TLB, инглиз тилидан таржима.

“Сен бизларни синадинг (мени ва менинг эримни/хотинимни) Худойим, бизларни кумушни эритгандек эритдинг ...Бизлар оловга ва сувга кирдик, Сен бизларни фаровонликка ҳамда чексиз тўқисликка олиб келдинг”.

— Сан. 65:10,12, TLB, инглиз тилидан таржима.

“(Эрлар ва хотинлар), сизларга турли томонлардан синовлар ва чорловлар келганида, буларни тўлиқ инъом деб қабул қилинглар. Сиз биласизки, босим остида, сизнинг имонлилик ҳаётингиз очилади ва ўзининг ҳақиқий рангини кўрсатади. Шунинг учун бирор нарсадан ҳали етилмасдан чиқишига ҳаракат қилманг. Синовлар ўз ишини қилишига рухсат беринг, токи сиз бирор томондан камчиликсиз қолмасдан етук ва яхши ривожланган бўлинг”.

— Ёқ. 1:2-4, The Message, инглиз тилидан таржима.

## 84 НИКОҲ ТАРИХИ

“...Ахир олтин ҳам олов билан синалади, гарчи олов уни барбод қилиши мүмкін бўлса ҳам; сизларнинг имонингиз эса олтиндан кимматроқдир ва унинг ҳақиқийлиги синалаши ҳамда тасдиқланиши керак, токи сиз (сизнинг эрингиз/хотинингиз ҳам) мақтов, шараф ва иззат ола олинг...”

— 1 Пет. 1:7, инглиз тилидан замонавий таржима.

Сиз ҳозирги вақтда турмуш ўртогингиз билан ўтаётган азоблар ўчоғи (келишмовчиликлар) ни қисқача таърифланг.

---

---

Муқаддас Ёзувдаги мазкур оятлар орқали Муқаддас Рух сиз, сизнинг эрингиз (хотинингиз) ҳақингизда ва сиз бўлган вазият ҳакида нималарни кўрсатмоқда?

---

---

Агар сизнинг эрингиз (хотинингиз) яхши эмас, деб ўйласангиз, сизнинг ҳаётингиз ўзгармайди. Сиз ўзингизда нимани ўзгартиришингиз кераклигини билиб олганингизда ўзгаришлар бошланади. Тўхтанг ва ибодат қилинг: “Муқаддас Рух, менинг юрагимда ва онгимда нима содир бўлмоқда? Сен нимани ўзгартиришни истайсан? Мен ўзим ҳақимда нимада янгишшайман? Сенинг овозингни эшлишишга ва Сўзларингга бўйсунишга ёрдам бергин. Исо Маших номи билан. Омин”.

**Муқаддас Рух менга ўзим ҳақимда очаётган ҳақиқат:**

---

---

**Муқаддас Рух мени қилишга руҳлантираётган ишлар:**

---

---

### 3-кун. Кундалик ўқиши учун

## ИМОН, УМИД ВА БҮЙСУНУВЧАН КАМТАРЛИК

“Умиднинг манбаи бўлмиши Худо сизни имонингиз орқали қувонч ва тинчлик билан тўлдирсин, токи Худонинг Рухи кучи билан сизнинг умидингиз тўхтovсиз ўссин”.

— Рим. 15:13, замонавий таржима.

Имон ғаройиб никоҳ учун қурилиш фиштлари билан таъминлайди, умид эса уни яратишнинг чизмасидир. Умиднинг манбаи бўлмиш Худо сизга ва сизнинг турмуш ўртогингизга ишонади. Агар сиз Унга буткул ишонсангиз, У сизга Ўз чизмасини беради ва сиз орзуингиздаги никоҳни қуришингиз учун куч беради.

Чўпон ва адаб **Ф.Б.Мейер** ўзининг “Иброҳим ёки имонга бўйсуниш” китобида шундай тушунтиради:

“Имон – бу жажжи уруғ бўлиб, унда барча ноёб муаттар хидлар ва масиҳийлик хаётининг ғоят гўзал турфа ранглари жойлашгандир. У Раббий унга қўйл тегизиши ва уни дуо қилишинигина кутиб турибди. Агар одамда имон бор бўлса, гап фақатгина ичкарида жойлашган нарса қачон ривожланиши ва ўсишидадир... Имон бизларни Худонинг Ўғли билан шу қадар кучли боғлайдики, биз абадий У билан бир бутун бўлиб қоламиз ва Унинг хулқ-авторидаги бор шараф... бизларга хисобланади”.

Шундай қилиб, имон нима? У қаердан пайдо бўлади? Ўз ҳаётимизда унинг ўсишини қандай кўришимиз мумкин? Мазкур лавҳаларни диққат билан ўқиб чиқинг ва Муқаддас Рух сизга очадиган нарсаларни ёзинг.

Римликларга 1:11,12; 10:17; 12:3 • Ибронийларга 11:1,6 • Эфесликларга 2:8 • Колосаликларга 2:6-8.

Имон билан бирга сизга умид – никоҳ иттифоки учун Худо томонидан берилган чизма ҳам керак. Бир оз тўхтанг ва ибодат қилинг: “Раббий, менга ва менинг хотинимга (эримга) бизнинг никоҳимиз учун Ўз илоҳий чизмангни бергин. Иброҳимга самодаги юлдузларни кўрсатганинг каби бизларнинг юракларимизга, бизларга тушунарли бўлган ва абадий ёдда қоладиган тимсолни чизгин. Исо Масих номи билан. Омин”. Раббий сизга нималарни очишига қаранг, қулоқ солинг ва ёзиб олинг.

---

---

---

Сиз имон ва умидни олишингиз учун керак бўлган бир асосий фазилат бор. Бу бўйсунувчан камтарлиқдир. Бўйсунувчан камтарлик дейди: “Раббий, мен Сенсиз ҳеч нима қила олмайман, лекин Сен билан бирга ҳамма нарса қила оламан”. Агар сизнинг юрагингизда бўйсунувчан камтарлик хукм сурса, Худо сизнинг никоҳингиз учун тайёрлаб қўйган ҳамма аъло нарсалар учун эшик кенг очиқдир!

Ўн тўққизинчи аср чўпони ва адиби **Эндрю Мюррей** шундай деган: “Исо Масих ерга бўйсунувчан камтарликни қайтариш учун келди, токи бизларни Ўзига дахлдор қилсин ва шу билан бизларга нажот берсин ... Унинг бўйсунувчан камтарлиги – бизнинг нажотимиздир. Унинг нажоти – бизнинг бўйсунувчан камтарлигимиздир. ... Факатгина Масихнинг илоҳий бўйсунувчан камтарликда бўлиши орқали бизлар ҳакиқий бўйсунувчан камтар бўла оламиз”.

Куйидаги оятлар устида дикқат билан фикр юритинг. Худо сизга нималарни очмоқда?

Матто 11:28-30 • Юҳанно 13:1-17 • Филиппиликларга 2:1-11 • Ёкуб 4:6 • 1 Пет. 5:5.

“..Доимо камтар ва мулойим бўлинглар. Бардош билан, севги билан бир-бирларингизга чиданглар. Бор кучингиз билан Руҳнинг бирлигини сақлашига ҳаракат қилинглар, уни тинчлик ришталари билан мустаҳкамланглар”.

— Эф. 4:2,3, замонавий таржима.

## 4-кун. Кундалик ўқиши учун

# БИРГАЛИКДА УЛКАН НАРСАЛАРНИ ОРЗУ ҚИЛИНГЛАР

“Бир кишидан икки киши афзал, чунки уларнинг меҳнатлари учун яхши мукофот бор. ...Агар бир кишини кимдир енгмоқчи бўлса, икки киши унга қарши тура олади. Уч толадан ўрилган ип тезда узилмайди”.

— Ваиз 4:9,12

Яшаш ва никохнинг кенглигидан лаззатланиш: ҳар бир эр ва хотин учун Худонинг режаси айнан шудир. Агар сизнинг эр-хотинлик иттифоқингиз орасида Унинг Муқаддас Рухи ҳукмронлик қилаётган бўлса, унда сиз улуғворлик йўлидасиз!

Улкан қадамлар билан яшашни истайсизми? Улкан нарсаларни орзу қилиш учун вакт ажратинг. Бу бобнинг охирида, сиз ўз никоҳингизнинг мақсадини чизишингиз учун керакли ҳамма нарса бор. Ҳозир эса ана шу муҳим лаҳза учун тайёрланинг.

Сиз ва сизнинг эрингиз (хотинингиз) бирга боришни ва эркин орзу қилишни яхши кўрадиган бир неча ёқимли жойларни атанг.

---

---

---

---

Ўз жавобларингизни мухокама қилинг, сўнгра, сизлар романтик учрашувга боришингиз мумкин бўлган жойлар хақида ўйланг.

Умумий орзулар сизларга бир-бирларингизга юракларингизни астойдил очишга ва Худонинг мақсади, инояти, донолиги, кучи билан сизлар биргаликда кила оладиган буюк ишларни тасаввур қилишга ёрдам беради. “Сизларнинг интилишларинг янада маҳсулдор бўлиши учун сизлар жуфт сифатида биргаликда яна нима қила оласизлар? – сўрашади адиллар **Билл ва Пэм Фаррел**. – Тиришқоқ бўлинг... Сиз ҳақиқатан ҳам ўз мақсадингиз йўлидамисиз, буни билиш учун ўз орзусини кандай амал-

га оширишни тушунтирадиганмақсадларни ёзиб олиш керак. Мақсад аник...воқеликка тўғри келадиган... ва Худонинг ёрдами билан амалга оширса бўладиган бўлиши лозим”.

Бизлар мақсадни режалаштиришни эртанги кунги ўкиш учун лавҳада батафсил мухокама қиласиз. Сизнинг юрагингизда хозир қандай мақсадлар бор? Ўйлаб кўринг, сиз бир-бирингиз билан муносабатларингиз учун, болаларни тарбиялаш учун, моддий барқарорлик учун, маълумот, иш поғонасида ўсиш, харидлар, уй қурилиши, нафақа ва бошқалар учун нималарни истайсиз?

**Бизнинг никоҳимиз учун менинг энг катта орзуларим:**

---



---



---

Бир-бирингиз билан ўз орзуларингиз ҳақида сухбатлашиб бўлганингиздан уларни ёзиб қўйинг.

**Менинг эримнинг (хотинимнинг) бизнинг никоҳимиз учун энг катта орзулари:**

---



---



---

Сизларнинг орзуларингиз бирор соҳада бир-бирига тўғри келадими? Уларда нима умумий? Буни мухокама қилинглар.

**Бизлар кўпроқ қўйидаги нарсалар ҳақида орзу қиласиз:**

---



---



---

Ёдда тутинг: “Худо ҳамма нарса қила олади, бу сиз тасаввур қила олганингиздан, тахмин қила олганингиздан ёки ўзингизнинг энг дадил орзуларингизда сўрай олганингиздан анча каттароқдир!” (Эф. 3:20, инглиз тилидан таржима.) Ўз орзуларингизни ибодатда Раббийга берингва Үндан сиз орзулар сари қўя оладиган аник қадамларни кўрсата бошлишини сўранг.

## 5-кун. Кундалик ўқиши учун

# ЎЗ РУХИЙ МАНЗАРАНГИЗНИ ЁЗИНГ

“...Сен күрадиган ваҳийни ёзиб қўйгин ва ...лавҳаларга яққол чизгин”.

— Ҳаб. 2:2

Энди сиз бирга орзу қила бошлаганингиздан сўнг кўрган рухий манзарангизни, яъни тасаввурингизда никоҳингиз қандай бўлиши лозимлигини ёзиб қўйинг. Рухий манзараға эга бўлиш – бу ўз никоҳи учун ва Худонинг йўналтириши ҳамдаинояти билан сиз ва сизнинг турмуш ўртоғингиз ким бўлиши мумкинлиги ҳақида реал мақсадга эга бўлиш демакдир.

Адиб, профессор ва оилавий масалалар бўйича маслаҳатчи **Х.Норман Райт** рухий манзара мавзусига ўзининг қимматбаҳо назарини таклиф этди:

“Рухий манзарани кўриш – содир бўлаётган нарсалар, имкониятлар ҳақида зийрак билимларга эга бўлган ҳолда, келадиган нарсаларни олдиндан кўра билиш ва ўтмишдан қимматбаҳо дарслар олишни билдиради. Яна шуни айтиш мумкинки, рухий манзарани кўриш – бу кўринмас нарсаларни кўришни ва уни кўринарлига айлантиришни билдиради. Бу – келажак кунларда ҳамма нарса қандайсодир бўлиши ёки қандай амалга ошиши лозимлигининг манзарасига онга эга бўлишни билдиради. Рухий манзарани кўриш – бу ҳали бўлмаган шароитларнинг тимсолидир. Бу ўтмишда ёки ҳозирги кунларда тўхтаб қолмасдан кўпроқ келажакка дикқатини қаратса олиш қобилиятидир. Рухий манзарани кўриш – бу Худонинг кучи ва йўналтириши ёрдамида аълороқ келажак қуриш жараёнидир”.

Муваффақиятли никоҳнинг рухий манзараси мутлақ негизларга эгадир. Сиз турмуш ўртоғингиз билан бирга ортга чекинмасдан амал қилишни истайдиган бир неча мезонларни ёзинг.

---

---

---

---

Бу рўйхат жанжалларни четлаб ўтиш, қарз олмаслик, доимо кечиришга тайёр бўлиш, хеч қачон бир-бирини паст урмаслик ва шунга ўхшаган бошқа қарорларни ўз ичига олиши мумкин.

Райтнинг руҳий манзарани кўришни таърифлашини қайта ўқиб чиқинг. У сизга нима ҳақида сўзламоқда? Сиз ўз никоҳингиз учун сиз ўз эрингиз(хотинингиз) билан келгуси йилда эришишни истаган қандай қисқа муддатли мақсадлар қўясиз?

---



---



---

Сиз ўз никоҳингиз учун қандай оралиқ руҳий манзарага эгасиз? Кейинги беш, ўн йилда қайси мақсадларга эришишни истар эдингиз? Ёдда тутинг, аниқ ва воқеликка мос келадиган мақсадлар қўйиш ва кўраётган нарсангизга дикқатингизни қаратишингиз лозим.

---



---



---

Сизнинг никоҳингизнинг узоқ муддатга мўлжалланган руҳий манзараси нима? Кейинги йигирма, ўттиз йил ичидаги сиз қандай аниқ мақсадларга эришишни истар эдингиз? Нафакага чиқиш, набираларга эга бўлиш, хизмат, дам олиш вақтидаги машғулотлар, саёҳатлар ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда ёзинг.

---



---



---

*“Лекин Мен режсалаштираётган нарсалар бирданига содир бўлмайди. Секин, муқаррар раввишида, аниқ руҳий кўрганинг амалга ошадиган вакт келади. Гўёки секиндек туюлса ҳам, тушкунликка тушмагин, чунки албаттга амалга ошади, инкор этилмайди. Сабрли бўлгин! Бир кунга ҳам кечикмайди!”*

— Ҳабақуқ 2:3, TLV, инглиз тилидан таржима.

# МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

*Агар сиз бу китобни “Messenger” хизматидан «Никоҳ тарихи» материалларининг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, 2 видеодарсни кўринг.*

- 1| Кўплаб оиласи жуфтлар шунчаки ҳаётни сақлаб қолиш ҳолатидарилар. Лекин Худо бизнинг никоҳимиз шунчаки ҳаётини сақлаб қолишини хоҳламайди. У бизнинг никоҳимиз гуллаб-яшнашини хоҳлайди! Бир неча дақиқа давомида бир-бирингиз билан сухбатлашинг. Нима учун никоҳингизнинг мақсади сиз билан турмуш ўртоғингиз кўра оладиган чегарадан чиқиши муҳим?
- 2| Албатта, сиз никоҳингизда қийинчиликларга дуч келасиз. Сиз билан турмуш ўртоғингиз – бир кишига айланиш жараёнини бошидан ке-чираётган икки нафар одамсизлар. Ибронийларга мактубда (12:2,3) бизларга қийинчиликлар билан ишлаш режаси берилган. Диққат билан мазкур лавҳани ўқиб чиқинг ва бизларни олтин каби пок қилиш учун ўчоқда тозалагандек тозалаб, Худо нимага эришмоқчи эканлигини аниқланг.

“Бизлар югураётган мусобақанинг асосчиси ҳамда тугатувчиси бўлган Исога кўз тикайлик. У буни қандай амалга оширганига каранг. У Ўзи интилган мақсадни, Худода ва Худо билан ўша ажойиб мэррани назаридан қочирмагани учун У Ўз йўлида ҳамма нарсага: хочга, шармандалика, нимага чидаш керак бўлса ҳаммасига бардош бера олди. Ўзингизни имонда заифлашаётган хис қилганингизда, гунохкорлар томонидан шу қадар душманликка бардош берган Шахс ҳакидаги хикояни қайта ўқиб чиқинг. Бу сизнинг жонингиз учун катта қувват бўлади!”

— Ибр. 12:2,3, The Message, инглиз тилидан таржима.

- 3| Мағрурлик бизларни Худонинг энг ажойиб инъомларидан лаззатла-нишдан тутиб туради. Сиз мағрурликка сизнинг никоҳингиз мақса-

дини қай даражада чеклашига рухсат бердингиз? Сиз учун Худо режалаштирган никоҳда яшаш учун сиз қандай ўзгаришларни амалга оширишингиз керак?

- 4| Улуғворликка ёсиб бораётган баҳтли, соғлом никоҳларнинг мақсади бўлади. Яхши мақсадни аниқ воқеликка тўғри келадиган режа билан мустаҳкамлаш мумкин. Ҳар бир жуфт ўз хусусий йўлини қуради, эр ҳам, хотин ҳамўзларини уни амалга оширишга бағишлишади. Никоҳингизнинг аниқ мақсад талаб қиладиган соҳаларини айтинг. Аниқ режани ёзиб олиш нима учун бу қадар муҳим ва фойдали? Ўз мақсадини вақти-вақти билан кўздан кечиришва тўғирлаб бориш нима учун муҳим?

**Етакчиларга:** Ўз гурухингиздан Ҳабақук 2:2,3; Ҳикматлар 29:18ни ўқишиларини сўранг.

- 5| Матто хушхабарида (25:23) “яхши ва содик” кул ўз хўжайинининг хонадонини “яхши” бошқарар эди. Яхши никоҳда яшаш – бу мукаммал никоҳда яшаш дегани эмас. Мукаммал никоҳни кутиш бизни яхши никоҳда яшашдан қандай тутиб туриши мумкин? Бизнинг тушунчамиз бўйича, яхши никоҳ, яхши муносабатлар нима? Бизнинг хатоларга муносабатимиз қандай бўлиши керак?

## БОБНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ:

- Сизнинг никоҳингизнинг тарихи фақат сиз ҳақингизда эмас. Сиз эр-хотинлик ҳаётингиз давомида таъсир қиласиган одамларни у ўз ичига олади ва келажак авлодларга мерос қолдиради.
- Никоҳ эркаклар ва аёллар Масиҳнинг суратига ўзгара олиши ва шаклланиши учун аъло муҳитни яратади. Бу Худони машхур килиб, Унга буюк шухрат келтиради.
- Имон – бу ҳали воқеликка айланмаган ажойиб никоҳнинг қурилиш ашёларидир. Имон – бу чизма ёки Худо томонидан берилган руҳий манзара бўлиб, унга кўра қурилиш олиб борилади.
- Бўйсунувчан камтарлик Худонинг бизнинг ҳаётимиз учун аталган энг яхши баракатлари учун эшикни очади. Бўйсунувчан камтарлик орқали бизлар Худо режалаштирган никоҳнинг кенглиги ва улуғворлигини кўриш учун иноят (куч) оламиз.
- Никоҳингизнинг ҳозирги ахволи қандай бўлишидан қатъий назар, у абадий баҳтли никоҳга ўсиб бориши мумкин.
- Сизнинг никоҳингиз учун мақсадни: тирик, ҳаёт нафаси барқ уриб турган, вақт ўтиши жараёнида ўсадиган ва сизнинг умидларингиз, мақсадларингиз ҳамда ўзгармас мезонларингизни ўз ичига оладиган режани ёзиб олинг.



## Кема сатхини тозалаш

*Кема сатхини тозалаш: маълум воқеа ёки мақсадга тайёрланиши, халақит бериси мумкин бўлган ҳар қандай тўсқинликларни бартараф этиши.*

### 1-кун

Мазкур денгизчилар термини жангта тайёрланишдан олдин кемада бериладиган буйруқ, яъни команда эди. Кема сатхини тозалаш ҳакида буйруқ жаранглаганида, денгизчилар кемада эркин ҳаракат қилишга халақит бериси мумкин бўлган ҳамма асблоларни, арқонларни ва бошқа нарсаларни олиб қўйиш кераклигини билар эдилар. Ҳозирги кунларда, бу термин бехалал ҳаракатлар учун амалга ошириладиган ҳар қандай тайёргарликни ифодалаш учун кўлланади.

Сўнгги бобда биз никоҳ ҳакида ҳали чизилаётган, жонли чизма терминларида сўзладик. Бу бобнинг мақсади – олдинга ҳаракат қилишга ва никоҳнинг кенглигига етишишга халақит берадиган ҳамма масалаларни хал қилишдир. Кемада, кема сатхини тозалаш жараёнида, кема экипажи бўрон вақтида ҳамда ҳужум вақтида бирор нарсага тўкишиб кетмаслиги учун арқонларни ечиб олади ва сокин сузиш вақтида осонгина сакраб ўтиш мумкин бўлган ҳамма кераксиз нарсаларни олиб қўяди.

Бизга келажакка йўлда сизни кувватлайдиган юк билан сузиш, сизни пастга тортадиган ёки ўтмишга лангар ташлашга мажбур қиласидиган

ҳамма нарсани эса кемадан ташқарига улоқтириб юбориш ғояси ёқади. Жуда кўп одамлар шунчаки “кемада тўқишидилар” ва қулайдилар эмас, балки улар кемадан ташқарига қулайдилар ва денгизда гарқ бўладилар.

Гарчи никоҳда, эр-хотинларнинг камчиликлари бошқа жойдаги муносабатларга кўра кўпроқ очилса ҳам, Худонинг никоҳ ҳақидаги режаси нуқсонсиздир. Кемангизнинг елканлари осилиб қолиб, юки йўқолиб, кемада тешиклар пайдо бўлиб, арқонлар узилибу ўз курсидан қайтиб бўлмас даражада оғиб кетишини кутиб ўтирмасдан, сиз ўз йўлингизни ишонч билан ўтишингизни истаймиз.

Денгиз тимсоллари мавзусини давом эттириб, шуни қўшиб ўтмоқчимизки, муносабатларнинг асосий масалаларини оқилона ҳал этишни рад қилиб, биз гўёки денгизга кема тубида тикиб қўйилган тешик билан йўлга тушамиз. Қандайдир вакт мобайнида у бизни куткаради, лекин босим кучайганида, у босимга бардош бера олмайди.

Биз сизнинг йўлдан адашишингизни ёки чўкишингизни истамаймиз. Биз истаймизки, сизнинг никоҳингиз ҳар қандай бўронга бардош бера оладиган Нуҳнинг кемаси каби бўлсин. Сиз олдинги бобни ўқиб, никоҳингизнинг режаси устида ишлаганингизда, балки белгиланган йўлга тушишдан олдин ечимини талаб қиласидиган баъзи муаммоларни аллақачон тан олгандирсиз. Шундай қилиб, келинг, худбинлик, мағрурлик ва хафалиқдан илдиз олган нуқсонни йўқ қиласайлик. Келинг, бизни чеклаб турган ҳар қандай лаънат ва боғлаб турган қўрқувдан озод бўлайлик ҳамда умид бизнинг лангаримиз бўлсин.

## БИЗНИНГ БОШЛАШИМИЗ

Биз кема сатҳини тозалаш нақадар муҳим эканлигини биламиз, чунки биз ўзимизнинг саёҳатимиз мобайнида буни қилмадик. Бизга оила куришгача маслаҳат бериш маслаҳатхонасида берилилган маслаҳатларга биз унча қулоқ солмадик. Бизнинг маслаҳатчимиз бизга оиласиб келишмовчилик ва бўронларни қандай енгиш мумкинлиги ҳақида сўзлаганида, бизлар ўйлар эдик: “Жанжаллар? Бизлар ҳеч қачон жанжаллашмаймиз! Бизни Худонинг Ўзи бирлаштириди. Бу маслаҳатлар бизлар

бир-биримизни севганимиз каби бир-бирларини севмайдиган жуфтларга тегишли. Бизлар бундай эмасмиз. Худонинг қўли бизнинг ҳаётимиз устида”.

Бизнинг эр-хотинлик ҳаётимиз бошланганидан сўнг бир неча хафтадан кейиноқ муаммолар бошланди. Бизлар накадар кучли адашганимизни тушуниш учун кўп ўйлаш шарт эмас эди. Бизлар беками-кўст эр-хотинлар деган фикрга тўлиқ ишонч билан оила қурдик, лекин тез орада бир-биримизнинг камчиликларимизни тобора пайқай бошладик. Бизлар жадал равишда бир-биримизни ўзгартиришга ҳаракат қила бошладик. Натижада, бизнинг дуо-баракали никоҳимиз икки нафар жуда мустаҳкам иродали одамлар орасидаги жанг майдонига айланди. Темир темирни чархламоқчи бўлганида учкунлар отилар эди.

Бизнинг никоҳ иттифоқимиз, аслида, заиф ва нозик эканини бизлар фаҳмламас эдик. Ҳа, бизлар бир-биримизга жуда содик эдик, лекин ўзимизга жуда баланд баҳо берар эдик, айниқса, чидам ва бағрикенглик намоён қилиш лозим бўлган вақтларда шундай қилар эдик. Бизларнинг ҳар биримизда биз тан олишни истаганимиздан кўра кўпроқ нуқсонлар бор эди, яхши бўлган фазилатлар эса келажак қийинчиликларга карши тура олиш учун ёмон мустаҳкамланган эди.

Бизлар Раббийга кема сатҳини тозалашига рухсат беришнинг ўрнига, бир-биримизни тозалашни истар эдик. Ўзини айнан самода яратилган деб хисоблайдиган жуфт лаззатдан маҳрум эди. Жамоатда бизлар илгаригидек ўзимизни яхши эр-хотинларга хос тутишга ҳаракат қилар эдик, лекин уйда бизнинг ҳаётимиз кўпроқ WWF Monday Night Raw шоу-дастуридаги рингда кураш сахнасига ўхшар эди.

Бизнинг биргаликдаги ҳаётимизнинг биринчи йилида, бизлар “интенсив сухбатлашиш” ни амалда қўллаган давр бўлган эди. Бир куни Жон мени (Лиза), бизлар сухбатлашиб бўлмагунимизча хонадан кўйиб юборишни истамади, шунинг учун менга кроватда ўтиришимни айтди. Мен эса унга кейинги кун эрталаб айтганимдан пушаймон бўладиган бирор гапни айтиб қўймаслик учун чиқиб кетмоқчи эдим. Жон менга ўтиришимни айтди, мен эса аллақачон турган эдим ва эшик томон бора-

ётган эдим, шунда у муносабатларни ҳал қилиш учун мени яна кроватга ўтқизмоқчи бўлди. Натижада, мен оёқда тура олмай, ерга куладим.

Сўнг ерда турадиган лампани чангаллаб оёқка турдим. Менинг эрим кўзларига ишонмай менга караб тураг эди ва юз киёфасида даҳшат акс этиб: “Сен бу билан нима қилмоқчисан?” – деб сўради.

Мен: “Билмайман”, – деб жавоб бердим.

Бу саҳнанинг ўнғайсизлиги учун бизлар ўзимизга кела олдик ва осойишта сухбатлаша олдик, лекин муаммонинг илдизи шундайлигича, ечилмай қолиб кетди.

Бир неча кундан сўнг мен бир дугонам билан тушлик вақтида учрашдим. У мендан кўра узокроқ вақт оиласи эди ва мен унга кўнглимни оча оламан ҳамда эрим билан жанжалларимиз ҳакида сўзлаб бера оламан, деб хис килдим. Лекин унга лампа билан содир бўлган воқеа ҳакида ҳамма нарсани батафсил айтиб беришнинг ўрнига, узоқдан келишни маъкул кўрдим. Мен ундан: “Эрингиз билан сизнинг орангизда, охири сизни ерда турадиган лампани кутилмагандан чангаллаб олишингизга олиб келганкелишмовчилик бўлганми?” – деб сўрадим.

У менга шу қадар ҳайрат билан қарадики, гўё менинг саволим бемаънилик эди: “Йўқ!”

Мен тезда: “Менда ҳам бўлган эмас!” – деб жавоб бердим.

Мен алдатта, алдадим. Менинг дугонам балки менинг аниқ ғалати саволим ёрдам чақириғи эканини пайқагандир. Лекин бизларнинг иккимиз ҳам ўзимизни билмаганга соганимиз учун биз муаммоларимизни муҳокама қилишга журъят қила олмас эдик.

Биз Жон билан ўзимизни гўёки борадиган жойимиз йўқдек хис қилар эдик. Муаммолар йигилиб борар ва тобора қийинлашар эди, лекин бизлар кимга мурожаат қилишни билмас эдик. Жамоатда бизлар жанжалларимизни яширав эдик ва оғригимизни пинҳон тутар эдик. Бизлар муносабатлардаги ёриқ тобора катталашиб бораётганини кўриб тураг эдик, лекин уни нима қилиш кераклигини билмас эдик. Умидсизлик ва уялиш туфайли бизларнинг муносабатларимиз ёмондан бадтарроқ сари харакат қилар эди. Ахийри, уйдаги босим ўз чўққисигача ўсиб борди.

Ахийри портлаш содир бўлди. Бизнинг келишмовчилигимиз шу қадар қизидики, мен (Жон) Лизани уриб юбордим. Шу вақтгача ҳам бизлар куч ишлатган ҳолатлар бўлган эди, мен уни итариб юборишим мумкин эди, лекин бу дафъя мен уни илк бора урдим. Мен нима қилиб кўйганимни шу лаҳзада тушундим ва ўз ҳатти-ҳаракатимдан даҳшатга тушдим, мен жуда уялиб кетдим. Лиза ҳам жавобан урди ва ваннахонага кириб, ичкаридан ёпиб олди. Шу оқшом бизларнинг икковимиз ҳам гўёки ниманидир йўқотганлик ҳисси билан ухлагани ётдик.

Кейинги куни бизлар одатдагидек ишга отланар эдик, Лиза жим эди ва мендан сезиларни даражада йироқлашган эди. Гўёки бизнинг муносабатларимиздан муқаддаслик ва ишонч кетгандек туюлди. Бизларнинг иккаламиз ҳам тўлиқ иш кунидаги ишлар эдик. Ҳафтанинг охирида бизларнинг орамиздаги масофа янада йироқлашди. Ўша вақтларда, Лиза савдо соҳасида ишлар эди. У ўз районидаги магазинларни текшириб, атайин ишида ушланиб қола бошлади, мен билан сухбатдан эса ўзини олиб қочар эди. Уйга келиб, у мен билан сухбатлашишни ёки кечлик қилишни рад қиласида эди ва тўғридан-тўғри ётоқхонага ўқиш учун йўл олар эди. Мен ахийри у билан сухбатлашиш ва жанжални тинчтиш учун дам олиш кунларини сабрсизлик билан кутар эдим.

### МЕНИНГ ҚАСАМИМ

Ёшлигимда мен (Лиза): “Агар мени бўлғуси эрим урса, мен уни ташлаб кетаман”, – деб қасам ичган эдим. Мен ижтимоий ахволи оғир оиласида улғайган эдим ва яна зўравонлик мухитига тушиб қолишим мумкин деган фикр мени даҳшатга солар эди. Жон мени урганида, мен бирданига шу қасамимни эсга олдим ва менинг бутун ҳаётимни ўзgartириши мумкин бўлган қарор қаршисида қолдим. Мен ўз никохими сақлаб қолишим мумкинми? Мени урган одамни сева оламанми ва ўзимни унга бағишлий оламанми?

Менинг ишхонамдаги ҳамкорларим мени нимадир жуда ташвишлантираётганини тушунар эдилар. Бир бошлиғим нима содир бўлганини пайқаб қолди. У ҳеч кандай савол бермасдан менга зудлик билан Жонни

тарк этишни тавсия қилди. Мен Жонни эшикдан чиқарып юбориш учун дам олиш қунларини кута бошладим. Ўз ҳамкорларим билан сұхбатлашишдан ташқари, мен доктор Жеймс Добсоннинг “Мұхаббат талабчан бўлиши керак”, деган китобини ўқиётган эдим, у мени вазиятни янада қалтис даражагача олиб боришга руҳлантириди.

Ўша оқшом Жон уйга келганида кира олмади. Мен эшикнинг лўқидонини беркитдим, уни фақат ичкаридан очиш мумкин эди. У ҳеч ҳам кира олмас эди. У вақтлар ҳали мобил телефонлар йўқ эди. Жон деразанинг остида туриб қичкира бошлади: “Лиза, мен шу ердаман. Илтимос, мени киритгин!” Ахийри, мен деразани очдим ва унинг шу ерда эканини билишимни ва тунаш учун ўзига бошқа жой қидиришини исташими ни айтдим. Жон қулоқларига ишонмади. Маълум вақт ўтганидан сўнг, у кира олмаслигини тушунди, шунинг учун дўстиникида қолиб, рўза тушишга ва ибодат килишга қарор қилди.

Ёлғиз қолгач, мен ҳам Худо билан жиддий сұхбатлашишга қарор қилдим. Мен ўзимнинг ибодатимни тахминан қуидагича бошладим: “Яхши, Худо, Сен учун менинг бир қанча ғояларим бор. Ҳозир мендан узокда бўлган вақтида, Жон ўзини менга нисбатан нақадар ёмон тутгани ҳақида ваҳий олиши керак. Балки, Сен унга нақадар ёмон ўғил эканлигини кўрсатарсан ёки чақмоқ уриши билан кўрқитиб кўярсан. Фақатгина, илтимос, уни ўлдирмагин, чунки мен унинг ҳаётини суғурта қилган эмасман”.

Лекин қанча Жон ҳақида ибодат қилмайин, Худо менга фақат менинг ўзимни кўрсатар эди. Жон ҳақида сұхбат Худони қизиқтирmas эди. У менинг юрагимнинг аҳволини тартибга солмоқчи эди. У менга деди: “Лиза, сенинг никоҳингга ғайритабиий таъсир керак. Агар сен шуни истасанг, ғайрибатиий ҳаракат қилишга тўғри келади. Бу шуни билдирадики, у кечиримга лойик эмас, деб ўйлаган пайтингда ҳам сен кечиришинг керак бўлади”.

“Лиза,— сўзлашни давом эттирап эди Худо,— сен у билан ҳисоб-китоб қилмоқчисан”.

## ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛМОҚ

Жон билан жанжаллашишда, бизлар нимадир сабабдан баҳслашмас эдик. Бизлар биргалиқдаги турмушимиз ойлари давомида йигилган “уруш куроллари” ни бир-биримизни пасть уриш ва бебурдга чиқариш учун қўллар эдик. Доимий ўсиб бораётган хатоларнинг, айбловларнинг ва хафаликнинг рўйхати бизларнинг барча келишмовчиликларимизнинг асоси эди. Ҳатто жажжи далиллар жангларга айланар эди ва улкан дараҷада ўсиб кетар эди.

Мен ўша узоқ чўзилган келишмовчиликларнинг энг катта жиноятчиси Жонни ўтмиш жиноятларини кечиришни истамас эдим. Мен муносабатларимизда тутиб турган оғриқ туфайли, мен агар унинг ўтмиш қарзларини кечирсан, менинг жисмоний ва ҳиссий холатим хавф остида бўлади, деб кўркар эдим. Лекин Худо менга Жон мукаммалликдан йироқ бўлишидан қатъий назар кечиримга арзишини айтди.

Мен яна Худонинг дикқатини Жонга қаратмоқчи бўлдим, лекин У ён бермас эди. Мен шундай ўтинар эдим: “Нима учун доим мен ўзгаришим керак? Умид қиласанки, Сен Жонга ҳам шу нарсаларни айтаяпсан, чунки агар факат Сенгина унга айтмасанг, у ўзгаришни ўйлаб ҳам кўрмайди”.

Лекин Худо менинг юрагимнинг нуқсонларини очишда давом этар эди. Тез орада, мағрурлик ва худбинлик ўзларининг жирканч бошларини кўтардилар. Мен, агар Жон билан мен якшанба куни жамоатда бирга ўтирасак ва бир-биримизнинг қўлимииздан тутиб турмасак, одамлар нима деб ўйлашади, деб ўйлаётганимни пайқаб қолдим. Мен одамларнинг олдida обрў сақлаш учун кийимини алмаштириб олиши учун у уйга киришига ва кейин мен билан бирга жамоатга боришига рухсат беришга қарор қилдим. Мени Жон ҳам, у билан муносабатларим ҳам ташвишлантирмас эди. Мени факат одамлар биз ҳақимизда нима дейишлари ташвишлантирап эди. Мен иноятга энг кўп муҳтож бўлган вақтимда, мағрурлик Худонинг инояти билан ўзгаришимдан тутиб турар эди.

Ахийри мен енгилдим ва Худога юрагимдан ўрин бердим. Майли, Жон жуда катта хато қиласанки бўлса ҳам, мен содир бўлган воқеага ўз ҳиссамни тан олишга қарор қилдим. Мен Худонинг қаршисида бўйсу-

ниб, ўзимни камтар олганим заҳоти Унинг инояти мени тўлдирди. Бўй-суниб, ўзини камтар олиш доимо иноятга эшик очади.

“...Худо мағрурларга қаршилик қиласи, камтарларга эса иноят беради” (1 Пет. 5:5).

Мен Жонни ўзгартира олмаслигим менга равshan бўлди. Фақат Худо буни қила олар эди. Лекин мен Худога мени ўзгартиришига имкон беришм мумкин эди.

Ўша дам олиш кунлари Жон уйга тамомила бошқа одам бўлиб келди. Бизнинг никоҳимизнинг ўша биринчи йилларида, Худо у билан сухбатлашганидан сўнг, у менга қайта қўл кўтартмади, гарчи орадан ўттиз йил ўтган бўлса ҳам. Бизларнинг икковимиз ҳам Худога ва бир-бири-мизга бўйсуниш билан тўлиқ тикланиш ҳамда ярашиш умидида мурожаат қилганимиздан бизнинг никоҳ иттифоқимиз ўзгарди.

### ҲИКОЯНИНГ МАҲНОСИ

Бизлар ҳаётимизнинг ўша даври яралари бир тунда битиб кетди, деб қувонч билан айтишни истар эдик, лекин бундай эмас. Бизнинг эр-хотинлик ҳаётимизнинг кейинги икки йили, бизлар биргаликда Худонинг кархисида эҳтиром билан яшашни ўргангунимизча хиссий нотургун ва келишмовчиликларга тўла бўлди. Бизлар қачонлардир Лизанинг бошлиғи берган маслаҳатни қайта ва қайта эшитар эдик.

Ўзимизнинг ғўрлигимизда бирлар тез-тез бир-бирилизга ташланниб турар эдик, лекин Худо бизларнинг икковимизнинг ҳам ҳаётимизда ҳаракат қиласи эди. Тўрт йил никоҳда яшаб, бизлар ўзимизни жуда азобланган ҳис қиласи эдик. Қайсиdir маънода, бизлар ўзимизнинг хатоларимизнинг оқибатлари орасида яшар эдик. Ҳатто бизларнинг муносабатларимиздаги муваффақиятсизликларимизнинг моддий исботлари ҳам бор эди, масалан, синган музлатгич ёки янги ойна. Лекин Худо умидини йўқотмас эди. У уларни кема сатҳини тозалаш имкониятига айлантириб, бизларнинг хатоларимизни тўғирлар эди. Душман бизнинг никоҳимизни йўқ қилишга ҳаракат қиласи эди, Худо эса келажак учун пойдевор қуарар эди.

Бизлар доимо бизларнинг муносабатларимизда жанжаллар бўлиб турганини айтган бўлсак ҳам, бу ҳакида бунчалик батафсил айтиб берган эмас эдик. Ҳозир бизлар бу ҳакида шу қадар батафсил сўзлашимиздан мақсад ўзимизнинг хулқ-авторимизни оқлаш эмас, балки сизга ҳаммаси ўзгариши мумкинлигини кўрсатишдир. Шу билан бирга, бизлар ҳар бир зўравонлик ҳам баҳтли хотима топмаслигини биламиш ва ҳар бир эркак ҳамда ҳар бир аёлни у учун, унинг фарзандлари учун хавфсиз бўлмаган жойда қолишга даъват этмаймиз. Агар сиз шундай вазиятга тушиб қолган бўлсангиз, хавфсиз жой топинг. Бунинг уяларли томони йўқ. Ўзингиз учун ғамхўрлик қилинг, ўзингизга керак бўлган ёрдамни олинг. Кейинроқ бу ҳакида батафсил сухбатлашамиз.

Ўша нотинч йиллар давомида бизнинг никоҳимиз қарийб умидсиз эди. Лекин ҳозир, ўттиз йил ўтиб, бизлар биргаликдаги турмушимиздан илгари ҳеч қачон бўлмаган даражада лаззатланамиз. Бизнинг оиласиз ажойиб, у мўъжизалар яратувчи Худонинг кучининг ҳақиқий гувоҳлигидир! Албатта, бизда бошқа қийинчиликлар ҳам бўлган эди. Лекин биз аниқ биламиш: бизлар муҳаббатнинг манфаатини танладик ва Худо бизларни ҳамма қийинчиликлардан садоқат билан олиб ўтди.

Сизларнинг муносабатларингиз ҳозир қандай аҳволда эканлигини биз билмаймиз, лекин сизларни ишонтириб айтамизки, умид бор! Худога юрагингиз билан мурожаат қилинг ва У сизнинг устингизда ишлashingiga руҳсат беринг. Сизлар бир-бирларингизни ўзгартира олмайсизлар, лекин У ўзгартира олади. Бу масъулиятни Унга топширинг. Агар сиз руҳсат берсангиз, у сизда ажойиб ўзгаришларни бошлайди.

### **ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎЗ**

Биз бу аниқ бўлишини истаймиз. Эр ҳеч қачон хотинига нисбатан жисмоний куч ишлатиши мумкин эмас. Муқаддас Ёзув сиз хотинингизни иззат қилишингиз ва унгазаифрок идиш каби мурожаат қилишингиз лозимлигини айтади (1 Пет. 3:7га қаранг). Хотинингизнинг хиссий ва ҳаттоқи, жисмоний ҳатти-харакатлари жавоб зарбасига олиб келмаслиги лозим. Агар керак бўлса, четга чиқинг ва ҳаттоқи, бу унинг хужу-

мига жавоб бўлса ҳамжисмоний куч билан жавоб берманг, акс ҳолда, сиз унинг ишончини йўқотасиз. У сизнинг қўлларингизда ўзини хавфсиз ҳис қилмай қолади. Агар сиз хотинингизни урган бўлсангиз, зудлик билан Худонинг қаршисида тавба қилинг ва хотинингиздан кечирим сўранг.

Хотинлар, сизнинг эрингизнинг табиий истаги – сизни ҳимоя қилишдир. Худо айнан шу сабабдан эркакларга кўпроқ куч берган. Балки сиз жаҳл устида эрингизга хужум қилишингиз бу зарбалар жисмоний зиён етказмаганида заарсиз деб ўйларсиз. Лекин бундай эмас, эрингиз учун булар ҳалокатлидир. Бу яхшими, ёки ёмонми, лекин кимдир уларни жанжалга ундаганида, эркаклар тезда алангаларапидар ва шу билан жавоб берадилар. Келинглар, уларни жанжалга ундумаймиз ва бир-бirimizda энг ёмон хусусиятларни кўзғатмаймиз, келинглар, энг яхши фазилатларни нурга олиб чиқамиз. Агар сиз қачонлардир эрингизни шундай ҳақорат қилган бўлсангиз, тавба қилинг ва зудлик билан ўзингизни бундай тутишни бас қилинг.

Балки сиз уруш ва жанжаллар одатий хол бўлган оилада улғай-гандирсиз. Балки сизнинг оилангизда ҳамма бир-бирини ҳақорат қилгандир ва бир-бирини ёмон отлар билан атагандир, ҳиссий ҳамда жисмоний шикаст етказгандир. Биз шуни билишингизни истар эдикки, бу – келишмовчиликларни ечишнинг ёмон йўлидир. Масихийча маслаҳатхоналар сизга ҳаётдаги ва оиладаги қийинчиликларни ҳал қилиш учун керак бўлган барча муҳим воситаларни тақдим этади. Кўплаб жамоатларда айнан шу мақсадда учрашадиган кичик гурухлар бор. Ҳеч қачон малакали ва руҳий ёрдам сўрашдан тортинманг.

Бу эрларга ҳам, хотинларга ҳам тааллуклидир. Агар сизнинг турмуш ўртоғингиз ўзини сизнинг олдингизда хавфсизликда ҳис қилмаса, маълум вақтга ундан узоқлашинг ва унинг ишончига сазовор бўлишга ҳаракат қилинг. У ўзини хавф остида ҳис қиласидиган мухитда сухбатлашишга мажбур қилишга ҳаракат қилманг, бу билан келишмовчиликни янада чуқурлаштирасиз ва кейинчалик пушаймон ейишингиз мумкин бўлган ишни қилиб қўйишингиз мумкин.

## 2-кун

**ХАФАЛИК**

*Кечириши – бу асирни озодликка қўйиб юбориши  
ва мазкур асир сизнинг ўзингиш бўлганилигинизни пайқашидир.*  
— Льюис Б.Смидс

Биринчи навбатда, сизнинг никоҳингизнинг кема сатхидан хафаликни олиб ташлаш керак. Хафалик шу қадар заҳарлики, мазкур бобнинг кўп қисмини у ҳақида сухбатга бағишлаймиз.

Кечиришни рад қилиб, биз ўзимизнинг озодлигимизни ўғирлаймиз ва иштиёқимизга тўқсинглик қиласмиш. Уларнинг ўрнини факат баҳтсизлик келтирадиган худудсиз йўлда қасд олиш ўтидаги бузук лаззат эгаллайди. Кечириш иши – бу хафа қилувчи учун ҳам, хафа бўлган учун ҳам озодлик йўлидир.

Кўплар агар хафа килган одамнинг ҳам бошига худди шундай баҳтсизликлар тушсагина одамларни кечириш керак, деб ўйлайдилар. Сиз қачонлардир: “Агар у ўзгарсагина мен уни кечираман”, – деганмисиз? Лекин Худонинг Шоҳлигига кечириш шарт. Бу ягона ҳаёт тарзидир. Биз нақадар кўп кечирсак, шу қадар Самовий Отамизга ўхшаш бўлиб борамиз. Агар биз Унинг улуғворлигини ўтказувчи бўлишни истасак, биз кечириш кучини қабул қилишимиз лозим.

Повул бизларга шундай насиҳат қилган:

“Бир-бирингизга чиданглар ва бир-бирингизнинг ҳамма хафагарчиликларингизни кечиринглар. Агар бирортангиз кимдандир хафа бўлган бўлса, Масих сизларни кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар” (Кол. 3:13, замонавий таржима).

Кўпинча, бизларга бу сўзларни ютиб юбориш қийин бўлади, гарчи Повул таклиф қилаётган эмас, балки буюраётган бўлса ҳам. Худо бизларни хафа қилаётгандарнинг барчасини шартсиз ва истисносиз кечиришимизни амр қилади. Ва нукта!

Биз кўпинча ўзимизни оқлаймиз ва бошқалар ҳам бизлар билан шундай муносабатда бўлишларини кутиб, ўз ҳатти-ҳаракатларимизга баҳона излаймиз, гарчи бизларга бошқаларнинг, айниқса, турмуш ўр-

тоғимизнинг айбларини кечириш анча мушкулроқ кечса ҳам. Шунга қарамасдан, кечиришга қодир бўлмаган одам ўзи кечирилган эканлигини унуган бўлади. Бизлардан кўпчилик ўз-ўзини оқловчи бўлиб қолади ва бизларнинг ҳаммамиз абадиятда дўзахга маҳкум бўлганимизни унугашади. Бизнинг Худо қаршисида айбимиз шу қадар улуғки, бунинг оқибатини йўқ қилиш учун Худо Ягона Ўғлини қурбон қилишига тўғри келди. Гарчи алам энг оддий танлов бўлса ҳам, Масих хочда бизларга Ўзининг кечиришини тақдим қилди. У бизнинг хулқ-авторимиз Унинг кечиримига лойик бўлишидан олдин бизларни кечирди. Бизлар ҳам бошқаларга нисбатан шундай ҳаракат қилишимиз керак.

Балки биз сизнинг эрингиз (хотинингиз) мукаммал эмаслигига сизни ишонтиришимиз керак эмасдир. Мукаммал одамлар йўқ! Лекин хатолар бизларга Худонинг иноятини тарқатиш имкониятини беради. Бизнинг кечириш истагимиз – бу Масих бизнинг ичимиизда эканлигининг энг буюк исботларидан биридир.

### **ХАФА БЎЛГАНЛАРНИ ОЗОД ҚИЛИШ**

Бизлар турмуш қурганимизда, мен (Лиза): “Факат сен ўзгарганингда мен сени кечираман”, – деб бошқа кўпчилик каби хато қилар эдим. Жон ўзгармагунича, менинг айблов рўйхатим тўхтовсиз ўсади. Мен ўйлар эдимки, агар мен уни кечирмасам, у тезроқ ўзгаришни истайди, лекин у айблов ҳисси, умидсизлик ва заифлик ҳис қилар эди.

Худо кандай кечиришини менга кўрсатганида ҳаммаси ўзгарди. Унинг кечирими – ўзгарган хулқ-автор учун мукофот эмас. Бу ишончи комилликнинг овозидир. Худо менинг онгимни янгилаганидан ва менга кечирим нима эканлигини кўрсатганидан сўнг, У менинг оғзимдаги сўзларимни Унинг юрагидаги сўзларга алмаштириди: “Сен ўзгаришни исташингни мен биламан ва мен сени кечирдим”.

Ўша вактда Жонни кечириш мен учун нақадар мухим эканини мен тушунмас эдим. Кейинроқ мен тушундимки, менинг эримга нисбатан бағритошлигим унинг ўзгариш қобилиятига тўскинлик қилган экан, чунки Исо Масих деган:

“Кимнинг гуноҳларини кечирсангиз, унинг гуноҳлари кечирилади, кимнинг гуноҳларини кечирмасангиз, унинг гуноҳлари кечирилмайди” (Юх. 20:23).

Юзлаб йиллар давомида бу оятни нотўғри тушунишган эди ва кўркитиш ҳамда азоблаш воситасига айлантиришган эди, Исо Масих буни умуман истаган эмас эди. Унинг бутун хизмат ишини ўрганиб, биз бу сўзларнинг мақсади ва аҳамиятини тушунамиз. Исо Масих кечириш кучини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунади, ахир шунинг шарофати билан У ярашмайдиганларни яраштириди.

Ёдда тутинг, Коринфликларга иккинчи мактуб (5:17-20)да ёзилганидек, Худо Масих орқали дунёни Ўзи билан яраштириди ва бизга яраштириш хизматини берди. Бизнинг вазифамиз – бизларга Масих томонидан тухфа қилинган кечиримни тасдиқлаш ва тарқатишидир. Ўзимиз учун хафа бўлишни танлаб, биз Худонинг умидини яширамиз ва бу билан бирордларимизнинг айбловчисига айланамиз. Биз Худо янги бошланиш беришни истайдиганларни айблаймиз. Исо Масихнинг сўзлари ҳақида-ги ўз шарҳларида, Г.Л.Борхерт шундай деган: “Одамларнинг озод бўлишларида, кечирим муҳим рол ўйнашини тан олиш муҳимдир, у уларнинг олдинги гуноҳларини ва айборлик ҳиссини ювиб юборади ҳамда уларнинг диққатларини Муқаддас Рух бошқарувида тирилган Масих билан ҳаёт қувончига каратади”.

Кечириш – бу илохий ҳаракатдир. Бирорта бошқа эзгу иш бу қадар шахсий қурбонликни талаб қилмайди. Бу одам фаҳмлаган ҳолда қила-диган иш: қасос ўрнига ўзимизнинг яраланишимизни танлашдир. Биз ўзимизни курбон қилганимизда, бизлар ўзимизни Худонинг қучогида топамиз. Бизлар кечиришга карор қилганимизда, ҳиссиётларимизга сажда қилишни рад қиласиз ва ўзимизни Худонинг ҳақиқатига бўйсундирашимиз. Бизлар никоҳда бир-биримизни кечирганимизда, бизлар бир-биримизга Худонинг инояти билан ўзгаришга Худонинг таклифномасини англаш ва қабул қилиш имкониятини инъом этамиз.

Бизлар Худонинг қаршисида тавба қилганимизда, У бизларга: “Мен Худоман ва Мен биламан, икки ҳафтадан сўнг сен яна шу ишни қила-

сан”, – демайди. У шунчаки: “Мен сени кечираман”, – деб жавоб беради ва бизларга ўзгаришимиз учун куч беради. Худо бизларнинг келажагимизга кулфатларни эълон қилиб ташламайди, У ҳар бир жангга умид ва ваъдани эълон қиласди. Келинг, биз ҳам шундай қиласмиш.

### ЎЗ РУҲИНИ ОЧИШ

Хафалик бизларни руҳимиизда ёпилиб олишга мажбур қиласди. Янги яраларнинг олдини олиш учун бизлар ўз юрагимиз атрофида деворлар кўтарамиз. Бу деворлар бизларни ҳимоя қилиши мумкин, деб ўйлашимиз мумкин, лекин аслида, Худонинг севгисини қабул қилиш ва бериш қобилиятимизга қаршилик қиласдилар. Худонинг севгисисиз бизнинг хаётимиз мақсад ва кучдан маҳрум бўлади. Ўз-ўзини асраш бизнинг мақсадимизга айланади, бизнинг ҳатти-ҳаракатларимизни худбинлик бошқаради. Ахийри, бизнинг юрагимиз кўпроқ тошга ўхшаб қолади, ҳаёт эса одамларга бефарқликка тўла бўлади. Бу хушхабарга тўлиқ қарама-қаршидир.

Сиз балки, Галилея ва Ўлик денгизлари ҳақида эшитгандирсиз. Булар Исройлдаги энг катта ва таникли сув ҳавзаларидир. Галилея денгизи шимолдан сув олади ва уни жанубга беради. Мазкур мунтазам оқим шарофати билан Галилея денгизида ҳаёт бор, унинг тубида турли хил сув мавжудотлари бор. У олган ҳамма сувини беради. Ўлик дарёдан эса сув чиқмаслиги туфайли, унинг шўр экотизимида жажжи бактериялар ва замбуруғлардан ташқари тирик организмлар йўқ, унинг номи шунинг учун ҳам Ўлик денгиз деб аталади.

Бизлар хафаликни ўзимизда тутиб қолганимизда, Ўлик денгиз каби бўламиш. Бизнинг ёпиқ руҳимииз туфайли бизнинг никоҳимиз бирор яхши нарса тирик қола олмайдиган, боз устига, гуллаб-яшнай олмайдиган муҳитга айланади. Кечиришнинг шарофати билан биз юракларимизни очишимиш мумкин, токи Худонинг кучи бизларга ва бизлар орқали оқсин.

Кечиришни ва кечиримни қабул қилишни рад этиш муқаррар равиша жонни заҳарлайди. Бизлар ҳамма нарсага тўлиқ эга эмасмиз.

Фақат Худогина шундайдир. Бизнинг ҳаёт фаолиятимиз биз ҳаётимизни бўлишаётган одамлар билан ўзаро мос алмашинувни талаб қиласи: бизлар эркин қабул қилишимиз ва эркин беришимиз лозим.

### КЕЧИРИШНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ

Сизга турмуш ўртоғингизни доим кечиришингиз керакдек, сизнинг кечиришингиз эса чегарасиз эмасдек, унинг чеки бордек туюлиши мумкин. Шогирдлар ҳам худди шундай деб ўйлаган эдилар:

“Кейин Петъор келиб, Унга: — Ҳазрат, агар биродарим менга қарши гуноҳ қиласа, мен уни неча марта кечиришим керак? Етти мартагачами? — деди. Исо унга деди: — Сенга етти мартагача деганим йўқ, балки етмиш карра етти мартагача” (Мт. 18:21,22).

Петъор бу савол билан Исо Масихга мурожаат қилиб, бағрикенгликнинг чўққисини намоён қилишга харакат қилди. У: “Унга кўзинг раҳм қилмасин: жонга жон, кўзга кўз, тишга тиш, кўлга қўл, оёққа оёқдир. Ким ўзининг яқинига қандай зарар етказса, унга шу билан каримта бериш керак”, – деб айтадиган Қонун остида ўсган эди (Қон. так. 19:21). Шунинг учун Петъор етти марта кечиришни таклиф қилганида, Исо Масих: “Ха, Петъор, сен ҳаммасини тўғри тушундинг!” – дейишини кутган эди.

Петъор айнан етти ракамини тилга олганини биз Янги Аҳддаги бошқа жойда кунида етти марта кечиришни таклиф қилганидан ҳам билиб оламиз (Лк. 17:3,4). Шунинг учун Исо Масих “етмиш карра етти марта” кечириш керак, деб жавоб бериб, нафақат кечириш чегараларини кенгайтиришга, балки хафа бўлиш даврини ҳам кисқартиришга даъват қилмоқда. У Петъорга кечиримни саноқсиз равища тухфа қилиш лозимлигини айтмоқда.

Исо Масих айтган даражада гуноҳ қилиш учун одамни бир кунда 490 марта хафа қилиш керак! Шу қадар тез-тез гуноҳ қилиш учун сизнинг турмуш ўртоғингиз, тунни қўшиб ҳисоблаганда, сизни ҳар уч дакиқада хафа қилиши лозим. Бу жуда кўп гуноҳдир, аникроғи, одам

гуноҳ қилишга қодир бўлганидан кўра кўпроқдир. Лекин ҳатто сизнинг турмуш ўртоғингиз сизга қарши кунида 490марта гуноҳ қила олса ҳам, бу сиз 491-мартада уни кечиришингиз керак эмас, дегани эмас.

Муқаддас Ёзувда етти сони тўлиқликнинг, айниқса, осмон ва ер орасидаги тўлиқликнинг тимсолидир. Исо Масих 490сонини, етмиш кўпайтирилган еттини бизлар Самодаги отамизнинг андазасига кўра тўлиқ кечиришимиз кераклигини кўрсатиш учун ишлатган. Бу сахиёна кечиришга бизлар Масих орқали Худо билан ярашганимиз туфайли имконият пайдо бўлди. Унда Ота ва Унинг фарзандлари орасида уйғунлик бор. Бизга кечириш ҳокимияти берилган, чунки бизлар янги юракка эга бўлган янги ижодлармиз. Бизнинг юракларимиз бепул берилган Унинг кечиримига эгадир ва руҳан соғлом қолиш учун бизлар атрофимиздаги одамларга кечиримни бепул беришимиз лозим.

Биз биламизки, Исо Масих бизнинг кечиришимиз тугамас бўлишини истайди, чунки Петъор билан сухбатлашганидан сўнг у хизматкорини кечирган подшоҳ ҳақидаги ҳикматни айтиб берди. Бу ҳикматда хизматкор, ўз навбатида, ундан қарздор бўлган одамни кечиришни истамади. Бу ҳикматни сўзлаб бериб, Исо Масих деди:

“Шундай қилиб, унинг подшоҳи ғазбланиб, у бор қарзларини тўламагунича, уни қийновчиларга топширди. Шунингдек, агар сизлар юрагингиздан ўз биродарингизнинг гуноҳларини кечирмасангиз, Менинг осмондаги Отам ҳам сизларга худди шундай қилади” (Мт. 18:34,35).

Бизлар кечиришни рад қилсак, кечиримни қабул кила олмаймиз. Бундан истиснолар йўқ. Нима учун Худога бизларнинг кечиришимиз бу қадар муҳим? Чунки кечириб, бизлар Унинг табиатини ўзимизда кашф этамиз ва Унга таклиб қиласиз. Бизлар гуноҳкор табиатга эга бўлмиш бизларга, одамларга хос бўлган чегараларни енгиг үтамиш ва бизнинг Отамизнинг тимсолига ўхшаб қоламиз. Бизлар Худонинг кечириши билан қайта тикландик ва бизлар кечирадиган одамларга Унинг қайта тиклашини ўтказишга таклиф, ҳатто буйруқ олдик. Агар сизнинг турмуш ўртоғингиз тез-тез кечирим сўраб турса, Худо сизни Унинг шифоловчи кучини ўтказувчи бўлиш имконияти билан дуо қилади.

Хафалик мавзуида Жон Бивернинг “Шайтоннинг хўраги” китобида батафсил ўқишингиз мумкин.

### 3-кун

#### ЖАНГ: ЖОННИНГ ҲИКОЯСИ

Бизнинг киноҳимизда шундай давр бўлган эдики, бизлар тахминан бир ярим йил давомида бир-биримиз билан хафалашган эдик. Ўша-ўша далиллар юзага қалқиб чикар эди. Ҳатто болаларимизнинг олдида бизлар бир-биримизни чақиб олар эдик. Болаларимизнинг катталари нималар содир бўлаётганини пайқамасликларининг иложи йўқ эди ва баъзан бизлардан: “Сизлар ҳеч курса, кечлик вақтида шундай сұхбатлашмай тура оласизларми?” – деб илтимос қиласар эдилар. Оғриқ ва йироқлашиш хисси уйда доимий асабийлик манбаи эди, булар бизнинг никоҳимиз ва оиласизни емирап эди.

Бир куни окшом, бизлар ўзимизнинг одатий тарзимизда жанжаллашганимиздан сўнг, мен (Жон) уйдан елдек учеб чиқиб кетдим. Мен Лизадан қаттиқ ранжиган эдим ва тезда Худога шикоят қилгани бордим. Мен Лизанинг хатолари ва калтабинлигини айтиб, Унинг қаршисида йиғладим. Мен ўзимни гўёки Худо мени қўллаб-куватламайдиган ва ҳеч қанака сабабсиз танқид қиласидиган хотинни менга бергандек ҳис қиласар эдим. “Мен у билан бундан буён қандай яшайман?” – деб ўйлар эдим.

Худо менга қандай жавоб берганини ҳеч қачон унутмайман. Муқаддас Рух менга Унинг менга раҳми келаётгани ҳақида ҳеч нима демади ва менинг умидсизлигимда менга ҳамдард бўлмади, У менга секингина шипшиди: “Ўғлим, сен Лизада нимани қадрлассанг шу ҳақида ўйлагин ва шу фазилат учун Менга миннатдорчилик билдиргин”.

Мен маълум вакт ўйланиб турдим ва ахийри: “У яхши она”, – дедим. Мен бу сўзларни айтган заҳотим, менинг қалбим тубида қандай ҳаёт тўлқинланганини ҳис қилдим. Худо мендан яна бирор нарсани эслашими сўради. “Раббий, у мазали овқат қилиши учун Сенга раҳмат, – дедим. – Унинг чиройли аёл эканлиги учун раҳмат”. Сўзлар менинг оғзимдан оқиб

чиқа бошлади ва мен миннатдорчилик билан ҳамда пулемёт тезлиги билан Лизанинг яхши хусусиятларинисанаб чиқа бошладим.

Мен энди ундан ғазабланмас эдим, мен ўзимдан ғазабланар эдим! Мен ўйлар эдим: “Сен шунчаки онгсизсан! Сенинг хотининг ажойиб аёл, сен эса унга ярамасларча муносабатда бўлдинг”. Мен бирданига хотинимга накадар ёмон муносабатда бўлганимни оғриқ билан ҳис қилдим. У мен танлаган аёл эди, бизларнинг фарзандларимизнинг онаси эди, Худодан мутлақ баракат эди, мен эса унга гўё у даъватимга тўсик сифатида муносабатда бўлар эдим.

Мен уйдан югуриб чиқиб кетаётганимда, бизлар бошқа бир-бири-мизни кўришни истамас эдик. Энди эса мен бориб, унга у учун нақадар миннатдор эканлигимни айтишни истар эдим. Мен ўзимча, балки у мени ширинсуҳанлик билан кутиб олмас, лекин мен унга у учун Худодан нақадар миннатдор эканлигимни айтишим керак, деб ўйлаб уйга отилдим.

Уйга кириб, мен хотинимга яқинлашдим ва дедим: “Лиза, мени кечиргин! Мен ярамасман. Илтимос, мени кечиргин. Сен ажойиб онасан ва энг зўр хотинсан, сен менинг юрагимнинг истагисан”. Мен унга Худо менга нимани эслатганини айтиб бердим, сўнгра эса уни барча ажойиб хусусиятлари ва инъомлари учун мақтай бошладим. Сўзлар менинг юрагимдан дарёдек оқди.

Менинг сўзлашим давомида Лиза юмшади ва йиғлай бошлади. Мен буни билмас эдим, лекин мен уйда бўлмаганимда, у Худога ибодат қилиб: “Худо, агар сен Жонни уйга қайтариб олиб келсанг ва у кечирим сўраса, мен яна унга юрагимни очаман”, – деган экан.

### ЖАНГ: ЛИЗАНИНГ ҲИКОЯСИ

Ўша бир ярим йил давомида, ҳамма нарса анча ёмонлашиб қолган эди ва мен ҳатто, никоҳ узугини тақиб юришни бас қилган эдим. Бу нимани билдиришидан қатъий назар мен Жонга: “Бизлар оила курган эдик, лекин бир-бири мизга унаштирилмаган эдик”, – дедим. Мен Жонни севган эмасман, деб ишона бошладим. Уни кечиришни рад қилиб,

менинг юрагим тобора совуб борар эди ва бизларнинг муносабатимиз боши берк кўчага кириб қолди.

Ўша вактда Жон кўп сафар қилар эди ва менга унинг уйда бўлишидан уйда бўлмаслиги кўпроқ ёкар эди. Менга хаёт усиз енгилроқдек, уйда бўлганида ўзининг мунтазам жанжаллари ва асаби таранглиги билан мени фақатгина ақлдан оздираётгандек туюлар эди.

Умидсизликда мен Худога фарёд қила бошладим: “Раббий, бизлар боши берк кўчага кириб қолдик. Жон ўзини жуда ёмон тутади ва ўзгармаяпти. Ота, мен биламан, Унинг хулқ-атвори Сени анча ранжитаётган бўлиши керак”.

Кейин ҳам шундай давом этди, қарийб ҳар куни мен Отамга ҳаммасини тўкиб-солар эдим. Лекин ахийри, мен тинчланганимда, мен Унинг: “Лиза, сенга Менинг Ўзим етарли эканлигимни Менга айтгин,— деганини эшилдим. — Менга Сенинг Ўзинг етарлисан”.

Бу сўзлар менинг ичимда нақарот каби жаранглар эди. Ҳар дафъа, жанжал аланга олганида ёки умидсизлик кўтарилганида, мен ибодат қилар эдим: “Исо Масих, менга Сенинг Ўзинг етарлисан”. Вакт ўтиши билан бу ваҳий менинг юрагимда илдиз отди ва менинг ибодатларим ўзгарди. Синик эътироф каби бошланган нарса: “Исо Масих, менга Сенинг Ўзинг етарлисан”, Худодан қоникиши сероблигига айланди: “Исо Масих, Сен менда керагидан ортиксан!”

Тез орада, Худо бизларнинг икковимизнинг ҳам юрагимизда Ўз ишини амалга оширди. Жон сафардан қайтиб келди ва мен уни кувонч билан аэропортда кутиб олдим (мен уни уйда кўрмасликни устун кўрган ойларда, бу ишни бошқаларга юклар эдим). Мен уни кўрганимдан хурсанд эдим, кейин эса у менга чиройли совға олиб келганини билиб қолдим.

Ўша лаҳза бизнинг никоҳимизнинг янги даврининг бошланганини шонаси эди. Шуниси қизикки, ҳали ўзгаришлар бошланишидан олдин, Худо бизларнинг юракларимизни миннатдорчилик орқали очди.

Никоҳда, агар бизлар Исо Масихнинг намунасига тақлид қилиш мажбуриятини олсак ва ҳаттоқи, бизларга ёмон муносабатда бўлган бўлсалар ҳам, У бизларни кечиргани каби бошқаларни кечирсақ, бизлар

никоҳ иттифоқимизни мустаҳкам ҳамда ҳаттоқи, гуллаб-яшнаётган ҳолда кўрамиз. Бизлар бир-бири миздан кечирим сўраганимизда ва кечирганимизда, ўзимиз буни билмаган равишда, ўз фарзандларимизга энг яхши намуналардан бирини кўрсатган эдик. Бизларнинг болаларимиз бизларнинг мукаммал бўлмаган дунёning мукаммал бўлмаган аҳолиси эканлигимизни, аммо бизларнинг юракларимизда бўлган Худонинг мукаммал кечирими кўплаб гуноҳларни қоплашга қодир эканлигини тушундилар. Бизнинг никоҳ иттифоқимизга тартибсизлик ва вайронагарчилик келтиришга мўлжалланган бу гуноҳлар, ахийри, бизларнинг болаларимиз учун ҳаёт дарси бўлдилар ва уларга Худонинг севгиси, инояти ва кечиримини ўргатдилар. Куйидаги донолик сўзи бизнинг оиласизни қандай тўлдириб бораётганини бизлар кўрар эдик:

“Ўзганинг айбини қоплайдиган одам муҳаббатни излайди...” (Ҳик. 17:9).

Агар сиз хафаликни сақлаб туришга қарор қилсангиз, ҳамма ютқазди, чунки муҳаббат – нозик нарсадир. Бироқ, сиз кечиришга қарор қилсангиз, унда оиласизнинг ҳар бир аъзоси ютади, чунки муҳаббат мустаҳкамроқ бўлади.

## ҚЎРҚУВ

Муносабатларингизда ҳал қилишингиз лозим бўлган кейинги нарса – бу қўрқувdir. Бизнинг никоҳимизнинг илк ўн йилида, мен (Лиза) рад этилиш қўркуви билан курашган эдим. Менинг отам ва менинг биринчи чўпоним ёшроқ аёллар учун ўзларининг хотинларини ташлаб кетган эдилар. Мана шу салбий тажриба туфайли, мен онгимни камраб олган қўрқитувчи фикрларга ўрин бердим. Улар қичқирмас эдилар, улар шипшир эдилар: “Ахийри, ҳамма эркаклар ҳам ташлаб кетадилар. Уларни жуда ҳам яқин йўлатмаслик керак. Шунда улар сенинг ҳафсалангни пир қила олмайдилар”. Мана шундай фикрлар мени эримга кўнглим боғланганини озрок бўлса-да намоён қилишдан тийиб турар эди. Жон мени қучоқлаганида, тезда у мени кўйиб юбориши учун мен унинг елкасига секингина ура бошлар эдим.

Бир куни, навбатдаги елкасига уриб қўйиш ва у мени қўйиб юборишидан сўнг, у мендан тўғридан-тўғри сўради: “Сен, ахийри, мен сени ташлаб кетмаслигимни тушунганингданечча ёшда бўласан? Бизлар етмиш ёшга тўлганимизча кутасанми?” Мен котиб қолдим.“Мен қанча керак бўлса шунча кутишга тайёрман,— деди у,— лекин бу вакт мобайнида бизлар анча ёқимли лаҳзаларни кўлдан чиқарамиз”.

Менга бошқа одамлар етказган озорлар учун эримни товон тўлашга мажбур қилаётганимни мен тушундим. Шунда мен ўйладим: “Нима учун уларнинг камчиликлари учун Жон товон тўлаши керак? Бу адолатдан эмас. Ўзимни химоя қилишга ҳаракат қилиб, мен муносабатларимизга ҳалакит бераяпман”. Мен Жонни келажакда йўқотишим кўркуви бизнинг ҳозиримизни ўғирлар эди. Мен қарор қилдимки, Жонни ярим севиб, кейин тўлиқ севганимда нима бўлиши мумкин бўлганлиги ҳакида афсусланиб ортга қарагандан кўра, яхшиси, мен ҳаттоқи, уни йўқотиши хавфи билан ҳозир буткул севаман.

Кўркув ва ишончсизлик бизларни никоҳда гуллаб-яшнашдан тутиб туради, чунки кўркув олдинда нимадир жуда яхши нарса борлиги га ишонишни рад қилиб, ўтмишни маҳкам чанглаб олади. Агар биз Худо бизнинг никоҳимизда қандайдир янгиликяратишини истасак, биз қатъий равишда, ҳар қандай кўркувни рад қилишимиз ва севги бизнинг келажагимиз учун тайёрлаган нарсани қабул қилишимиз керак. Кўркув омадсизликни кутади, лекин севги хеч қачон панд бермайди.

Кўркув – бу рухий куч бўлиб, у бизнинг ҳаётимиздаги Худонинг севгиси ва ҳимоясига қарши ҳаракат қиласи. Севги ва кўркув турлича ҳаракат қиласидар. Севги бизларни кўраётган нарсаларимизга шубҳаланишга ва ўзимиз эриша олмайдиган нарсаларга ишонишимишга даъват қиласи. Кўркув эса кўринадиган нарсаларга ишонишга ва кўринмайдиган нарсаларга шубҳаланишга даъват қиласи. Бизлар омадсизлик кўркуви билан ёки севги умиди билан тўқнаш келганимизда, бундан кейин қайси бири билан яшашимизни бизнинг ўзимиз танлаймиз; ҳам унисини, ҳам бунисини танлашнинг иложи йўқ. Кўркув севгини сиқиб чиқаради, севги эса кўркувни сиқиб чиқаради.

“Севгида кўркув йўқ, лекин мукаммал севги кўркувни қувиб чиқарди, чунки қўркувда азоб бор. Кўрқадиган одамсевгида мукаммал эмас. Биз Уни севайлик, чунки аввал У бизни севди” (1 Юх. 4:18,19).

Севги кўркув фарқ қилишидан кўра кучлирок ўзгаришишга қодирдир. Кўркувни қувиб юборадиган мукаммал севгини фақатгина Худонинг севгисини бошдан кечирибгина билиб олиш мумкин. Унинг севгиси кучи билан ўз шахсий худбинлиги ҳақида унтиш мумкин, чунки биз биламизки, Худо бизларнинг эҳтиёжларимизни содиклик билан қондидиради. Лекин бизлар Худонинг ҳузурида вакт ўтказмасак, бизлар Унинг севувчи табиятини яқиндан билиб ола олмаймиз; чунки Унинг содиклиги Унинг ҳузурида намоён бўлади.

Худонинг ҳақиқий табиятини билиб олмасдан, бизлар Худо томонидан ва турмуш ўртоғимиз томонидан рад этилганлик доимий кўркувида яшаймиз, бу эса жазонинг бузилган шаклидир. Худонинг бизларга нисбатан бўлган севгисига ишончи комилликкаўсиб бориб, бизлар кўркувдан кутуламиз ва ўз турмуш ўртоғимизга фидокорона севги баҳш этамиз.

Худонинг Сўзи дейди:

“Севгандарим! Бир-биримизни севайлик, чунки севги Худодандир. Ҳар бир севадиган киши Худодан туғилган ва Худони билади. Севмайдиган эса Худони таниб билмаган, чунки Худо севгидир” (1 Юх. 4:7,8).

Кўркувнинг қотмалари бизларни шундай сўзларни айтишга мажбур қиласди: “Агар менинг турмуш ўртоғим менга хиёнат қилса, мен уни ҳеч қачон кечирмайман”. Бундай қасамлар ўзини келажакда ҳимоя қилиш мақсадида айтилади, лекин аслида, улар бизларни бугун Худонинг севгиси кучидан тутиб туради. Бизлар ҳаттоқи турмуш ўртоғимиз бизни яралаётган, рад қилаётган ёки бизга хиёнат қилаётган бўлса ҳам юрагимиз учун ғамхўрлик қилишни Худога ишониб топширишни ўрганишимиз керак. Худо ўзимизнинг қўркувларимизни Унга бўйсундиришимизни сўрайди. Агар биз шундай қилишни рад қилсақ, унда биз Худога Унинг биз ҳакимида ғамхўрлик қилиш қобилиятига ишонмаслигимизни айтиётган бўламиз. Бизлар Исо Масихга ўз қўркувларимизни бўйсундиримасдан Унинг ҳукмронлигига бўйсuna олмаймиз.

## 4-кун

### ОИЛАВИЙ ЛАЪННАТЛАР

Биз ўзимизнинг оиласидаги қура бошлаганимизда, Худо бизларда ва бизларнинг фарзандларимизда нимадир янги яратмоқчи эканлигини билар эдик. Бизларнинг ота-оналаримизнинг ва буви-буваларимизнинг ҳаётларида аниқ қотмалар: ичкиликбозлиқ, ахлоқсизликва жодугарлик бор эди ҳамда булар бизларга мерос бўлиб ўтган эди. Янги мерос олишдан олдин, бизлар авлодимизда бир неча авлодлар давомида илдиз отган лаънатларни бартараф қилишимиз лозим эди. Уларни факатгина ибодатда енгиш мумкин эди ва Худонинг Сўзи билан куролсизлантириш мумкин эди.

Турли жуфтларда оиласидаги лаънатларнинг ўзига хос хусусиятлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, олдинги бобда, бизлар жуда турлича оиласидаги бу қадар ёрқин ночор ахволга Жоннинг оиласининг реакцияси қандай бўлиши ҳакида ташвишланар эдим. Бизнинг унаштирилишимиз шарафига берилган зиёфатда, менинг отам ичиб маст бўлди ва Жоннинг ойисига, унинг эрининг кўз ўнгига шилқимлик қилди. Уни Жоннинг ойиси қизиқтирас эди, у менинг ойимга озор беришни истар эди. Кейинроқ Жоннинг ойиси бизларнинг муносабатларимиз ҳакида каттиқ ташвишланиши ва бизнинг никоҳимиз уларнинг бенуқсон авлодларида илк ажралиш бўлиши мумкинлиги учун қўрқишини ошкора айтди. Мен унинг шундай сўзларини эшитдим: “Бизнинг авлодимизда ҳеч қачон ажралиш бўлмаган”.

Мен ўйладим: “Мана, у мени қандай қабул қиласи. Мен уларнинг авлодларини бузмайманми?”

Мен ўша кечлиқдан икки карра оғирликни хис қилиб қайтдим: ойим учун оғриқ ва бундан ҳам кўпроғи, ўзимнинг уялишим. Шундай туюлардики, агар тарозини олиб, тўйгача бўлган оиласининг барча “яҳши” ва “ёмон” улушини тортиб кўрсақ, яҳшилари аҳамиятли даражада Жон томонда бўлиб чиқади. Мен томондан, факат ёмон улуш: хиёнат, ажралиш ва тобелик эди. Бизнинг авлодимизда буларнинг барчаси етарли эди.

Худо Жон томондаги “яхши” ёки мен томондаги “ёмон” дан умуман ташвишланмаёттанини пайқаганимда, ёриб ўтиш келди. У муқаддас авлод яратмоқчи эди.

“Тингла, эй қиз, қара ва қулоқ тут: ўз халқингни ва отангнинг уйини унут, шунда Подшоҳ сенинг чиройингни истайди, зеро У сенинг Эгангидир; сен Унга сажда қил... Улар қувонч ва ўта шодлик билан келтирилмоқдалар, Подшоҳнинг қасрига кирмоқдалар. Сенинг оталинг ўрнида ўғилларинг бўлади, Сен уларни бутун ер юзида ҳокимлар килиб қўясан. Сенинг номингни авлоддан авлодга ёдда қоладиган қиласман. Шунинг учун халқлар Сени абадулабад улуғлайдилар” (Сан. 44:11,12, 16-18).

Бу лавҳа, аввало, Исо Масихни ва Унинг қаллиғини таърифлайди, лекин Худо буни менга Ўзининг ваъдаси, менинг ўтмишимдаги хатолар билан чекланмаган ваъда манзараси сифатида ишлатди. Мен “Подшоҳнинг қизи” сўзини ўқиганимда, менинг ичимда нимадир жонланди. Худо менга ўзининг шоҳона қизи сифатида мурожаат қиласр эди. Ўша лаҳзада, менинг Масихга ўхшашлигимни янгича тушуниш пайдо бўлди. Мен ўтмишдаги қотмаларни рад қилдим ва менинг оиласминг келаҗаги учун янги умидни қабул қилдим.

Мен тушундимки, менинг болаларим менинг ерлик отамнинг табиатини (зинокорлик, ичкилиқбозлик ва чуқур кулаган одам) мерос қилиб олмайдилар. Улар нафақат ўзларининг ерлик оталарининг хулқ-авторини мерос қилиб оладилар (Худодан қўрқадиган одамнинг), лекин боз устига, улар ўзларининг Раббийсининг табиатини мерос қилиб оладилар. Мен ўғилларим Парвардигори Оламнинг ҳокимлари бўлиши ҳақидаги ваъдани қабул қилдим.

Бизлар ўзимизнинг оиласвий лаънатларимизни бартараф қила бошлаганимизда, бизлар Худонинг Сўзи ҳақиқатан ҳақиқатга айланганини кўрдик. Ўша кунлардаги ибодат ва эълон қилиш орқали Худо бизнинг ҳаётимизда мустаҳкамлаган ваъдалар билан бизнинг оиласиз гуллаб-яшнамоқда.

## ОИЛАВИЙ ЛАЪНАТЛАРНИ ПАРЧАЛОВЧИ ИБОДАТ

Галатликларга мактубда (3:13) ёзилган: “Масиҳ бизнинг ўрнимизга лаънатни олиб, бизни Қонун лаънатидан қутқарди...” (замонавий таржима). Авлодлар давомида сизнинг оиласигизни қандай лаънат таъкиб қилганидан қатъий назар, Исо Масиҳда у сизнинг устингиздан кучга эга эмас.

Агар сиз ўзингизнинг авлодингиздаги қандайдир лаънатларни билсангиз, уни ўзингиздан қандай қоқиб ташлашингиз мумкинлигини ва сизнинг авлодингизга таъсирини тўхтатишни биз сизга ўргатмоқчимиз. Бу ибодат сизга шайтоннинг қотмасини Худонинг Сўзи қиличи билан барбод қилишингизга ёрдам беради. Оиласигиздан озодлик тасодифан содир бўлмайди, бу учун душманнинг ишларини аниқлаш ва барбод қилиш лозим. Унинг мақсади – Худо сизга берган тинчлик, қувонч ва осойишталикни сиздан тортиб олишдир. Лекин энди сиз Исо Масиҳда бўлган ҳокимият билан ўз душманнинг қулашини кўришингиз мумкин.

Китобни ўқиши давом эттиришингиздан олдин бу ибодатга вакт ажратинг. Агар сиз ҳозирнинг ўзида ибодат қилишни истасангиз, факат сиз ўзингиз, ёки турмуш ўртоғингиз билан, якин дўстингиз билан, ёки ибодатдаги ҳамроҳингиз билан икковингиз бўлишингиз мумкин бўлган хилватроқ жой топинг. Чунки бу – сиз Сўзни баландэътироф этишингиз ва шайтоннинг ишларини рад қилишингизни эълон қилишингиз керак бўлган маҳсус вақтдир.

Куйида келтирилган ибодат, сизнинг никоҳингиз ва оиласигизга хавф солаётган аниқ лаънатларга қарши йўналтирилган. Бизлар бу ибодатни Муқаддас Ёзувдаги оялардан туздик, чунки Муқаддас Ёзув – Рухнинг дудама ва қудратли Қиличидир. Агар бу ибодатда сизнинг оиласигизда бўлган лаънатлар санаб ўтилган бўлмаса, сизга тўғридан-тўғри алоқаси бўлган ояларни Ёзувдан топишишингизга ва улар орқали Худонинг ҳақиқатини ҳамда ваъдаларини эълон қилишингизга сизни даъват қиласиз. Худонинг Сўзига асосланиб, кучли эътирофни ёзиб олинг ва ҳаётингиздаги лаънатларни Исо Масиҳ номидаги куч билан барбод қи-

линг. Бу ибодатнинг хотимасида бу мавзуни чуқурроқ ўрганишингиз учун бир қанча оятларни бердик.

*Қадрли Самовий Отам,*

*мен Сенинг олдингга Сенинг қадрли Ўғлиңг Исо Масиҳ номи билан келаман. Мен Сенинг дарвозаларингга миннатдорчилик билан келаман ва Сенинг ҳовлиларингга ҳамду сано билан кираман. Сенинг менга бўлган буюк шафқатинг ва муҳаббатинг мени тўйлдиримоқда, Сен менинг ҳаётимда амалга оширган қайта сотиб олиш каби буюк ишинг учун мен Сендан миннатдорман.*

*Ҳозир мен ИсроЛиңг Ҳудоси бўлмиши Раббий билан аҳд тузаман. Сен – Раббий, Осмон ва ернинг Ҳудосисан, Сени севадиган ва амларингни бажарадиганлар билан йўз севги аҳдингни асрайдиган буюк ҳамда қудратли Ҳудосан. Сенинг қулингнинг ибодатини тинглаши учун Сенинг қулогинг диққатли бўлсин ва кўзларинг очиқ бўлсин. Мен ўз гуноҳларимни ва отамнинг хонадони гуноҳларини, бизлар Сенга қарши қилган барча айбларимизни эътироф этаман. Бизларни кечиргин, чунки бизлар Сенинг олдингда ёмон иши қилдик. Бизлар уят билан қопланганмиз, чунки Сенга қарши гуноҳ қилдик. Лекин Сен, Раббий, бизнинг Ҳудойимиз шафқатлисан ва бизлар Сенга қарши гуноҳ қилган бўлсақ ҳам, Раббий Ҳудойимизга қулоқ солмаган бўлсақ ҳам, Сен йўз хизматкорларинг пайғамбарлар орқали берган қонунларни сақламаган бўлсақ ҳам Сен бизларни кечирасан. Бизлар Сендан юрагимизнинг четини хатна қилишингни, бизлардан ўтган йилларнинг гуноҳ, шармандалик ва қонунбузарликларини олиб ташлашингни сўраймиз.*

*Мен ўз гуноҳларимни ва оталаримнинг гуноҳларини эътироф этаман ва оккултизм, жодугарлик ҳамда фол очишларга ҳар қандай иштирок этишини рад қиласман. (Бироз тўхтманг ва Муқаддас Рӯҳга қулоқ солинг, балки У сиз рад қилишингиз керак бўлган нимадир аниқ нарсани эслатар. Балки бу астрологиядир, экстрасенслар сеансларидир, даҳшат кинолардир, ўйинлар, китоблар ва бошқалардир). Мен бундай ишларда ҳар қандай иштирок этишини рад қиласман ва менинг ҳаётимдаги, менинг болаларимнинг ҳаётидаги, уларнинг болаларининг ва болаларининг болаларининг ҳаётидаги лаънатни барбод қиласман.*

*Мен наркотиклар ҳамда спиртли ичимликлар истеъмол қилиши соҳасида ўз гуноҳларимни ва оталаримнинг гуноҳларини эътироф этаман ва буларни рад қиласман. Ота, руҳий соҳада гуноҳга, кишиан-*

*ларга ва эзилишига очилган ҳар қандай эшикни ёпгин. Мен наркотик модда қабул қилишига иштирок этишидан(агар қабул қилган бўлсангиз наркотикнинг аниқ номини айтинг) воз кечаман ва уларнинг менинг ҳаётимдаги, менинг болаларимнинг ҳаётидаги, уларнинг болалари-нинг ҳаётидаги, уларнинг болаларининг болаларининг ҳаётидаги лаънати кучини барбод қиласман. Исо Масиҳ номи билан. Омин.*

Бизлар кейинги бобларда жинсий гуноҳларга алоқаси бўлган кўнгил боғланишлари ва аниқ лаънатларнинг номини атаб мазкур негизга таянишни давом эттирамиз. Исо Масиҳнинг хоҷдаги тамомила ғалабаси шарофати билан бизлар бу лаънатлардан озодмиз. Сиз улардан қўркишингиз керак эмас, улар сизнинг ҳаётингизга ёки сизнинг болаларингизнинг ҳаётига ўтишидан хавотирланишингиз керак эмас. Бугун сиз ўз ойлангиз учун янги меросни ўрнатдингиз.

Чукуррок ўрганиш учун қуйидаги оятларни ўқинг: Санолар 99:4; 2 Йилнома 29:10,11; Нехемиаҳ 1:5-7; Дониэл 9:8-10; Йешуа Нуун ўғли 5:9; Матто 10:34; Ибронийларга 4:12; 2 Йилнома 29:5,6.

## 5-кун

### ҚАРИНДОШЛАР БОШҚАРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ

Қариндошлар бошқаришга ҳаракат қилиши масаласи кўпроқ янги оила қурганларга таниш, лекин албатта, аллақачон кўп вақтдан буён бирга яшаётган оилаларда ҳам учраб туриши мумкин. Эр-хотинлар ва уларнинг ота-оналари орасида келишмовчилик юзага келганида, эр-хотинлар, албатта, биринчи ўринда, ўзлари бутун умрлари давомида билган ота-оналарини (ёки бошқа қариндошларни) ҳимоя қиласидар. Бизларнинг ҳаммамиз ота-оналаримизга нисбатан катта муҳаббат ва ҳурматни хис қилишимиз лозим. Лекин ҳаттоқи, сиз доимо ота-онангизнинг маслаҳатига кулоқ солсангиз ҳам, сиз уйланганингиз, ёки турмушга чиққанингиздан сўнг сизнинг биринчи масъулияtingиз – бу уй масалаларини турмуш ўртоғингиз билан ҳал қилишдир.

Катта ўғлимизнинг тўйидан олдин мен (Жон) унга дедим: “Эддисон, энди мен сенга фақат сенинг ўзинг мендан маслаҳат сўраган вақтингдагина қандай ҳаракат қилиш ҳақида маслаҳат бераман. Мен бошқа сенинг ҳаётингни бошқаришга ҳаракат килмайман. Сен ўз уйингни кураяпсан ва мен сенга ўрганишинг ҳамда ўсишинг учун кенглик бермоқчиман”. Эддисон менинг бу тутган йўлум учун мендан мамнун ва ҳар дафъя, унга маслаҳат керак бўлган вақтда менга мурожаат қиласди.

Менинг ўғлимни ўз йўлумга солиш ва уни “кичкина мен” га айлантириши истагимйўқ. Худо уни ким бўлиш учун яратган бўлса, у ўша бўлишини истайман. Унинг оиласига жуда фаол аралашишм билан мен унинг оиласидаги етакчилик ролини олиб қўйишим мумкин. (Агар рости ни айтсам, у ўз уйини қандай бошқариши мени қойил қолдиради. Мен унинг ёшида уddaрай олганимдан у анча яхширок уddalamоқда!)

Ёзув аниқ айтмоқда:

“Шунинг учун эркак ўз ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва улар бир тан бўладилар” (Ибт. 2:24, муаллифларнинг курсиви).

Ота-онани қолдириш, бу ҳолатда, ота-онанинг уйидаги ҳокимиятни қолдиришдир. Бу яна ота-онанинг болаларганосоғлом таъсирини қолдиришни билдиради. Бизлар ота-онамизни иззат қилишимиз мухим, лекин буни энди улардан мустакил фикрлаб яшаганҳолда қилиш мумкин. Сиз ўз оиласигизни ва ўз уйингизни янги тартиб асосида курмоқдасиз. Сизнинг ота-онангиз энди сизни бошқарувчилар эмас, шунинг учун улар сизнинг ҳаётингизни ва сизнинг оиласигизни бошқаришлари керак эмас.

Балки сизнинг никоҳингизга фаол аралашишни истайдиган қариндошларингиз бордир. Илгари бизнинг қариндошимиз бўлган бир аёл бизларни ўз йўлига солишга ҳаракат қиласди ва бизнинг никоҳ иттифоқимизга нифоқ солар эди. Унинг аралашishi бизларга жуда ёмон таъсир кўрсатар эди ва бизнинг бу масалани ҳал қилиш йўлидаги заиф ҳаракатларимиз муваффакият қозонмас эди. Ахийри, бизлар у киши билан учрашдик (шу билан биргага, бизлар у кишини жуда қадрлар ва хурмат қиласди эдик) ва у кишига ўзимизнинг фикримизни аниқ тушунтирдик.

Мен (Жон) дедим: “Бизнинг уйимизда сиз бошқарувчилик қила олмайсиз. Бу янги уй. Биз сизни қадрлаймиз ва ҳурмат қиласиз, лекин бизнинг уйимизда бошқарувчилик қилишга рухсат бермаймиз. Сиз бизни ўз йўлингизга солишингизга йўл қўймаймиз”. Мен фикримни жиддий баён қилишимга тўғри келди, чунки унга гапнинг мағзини юмшоқ етказишга харакат қилиш ва ишора қилишлар муваффақият келтирмади. Бахтимизга, бу қариндошимиз нима бўлаётганини тушунди ва шу вақтдан буён бизнинг оиласизда тўғри ўрин эгаллади.

Бизлар ўз оиласизни ҳар қандай ҳужумдан, ҳатто қариндош ва яқин одамларимизнинг ҳужумидан ҳам асраримиз керак. Кўпинча, бу ҳужумлар ёмонлик қилиш мақсадида қилинмайди, шунинг учун беайбек туюлади. Улар менсимаслик ишораларида намоён бўлади, лекин ҳатто мана шу нозик ишоралар доимо барбод килувчи хусусиятга эгадирлар. Мен никоҳ маросимларини бошқарганимда, келин-куёвларнинг дўстларига ва оиласига қараб, уларга дейман: “Ҳолингизга вой, Худо яратган мазкур иттифоққа қаршилик қилувчилар. Ҳатто уларни ўз йўлингизга солишига ва уларни ажратишига ҳаддингиз сифасин. Бугун Худо тузган иттифоқка факат ҳаёт сўзларини сўзланглар”.

Эдисон уйланганида, бизлар атайин уни – биз ёки унинг хотини Жулияни танлашига унданб, танлов олдида қўймасликка қарор қилдик. Ҳақиқат шундаки, у унга уйланган кунда аллақачон уни танлади ва биз унинг қароридан қувонамиз! Оила соҳасида севги хеч қачон одамларни танлашга мажбур қилмайди. Севги эски ҳамда янги муносабатларни тутиб туради ва уларнинг орасида қўприклар куради. Бизлар Жулияни яхши кўрамиз ва унга келиндан кўра қўпроқ, қизимиздек қараймиз. Бундай яқинлик факатгина биз унинг янги хонадонини ҳурмат қилишимиз ва Эдисон ҳамда унга ўз никоҳ тарихларини ёзишлирига тўйсеник қилмаслигимиз туфайлигина юзага келиши мумкин эди.

### ВОҚЕЛИҚДАН ЙИРОҚ НАРСАЛАРНИ КУТИШ

Кўшма Штатлардаги ажralишлар сабаблари ичida вoқеликдан йироқ нарсаларни кутиш сабаби устунлик қилади. Бизлардан кўпчилиги-

миз доимий лаззатни, узлуксиз жинсий муносабатларни ваенгил муносабатларни кутиб никоҳга қадам қўянимиз. Никоҳ бизнинг худбинлигимиз ва ҳимоясизлигимизни аниқ ва қатъий равищда ошкор қилишини кутмаймиз, ўз турмуш ўртогимизнинг заифликлари ва камчиликларини кўришимиз хақида ўйламаймиз. Бизларнинг сохта тасаввурларимиз алам ва норозилик манбаи бўлиши мумкин ва бу албатта, бизнинг илоҳий иттифоқ қуриш қобилиятимизни тортиб олади.

Воқелиқдан йироқ нарсаларни кутиш кўпинча норасо солиштиришдан озиқланади. Бизлар лаззатланишни мақсад қилиб олган маданиятда яшамоқдамиз, шунинг учун ўз никоҳимизни экранда кўраётганимиз билан солиштириш имконияти билан доимий равищда тўқнаш келамиз. Кино ва телевидение бизларга куч сарфламасдан эришиладиган мухаббатни, курбонликсиз гўзалликни, хавфсиз ишонишни таклиф қиласди. Улар муносабатларнинг романтик томонини ёритади, хаётнинг “голливуд” га ўхшамайдиган саҳналарини эса кўрсатмайди.

Агар сиз бирмунча вактдан бўён никоҳ муносабатларидаяшаётган бўлсангиз, унда сиз никоҳнинг факатгина романтик учрашувлар, бенуқсон мувофиқлик ва сиз ҳеч нима учун масъулиятни бўйин олмайдиган кунлардан иборат эмаслигини тушунасиз. Никоҳ – бу оғир меҳнат ва кўпинча қора меҳнатdir.

Агар сиз никоҳда қийналаётган бўлсангиз, бу ажralишингиз керак, дегани эмас. Қийинчиликлар фойдали, чунки улар сизни ривожлантиради. Улар сизнинг хулқ-авторингизни тозалайди ва сизнинг ички имкониятларингизни кўпайтиради. Бу муносабатлар кўпайиш учун хизмат қиласди, буни ёдда тутинг. Ҳар бир одам ўсишни истайди ва доноликка олиб борадиган нарса билан учрашганича доноликни ўзида тўплайди.

Воқелиқдан йироқ нарсаларни кутишга факатгина оммавий ахборот воситалари чизган манзараларгина кирмайди. Бизлар шунингдек, ўз никоҳимизни дўстларимиз ва қўшниларимизнинг оилалари билан солиштириб ҳам хато қиласми. Бу жирканч иш. Бизлар уларнинг шахсий хаётларида нималар содир бўлаётганини ҳеч қачон била олмаймиз. Ташқаридан ҳамма нарса гўзал ва кувончли туюлиши мумкин, лекин балки ёпиқ эшиклар ортида улар бир-бирларини ҳалок қиласди.

Ўз эр-хотинлик муносабатлари ичидаги фаслларни солиштириш ҳам васвасадир. Эр-хотинлар фарзандлари, памперслар ва жуда кам бўш вақт бўлган ҳозирги фаслни, ҳали болалари бўлмаган вақтларидаги муносабатлари билан солиштиришлари мумкин. Мантиқий нуқтаи назардан бунда соғлом фикр йўқ. Ҳали сизларнинг болаларингиз бўлмаган даврдагидек яшашнинг иложи йўқ. Сизлар ота-она бўлганингизда, сизда эркинлик камроқ бўлади ва масъулият кўпроқ бўлади. Оилада болалар туғилиши сизнинг ҳаётингизни ўзгартиради, шунинг учун нижохдаги муносабатлар ҳам бошқача тус олади. Биз биламиз, бу ракета ясаш ҳақидаги фан эмас, лекин бизлар кўпинча, мазкур фаслда бўлиши мумкин бўлган қувончва қониқиши хиссини пастга уриб, аҳмоқона солиштиришлар билан машғул бўламиз.

Теодор Рузвельт айтган: “Солиштириш – бу қувончнинг ўгрисидир”. Агар сиз ўз никоҳингизда қувончга эга бўлишни истасангиз, ўзингизнинг муносабатларингизни – улар кўшнингиз бўладими, ёки телевизор экранидаги одамларми, сизнидан яхшироқ туюлаётган бошқаларнинг муносабати билан солиштиришни бас қилингиз керак. Солиштиришлар сизга қувонч келтирмайди. Қувонч – бу сариқ чақа эмас, шунинг учун уни қандайдир арзимас нарса орқали олишнинг иложи йўқ. У шарт-шароитларни енгиги ўтади, хиссиётлар билан чегараланмайди ва катта манзара – сизнинг бутун ҳаётингизга нисбатан Худонинг режасини англашдан куч олади.

Қувонч – Рухнинг ҳосилидир (Гал. 5:22,23га каранг) ва бу шуни билдирадики, у вазиятлардан эмас, балки Худодан келади. Уни инсоннинг иродаси билан ишлаб чиқаришнинг иложи йўқ. Агар баҳт – бу вақтинчалик ғалабаларга боғлиқ бўлган хис бўлса, қувонч қийинчиликларни енгиги ўтади. У сизнинг Масихдаги ўрнингиздан руҳланган умидда туғилади. Агар бизга Худода қувонч етишмаса, бизга никоҳимизда тўлиқликка эришиш учун куч етарли бўлмайди, чунки Унинг қувончи – бизнинг кучимиздир (Нех. 8:10га каранг). Повулнинг Филиппидаги жамоатга айтган сўзлари бу фикрни акс садо каби такрорлайди:

“Раббийда доимо қувонинглар. Сизларга яна айтаман: қувонинглар.

Сизларнинг мулоҳимлигингиз барча одамларга маълум бўлсин. Ра-

ббий яқиндир. Ҳеч нарса ҳакида ташвиш қилмандлар, лекин ибодат, илтижо ва миннатдорчилек билан ҳамма нарсада ўз истакларингизни Худога билдиринглар. Шунда ҳар қандай тушунчадан юкори бўлган Худонинг тинчлиги сизларнинг юракларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни Исо Масихда сақлайди” (Флп. 4:4-7).

Сиз эр-хотинлик муносабатларингиз борасида хавотир олишни бошлаганингизда, ўз илтимосларингизни Худонинг олдига қувонч ва миннатдорлик билан олиб келинг. У ташвишларни тинчликка алмаштириши ваъда берган. Накадар ажойиб алмашинув!

Воқеликдан йироқ нарсаларни кутиш сиздан қувончни ўғирлайди, демак, никоҳда муносабатлар куриш учун кучни ўғирлайди. Эҳтиёт бўлинг, бу тузокнинг курбони бўлманг. Сизларнинг муносабатларингиздаги қотмалар шаклланишига олиб келганкутган нарсаларингизни аниқланг ва улар Худонинг Сўзи ҳақиқати ва Худонинг сизнинг хаётингиз учун маҳсус режаси устидан тантана қилишига руҳсат берганингиз учун тавба қилинг.

### СИЗНИНГ НАВБАТИНГИЗ

Марҳамат, ўз эрингиз (хотинингиз) билан бу бобнинг мазмуни ҳакида сухбатлашиш учун вақт ажратинг. Муқаддас Руҳдан сизни бошқаринини ва сизнинг никоҳингизда аниқлаштириш керак бўлган нарсаларни ёзиб олишга ёрдам сўранг. Амалга ошириш шартбўлган баъзи ўзгаришлар хулқ-атворга ва муносабатларга тегишли бўлади, Худо эса, Ўзининг иноятининг кучи билан сизга таъсир қиласи. Бошқаларини эса, масалан, авлодларнинг лаънатларини ибодатда енгиш шарт.

Агар сизнинг рўйхатингиз бир неча варак бўлиб кетса тушкунлика тушманг. Мазкур машқнинг мақсади сизга ҳозир ахволингиз накадар ёмон эканини кўрсатиш ёки оилада айбдорни топиш эмас, бундан маъно шундаки, сизўзингизнинг келажагингизни жуда ҳам кучли ўзгартиришингиз мумкин. Бу масалани ҳал қилишни бошлаб, сиз оилангизга ажойиб тарихнинг бошланишини, ерда очиладиган самоларнинг меросини тақдим қиласиз. Кемасахнини тозаланг, токи сиз Раббий сиз учун

тайёрлаб қўйган ҳамма нарсани олишингизга йўл қўймаётган ҳамма кишинлардан озодликда олдинга ҳаракат қила олинг. Буни бизлар айнан сиз учун тузган ибодатдан бошлашингиз мумкин.

Балки ҳозир сирли лаҳза яқинлашаётгандир.

*Ота, Сен янги бошланиши ва янги мерос бераётганинг учун биз Сендан миннатдормиз. Бизларнинг муносабатларимиздан олиб ташлаши керак бўлган ҳамма нарсани ёзиб олиб, бизларни самонинг муҳити қамраши учун бизлар ибодат қиласиз.*

*Муқаддас Рӯҳ, бизлар Сендан сўраймиз: бизларни етаклагин ва бошқаргин.*

*Бизлар ибодат қиласиз, бизларнинг оиласларимизни авлодлардан-авлодларга азоблаётган душмандан қасд олишига шай турган Ҳудонинг фаришталари бизларни кўришаб олсинлар.*

*Бизлар ибодат қиласиз, буюк иноят бизларни кечирим билан тўлдирсив ва бизларни ўзгартирсив.*

*Бизлар Сенинг Сўзинги бўйича онгимиз янгиланиши учун ибодат қиласиз.*

*Бизлар ҳар қандай қўрқувни қувиб юборадиган Сенинг севгинг ҳақида ваҳий сўраймиз.*

*Бизлар ишончнинг тикланишини ва муносабатларнинг покланишини сўраймиз.*

*Бизлар бўлинши бўлган жойга бирлик олиб келишинг учун ибодат қиласиз.*

*Бизлар Сенинг Сўзингга қарама-қарши бўлган нарсаларни кутишини истамаймиз, аксинча, бизларни Сенинг ваъдаларинг даражасида орзу қилишига руҳлантиришингни сўраймиз.*

*Биз ўз уйимизга эркинликни эълон қиласиз. Биз ўз никоҳимизга ва алоҳида ҳар биримизнинг ҳаётимизга эркинликни эълон қиласиз, Исо Мақиҳ номи билан. Биз эълон қиласизки, Ҳудонинг Шоҳлиги бизнинг ичимиздадир. Бизнинг никоҳимизда, бизнинг уйимизда, осмонда бўлгани каби ерда Ҳудонинг иродаси амалга ошади. Исо Мақиҳнинг қудратли номи билан. Омин.*

1-кун. Кундалик ўқиши учун

## ОИЛАВИЙ ТЕКШИРУВ

*“Сизлар имонда мұстақаммисизлар, ишонч ҳосил қилиши учун ўз-үзингизни текшириңгелар. Содир бұлаёттан ҳамма воқеаларни шундай бўлиши керак, деб қабул қилиб елманглар. Ўзингизни синааб кўринглар.*

*Сизлар Исо Масиҳ сизларнинг ичингиизда эканлигини шунчаки эшиштишингиз эмас, балки бунга ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз керак.*

*Буни синааб кўринглар. Агар синовга бардоши берса олмасангиз, унда чорасини кўринглар”.*

— 2 Коринфликларга 13:5, The Message, инглиз тилидан таржима

Олға интилиш учун баъзан ортга ўгирилиб, сиз ҳозир бўлган жойга қандай келиб қолганингизни тушуниш фойдалидир. Мазкур оилавий текширув сизнинг никохингизда пайдо бўлган уюмни баҳолаш ҳамда тартибга келтириш, сўнг ахлатларни тозалашга ёрдам беради. Бир оз ўйлаб кўринг ва қуидаги саволларга ростан жавоб беринг.

Ўз болалигингизни эсланг. Уйингиздаги умумий муҳитни қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

---

---

*Масалан: осоиишта, тартибсиз, севувчи, севмайдиган, очик, ёпик, сахий, хасис, кўркув тўла, ажойиб, илик ва қабул қилишга тўла, совуқ ва шафкатсиз.*

Ота-онангизнинг муносабатларини қисқача таърифланг (сухбатларга тўла, ёқимли, дўстона ва б.).

---

---

Ота-онангиз келишмовчилик ва жанжалларни қандай ҳал қилас әдилар? Улар бир-бирлари билан қандай муносабатда бўлар әдилар?

---

---

Сиз шүхлик қылганингизда, ўзингизни ёмон тутганингизда сизни қандай жазолар эдилар? Жазолаганларидан сўнг маълум вақт мобайнида сиздан аччиқланар эдиларми ёки тўлиқ қабул қилиб севги кўрсатар эдиларми?

---



---

### **ҚУЙИДАГИ ГАПЛАРНИ ТУГАЛЛАНГ:**

Менинг болалигимда менга қуийдагилар ёқар эди ва менинг оиласамда ҳам шулар бўлишини истар эдим:

---



---

Менинг болалигимда қуийдаги нарсалар менга ёқмас эди ва менинг оиласамда ҳам бўлмаслигини истар эдим:

---



---

Жавобларга қаранг ва уларни ўз никоҳингиз ҳамда уйингиздаги мухит билан солиштиринг. Уйингиздаги мухитда, турмуш ўртогингиз билан муносабатларда қандай ўхшаш жиҳатларни кўраяпсиз, сиз келишмовчиликларни қандай енгасиз ва болаларингизни қандай тарбиялайсиз? Боғлиқликни кўраяпсизми?

---



---

Юкорида ёзилганларнинг ҳаммасини хисобга олиб, ўз никоҳингизни ахлатлардан тозалаш учун турмуш ўртогингиз билан нимани ўзгартиришларингиз керак?

---



---

*Бир-бирингиз билан сұхбатлашиңг. Ибодат қилинг ва ўзгартириш керак бўлган нарсаларни Муқаддас Рухга топширинг.*

## 2-кун. Кундалик ўқиши учун

### БАГРИКЕНГЛИК

“Бир-бирингизга бағрикенг бўлинглар ва бир-бирингизни кечиринглар.

Агар бирортангиз кимдандир хафа бўлган бўлса, Масиҳ сизларни кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар”.

— Кол. 3:13

Сиз турмуш ўртогингизга бағрикенглик қиласизми? Йўқ, пул бирлигига эмас. Бизлар хатолар учун кенг жой, Худонинг инояти билан Унинг тимсолига ўсиш имконияти бўлган жой ҳакида сўзламоқдамиз. Гап шундаки, бизларнинг ҳаммамизга яқинларимизнинг бағрикенглиги керак, чунки бизларнинг ҳаммамиз хато қиламиз. Кечириб, биз самодаги Отамизга тақлид қиламиз, эр-хотинлар ўзгаришлари учун уларга куч берадиган Унинг иноятининг ўтказувчилари бўламиз. Куйида ёзувчи К.С.Льюиснинг сўзларини келтирамиз:

“Масиҳий бўлиш – кечириб бўлмайдиган нарсаларни кечиришни билдиради, чунки Худо менга кечириб бўлмайдиган нарсани кечирди. Бу қийин. Балки бир хафаликни кечириш унча қийин эмасдир. Лекин мунтазам, кундалик васвасаларни: жанжалкаш қайнанани, урушқоқ эрни, ийғлоқи хотинни, худбин кизни, алдамчи ўғилни – қандай кечириш мумкин? Мен ўйлайманки, фақатина бизлар қаерда турганимизни ёдда тутиб, ҳар оқшом ибодатда қайтарадиган сўзларнинг маъносига аҳамият бериб кечириш мумкин: “Биздан қарздор бўлганларни биз кечирганимиздек, бизнинг қарзларимизни ҳам кечиргин”. Факат шу шарт билан бизларга кечирим тақдим этилади. Кечиришни рад қилиш – бу Худонинг бизларга бўлган шафқатини қабул қилишни рад этишdir. Бу ерда бирор истиснога бирор бир ишора йўқ ва Худо нимани айтган бўлса, айнан шуни назарда тутмоқда”.

Қайси соҳаларда сизга турмуш ўртогингизнинг бағрикенглиги керак? Сиз хато қила олишингиз ва илоҳий хулқ-атворга ўса олишингиз

учун қаерда сизга кенгрок жой керак? Сиз ўзингиз биладиган ва уларнинг устидан ишлаётган уч соҳани айтинг.

---



---



---



---



---



---

Сизнинг турмуш ўртоғингизга сизнинг бағрикенглигингиз керак бўлган уч соҳани айтинг. Сиз бу соҳаларда бағрикенглик қиласизми? Агар йўқ бўлса, нима учун?

---



---



---



---

Агар сиз турмуш ўртоғингизга қарши хафаликни ичингизда яширишга қарор қилсангиз, Худонинг Сўзига биноан нима содир бўлади? Матто 6:14,15; 18:21-25; Марк 11:25ни диккат билан ўқиб чиқинг ва Муқаддас Рух сизга нимани очса, ёзиб қўйинг.

---



---



---

Худонинг кечирими чексиздир! Агар сиз учун турмуш ўртоғингизни кечириш қийин бўлса, ортга ўгирилиб ўз ҳаётингизга назар ташланг. Сиз Худони ўз фикрларингиз, сўзларингиз ва ишларингиз билан нималарда ранжитгансиз? Агар сиз ўз гуноҳингизнинг чукурлигини ва бу гуноҳ учун нарх тўлаш учун Исо Масих нақадар азобли оғриқни ҳис қилганини ёдда сақласангиз, Муқаддас Рух сизнинг юрагингизни юмшатади ва сизга кечириш учун иноят беради.

### ТАВБА ҚИЛИШ ВА ОЗОД БЎЛИШ ИБОДАТИ

*“Раббий, мен турмуш ўртогимга нисбатан хафаликни тутуб турганим учун мени кечиргин. Мен бошқа унинг барча камчиликларини ёдда сақлашини истамайман. Сен менинг гуноҳларимни кечирасан ва бошқа уларни ёдга олмайсан. Мен ҳам худди шундай қилишим учун менга куч ва истак бергин. Мен ўз турмуш ўртогимни Сенинг қўлларингга топшираман. Ўз севгингни ва иноятингни унинг юрагига қўйгин, мен уни астойдил севишиш ва кечиришишмага, у хато қўлганида бағрикенглик қилишимга ва унга ўсишига имкон беришишмага ёрдам бергин. Мен уни саломатлик, донолик, тинчлик, қувонч, муҳаббат, илтифот, дадиллик, Сенинг Сўзинг ваҳийлари ва Сен билан ажойиб, яқин муносабатлар билан дуо қиласман. Бизнинг никоҳимиз шифолангани учун Сенга раҳмат, Ота. Исо масиҳ номи билан. Омин”.*

Муқаддас Рух Унинг ҳузурида ўтказган вактингиз мобайнида ва Муқаддас Ёзувдаги матнлар, масалан: 1 Коринфликларга 13; Римликларга 5:5; Эфесликларга 3:16-19; 1 Петъор 3:8,9лар устидан диккат билан фикр юритишингиз жараёнидасизга Ўзининг севувчи ва кечирувчи табиатини экишига рухсат беринг.

### 3-кун. Кундалик ўқиши учун

## ХАММА ГАП – ҚАНДАЙ ҚАРАШДА

*“Ниҳоят, биродарларим, нима ҳақиқат, нима олижсаноб, нима адолатли, нима пок, нима ёқимли, нима шарафли, нима әзгүлік ва нима мақтөвли бўлса, шулар ҳақида фикр юритинглар, шу нарсалар сизнинг фикрингизни қамрасин”.*

— Флп. 4:8, замонавий таржима

Сиз турмуш ўртоғингиз ҳақида ўйлаганингизда, сизнинг ўйларингизни нима тўлдиради? Агар сиз унинг камчиликлари ва муваффақиятсизликлари ҳақида ўйласангиз, унда никоҳдаги муаммолар фақатгина кўпаяди. Бошқа томондан, агар сиз нима учун миннатдор бўла олишингиз ҳақида ўйласангиз, сиз ўз муносабатларингизни янгича нурда кўрасиз! Бутун ҳаётнинг кучи каби, никоҳнинг кучи ҳам унга қандай қарашга боғлиқ.

Сиз ўз турмуш ўртоғингизга қандай назар билан қарашингиз сизнинг у билан муносабатларингизга таъсир қилади. Умуман олганда, турмуш ўртоғингизга қандай муносабатдасиз? Сиз одатда унга кўрсатадиган муносабат, айтадиган сўзларва киладиган ҳатти-харакатлар ҳақида фикр юритинг.

---

---

---

*Ибодат килинг ва Худодан сизга турмуш ўртоғингизга бўлган ҳақиқий муносабатингизни кўрсатишни сўранг. У сизга нимани кўрсатмоқда? Унинг ёрдамида нимани ўзгартиришингизни сўрамоқда?*

Янги назар билан караганда, турмуш ўртоғингизда қандай киммат-баҳо фазилатларни кўраяпсиз? Филиппиликларга мактуб (4:8) даги оят ҳақида дикқат билан фикр юритинг, сўнграэрингизга (хотинингизга)

бўлган ва сиз улар учун Худога миннатдорлик изхор эта оладиган ўнта асосий фазилат ва инъомларнинг рўйхатини тузинг.

---



---



---



---



---

*Кейинги ўттиз кун мобайнида, мазкур рўйхат устида фикр юритишни давом эттиринг ва унга янги фазилатларни кўшиб боринг. Турмуш ўртоғингиздаги мазкур фазилатлар учун ўз миннатдорчилгинги зни астойдиш изхор этишга ҳаракат қилинг.*

Кўркув кўз олдимизни хиралаштиради. У турмуш ўртоғимизнинг заифликларида, шунингдек, ўзимизга ҳамда вазиятларга дикқатимизни қаратишга мажбур қиласди. Кўркув – бу кўп ҳолларда, тўғри бўлиб туяладиган ёлғон воқеликдир. Турмуш ўртоғингиз билан муносабатларингизда сизнинг энг катта кўркувларингиз нима? Раббийдан уларни сизга очишини сўранг.

---



---



---



---



---

*Бу кўркувларга Филиппиликларга мактубдаги (4:8) оят орқали каранг: Улар ҳақиқийми, яхшими ва тўғрими? Улар покми ва ёқимлими? Улар учун Худони улуғлай оласизми? Бу синондан ўтмайдиган ҳамма нарсани улоктириб юбориш керак ва ҳақиқат билан алмаштириш керак.*

Кўпинча бизнинг хозирги кунлардаги кўркувларимиз ўтмишдаги умидсизлик ва яралардан тугилади. Янги яралар олишдан кўркиб, биз ўйламаган ҳолда турмуш ўртоғимизни ўз ота-оналаримизнинг, олдинги дўстларимизнинг ва дугоналаримизнинг ёки олдинги турмуш ўртоғимизнинг камчиликлари учун товон тўлашга мажбур қилишга ҳаракат қиласмиз.

Бир оз түхтәнг ва қуидаги сүзлар билан ибодат қилинг: “Муқаддас Рух, бу күркүвлар қандай пайдо бўлди? Улар нимага асосланган? Мен Сенга қандай қилиб кўпроқ ишона оламан ва улар менинг ҳаётимдан илдизи билан кўпориб ташланаётганини кўра оламан?” Тинч мухитда қулоқ солинг. У сизга нималарни очмоқда?

---

---

---

---

## ОИЛАВИЙ ЛАЬНАТЛАРДАН ОЗОДЛИК

“Масиҳ биз учун лаънат бўлиб, бизни Қонун лаънатидан  
қайта сотиб олди...”

— Гал. 3:13

Худо сизнинг оилангизда буткул янги нимадир яратмоқчи! У дейди: “Мана, Мен янгисини бунёд қиласяпман. Энди у униб чикади. Наҳот буни ҳам билишини истамайсизлар? Мен саҳрода дарёлар ва даштда йўл ўтказаман” (Иш. 43:19). **Жойс Майер** айтганидек:

“Исо Масиҳ қамоқхоналарнинг эшикларини очиш ва асиirlарни озодликка чиқариш учун келди. ...Балки сизнинг ўтмишингиз қайгули бўлган бўлиши мумкин, балки сиз ҳозир жуда қийин ва эзувчивазиятдадирсиз. Балки сиз шу қадар мушқул вазиятга дуч келгандирсизки, бирор яхши нарсага умид қилишингиз учун сабаб йўқдир. Лекин мен сизга дадиллик билан айтаман: сизнинг келажагингизни ўтмишингиз, ёки ҳозирги кунингиз белгиламайди! Янгича фикрлашни бошланг. Худо билан ҳамма нарсанинг иложи борлигига ишонинг (Лк. 18:27га қаранг)”.

Сизни, сизнинг турмуш ўртоғингизни ва болаларингизни сизларнинг қонингизда яшовчи ҳар қандай лаънатдан кутқариш учун Исо Масиҳ жуда катта нарх тўлади. Қилишингиз керак бўлган иш бор-йўғи – Унинг ғалабасини кучга киритишидир. Худонинг қаршисида тинчланинг ва ибодат қилинг: Муқаддас Рух, менинг қонимда ва менинг турмуш ўртоғимнинг қонида Худосиз хулқ-атворнинг қандай лаънатлари бор? Илтимос, бизларга уларни кўрсатгин, токи бизлар уларни ҳал қиласайлик ва ҳақиқий озодликка эришайлик.

---



---



---

*Муқаддас Рух уларни очганидан, уларни Муқаддас Рухга бўйсундиринг. Шу бобда келтирилган ибодат билан ибодат қилинг ва ёриб ўтиш келишига Худога ишонинг.*

Баъзанўзимизга ўзимиз ичган қасамлар ва берган ваъдалар орқали, бу хақида ўйламаган холда, бизларнинг оиламизга ёпирилиб келадиган муаммоларга эшик очамиз. Айтилган қасамлар юрагимизнинг атрофида девор кўтарилиши. Бу қасамлар бизларни катта хафаликлардан ҳимоя қилиши керак, лекин аслида, улар бизларни асир қилади ва янада кўпроқ озор беради.

“Сен оғзингнинг сўзлари билан ўзингни боғлабсан, ўз оғзингнинг сўзларидан илинибсан”.

— Ҳикматлар 6:2

Бир оз тўхтанг ва ибодат қилинг: “Муқаддас Рух, мен ўзимга қандайдир қасамлар ичганманми? Агар шундай бўлса, қандай қасамлар?” Кулок солинг. У сизга очадиган барча қасамлар учун тавба қилинг ва Исо Масих номи билан сизни ҳар қандай кўркувлардан озод қилишини сўранг.

---



---



---

Бизлар кўркув туфайли, яна яраланишдан қўркиш туфайли қасам ичиб, кўпинча шундай сўзларни айтамиз: “Ҳеч качон эркак/аёлга ...шундай килишига рухсат бермайман. Агар менинг эрим/хотиним қачондир мени (алдаса, урса ва ҳок) унда мен...”. Агар сиз овоз чикариб ёки ичингизда шунга ўхшаган қасамларни ичган бўлсангиз, тавба қилинг. Раббий сизни ҳимоя қилиши ва асрashingа Унга ишонишингизга Раббийдан ёрдам сўранг.

“Сенга қарши ясалган бирорта курол муваффақиятли бўлмайди. Сен билан судда тортишадиган ҳар қандай тилни сен айблайсан. Бу (тинчлик, қувонч, хавфсизлик, сенга карши кўтарилаётганларнинг устидан

тантана) Раббийнинг қулларининг (борлиғида Худонинг ажойиб хизматкорлари шакланаётгандарнинг) меросидир!...”.

— Иш. 54:17,  
кенгайтирилган таржима, муаллифларнинг курсиви

Исо Масих билан муносабатларнинг шарофати билан сиз ҳар қандай лаънатдан озодсиз ва руҳий баракаларни мерос қилиб оласиз (Эф. 1:3га қаранг). Муқаддас Ёзувнинг бу оятларини дикқат билан ўқиб чиқинг ва Исо Масихда сизга ҳамда сизнинг оиласизига тегишли бўлган дуо-баракатларни билиб олинг: Матто 11:28; 16:19; Луко 10:19; 11:13; Юханно 4:14; 7:38,39; 14:27; 15:11; 1 Коринфликларга 1:30; 2 Коринфликларга 5:21; 2 Петъор 1:3,4. Бу оятларда Муқаддас Рух сизга яна нималарни очмоқда?

---

---

---

---

## 5-кун. Кундалик ўқиши учун

### КУТИШНИ БОШҚАРИШ

...Худонинг йўзи деган: “Мен Сенга панд бермайман, сени тарк этмайман ва сени қўллаб-кувватлашисиз ташлаб кетмайман. Йўқ, йўқ ва яна бир марта йўқ, мен сени қўмаксиз қолдирмайман, сенинг ҳалок бўлишингга йўқ қўймайман (сендан қўллимни тортиб олмайман)! Ҳеч қачон!”

— Ибр. 13:5

Кутиш – бу “келажакда содир бўлиши керак бўлган нарсага қучли ишончи комиллик”. Одамлардан ниманидир кутиб, бизлар кучли ҳиссиётга ёки бу кутган нарсамиз, айниқса, бизларга нисбатан нақадар муваффакиятли ва яхши бўлиши мумкинлиги ҳақида комил ишончга эга бўламиз. Умуман олганда, бизлар яқин одамларимиздан, асосан турмуш ўртоғимиздан энг кўп нарсаларни кутамиз.

“Бизларнинг ҳар биримиз никоҳимиздан ниманидир кутамиз. Бу кутган нарсаларимиз ҳар хил ва кўпинча воқеаликка асосланмагандир. Улар 1) бизнинг никоҳ ҳақидаги ўз тасаввуримизга ва 2) ўзимизнинг қондирилмаган эҳтиёжларимизга асосланган. Бизларнинг ҳар биримизнинг баркамол никоҳ ҳақида ўз тасаввуримиз бор. Балки у ота-оналаримизнинг муносабатлари ёки бизлар ўзимизнинг бобо-буваларимиз, дўстларимизнингота-оналари ҳақида эшитган масаллар, телевизор, китоблар, киноюлдузлар ёки бошқа машхур одамлар таъсири остида бизнинг онгимиизда шакллангандир”.

Воқелиқдан йироқ нарсаларни кутиш никоҳнинг турли соҳасида учраши мумкин: пул соҳасида, сухбат, уй ишларидаги мажбуриятлар, болалар тарбияси, дўстлар билан муносабат, жинсий муносабатлар, яна рўйхатни сизнинг ўзингиз давом эттиришингиз мумкин. Бир оз тўхтанг ва ибодат қилинг: “Раббий, мен ўз никоҳимда воқелиқдан йироқ бирор нарсани кутаяпманми? Агар шундай бўлса, қайсилар?

*Сизга Муқаддас Рух нимани кўрсатмоқда? Ёзиб олингва У сизни нимага йўналтириса, ўшани килинг.*

Қандай килиб воқелиқдан йироқ кутилган нарсаларни воқеликка тўғри келадиганга айлантириш мумкин?

“Бизларўрнига ҳеч нарса кутмасдан беришни ўрганимишиз лозим. Бизлар кутган нарсаларимизни турмуш ўртоғимизга билдиришни ўрганишимиз керак, сўнгра эса, бизлар воқелик томонга ўтаётганишимизга улар розимиilar, кўриш учун қулоқ солишимиз керак”.

Бир-бирингизга савол беринг: “Сиздан қандайдир воқелиқдан йироқ нарсаларни кутаётганимни ҳис қиласайпсизми? Агар шундай бўлса, қайси кутган нарсаларим?” Хурмат кўрсатинг ва гапни бўлмасдан қулоқ солинг. Эшитган нарсаларингизни ёзиб олинг.

---

---

---

*Агар сиз турмуш ўртоғингиздан қандайдир воқелиқдан йироқ нарсаларни кутган бўлсангиз, унга босим ўтказганингиз учун астойдил кечирим сўранг. Ибодат қилинг ва Раббийдан никохингизни шифолашини ҳамда сизларнинг икковингизда ҳам воқеликка тўғри келадиган нарсаларни кутишни ривожлантиришини сўранг.*

Ахийри, бизлар кутадиган нарсаларимизни Худодан ва У бизларга Ўз сўзида берган Унинг ваъдаларидан кутишимиз керак. У содикдир ва У панд бермайди! Шундай ибодат қилинг: “Раббий, фақат Сендан бошқа беришга кодир бўлмаган бирор нарсани мен турмуш ўртоғимдан кутаяпманми? Агар шундай бўлса, илтимос, уларни менга кўрсатгин. Бу эҳтиёжларни қондириш учун Сенга таянишимга иноят бергин”. Тинч муҳитда қулоқ солинг. Муқаддас Рух сизга нимани кўрсатмоқда?

---

---

---

# МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

*Агар сиз бу китобни “Messenger” хизматидан “Никоҳ тарихи” материалларининг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, 3 видеодарсни кўринг.*

- 1| Аниқки, никоҳда келишмовчиликлар бўлиши мумкин, лекин асосийси бизлар уни қандай ҳал қилишимиздир. Шу ҳақида ўйлаб кўринг. Эр ва хотин – бу бир бутун бўладиган икки нафар турли хил одамлардир. Уларнинг икковлари ҳам ноёб шахсдир. Демак, турмуш ўртоқларнинг ҳар бири турлича ўйлайди, ҳаракат қиласади ва ҳис қиласади. Турмуш ўртоқлар бир вазиятга, бир одамга, имкониятга турлича нуқтаи назарга эга бўладилар ва ҳок. Сиз қачондир бу ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Турмуш ўртоғингизнинг ноёблигини тушуниш уни қадрлашга ва янгича нурда кўришга сизга қандай ёрдам беради?
- 2| Масиҳ орқали кечирим, кечирим сўровчиларнинг ҳар бирiga тегишлидир. Лекин сиз ўзингизга шундай вазиятни тасаввур қилинг: сиз Худодан сизни кечиришини сўрадингиз, У эса жавобан деди: “Сени кечиришни истайманми, ўйқми, билмайман. Сен, балки, бундан кейин ҳам шундай қиласан. Мен олдин ўзгаришларни кўришини истар эдим”. Бундай сўзлардан сўнг сиз ўзингизни қандай ҳис қилган бўлар эдингиз? Сизнинг турмуш ўртоғингиз сиздан кечирим сўраганида сизнинг ўзингиз қачондир, шундай деб ўйлаганмисиз ёки шунга ўхшаган сўзларни овоз чиқариб айтганмисиз? Шунда турмуш ўртоғингиз ўзини қандай ҳис қилган?
- 3| Худонинг кечирими – бу ўзгартирилган хулқ учун мукофот эмас. Бу Унинг ишонч қофозидир. Худонинг шартсиз севгиси ва Унинг кечирими сизни қай даражада куч билан таъминлаши ҳамда ўзгаришга ундаши ҳақида тинч мухитда фикр юритинг. Бунинг нурида, кечирим масаласида, сизнинг эрингизга (хотинингизга) муносабатин-

гиз қанақа бўлиши лозим? Бу унинг ҳаётида нимани ўзгартиради? Кечирим – бу муносабатлардаги айб ва оғрик доирасини узишнинг ягона йўлидир... У айб, одил ҳукм ва адолатнинг барча масалалари ни ҳал қилмайди... Лекин муносабатлар бошқатдан бошланишига имкон беради.

- 4| Қўрқув – бу руҳий куч бўлиб, у бизнинг ҳаётимиздаги Худонинг севгиси ва ҳимоясига қарши йўналтирилганdir. Агар уни билиб ол- масак ва уни бартараф этмасақ, у бизни фалажлайди ва никохнинг кенглигига ўсишимизга йўл қўймайди. Эрлар, ўз хотинлари билан муносабатда эркаклар қанақа қўрқувларни ҳис қиласидар? Хотинлар, ўз эрлари билан муносабатда аёллар қандай қўрқувларни ҳис қиласидар? Қўрқувни енгиб ўтиш учун сиз қандай усусларни қўл- лайсиз?

### ЭРЛАРНИНГ ҚЎРҚУВЛАРИ

---



---



---



---



---

### ХОТИНЛАРНИНГ ҚЎРҚУВЛАРИ

---



---



---



---



---

- 5| Никоҳда воқелиқдан йироқ нарсаларни кутиш хафалик, ранжиш ва ҳафсаласи пир бўлиш учун замин тайёрлайди. Бизнинг турмуш ўртоқларимизнинг амалиётдан йироқ дунёкарашларини шакллантириш ва озиқлантириш учун, кониқмаслик уруғларини экиш учун душман ёнгилхушлик соҳасини ва оммавий ахборот воситаларини ёвузлик билан ишлатади. Кинолар, мусика, телешоу, журналлар, китоблар ва интернет бизнинг никоҳҳамда турмуш ўртогимиз ҳақида- ги тасавуримизга қандай таъсир қилиши ва ўз гоясини юқтириши ҳақида тинч мухитда фикр юритинг.

**Етакчига:** Оммавий ахборот воситаларини танлашда Муқаддас Ёзувдаги Филиппи- ликларга (4:8) оятидан лакмус қофози сифатида фойдаланинг.

- 6| Сиз қачондир турмуш ўртоғингизнинг қариндошлари сизни бошқаришга ҳаракат қилиши каби қийин вазиятларга дуч келгани мисиз? Исларини тилга олмасдан улардан бири ҳақида айтиб беринг. Агар сиз босимга бардош бера олган бўлсангиз, Худонинг инояти сизга куч бериши ва бу вазиятни муваффакият билан ҳал қилишга ёрдам бериши учун гуруҳдан ибодат қилишини сўранг.

## БОБНИНГ ҚИСЧАҚА МАЗМУНИ:

- Никоҳда кема сатхини тозалаш – бу Худо сиз учун тайёрлаган улуғворлик даражасигача ўзини кўтариш деганидир.
- Кечирим – бу хафа килувчи учун ҳам, хафа бўлган одам учун ҳам озод қилиш ҳаракатидир. Худонинг инояти билан бизлар бошқаларни ўлчовсиз равишда эркин кечира оламиз ва Унинг кечиримини қабул қила оламиз.
- Биз ўз турмуш ўртоғимизни ўзгартира олмаймиз, буни фақат Худо амалга ошира олади. Лекин бизлар Худо билан ҳамкорлик қилишимиз ва Унга бизларни ўзгартришига рухсат беришимиз мумкин.
- Турмуш ўртоғингизга нисбатан миннатдорлик муносабати сизнинг юрагингизни очади ва юрагингиз сева олади, кечира олади ҳамда уларга нисбатан Худонинг иноятини кўпайтиради, шунда сизларнинг икковларингиз ҳам ўзгара бошлайсизларва тобора яхши бўлиб борасизлар.
- Сиз кечиришга қарор килганингизда, сизнинг оиласиздаги ҳар бир одам ютади, чунки севги бизларни гуллаб-яшнайдиган қиласди.
- Худонинг севгисини ҳис қилиш бизнинг ҳаётимиздаги кўркувни намоён қиласди ва қувиб юборади. Биз Унинг севгисига бизларда ва бизлар орқали ҳаракат қилишига рухсат берганимизда, у турмуш ўртоғимиздаги кўркувни парчалашга ёрдам беради ва бизнинг барча муваффақиятсизликларимиз ҳамда камчиликларимизни қоплади.
- Янги меросни қуришдан олдин, сиз оиласизнинг тўлдирган лаънатларни бартараф этишингиз лозим. Исо Масиҳ амалга оширган иш шарофати билан ҳар қандай лаънат барбод қилингандир!
- Сизнинг никоҳингиз қандай бўлишидан қатъий назар Худо уни ўзгартира олади, чунки Унинг Ўзи уннадир. У билан бирга иложсиз нарсанинг ўзи йўқ!



## Туриш ва қуриш

“Исо уларни чақириб: “Сизлар биласизлар,— деди,— халқнинг ҳокимлари уларнинг устидан ҳукмронлик қиласидилар, бошлиқлари эса уларнинг устидан ҳукм сурадилар. Лекин сизларнинг орангизда бундай бўлмасин. Ким сизларнинг орангизда катта бўлишини истаса, сизларга хизматкор бўлсин. Сизларнинг орангизда ким биринчи бўлишини истаса, сизларга қўй бўлсин. Шунингдек, Инсон Ўғли ҳам Унга хизмат қилишлари учун эмас, балки Ўзи хизмат қилишиша кўпларни қайта сотиб олишига Ўз жонини бериси учун келди”.

— Мт. 20:25-28

### 1-кун

**С**оғлом никоҳ қуришнинг биргина маҳсулдор усули бор. Бу кўпларнинг нигоҳларидан яшириндир. Биз сизни огоҳлантиришимиз керакки, унда қувноқ ва енгил ҳеч нима йўқ. Лекин бу ўз никоҳимизда эга бўлишни истайдиган қониқиш, мақсад ва севгига эга бўлишнинг ягона йўлидир. Сиз бу сирни билишга тайёрмисиз? У оддий: хизмат қилинг. Ўз орзуингиздаги никоҳни биргина йўл билан қуриш мумкин: бу – ўз ҳаётини бошқа одамга, яъни турмуш ўртоғингизга хизмат қилишга бағиашлашдир.

Илтимос, бу китобни охиригача ўқимасдан ёпиб қўйиш ёки кейинги бобни очиш ҳиссига берилманг. Биз биламиз, хизмат қилиш ғояси, одатда, унча катта завқ уйғотмайди. Аниқроғи, у қайғули ҳислар, ҳатто

ташвишланиш ҳиссини уйғотади. Биз бошқа одамнинг қизиқишлари, истаклари ва ёқтирган нарсалари билан қизиқиш ҳақидаги фикрнинг ўзиданоқ тушкунликка тушишга мойилмиз. Лекин Исо Масих, Худонинг Ўғли ва Подшохларнинг Подшохи бизнинг манфаатимизни кўзлаш учун хизматкор бўлишни танлади. Бизнинг манфаатимиз Унинг бутун ҳаётининг ишига айланди. Унга тегишли бўлган ҳокимият ўрнини У тарк этди ва Худо ҳамда одамзод орасидаги жарлик устидан кўприк куришга киришди. Ҳозир, У бизларга Худо билан ярашишни тақдим килгач, У бизнинг энг катта орзуларимиз, истакларимиз ва кувончларимиз амалга ошаётганидан лаззатланмоқда. У бизларга гайриоддий ҳаёт билан яшаш ва Унга ўхшаш бўлиш имтиёзини берди. Ҳатто Исо Масих Ўзининг ҳаётини бергач, У бизларга тўла-тўқис ҳаётни таклиф қилди. Бу мислсиз ва чексиз хизмат бизларга муносабатлар, айниқса, эр-хотинлик муносабатлари намунаси сифатида берилган.

Энди кема саҳни тозалангач, сизда орзунгиздагидек оилани яратиш имконияти бор. Сиз ўз орзунгизга, бу илоҳий лаззатга фақатгина ўз ҳаётингизни алишибгина ета оласиз. Худонинг Шоҳлигига бирор нарсани, уни ихтиёрий равишда бериш йўли билангина сақлаб колиш мумкин. Сиз никоҳда эга бўлишни истайдиган кувонч, муҳаббат ва қоникиш ҳисси, фақатгина сиз ўз турмуш ўртоғингиз учун ўзингизнинг манфаатингизни курбон қилишингиз орқалигина келиши мумкин.

Сиз эътибор берганмисиз, энг баҳтсиз масиҳийларфакат ўз манфаатини кўзлаш билан банд бўлган масиҳийлардир. Энг мажрухлари ҳеч қачон, ҳеч ким учун ҳеч нима қилмайдиганлардир. Чунки хизмат, Исо Масихнинг руҳий ДНКси бизнинг Масиҳдаги табиатимизга қўшиб тўқилгандир. Биз хизматкорнинг ҳаётини ўз ичига оладиган Унинг табиатини қабул қилишни рад қилганимизда Унинг ўзгартирувчи кучидан йироқлашамиз. Бу куч Худодан қўрқадиган ҳаёт ва никоҳни ривожлантириш учун муҳимдир. Агар биз Масих яшаганидек яшашга ҳаракат қилсак, биз бу кучни олиш йўлини қўлга киритамиз. Агар биз хизмат қилмасак, биз орзуимиздагидек никоҳни қура олмаймиз.

## КИЧИК БҮЛІШ

Шогирдлари билан сүнгти кечлик вақтида Исо Масих Ўзининг энг яқин дўстларига Уни аниқ ўлим кутаётгани ва Унга хиёнат қилишларини айтди. Улар нима деб жавоб беришди? Биринчидан, улардан бири Унга хиёнат қилишини қайноқ рад кила бошлашди. Кейин эса улар тезда улардан қайси бири катта эканлиги ҳакидаги баҳсга ўтишди.

Нақадар бемаънилик! Исо Масих уларга ўлим соати яқинлашаётганини айтмоқда, Унинг яқин дўстлари эса улардан қайси бири катта эканлиги ҳакида баҳслашмокдалар. Исо Масих уларга қандай жавоб берганига қаранг:

“Сизлар эса бундай бўлманглар. Аксинча, орангизда кимки катта бўлса, энг кичикдай бўлсин, кимки бошлиқ бўлса, хизматкордай бўлсин. Мана, қайси бири катта: ёнбошлаганми ёки хизмат қилиб юрганми? Ёнбошлаган эмасми? Мен эса орангизда хизматкордайман” (Лк. 22:26,27).

Балки Исо Масихнинг сўзлари шогирдларини хивич каби савалагандир. Шогирдлар ўз улуғворликлари билан кизиқканларини улар билдиридилар. Энди эса У уларга катта бўлиш – бошқаларга хизматда энг яхши бўлиш эканлигини айтмоқда.

Лекин Исо Масих бу оддий, шу билан бирга қийин сўзларда тўхтаб қолмади. У шундай ишни қилишни бошладики, Унинг шогирдлари хижолат бўлиб қолдилар ва ўзларини янада ноқулай хис қилдилар. Ёзув дейди:

“Исо, Отаси Унинг қўлига ҳамма нарсани берганини ва У Худодан келиб Худога қайтаётганини билиб, кечки овқатдантурди ва устки кийимини ечди. Кейин сочиқни олиб, белига боғлади. Шундан сўнг, У қўмғонга сув қўйиб, шогирдларининг оёқларини ювишни бошлади ва белига боғланган сочиқ билан уларнинг оёқларини артди” (Юх. 13:3-5).

Бу лавҳада, энг диққатга сазовор нарса, нима учун Исо Масих Ўзининг шогирдларининг оёқларини ювганидир. Биз “билиб” сўзига диққат қилсак, бу саволга жавоб топамиз. Унга ҳамма нарса устидан ҳокимият берилганлигини У билар эди, шунинг учун У Ўзини бўйсундирди ва паст хизматормасъулиятини Ўзига олди. Исо Масих сохта

камтарлик билан курашмас эди. Аниқки, У Ўзининг ҳар нарсага қодирлик ҳокимият ўрнини билар эди. Лекин уни суиистеъмол қилиш ўрнига, уни хизматкорнинг ақл бовар қилмас хизмати учун замин сифатида ишлатди.

Биринчи асрда йўлларга кўприк қуришмас эди ва ўзингизга бир жуфт “Найк” кроссовкасини сотиб олишингиз мумкин бўлган дўконлар йўқ эди. Одамлар сандал кийишар (ёки умуман оёқ яланг юришар эди), шунинг учун ҳар лахзада улар оёқларини балчиққа ёки ҳайвонларнинг ахлатларига ифлос қилишлари мумкин эди. Ишончи комиллик билан айтиш мумкинки, бизнинг замонавий оламимиз у йўлларда оёқлар накадар ифлосланиши ва улардан қандай бадбўй ҳид таралишини ҳатто тасаввур қила олмайди.

Йўллар жуда ифлослиги туфайли, хизматкорлар ва қуллар ўз хўжайнлари ҳамда уларнинг меҳмонларининг оёқларини ювишлари шарт эди. Бой хонадонда хизматкорнинг мажбуриятлари кўп эди: отхоналарни тозалаш, овқат тайёрлаш, хоналарни тозалаш ва ҳок. Лекин оёқни ювиш энг паст иш ҳисобланар эди. Баъзи доираларда бу иш шу қадар жирканч ҳисобланар эдики, энг паст ҳисобланган ва мана шу ифлос ҳамда паст ишдан бошқа ҳеч нимага ярамайдиган маҳсус табака хизматкор қизларга юқлатилар эди.

Нима учун Исо Масих хизматдаги энг паст ишни кўрсатишга қарор килди? Чунки Унга шогирдлари Унинг дарсининг муҳимлигини тушунишлари керак эди. У ҳаттоти, Ўзининг Устозлик мартабаси тимсоли бўлмиш кийимини ечди ва ўша даврларда қуллар қилгани каби сочиқ боғлаб олди. Ёдда тутинг, Исо Масих буни яқин орада Ундан кечадиган ва Унга хиёнат қиласидиган одамларнинг оёқларини ювиш учун қилди.

“Исо уларнинг оёқларини ювиб бўлганидан кейин, устки кийимини кийиб яна ўтирди ва уларга деди:— Сизларга нима қилганимни биласизларми? Сизлар Мени Устоз ва Ҳазрат деб атаясизлар ва тўғри қиласизлар, чунки Мен худди Ўшаман Демак, Мен Устоз ва Ҳазрат бўла туриб, оёқларингизни ювган эканман, сизлар ҳам бир-бирингизнинг оёқларингизни ювишингиз керак. Чунки Мен сизларга намуна кўрсатдим, токи Мен қилган ишларни сизлар ҳам қилинглар. Ростини,

сизларга ростини айтаман, қул ўзининг хўжайинидан улугрок эмас ва элчи уни юборгандан улугрок эмас. Агар сизлар буларни билсангиз, унда шуларни бажаргандарингизда баҳтлисизлар” (Юх. 13:12-17).

Ўз шогирдларининг оёқларини ювиб бўлгач, Исо Масих яна кийимини кийиб Устозлик ролига қайтди ва дарснинг сўнгги чизгиларини кўрсатди, буни Унинг шогирдлари ҳеч қачон унутмайдилар. Бу абадий ҳақиқатларни тўрт пунктда ифодалаш мумкин:

1. Раббий ва Устоз сифатида Мен сизларга мукаммал намунаман.
2. Мен бу хизматни Ўз ихтиёрим билан қилас эканман, шундай ёки шунга ўхшаш қандайдир хизмат сизларга муносиб эмас, деб ўйла-манглар.
3. Мен сизларнинг Устозингизман, сизлардан катта бўлган Шахсман, лекин шу билан бирга, энг паст хизматкор каби хизмат қилишга тайёрман.
4. Ўз хизматида Менинг етакчилик намунаамга эргашадиганларни Мен дуо қиласман.

### **ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ДАЪВАТ ЭТИЛГАН**

Исо Масих, Унинг намунасига эргашсак баҳтли бўлишимизни айтди. Бу шуни билдирадики, биз ўз турмуш ўртоғимизга хизмат қилишда Унга тақлид қиласақ, Унинг дуо-баракаси бизнинг никоҳимизда бўлади.

Биз сизни ҳар оқшом оёқ ювиш маросими ўтказиб Исо Масихга тақлид қилишга даъват қилмаймиз. Бунинг маъноси Унинг хизмат намунасини ўз ҳаётимизга келтиришдадир. Никоҳда биз бир-бирингизга хизмат қилиб, ўзимизга тегишли бўлган ролни ўйнаганимизда Масихнинг намунасини энг яхши намоён қиласиз. Повул ёзган:

“Ҳеч нарсани худбинлик ёки шухратпарамастлик истаги билан қилмандар. Лекин онгингизда камтар бўлиб, сизлар бир-бирингизни ўзингиздан устунхисобланглар...

Чунки Исо Масихда бўлган фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак” (Флп. 2:3,5, муаллифларнинг курсиви, замонавий таржима).

Масих қандай фикр юритар эди? У Ўзига хизматкор сифатида қарашга қарор қилди ва бошқаларнинг манфаатини Ўзиникидан устун кўрар эди. У энг сўнгги нуқтагача борди ва Ўзи севганлар учун Ўз жонини берди. Бизлардан кўпчилигими ўз турмуш ўртоғимиз учун бундай курбонликка боришга даъват қилинганд эмасмиз, лекин бизлар улар ҳаки ўз худбинлигимизни тарк этишга даъват этилганмиз.

Агар хизмат шу қадар буюк бўлса, агар у бизларга Худонинг барасини келтирса, унда нима учун одамлар уни амалга оширмайдилар? Муаммо доимо Худонинг Рухига карши курашадиганва бизларни, авваломбор ўз манфаатларимиз учун ташвишланишга мажбур қиласидиган бизнинг гуноҳкор инсоний табиатимиздадир. Бизнинг танамиз унинг истакларини тан олишимизни талаб қиласиди ва биз унинг инжиқликларини бажаришимизни талаб қиласиди. Лекин биз уни қанчалик кўп боқмайлик, инсоний табиатимиз доимо янада кўпроқ истайди.

Гуноҳкор табиат бизни мунтазам равишда худбинликка ва норозиликка иттаради. Худонинг Рухи эса бизлар бегараз яшшимиз ва ҳамма нарсада қониқиши ҳис қилиш учун куч беради. Биз Муқаддас Рухнинг бошқаруви остида яшаймизми ёки тананинг ҳеч қониқмас истаклари бўйичами, ҳар бир лаҳзада бизнинг ўзимиз қарор қабул қиласиди:

“Чунки гуноҳкор табиат Рухнинг истагига қарама-қарши нарсани, Рух эса гуноҳкор табиатнинг истагига қарши бўлган нарсани хоҳладиди. Улар доимо бир-бирлари билан курашадилар, натижада, сизлар ўзларингиз хоҳлаган ишни қилмайсизлар” (Гал. 5:17, замонавий таржима).

Биз ўз ҳаётимизни эркин бера олишимиз учун Исо Масих бизни гуноҳкор табиатдан озод қилди. Нажот бизларга кўпроқ олиш учун эмас, балки кўпроқ бериш учун озодлик берди! “Биродарлар, сизлар озодликка даъват қилингансизлар. Фақатгина бу озодликни суиистеъмол қилманглар ва гуноҳкор табиатингизнинг майлига берилманглар, аксинча, бир-бирингизга севги билан хизмат қилинглар” (Гал. 5:13, замонавий таржима).

Озодлик бизларга ўз ҳаётимизни курбон қила олишимиз учун берилган. Агар бизлар шунчаки ўзимиз учун яшасак, унда биз Масиҳда-

ги озодликка бехудага эришганимиз ва Масих бизларни Ўз ўлими билан озод қылган худбинлик ва гунохга қайта бўйсунган бўламиз. Бошқаларга, асосан ўз турмуш ўртогимиизга хизмат қилиб яшашни ўрганиб, биз Масих бизлар учун очган тўла-тўқис ҳаётга дахлдор бўламиз.

## 2-кун

### МУҚАДДАС РУҲГА ТЎЛГАНЛАР

Одамлар Эфесликларга 5-бобдаги “никоҳ ҳакидаги оятлар” ни очганларида, улар одатда хотинларга бўйсунишни буюрадиган 22-оятдан бошлайдилар. Лекин аслида, Повул бу бобда юқорироқдан насиҳат беришни бошлайди. Никоҳ Масих ҳамда Жамоат орасидаги муносабатларни қандай кўрсатиши лозимлигини яхшиrok тушуниш учун келинг, 18-бобга назар ташлаймиз:

“...балки Рухга тўлиб тошиб...” (Эф. 5:18).

Юонон тилидаги асл матнда “тўлиб-тошиб” сўзи Муқаддас Рухни доимий, тўхтовсиз симиришни билдиради. Бир марта етарли эмас. Агар биз доимо Муқаддас Рухга тўлмасак ва Унинг бошқарувини изламасак, унда биз турмуш ўртогимииздан фақатгина Худо қондира оладиган эҳтиёжларни қондиришини кута бошлаймиз. Сизнинг эрингиз (хотинингиз) нақадар ажойиб бўлмасин, у Худонинг ўрнини боса олмайди. Агар сиз турмуш ўртоғингиз ҳаётингизни мақсад ва маъно билан, яъни фақатгина Худо беришга кодир бўлган баракалар билан тўлдиришини кутсангиз, унда сизни ҳафсаласи пирлик ҳамда хафалик қамраб олади ва сиз Худонинг севгисини кўрсата олмайсиз. Никоҳингиз сизнинг ҳаётингизда Муқаддас Рухга кай даражада ўрин берилган бўлса, Масихни шу даражада акс эттиради. Масих – бизнинг нажотимизнинг бурчак тошидир, лекин Муқаддас Рух бизни ўзгартирадиган Шахсдир. Агар биз доимо Муқаддас Рухга тўлишсак, биз онгимиз янгиланиши ва юриш-туришимиз ўзгаришини бошимиздан кечиришимиз мумкин. Худо бизларга айтмоқда:

“...алдовчи ҳирсларда чириётган эски кишиңгизнинг илгариги турмуш тарзини олиб ташлаб, онгингизнинг рухи билан янгиланиб, Худога биноан ҳакиқий муқаддасликда ва ҳақлиқда яратилган янги кишига бурканинглар” (Эфес. 4:22-24).

МуқаддасРухдан айри ҳолда Масихни севишга ва Үнга хизмат қилишга ҳаракат қилиш – бу кранга уланмаган шлангдан сувни сикиб чиқаришга уринишдек гапдир. Шланг ўз-ўзидан сув ишлаб чиқара олмайди, у шунчаки ўтказувчидир. Худди шунингдек, бизлар ҳам Муқаддас Рухнинг кучини қабул қылсаккинаўз турмуш ўртоғимизни Худо истаганидек сева оламиз ҳамда үнга хизмат қила оламиз.

Ирода кучи ва маълум ҳулқ-атвор андазаси ҳам ўз ўринларига эга, лекин улар бизнинг онгимизни янгилашга ва танамизнинг истаклари ни енгишга қодир эмас. Биз ҳаётимизда Худонинг таъсирини ва ўзгартирувчи кучини факатгина ўзимизни Муқаддас Рух Шахси ҳамда кучи каршисида очсаккина ҳис қилишимиз мумкин. Бу таъсир турмуш ўртоғимизга Масихсифат муносабатда бўлишимиз ҳамда оиласиздаги ҳатти-ҳаракатларимизда намоён бўлади. Ҳулқ-атворни Муқаддас Рухнинг иштирокисиз ўзгартиришга бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар хафалик ҳамда хафсаласи пирликка олиб келади.

Биз оиласари бир-бирини ўз йўлига солишга ҳаракат қилиш ва манманларча ҳулқ-атвор туфайли барбод бўлаётган оиласардан кўплаб мактублар оламиз. Кўпинча бу одамлар Муқаддас Ёзувни биладилар, аммо уларга Муқаддас Рухнинг севгиси ҳамда инояти етишмайди. Натижада, озодлик ва куч келтириши керак бўлган сўзлар одамларни яралайди, паст уради ва азоблайди. Бундай барбод қилувчилар худбинлик ҳукм сурадиган жойда бўладилар ва биз Муқаддас Рухнинг ишига бўйсунмагунимизча ҳамда никоҳдаги асосий вазифамиз сифатида хизматни рад қилишини бас қилмагунимизча у йўқ бўлмайди.

Бу бобнинг қолган қисмида биз никоҳ соҳасида хизмат нима эканлигини тадқиқ қиламиз. Бизнинг мақсадимиз ҳаёт ва никоҳни хизмат асосида қуришнинг библиявий асосларини беришдир. Шунинг учун биз сизни бу бобни турмуш ўртоғингизнинг ҳулқ-атворини ҳамма ўтмишдаги ва ҳозирги кунлардаги ишлари учун айблаш мақсадида ишлат-

маслика даъват этамиз. Бунинг ўрнига, буни олдинга ҳаракат қилиш лойиҳаси сифатида ишлатинг.

Бизнинг тушунчамизда, эр ҳам, хотин ҳам ўзларининг никоҳ иттифоқларида Худонинг режасини эҳтиром қилишни истайдилар деган фикрдан келиб чиқкан ҳолда биз бу нарсаларга ургу бермоқчимиз. Биз биламиз, доим ҳам шундай эмас. Сизнинг вазиятингиз қандай бўлишидан қатъий назар, ёдда тутинг, сиз турмуш ўртогингизни ўзгартира олмайсиз. Агар сиз уни ўзгартиришга ҳаракат қилсангиз, буни факат Худонинг йўли билан қилинг. Юрагингизни Худонинг Рухи ҳаракати учун очинг ва сизнинг турмуш ўртогингиз билан факатгина У қила оладиган ишни қилсин.

## АСЛЛИКЛАР ВА РОЛЛАР

Никоҳдаги хизмат ролларини тушуниш учун Адан боғига қайтиш мухимdir:

“Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, уни Худонинг суратида яратди. Уларни эркак ва аёл қилиб яратди” (Ибт. 1:27).

Эркаклар ҳам, аёллар ҳам Худонинг суратида яратилгандирлар, улар Худонинг табиатини акс эттирадилар. Эркаклар ва аёллар турлидирлар, аммо уларнинг икковлари ҳам ерда Худонинг табиатини акс эттириш учун бир даражада мухимдирлар.

Эр ва хотин – бу рол, яъни вазифалардир. Уларнинг иккови ҳам маҳсусдир ва Муқаддас Ёзув уларнинг хусусиятларини аниқ тушунтиради, лекин бизнинг ролимиз Худонинг биз ҳақимиздаги асл мақсади билан боғлиқ бўлган асслигимиз эмасдир. Бизлар Худога ўхшашибликни ўзида олиб юриш учун яратилганмиз. Гуноҳдан қулаш Худонинг бу мақсадини бузди, лекин Масихнинг қурbonлиги уни қайта тиклади. Бизнинг Масихдаги нажотимиз, авваломбор, бизнинг асслигимизни ўзгартирди.

Сизнинг ролингиз (эр, хотин, малакали ҳамкор, хизматчи, ота-она ёки дўст сифатидаги) сизнинг асслигингиз ҳақида сўзламайди. Ролнинг ўзгариши (масалан, сиз уйланган эмас эдингиз ёки турмушга чиқкан

эмас эдингиз ва уйландингиз ёки турмушга чиқдингиз) аслликнинг ўзгаришини англатмайди, эркаклар ҳам, аёллар ҳам Худонинг нигохидаги оила қургунларича қандай қадрли бўлган бўлсалар, оила қурганларидан сўнг ҳам бирдек қадрлидилар.

Афсуски, кўплаб одамлар (айниқса, аёллар) улар уйланганларида ёки турмушга чиққанларида уларнинг қадрлари ўзгаради, деб ўйладилар. Хотинлар агар эрларини хурмат қилишни бошласалар, оиласда иккинчи ўринга тушиб қоламан, камроқ аҳамиятли ва қадрли бўламан, деб ўйлаб кўрқадилар. Натижада, муҳаббат ва хизматда ўсиш ўрнига хотин қадамба қадам тўрга илиниб қолади.

Эр бундан фақатгина ютадигандек туюлса ҳам, аслида ҳаммаси бошқача. Аслида, худбинлик ҳаёт тарзи сифатида олқишиланганида, бундан эр ҳам, хотин ҳам ютқазадилар. Ўз хотинига никоҳдаги тенг шерик сифатида қарамайдиган эр, нафақат ўз иттифоқини яқинликдан маҳрум килади, балки ўсиш учун энг катта имкониятлардан бирини кўлдан чиқаради. ИсоMasix Жамоатга хизмат қилаётгани каби эрлар турмуш ўртоқларига хизмат қилганларида Masixсифат бўлиб қоладилар. Ёдда тутинг, ИсоMasix Ўзи бошқараётган ва севадиган кишиларига хизмат қилиб Ўзининг бош эканлигини намоён қилди.

Муҳаббат, хурмат ва иззат иккала турмуш ўртоқлари учун муҳим фазилатлар хисобланади. Уларнинг икковлари ҳам муҳим ва бир-бirlariga хизмат қилишлари лозим. Никоҳга шу нуқтаи-назардан қараб, эркакларда ҳам, аёлларда ҳам бизларга яратилиш лаҳзасидан ишониб топширилган ҳокимият кучини, Худонинг ҳукмронлик инъомини қайта тиклаш мумкин.

### ҲУКМРОНЛИК ҚИЛИШ ЁКИ УСТУНЛИК ҚИЛИШ

“Худо уларни дуо килиб, уларга: “Серпушт бўлинглар ва кўпайинглар. Ер юзини тўлдириб, уни бўйсундиринглар. Денгиздаги баликлар, осмондаги күшлар ҳамда ер юзида харакатланувчи барча ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилинглар”, – деди. Худо Ўзи яратган ҳамма нарсани кўрди, мана, булар жуда яхши эди. Оқшом бўлди ва эрталаб бўлди – бу олтинчии кун эди” (Ибр. 1:28,31).

Бошида эркаклар ва аёллар рақиблар эмас әдилар. Улар – бир юрак билан бирлашган икки турли одам, яқин иттифоқчилар ва ҳамкорлар әдилар. Уларга ерни түлдириш ва унда хукмронлик қилиш ваколати берилген эди. Худо уларга серхосил бўлиш ва кўпайиш топширигини берди ҳамда бошқа ҳамма нарсани ишониб топширди. У уларга хукмронлик қилишни буюрди.

Хукмронлик бошқарувчи куч, ҳокимият ва назорат билан боғлиқдир. У таъсир қилиш ва ҳокимият соҳаси ҳақида сўзлайди. Сўнгги кечлиқ хикояси орқали билиб олганимиздек, эркакка ва аёлга бериладиган ҳар қандай ҳокимият кўл остидагиларнинг фаровонлигига ҳамда ўсишига хизмат қилиш учун берилади.

Жинслар орасида жанг гуноҳдан қулашдан сўнг бошланди. Худо ва Унинг ижоди орасида улкан жар пайдо бўлгач, хукмронлик ўзини устун кўйиш ва ўз йўлига солишга уринишига айланди. Худо берган кучларнинг бундай бузиб кўлланиши Худонинг ажойиб иттифоқ ҳақидаги режасига қарши жанг қилишни давом эттироқда. Никоҳ кўпайиш воситаси бўлиш ўрнига бўлиниш воситасига айланди.

Худонинг режасига кўра, никоҳ иттифоқи жанг майдони эмас, балки бирлик майдони бўлиши лозим эди. Никоҳ турли хил ўтмишга эга бўлган, турли кучли томонларга эга бўлган икки кишини бирлаштиради, сўнгра кўпайиш шароитини яратиш учун бу фарқларни ишлатади. Буларнинг ҳаммаси гўёки муросасиз нарсаларни муросага келтириш борасидаги Худонинг режасидир. Исо Масих деди:

“Чунки Инсон Ўғли ҳалок бўлганларни излаб топиш ва кутқариш учун келди” (Лк. 19:10).

Биз бу оятни фақатгина одамларни нажотга келтириш ҳақида гап бораяпти, деб тушунамиз, аслида эса, у янада кўпроқ маънони ўз ичига олади. Исо Масих фақатгина ҳалок бўлганларга нажот бериш учун эмас, балки йўқотилган нарсаларни кутқариш учун келди. Гуноҳдан кулаганда бизлар Худо билан алоқани йўқотдик, лекин яна бир-биrimiz билан маҳсус муносабатларни ҳам йўқотдик. Бу биродар билан биродарнинг, опа билансингилнинг, ота-она билан боланинг, эр билан хотин-

нинг муносабатларини ўз ичига олади. Биз қолган бутун мавжудот билан муносабатлар кўркини йўқотдик.

Исо Масихнинг қутқарувчилик иши бизларга самога келгунимизча фақатгина яшаш туриш имкониятини бермайди. У шу ҳаётда тўқислика ва қайта тикланишга эришишимизда акс этади. Хоч шарофати билан бизларда барча шикастланган муносабатларни қайта тиклаш имконияти бор. Бу ҳозир никохимизга шифо олишимиз мумкинлигини билдиради. Эркаклар ва аёллар яна бир бутундек яшай оладилар!

Бизларнингюракларимиз бир бўлганида, бизлар бир мақсад билан ёнганимизда бизлар кўпаямиз. Зеро Худо бирлик бўлган жойга У барақасини қувишини айтади (Сан. 132га қаранг). Бизларнинг жонларимизнинг душмани бизга Худонинг баракалари тегишли бўлишини истамайди ва у бизлар кўпайишимизни истамайди. Шунинг учун бизнинг иттифоқимизни барбод қилиш учун унинг қўлидан келган ҳар ишни қиласди. Устун келиш истагининг ёлғонига карши курашиб ва хукмронликнинг ҳақиқий табиатини қабул қилиб, биз Худо билан ҳамкорлик қиласми, токи ер юзида Унинг иродаси қандай амалга ошаётганини кўра олайлик.

Энди эр ва хотин оилада хизмат қиласидиган турли вазифалар ҳақидаги аниқ музокарага ўтамиш. Худо белгилаган асллик, кадр, хукмронликни тушунмасдан одам осонгина янгилишиш курбони бўлади ва самолар ўрнатган бу вазифалар турмуш ўртоқларидан бирини бошқасидан устун кўяди, деб ўйлаб, хато қиласди. Биз ишонамизки, Худонинг илк рухсатномаси ва вазифаларни ўрганиб чикканингиздан сўнг, эрнинг ва хотиннинг вазифалари нақадар салмоқли, қизиқ ва қимматли эканини кўрасиз.

### З-кун

#### ЭР, ХОТИНИНГНИ ҲУРМАТ ҚИЛ

“Шунингдек, эрлар, сизлар ҳам хотинларингизга заифроқ одамлар сифатида тушунибомуносабатда бўлинглар. Улар ҳам сизлар кабиабадий ҳаёт инъомини кўлга киритгандарини билганингиз ҳолда, уларни ҳурмат килинглар, шунда ҳеч нима сизларнинг ибодатларингизга тўсқинлик қилмайди” (1 Пет. 3:7, замонавий таржима).

Иzzат иккала томонга ҳам тегишлидир. Мұқадdas ҇зуv аниқ айтади-  
ки, турмуш ўртоқларининг икковлари ҳам бир-бирларини иззат қили-  
шлари лозим. Аёлларнинг роли ҳақида кейинроқ сұхбатлашамиз, ҳозир  
эса, келинг, эрларнинг ролига дикқатимизни қаратамиз.

Эр, сенинг хотинингнинг ўрни қайдадир, сендан пастда әмас. У  
сенинг Масиҳдаги ворисдошинг ва сен уни иззат қилишинг лозим.  
Петъор у сендан заифрок деганида, унинг жисмоний кучини назарда  
тутган, донолик, фаросатлилик ва руний кучи имкониятларини әмас.  
Хотинингнинг жисмоний “заифлиги” уни сендан қимматсизроқ қил-  
майды; бу шунчаки, у штангани сенчалик күтара олмаслигини билди-  
ради. Петъорнинг шархлари қадр ва қиммат декларацияси әмас, балки  
жисмоний күриниш эътирофидир. Бу жуда мухим нарсадир, чунки биз  
бир-бirimизда хурмат ва иззат қилишга арзийдиган объектни күр-  
масдан ўзимизни тутиб турамиз ва бир-бirimизга хизмат қилмаймиз. Ўз  
хотинимиз учун жонимизни беришга тайёр бўлиш учун унинг бебаҳо  
қимматини тан олишимиз лозим.

Бизга сен ўз хотинингни паст урмоқчи ёки унинг қимматини камай-  
тиrmоқчидек туолгани учун биз сенга буларни тўғридан-тўғри айтаёт-  
ган әмасмиз, лекин бу масалани тўлиқ очилмаган ҳолда қолдира олмас-  
лигимиз учун айтаяпмиз. Эркаклар ва аёллар Худонинг суратида яра-  
тилганлар, шунинг учун эркаклар аёлни иззат қилмаганларида, унинг  
қадрли эканлигига ургу бермаганларида ва уни химоя килмаганларида,  
бу билан улар бу ерда бизнинг Самовий Отамизни бехурмат қиладилар.

Бошида Худо одамга ёлғиз бўлиш яхши әмаслигини айтди (Ибт.  
2:18га қаранг). Биринчи муаммога (эркакнинг ёлғизлигига), У Ҳаввани  
яратиб жавоб берди. Аёл – бу Худонинг жавобидир, иккинчи ижод әмас.  
Худонинг кишиси сифатида сенга ўз йўлини йўқотган дунёга Худонинг  
юрагини дадиллик билан очиб, ўз хотинингни севиш, қўллаб-куват-  
лаш, унга экиш ва хизмат қилиш имконияти берилган.

Петъор шунингдек, эрлар хотинларига уларни тушуниб муносабат-  
да бўлишлари кераклигини ёзган эди. Бизлардан фарқ қиладиганларни  
бизлар тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Барча эркаклар ҳар хил,

барча аёллар ҳам ҳар хил, эркаклар аёллардан фарқ қиласидар. Мен (Жон) Лизани у мендан фарқ қилиши учунгина ҳурмат қилмай қўймаслигимкерак. Аксинча, мен унинг бошқача эканлигидан қувонаман ва у мендан нима билан фарқ қилишини тушунишга ҳаракат қиласан.

Агар биз Лиза билан тамомила бир хил бўлганимизда, менинг ҳаётим бир зайлда ўтадиган ва зерикарли бўлар эди. Бизлар бир-бири миздан фарқ қилишимиз туфайлибъзан қийналишимизга қарамасдан, айнан шу фарқларнинг шарофати билан бизларнинг заифликларимиз намоён бўлади ва биз уларни мустахкамлай оламиз. Менга Лизанинг мендек бўлмаслиги керак. Мен уни иззат қиласан ва у нима билан яшаётгани ҳамда нафас олаётганини тушунишга ҳаракат қиласан, шундай қилиб, мен ҳам ўзимга, ҳам оиласманга фойда келтираман.

Ахийри, эътибор беринг, Петъорнинг биринчи мактубида (3:7), агар биз хотинимизни ҳурмат қиласак, ибодатларимизда тўскинликка эга бўлишимиз айтилган. Худо учун хотинларнинг саодати шу қадар муҳимки, хотинларни ҳурмат қилиш ва тушунишни У бизнинг ибодат ҳаётимизнинг асосий омили қилди!

## ИТТИФОҚНИНГ БОШИ

“Чунки худди Масих Жамоатнинг боши бўлганидек, эр ҳам хотиннинг бошидир. Масих – Тананинг Нажоткори ҳамдир” (Эф. 5:23).

Бу оят устунлик ёки пастлик ҳақида сўзлаётган эмас. У Масихнинг ва Унинг қаллигининг суратини акс эттиради, чунки айнан шу эр-хотинлик муносабатларининг тимсолидир. Эрлар Масих билан мазкур органик ўхшашликда бирлашганликлари туфайли, улар мазкур иттифоқда етакчилик вазифасини ўз бўйинларига оладилар. Масих қилганидек, хизмат қилиш орқали етакчи бўлишдек ажойиб масъулият уларнинг бўйинларидадир, токи ҳали имонга келмаган дунё Масихнинг табиатини кўрсинг. (Исо Масих Жамоатни Ўз Қайлиғи деб атаб, накадар севишини тушунганингизда, сиз бир лаҳза ҳам Худо хотинларни паст уришни режалаштирганингизда, сиз бир лаҳза ҳам Худо хотинларни паст бермоқчи бўлмаганинга шубҳа қиласиз).


Эрга у шунчаки хотинининг барча сўзларини йўққа чиқариш учун никоҳ иттифоқида ҳокимият берилган эмас. Аксинча, ақлли эр ўз хотинининг маслаҳатларини рад қилишни истамайди; у карор қабул қилиш жараёнида хотинининг фикри жуда муҳим эканлигини тушунади.

Турмуш курганимиздан кейинги биринчи йилларда мен (Жон) бир кунда ўртача бир ярим соат ибодат қиласар эдим. Менга, ўша вақтларда тўлиқ иш куни билан ишлайдиган Лиза душда ёки машинани хайдаш жараёнида қисқачагина, жуда кам ибодат қилаётгандек туюлар эди. Бизнинг бирор соҳада фикрларимиз бир жойдан чикмаганида, мен кўпроқ вақтни ибодатда сарфлашим учун оила бошлиғи сифатида менга берилган ҳокимиятдан фойдаланиб, ўзим карор қила оламан деб ўйлаб, хато қиласар эдим. Барча вазиятлардан қарийбярмида мен ўз танловим бўйича харакат қиласар эдим, кейин эса ҳамиша Лизанинг ҳақ бўлганлигини пайқаб қолар эдим!

Тан олиб айтганда, бу мени хафа қиласар эди. “Мен ибодатда кўпроқ вақт сарфлаганимга қарамасдан нима учун унинг фикри бу қадар тўғри чиқди”, – деб ўйлар эдим. Шунинг учун мен бир куни шундай ибодат қилдим: “Худо, мен ҳар куни эрталаб бир ярим соат ибодат қиласман, Лиза эса душ қилиш жараёнида ўн дақиқадан ортиқ ибодат қилмайди. Шу билан бирга, бизнинг кўплаб баҳсларимизда у ҳақ бўлиб чиқади”.

Раббий бунга жавобан деди: “Доира чизгин”. Мен қоғоз варагини топдим ва унга доира чиздим.

“Бутун доира ичиди икс ҳарфини чизгин”, – деди менга Худо. Мен бутун доирани икслар билан тўлдирганимдан сўнг, У: “Энди ўртасидан бўлувчи чизиқни ўтказ”, – деди.



“Сен кўраяпсанми? – деди Худо,— иксларнинг ярми доиранинг бир томонида, бошқа ярми бошқа томонида жойлашган. Жон, сен бўйдок бўлганингда, сен Менда тўкис эдинг. Сен тўлиқ доира эдинг. Лекин сен Лизага уйланганингда, сен у билан бир танага айландинг. Энди сизларнинг икковларингиз бир доирасизлар. Сен бир томонидасан, у эса бошқа томонида”.

“Бу икс ҳарфлари нимани англатишини биласанми? – менга сўзлашни давом эттириди Худо,— улар доно қарор қабул қилишинг учун сенга Мендан керак бўлган маълумотлардир. Муаммо шундаки, сен барча қарорларни ярим маълумот асосида қабул қиласан. Мен хотинингга кўрсатаётган нарсаларни ундан қабул қилишни ўргангинг, токи сен, оила бошлиғи сифатида, мен сизларнинг икковларингизга бераётган бор маълумот асосида қарор қабул қила олгин”.

Бу ваҳий менинг онгимда инқиlobни содир этди ва менга оила бошлиғи дегани нима эканлигини кўрсатди. Шундан сўнг менда ўз ролимдан ортиқча фойдаланиш ва Лизанинг маслаҳатларини менсимаслик истаги пайдо бўлган эмас. Мен Худо у орқали айтиётган ҳамма нарсани қабул қилишдан лаззатлана бошладим ва бизлар ўз қарорларимизда бирликка караб бораётганимиздан кувонар эдим.

### ЕТАКЧИ ХИЗМАТКОР

Қайтариб ўтмоқчимизки, эркакнинг роли ўзини устун кўйиш бўлмаслиги лозим. Устунлик қилиш етакчиликдан жуда фарқ қиласи. Етакчилик танлов хуқуқини ўз ичига олади, устунлик қилиш эса ҳеч қанака танлов бермасдан ўзиникини талаб қиласи. Эркак киши уйда художўй етакчи бўлишининг қалити – ҳокимият ўрнини эгаллаш нима эканлигини тушунишдадир. Исо Масихнинг сўзларини эслайлик: “...орангиздаги энг улуғ одам, энг кичикдай бўлсин, бошлиқ эса, хизматкордай бўлсин...” (Лк. 22:26, замонавий таржима). Оиланинг бошлиғи сифатида, эр хизматчи етакчи бўлиши лозим.

Эркак – бу аёл у учун ҳамма ишни қилиши лозим бўлган босс эмас. У ҳамма ишни аёл билан бирга қилиши лозим бўлган етакчидир. Асли-

да, агар у доно бўлса, мунтазам равишда хотинига усиз ҳеч нима қила олмаслигини айтиб туради. Мен (Лиза) эрим менга муҳтоҗлигини айтишини яхши қўраман. Мен ўзимни шу қадар кучга тўла ҳис қиламанки, унинг ҳар кандай эҳтиёжини кондиришга тайёрман. Агар мен, кандай қилиб қилиши керак бўлган ҳамма ишни қила оладиган хотин бўлиши билмасам, шундай хотин бўлишни ўрганиш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан. Эрим мени муҳим шахс деб ҳисоблаганида мен гуллаб-яшнайман.

Эр, хотинига хизмат қилиш дегани – бу у истаган ҳамма нарсани бериш дегани эмас. Аслида бу – у учун ўз ҳаётини бериш ва унинг манфатини кўзлаб қарорлар қилиш демакдир. Бизларни Исо Масих бошқаргани каби биз ҳам ўз хотинимизни бошқарамиз. Исо Масих кўп ишларни бизларнинг манфаатимиз учун киласди, гарчи бу бизларга доим ҳам ёқавермаса ҳам. Шубҳасиз, сиз турмуш ўртоғингизнинг манфаати сиз устун кўрган нарсалар билан тўғри келмайдиган вазиятларга дуч кела-сиз. Исо Масих намунасида, биз бундай вазиятларда энг енгил ва қу-лайнини эмас, балки энг яххисини танлаш лозимлигини биламиз. Хотинингиз учун энг афзал нарсаларни аниклаш учун асосий йўл бошловчи – Масих Жамоатни севиши ва хурмат қилиши каби севги ва хурматдир.

Исо Масих шогирдларининг оёкларини ювганидан сўнг, у илгари-дагидек уларнинг Раббийсилигича қолишини уларга аниқ кўрсатди. У ўзининг ҳокимият холатидан воз кечмади. Лекин У кескин ҳаракат килиб, ҳокимият тушунчасига янгичамаъно берди. Унинг дарсидан биз кўриб турибмизки, ҳокимият бизларга бир-биримизга хизмат қилиш учун берилади. Эркаклар, биз ўзимизнинг оила бошлиги сифатидаги ҳокимиятимизни хотинимизга энг яхши хизмат қиладиган муҳит яра-тиш учун ишлатишимиш лозим. Оила бошлиги сифатида, биз асосий хизматкор бўлиш масъулиятига эгамиз. Шундай қилиб, биз ўзимизни хотинимизга бўйсундирамиз.

“Бир-бирингизга Масих қаршисида кўркув туфайли бўйсуннинглар”  
(Эфес. 5:21, замонавий таржима).

Повул Эфесликларга мактубда (5:18) берган “Муқаддас Рухга тўлишинглар” деган амр ёдингиздами? Кейин у Муқаддас Рухга тўлган одам ўзини қандай тутиши, руҳий қўшиқлар куйлаши ва миннатдорчилик билдириши хақида сўзлашни давом эттироқда. Сўнгра у 21-оятда демоқда: «Бир-бирингизга бўйсунинглар».

Одатда бу сўзларни Повулнинг никоҳ ҳақидаги сўзларининг бошида қўядилар. Тимоти ва Кейти Келлер ўзларининг «Никоҳнинг асоси» китобларида шундай дейишади:

*Инглиз тилидаги таржимада, 21-оятни одатда алоҳида жумла қи- либ чиқарадишлар. Лекин бу ҳолда Повул ургу берадиган муҳим нарса ўқувчилар учун йўқотилади. Юонон тилидаги асл матнда, 21-оят Повул “Муқаддас Рухга тўлган одам” нинг бир қанча хусусиятларини таърифлаётган узун жумладан сўнг турибди.*

Кейин улар ёзмоқдалар:

*Муқаддас Рухга тўлганликнинг сўнгги белгиси бўлиб, шу сўнгги жумла хизмат қиласиди. Бу ерда одамни бошқа одамларга камтарлик билан хизмат қилишига олиб келадиган магрурлик ва ўзбошимчаликдан тўлиқ қутуплиши назарда тутишмоқда.*

Никоҳсоҳасида, бу Муқаддас Рухга тўлган эр (бунинг аҳамияти ҳақида биз олдин айтиб ўтган эдик) ўзининг иккинчи ярмига бўйсунади. Кўплаб одамлар бўйсунишни фақатгина хотиннинг роли деб ҳисоблашади, лекин Повул эр-хотинларнинг икковлари ҳам бир-бирларига бўйсунишлар лозимлигини аниқ кўрсатмоқда. Юононча “бўйсунмоқ” сўзи мазкур оятда ҳам, Повул бошқа жойда аёллар эрларига бўйсунишлари лозимлигини айтишда ишлатган сўздир. Бу сўз бўйсуниш ёки субординация маъносини билдиради. Бизлар ҳозир фақатгина оила соҳасини кўриб чиқаётганимиз туфайли, ҳа, хотинлар ўз эрларига оила бошлиғи сифатида бўйсунишлари лозим. Лекин эрлар хотинларига бўйсунишнинг бошқа шаклини қабул қилишлари лозим.

Повул бизлар Масих олдидаги кўркув туфайли бўйсунишимиз лозимлигини ёзади. Кўркув сўзи юонончада “фобос” сўзи бўлиб, эҳти-

ромга тұла дахшат ёки күркүвни англатади. Шунинг учун мазкур оятни аникроқ таржима қилиш мүмкін: “Бир-бириңизге Масих қаршиисида әхтиромли күркүвдан бўйсунинглар”.

Бир куни, мен (Жон) Лизага унча яхши муносабатда бўлмаганимда Худо менга мурожаат қилиб, деди: “Лиза, авваломбор, Менинг қизим, шундан кейингина сенинг хотининг”. Бу сўзлар Раббий қаршиисида күркүвни хис қилишга мажбур қилишди!

Эр, Худо доимо ёнингда. Сен Унинг қизи билан қандай гаплашаёт-ганингни ва унга нисбатан ўзингни қандай тутаётганингни У билади. У сенинг сўзларинг ва юрагингнинг ниятлари аро сизиб чиқади. Ўз хотинингга муносабат орқали Уни әхтиром қиласанми? Агар сен хотинингни беҳурмат қилсанг, сен унинг Отасини беҳурмат қиласан. Унга кўркув ва әхтиром билан ғамхўрлик қилгин.

Повул эр хотини учун жонини беришга тайёр бўлиши орқали унга бўйсунишини тушунтиришда давом этади. Бошқача қилиб айтганда, хотинининг манфаатларини кўзлаб у ўзини қурбон қилиши орқали эр хотинига бўйсунади.

“Эрлар, худди Масих жамоатни севиб, у учун Ўзини фидо қилганидек, ўз хотинларингизни севинглар” (Эф. 5:25).

Масих хеч қачон Ўз манфаати учун Ўзининг ҳокимият ўрнидан фойдаланган эмас. У ҳокимиятни бизларга куч бериш учун ишлатган эди. Худди шунингдек, бизлар, эр сифатида, ўзимизнинг ҳокимият ўрнимиздан хотинимизнинг манфаати ва кучи учун фойдаланишга даъват этилганмиз. Масих Ўз Қайлигини шарафлаш ва мукаддаслаш учун Ўз жонини берди. Жамоатнинг шарафли тожини Масих учун буюк қувонч ва баҳтли хотима деб ҳисоблаш мүмкін. Исо Масихнинг ортидан бораётган йўлимизда худбинликка ўрин йўқдир. Сизнинг эр сифатидаги вазифангиз хотинингизга ва сизни ўраб турган дунёга Масихни намоён қилиш каби буюк мақсад учун ўз хаётингизни хотинингизнинг хизматида ўтказишдир. Агар сиз хотинингиз учун шундай етакчига айлансангиз, сизга Худо томонидан берилган ҳокимият ўрнингизга бўйсуниш хотинингизга анча осон ва қувончли бўлади.

## 4-кун

### ХОТИН, ЎЗ ЭРИНГНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАГИН

“Хотинлар, сизлар Раббийга бўйсунгандарингиздек, ўз эрларингизга бўйсуннинглар ва уларни тушунишга харакат килинглар. Чунки худди Масих Жамоатнинг боши бўлганидек, эр хам хотиннинг бошидир, лекин устунлик қилишда эмас, балки ғамхўрлик қилишда. Масих – Тананинг Нажоткори хамдир. Шунинг учун, жамоат Масихнинг етакчилигига бўйсунганидек, хотинлар хам, худди шундай, ҳамма нарсада ўз эрларига бўйсунсинлар” (Эф.5:22-24, кенгайтирилган таржима).

Ёдда туting, Повул эрлар ва хотинларга “Масих қаршисида эҳтиромли кўркув билан бир-бирларига бўйсунишлари лозим»лигини ёзган” (Эф. 5:21). Кейинги оятда у янада кўпроғини ёзади: “Хотинлар, сизлар Раббийга бўйсунгандарингиздек, ўз эрларингизга бўйсуннинглар” (22-оят). Кўплар бу оятни хотинлар учун йўқотиш деб ҳисоблайдилар, лекин бундай эмас.

Никоҳда устунлик қилиш йўқ экан, хотин эрининг масъулиятини teng шерик сифатида бўлишади. Бу эрнинг бош эканлигига зид эмас, чунки эр хам, хотин ҳам оила ичидаги ҳамда уларни ўраб турган дунёда тенг даражада ҳокимииятга ва таъсир этиши кучига эгадирлар. Ҳокимият дейди: “Мен сенинг номингдан, сен эса менинг номимдан ҳокимиият ва таъсир этиши кучиниқўллаймиз”.

Эрнинг хотин томонидан қўллаб-қувватланиши хизмат қилиш иши ҳисобланади. Хотин, сенга эрингнинг юраги ишониб топширилган. Ҳақиқат сўзларини севги ва хурмат билан айтиш воситасида эрингнинг юрагини асраш буюк хизмат ишларидан бири бўлиб қолиши мумкин. Эрингизга юрагини намоён қилишига ёрдам бериб хизмат қилишни ўрганинг. Шошқалоқ хulosаларнинг ўрнига унинг ҳаётини сухбат билан бойитиб, унга мақсадда ўсишга ва мақсад сари интилишга ёрдам беринг.

Аёллар жисмоний заифроқлар, аммо эркаклар кўпроқ юрак хасталиги хавфига гирифтор бўладилар. Аёллар эркакларнинг юраклари ҳақида ғамхўрлик қилишга даъват этилганлар, худди шунингдек, эркаклар хотинларининг ҳар қандай жисмоний заифликларини тўлдириб, хотинла-

рининг ҳимоячиси бўлишга даъват этилганлар. Юракни ҳимоя қилиш ва асраш каби олижаноб топшириқ борми?

Эр хизмат қилаётган ва ўз жонини хотинига баҳш қилаётган бир вактда, хотини унга оила бошлиғи сифатида ҳурмат билан жавоб беради. Шундай қилиб, у дунёга Масихнинг севгисини кўрсатиши мумкин. Унинг эрига нисбатан ҳурмати, севгиси ва иззати Масих томонидан бошқарилаётган бўлиш нима эканлигини кўрсатади. Хотинлар оилада иккинчи даражали вазифани бажарганлари учун Худо хотинларга эрларига бўйсунишларини буормайди, Худо уларни Жамоат қанака бўлиши кераклигини кўрсатишга таклиф қиласди. Никоҳда бизни яхши, содик, севувчи ва сахий Раббий ҳамда Нажоткор бизларни бошқараётганида ҳаёт қандай бўлиши кераклигини кўрсатиш имкониятига эгамиз. Агар биз душман буни жирканч ҳамда афсус-надоматга тўла ролга айлантиришига рухсат берсақ, бу нақадар фожеага айланади. Хотинларга бу ролни бериб, Раббий Ўз қизларидан У ишончга сазовор эканлигини кўрсатишларини сўради.

Худо аёлларни кучли ва қобилиятли қилиб яратганини билади. Бутун тарих жараёнида Худо аёлларни бошқариш, хукм қилиш, пайгамбарчилик қилиш, шафоат қилиш ва ҳаттоки, Ўзининг ягона Ўглини кўтариб юриш ҳамда эмизиш учун танлаган эди. Хотинларни ўз эрларини оила боши эканликларини ҳурмат қилишга даъват қилиб, У хотинлар заифроқ ва арзимасроқ демоқчи эмас. Аксинча, У дейди: “Мен биламан, сен кучлисан ва қобилиятлисан, чунки сен Менинг қизимсан. Лекин Мен никоҳнинг абадий тимсолида Менга бўйсунишда намоён бўладиган эзгуликни кўрсатиш имкониятига эгамиз. Менга ўзларини бағиашлашиб юришими бошқаларга кўрсатиш учун сен ихтиёрий равишда қўллаб-қувватлаш ва бўйсуниш вазифасини ўзингга оласанми?”

### ЕТАКЧИЛИК ЮОКИ

Худодан фарқли равища эрлар мукаммал эмаслар. Улар доим ҳам тўғри қарор қабул қилмайдилар ва ҳар доим ҳам хотинларига хизмат қилишлари лозим бўлганидек хизмат қилмайдилар. Шу туфайли ўз эр-

ларини ҳурмат қилишни ва қўллаб-кувватлашни истайдиган хотинларда қаттиқ хафачилик келиб чиқади. Вақти-вақти билан улар ҳамма нарса устидан назоратни ўз қўлларига олиш васвасасига дуч келадилар. Лекин ҳатто уларга эрларининг етакчилик ҳолатларига қаршилик қилиш озодлик келтирадигандек туюлса ҳам, аслида, улар шунчаки юракларида оғриқ ҳис қиласидилар.

Бизнинг тўнгич ўғлимиз ҳали гўдак бўлганида, мен (Лиза) кўп соат ишлар эдим, кун тартиби жуда зич эди ва мен тез-тез дам олиш кунлари ҳам ишлашимга тўғри келар эди. Ишхонада мен шахсий ва ишга оид муаммоларга дуч келар эдим, шу билан бирга, мен ажойиб хотин ва она бўлишга ҳаракат қиласар эдим. Бу вақтда Жонда бир жараёндан бошқа жараёнга ўтиш даври эди. Мен иш туфайли ва ўғлимизни кам кўришим туфайли стрессда бўлган бир вақтда, Жон нотўлиқ иш куни жадвалида ишлар эди, ибодат қиласар эди, рўза тутар эди, дўстлари билан сухбатлашар эди ва голф ўйнар эди. Мен ўз устимда жуда кучли босим ҳис қиласар эдим ва ҳамма нарсада уни айблар эдим. Мен ҳамма нарсани ўз қўлимда тутиб турганимни ҳис қиласар эдим, лекин менинг бармоқларим ёзилишга тайёр турар эди.

Мен Жон мен билан бирга хаяжонланишини истар эдим, лекин у бундай қилмас эди. Мен навбатдаги бора у билан ўз қўрқувларим ва ташвишларим билан ўртоқлашганимда, у менга: “Лиза, ўз ваҳималарингни қўйиб юборгин, уларни Худога бергин”, – деди.

Мен: “Ҳеч қачон! – деб ўйладим, – агар мен ташвишланмасам, ишлар қилинмасдан қолиб кетади”. Босим ўсиб борар эди ва мени тобора эзиб қўяр эди. Бир куни оқшом пайти мен душ қабул қиласар эдим ва Худога ўзимнинг оғир улушимдан шикоят қиласар эдим. Мен Жонга ҳеч нимани ишониб топшира олмаслигимдан тажанг бўлар эдим. Ҳатто ахлатни чиқариб ташлаш ҳақида ҳам мен унга эслатишинга тўғри келар эди. Янада муҳимроқ ишларда мен қандай қилиб унга ишонишими мумкин эди? Мен нима учун ўз назоратимни бўшаштира олмаслигимни оқлашга ҳаракат қилиб, узоқ вақт тажанг бўлдим.

“Лиза, сен нима деб ўйлайсан, Жон яхши етакчими?” – мендан мулојим сўради Раббий.

“Йўқ, мен бундай деб ўйламайман! Мен унга ишонмайман!” – комил ишонч билан жавоб бердим мен.

“Лиза, сен Жонга ишонишинг шарт эмас, – жавоб берди У. – Асосийси, Менга ишонгин. Сен Жон оила бошлиғи сифатида ўз мажбуриятларини бажара олмаётгандек ҳис қиласыпсан. Сен буларни ундан яхшироқ кила оладигандек ҳис қиласыпсан. Сен ҳис қилаёттан танглик ва хавотир хонадон бошлиғи ўрни вазни ҳамда босими натижасида соодир бўлди. Сен учун бу юк, Жон учун эса ридодир. Кўйиб юбор буни, Лиза”.

Мен ўзимнинг юқимнинг манбасини тезда тушундим. Мен бажаришга ҳаракат қилган хонадон бошлигининг роли мени босар эди, чунки мен ўзимнинг мажбуриятларимни олмадим. Менинг эрим учун бу юк эмас эди, чунки Худо уни оиланинг бошлиғи бўлиш учун мойлаган.

Мен ҳақиқатан ҳам оиласизда етакчилик ўрни учун курашганимни тан олдим. Ўз эримни қўллаб-кувватлаш ва унга ишониш ўрнига, мен уни бурчакка сиқиб кўйдим. У эса, ўз навбатида, ўзининг ҳокимият ўрнини менга берди ва мен ҳамма нарсани буздим.

Эзилган ҳолда, мен душни ўчирдим, сочиқни чанглладим ва шу вақтнинг ўзида Жоннинг ётоқхонасига югурдим. “Мен шу қадар афсусдаман, мен ҳамма нарсада сенга қарши чиқар эдим,— дедим мен. – Мен сенга ишонишдан қўрқар эдим. Агар сен истасанг, мен эртанинг ўзида ишимни ташлайман. Мен яна сенинг ёнингда бўлишни истайман”.

“Сен ишингни ташлашингни истамайман,— деди Жон. – Мен муаммо бунда деб ўйламайман. Лекин мен аниқ шундай деб ўйлайманки, сен ўзингни баракамиз манбаи деб хисоблашни бас қилишинг керак”.

У ҳақ эди. Мен барака манбаи эмас эдим, Худо барака манбаи эди. Мен бу ҳақиқатни назардан қочирганим туфайли стрессда эдим ва эримни қўллаб-кувватлашни бас қилдим. Бизлар яна бироз суҳбатлашдик ва мен Жонга ваъда бердим: “Мен сенинг ортингда турман ва сени қўллаб-кувватлайман. Мен сенга ишонаман”.

Ўша лаҳзада, мен айнан қандай қилиб уни қўллаб-кувватлайман ва унга ишонаман, билмас эдим. Мен факат бир нарсани билар эдим: Жонга менинг қўллаб-кувватлашим менга ҳамма нарсани қандай ва нима

учунлигини билишим кераклигидан мухимроқ эди. Мен тан олар эдим, бизнинг уйимизда ҳаммаси остин-устин бўлган эди ва мен яратган тартибсизликни Худо тартибга солишини истар эдим. Жон ўз навбатида, етакчи бўлишни бас қилгани учун ва мендан йироклашгани учун кечирим сўради. Биз бир-биримиз билан севги, бир-биримизни қўллаб-куватлашимиз ва ёрдам беришимиз ҳакида аҳд туздик.

Ўша оқшом мен кўплаб йиллар мобайнида илк бора тинч уйқуга кетдим ва ажойиб дам олдим. Қуллик бўйинтуруғи мендан ечилган эди.

Ҳар дафъа, бизлар Худо бизлар учун тайинламаган ишни ўз бўйни мизга олганимизда, биз ўзимизга қуллик бўйинтуругини қабул қиласиз. Бошқа томондан, Худо бизларни нима ишга мойлаган бўлса, бизларга ҳимоя ва таъминот берувчи ҳокимият ҳамда кучнинг белгиси бизни ридо каби коплайди.

Хонадонимда бошлиқликни олиб, мен юкни қабул қилдим, Жон эса ридосидан маҳрум бўлди. Натижада, тартибсизлик келиб чиқди! Мен Худо ўрнатган тартибга бўйсунганимда, менинг юким олиб ташланди ва Жон Худонинг етакчилик ридосини кийди. Бу оркали мен ҳам қопланган эдим, чунки ридо мени ва Жоннинг қўли остида бўлган ҳамма одамларни қоплаб туради ва ҳимоя килади.

## 5-кун

### ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЎЙЛАБ ТОПИШ

Муқаддас Ёзув эркаклар ва аёлларнинг оиласидаги вазифалари ҳакида кўп гапиради, лекин кўп нарсаларни айтмайди. Худди Худо Одам Ато ва Ҳаввага кўпайиб, ерни тўлдиришни буюргани, лекин икир-чикирларга тақалмагани каби, Худо бизларга никоҳда чегаралар берди, лекин бизларни унда чегаралаб қўйган эмас. У чегараларни чизиб қўйди ва бизларга қандай хизмат килишимиз кераклигини кўрсатди, аммо бизнинг ҳар бир қадамилизни чизган эмас.

Бу бизлар нима истасак шуни куришимиз ва бундан лаззатланишимиз мумкин бўлган катта ер майдони кабидир. Баъзи одамлар бассейн

қилишни исташади, бошқалар баскетбол майдончаси, учинчилари уни ҳам, буни ҳам қилишади, ёки ҳеч нима қилишмайди. Никоҳ ҳам худди шундек, бу сизнинг «ховлиси бўлган уйингиз», нима истасангиз, шуни куринг. Агар хотинингиз кўкаломзорлаштиришга кизикса, у қандай истаса ҳамма нарсани шундай режалаштирсин. Агар эрингизга боғдорчилик ёқса, боғ билан у шуғуллансан. Шунда эр-хотинларнинг икковлари ҳам бир-бирларининг меҳнатларининг ҳосилларидан лаззатланадилар. Фақат эркаклар режалаштириш билан шуғулланишлари лозим, хотинлар эса боғ билан шуғулланишлари керак, дейишга ҳеч кимнинг ҳақки йўқ. Сизга нима ёқса, шуни қилинг, лекин доимо ўз хизматингиз чегараларини ёдда тутинг. Икир-чикирларни ўйлаб топиш сизнинг ҳуқукингиз, Муқаддас Рух эса сизни йўналтиради.

Биз оиласа хизматдан худди биз турмуш ўртогимизга хизмат қилганимиздек турмуш ўртоғимиз ҳам бизга хизмат қиласи, деб кутганимизда энг кўп қоникиш оламиз, лекин доим ҳам бундай бўлмайди. Бизнинг оиласизда қачонлардир, Жон ўзининг хизматкор эканлигини айтганида бизлар кулар эдик. Шу билан бирга, кечлик қилиб бўлганимиздан, у мени (Лиза) ўғилларимиз билан бирга хонтахтани тозалаш ва коса-товоркларни ювиш учун қолдириб, ошхонадан ғойиб бўлар эди. Ўшанда, у бизларга хизмат қилаётгандек туюлмас эди.

Бизлар Жон бошқа ролда хизмат қилаётганини тан олмас эдик. Бизлар коса-товоркларни йигиштираётган бир вақтда, у бизнинг маблагимизни ҳисоблар эди, почтани текширап эди ва ҳисоб-китоб бўйича тўловларни тўлар эди. Биз усиз енгил эплай оладиган ишларни у қилмас эди, бунинг ўрнига, бизнинг оиласизда Жондан бошқа ҳеч ким у қадар яхши қила олмайдиган бошқа муҳим ишларни танлар эди.

Мана шу мисол бизларга мажбуриятларни тақсимлашнинг муҳим негизини кўрсатади. Оиласа хизмат қилиш маданиятини яратиш учун сиз қилишингиз мумкин бўлган энг яхши нарса – сизларнинг қайси бирингиз қайси ишга масъул бўлишингизни аниқлашдир. Сизлар ўзаро келишиб олган мажбуриятларни билиб олганингизда сизлар икки карра ютасизлар. Биринчидан, агар сиз ўз вазифангизни яхши бажарсангиз, сиз ўз турмуш ўртогингизга анчагина хизмат қила оласиз. Агар сиз ўз

вазифангиз учун масъулиятни бўйин олсангиз, сиз турмуш ўртоғингизга кўшимча вақт ҳамда ором бахш этасиз. Иккинчидан, сизнинг турмуш ўртоғингиз нима учун масъул эканлигини билганингизда, ўз оилангизда хизматингизни қайси соҳаларда кенгайтиришингиз мумкинлигини англаб оласиз.

Балки сиз пайқагандирсиз, Эфесликларга мактуб 5-бобдаги бирорта оят эркаклар ёки аёлларнинг қизиқишилари ва қобилияtlари андазасига ургу бермайди. Босимга берилиш ва мажбуриятларни тақсимлашни “анъанавий” ёки “нормал” туюладиган қолипларгакўра чеклаш керак эмас. Баъзи эрлар овқат тайёрлашни яхши кўришади. Баъзи хотинлар машинага қарашни яхши кўришади. Сизлардан бирингизга болаларингизнинг уй вазифасини текшириш ёқади, бошқа бирингизга эса уларни спорт тўғарагига олиб бориш ёқади.

Ким оила маблагини яхшироқ юритса, ўша киши маблаг учун масъул бўлиши ва маблагни қарзга ботмасдан сарфлашга ёрдам бериб, ўз оиласига хизмат қилиши мумкин.

Ўз ташки қиёфангиз ва танангизни парвариш қилиб ва турмуш ўртоғингизнинг зарарига дўстларнинг фикрига берилмасдан турмуш ўртоғингизга хизмат қилишингиз мумкин. Сўзлар билан ва ҳатти-ҳаракатлар билан хизмат қилиш мумкин. Оилада хизмат қилиш учун ўрин ҳамда имкониятлар бисёрdir.

## ДУО-БАРАКАТЛАРДАН ЛАЗЗАТЛАНИНГ

“Агар сизлар буни билсангизлар ва шундай харакат килаётган бўлсангизлар, унда сизлар баҳтлisisизлар” (Юх. 13:17, замонавий таржима).

Хизмат қилинаётган одамни хизмат дуо қиласди, лекин энг кўп дуо-баракат барибир хизмат қилаётганларга берилади.

Сизнинг никоҳингиз покланганидан сўнг ва унинг мақсади ёришганидан сўнг, у Худонинг севгисининг ердаги ажойиб суратига айланади. Агар уни энг ажойиб тарзда қуришни истасангиз, хизмат қилиш учун ҳар бир имкониятни ишлатинг. Бир-бирингизни барпо қилинг ва Худонинг дуо-баракатлари қандай оқиб кела бошлишини кузатинг.

Бизлар бир-биримизни барпо қилишни бошлаганимизда, Худо бизларни барпо қила бошлади. У бизнинг дунёйимизнинг чегараларини кенгайтирди ва Унинг севгиси ҳамда иноятини атрофимиздаги кўплаб одамлар билан бўлишишимизга имкон берди. Сиз хизмат орқали бир-бирингизни барпо қилганингизда, Худо сизнинг таъсир доирангизда бўлган одамларга хизмат қилиш учун имкониятларни очади. Унинг аъло режаси – сизнинг оиласигизни, ҳатто, энг сурбет имонсиз одамларни ўйлашга мажбур қиласидиган дурдона асарга айлантиришдир.

Хизмат – бу харакатлар ва муносабатлардир. Ҳар дафъа, сизда турмуш ўртоғингизга хизмат қилиш имконияти бўлганида, сиз қўйидаги уч йўлдан бирини танлашингиз мумкин: худбинлик фойдасига бу имкониятни рад қилиш; хизмат қилиш, лекин бор қиёфангиз билан норозилингизни намоён қилиш; чин кўнгилдан ва қувонч билан хизмат қилиш, бор қиёфангиз билан ўз турмуш ўртоғингизга ёрдам берадиганингиздан лаззатланаётганингизни кўрсатиш.

“Чунки Исо Масихда бўлган фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак: Масиҳ Худонинг қиёфасида бўла туриб, Худога тенг бўлишни ўғирлик деб хисобламади. Аммо, У Ўзини паст олиб, кулнинг қиёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, кўринишида инсон каби бўлди” (Флп. 2:5-7).

Одам никоҳга қадам қўйиб, аслида, турмуш ўртоғига ҳаётининг қолган барча кунларида хизмат қилишга имзо кўяди. Сизнинг: “Ҳа, мен розиман” ингиз шуни билдиради: “Мен ўз ҳаётимни сенинг манфаатларингга бағишлайман. Мен ўз ҳаётимни сен учун бериб, қувончни танлайман. Сенинг орзуларинг, истакларинг ва максадларинг энди менинг ҳаётимнинг асосий устунликларига айланади. Мен сен билан бирга Худонинг севгисини намоён қилишни ўрганишни истайман”.

Агар сиз ҳақиқатан ҳам бўйсуниш билан ва хизматкор юраги билан никоҳга қадам қўяётган бўлсангиз, унда сиз илоҳий иттифоқ нима эканлигини билиб оласиз. Сизга осон бўлмайди, лекин сиз Худо сиз учун тайёрлаб қўйган энг аъло нарсага интилсангиз, сизнинг хонадонингизга муҳаббат, қувонч, тинчлик, баҳт, лаззат дарёлари оқиб келади ва сиз дунёга Худонинг севгиси суратини тақдим қиласиз.

1-кун. Кундалик ўқиши учун

## МУВАФФАҚИЯТНИНГ СИРИ

*...Мен эса орангизда хизматкордайман.*

— Лк. 22:27

*“Биродарлар, сизлар озодликка даъват қилингансизлар. Фақатгина бу озодлик тана ҳирсларига имкон бермасин, аммо бир-бирингизга севги билан хизмат қилинглар”.*

— Гал. 5:13

“Севги – бу никохнинг пойдеворидир: Худога бўлган севги ва якинига бўлган севги,— тушунтиришади адиллар ва маърузачилар **доктор Генри Клауд ва доктор Жон Таунсенд**. — Севги шу билан намоён бўладики, яқини бунга арзиши ёки арзимаслигидан қатъий назар бошқа одам учун энг яхши бўлган нарсаларни излайди. У бошқа одамни ўзининг худбинона эҳтиёжлари ва истакларидан устун қўяди. У қурбонлик қиласи, беради ва азоб чекади. У аҳдни узоқ вақт сақлаб қолиниши учун хафаликка ва бўронларга бардош беради”.

Ўз турмуш ўртоғимизнинг қизиқишларини амалга оширишга интилиш, унинг эҳтиёжи ва истакларини ўзимизницидан устун қўйиш ва саҳиёна қурбонлик қилиш – буларнинг бари бир сўз билан хизмат қилиш деб аталади. Бу муваффақиятли никохнинг сиридир.

Бироз тўхтанг ва ўйлаб кўринг: ўз турмуш ўртоғингизнинг баъзи қизиқишларини айтиб ўтинг: Нима унга қониқиш олиб келади? Унга қандай дам олиш ёқади? Унинг хоббиси нима? Нима уни бўшашишга, жилмайишга ва ўзини баҳтли ҳис қилишга мажбур қила олади?

---

---

---

Унинг қизиқишларида амалий равища уни қандай қўллаб-қувватлашининг ва унинг қизиқишларини ўзингизницидан устун қўйишингиз мумкин?

---

---

---

Ўзингиздан ва Муқаддас Рухдан сўранг: “Турмуш ўртогимга хизмат қилишдан мени нима тутиб туради? Менда худбинликни қувватлаб турган бирор аниқ нарса борми? Агар мен бўйсунсам ва хизмат қила бошласам, бунинг оқибати мени кўркитадими?” Муқаддас Рух сизга юрагингизни кўрсатишини сўраб ибодат қилинг.

---



---



---

ИсоMasих бизнинг ажойиб хизматкоримиз, ва сиз, Худонинг фарзанди сифатида Унинг ДНКини мерос қилиб олгансиз. Бу ҳакиқат! Сизда Унинг руҳий генлари бор, бу генлардан бири хизмат қилиш генидир. Куйидаги оятлар устида фикр юритиш учун маълум вақт ажратинг.

“Худодан туғилган ҳар бир киши гуноҳ қилмайди, чунки Унинг уруғи унинг ичидаги жо бўлган. У Худодан туғилгани учун гуноҳ қила олмайди”.

— 1 ЙОх. 3:9.

“Сизлар чирийдиган уруғдан эмас, балки чиримайдиган уруғдан, яъни тирик ва абадий мавжуд бўлган Худонинг Сўзидан янгидан туғилдингизлар”.

— 1 Пет. 1:23.

“Эй, оғир меҳнат захматини чекаётган ва оғир юк остида қийналган ҳамма одамлар, Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман. Менинг бўйинтуруғимни ўз устингизга олинглар ва Мендан ўрганинглар, чунки Мен камтарин ҳамда бўйсунувчан юракка эгаман. Шунда ўз жонингизга таскин топасизлар. Чунки Менинг бўйинтуруғим эзгулик ва Мен берган юк енгилдир”.

— Мт. 11:28:30.

Сизга Муқаддас Рух нимани кўрсатаяпти? Бу оятлар сизга қандай далда бераяпти ва ибодат қилишга ундаяпти?

---



---



---

## 2-кун. Кундалик ўқиши учун

# ХУКМРОНЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ

“...одам недирки, Сен уни эслайсан? ...Сен уни Худодан бироз паст құйдінг, унга шүхрет ва хұрмат тоғын кийдірдинг. Уни құлингнине шилари устидан ҳукмрон қилиб құйдінг. Ҳамма нарсани... унинг оёқлары остига құйдінг”.

— Сан. 8:5,7.

Фидокорлик ва хизмат қилишга тайёр юрак – бизларнинг Масихға имон келтирғанлар сифатидаги меросимизнинг бир қисми хисобланади. Биз Худо билан сухбатлашиб вақт ўтказғанимизда, бизнинг самовий Отамизнинг бу ажойиб қирралари экилади ва бизнинг ҳәётимизда воқе-лилка айланади. Шу тарзда, биз Масихнинг Мұқаддас Рухи бизни қай даражада тұлдыришига рухсат берсак, Масихнинг хизматини ўз ҳәётимиз ва оиласыз орқали шу даражада акс эттирамиз.

Сиз қачонлардир Раббий билан йўлга тушгансиз, йўлнинг бошидан ҳозирги вақтгача сизнинг У билан муносабатларингиз ҳақида фикр юритинг. Унинг Рухи сизни нимада ўзгартироққа ва яхшироқ қилмоқда? Сизнинг никоҳингизни У қай тарзда ўзгартириди?

---

---

---

Худо Ўз Рухи билан сизнинг ичингиздә бўлиб, У сиз ва турмуш ўртоғингиз У сизларга ишониб топширган ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қилишингизни истайди. 1828йилда чоп этилган Вебстернинг асл луғатига кўра, “ҳукмронлик” сўзи – бошқариш ва ҳукм суреш ҳокимияти; йўналтириш, назорат қилиш ва фойдаланиш учун куч; энг баланд ҳокимият деган маънени билдиради.

Ҳукмронлик сўзининг таърифини яна бир бора дикқат билан ўқиб чиқинг. Энди тўхтант ва ўйлаб кўринг: ҳар бирингизга алоҳида шахс сифатида ва биргаликда жуфтлик сифатида, сизнинг назоратингиз ёки фамхўрлигингиз остига ким ёки нима бошқариш, назорат қилиш ёки

хукмронликни амалға ошириш учун топширилган? Бу соҳаларни сиз нақадар уддалаяпсиз?

---



---



---

Хукмронлигингизнинг бирор соҳаси бузилган ва энди сизнинг устингиздан устунлик қилаётган ҳамда сизни назорат қилаётган ҳолати борми? Агар шундай бўлса, унда тушунтиринг.

---



---



---

*Ибодат қилинг ва шу соҳани Муқаддас Рухга беринг. Ундан сизни кечиришини ҳамда бу хукмронликни қандай қилиб қайтариш режасини, бу учун иноят (хокимиёт) беришини сўранг.*

Турмуш ўртоғингиз билан ракиблар эмас, балки иттифоқчилар сифатида қандай қилиб амалда ҳамкорлик қилишингиз мумкин? Болалар, манбалар, иш, хизмат ва бошқаларни қандай қилиб яхшироқ бошқаришингиз мумкин?

---



---



---

Сиз ва сизнинг турмуш ўртоғингиз юрақда ва мақсадда бирликда бўлсаларингиз сизлар кўпаясизлар. Бирлик бўлган жойда, Худо дуо-баракат беради (Сан. 132). Ораларингизда бўлиниш ва жанжални келтириб чиқариш учун душман қайси соҳаларда тиришқоқлик билан ҳаракат қилди? Бўйсунинг ва Худога итоат қилинг. Унинг Рухини олқишлианг, Ундан турмуш ўртоғингиз билан ораларингизда бирлик бўлишини сўранг ва Худонинг дуо-баракатларини кутинг.

---



---



---

### 3-кун. Кундалик ўқиши учун

## БИР-БИРИНГИЗНИ ТЕНГ ХИСОБЛАНГ

“...ва ҳар бир хотин ўз эрини ҳурмат қилиши лозим”.

— Эфес. 5:33, The Message таржимаси, инглиз тилидан таржима.

“Шунингдек, сизлар ҳам, эрлар: хотинларингизга эзгу бўлинглар, уларни ҳурмат қилинглар, улардан завқланинглар... Худонинг иноятидаги янги ҳаётда сизлар тенгсизлар. Ибодатларингизда тўсқинликлар бўлмаслиги учун хотинларингизга тенг одамлар сифатида муносабатда бўлинглар”.

— 1 Пет. 3:7, The Message таржимаси, инглиз тилидан таржима.

Эркаклар ва хотинлар никоҳда тенгдирлар. Хотин эрга илова эмас, эр ҳам хотинга илова эмас. Эр-хотинларнинг икк韶лари ҳам ҳамворислар ва Худонинг иноятида тенг ўринга эгадирлар. Қандай қилиб бизлар энг яхши тарзда бир-биримизни тенг қўришимиз мумкин? Худо бизларга берган ролларни ўрганиш ва бажариш йўли билан бунга эришиш мумкин.

Чўпон Жимми Эванс шундай дейди:

“Одамнинг энг биринчи эҳтиёжи – бу ҳурматга бўлган эҳтиёждир. Худо хотинга эрига Раббийга бўйсунгандек бўйсуниши лозимлигини айтиши ахир қизиқ эмасми? Хотин эрини ҳурмат килганида ва унга қувонч билан бўйсунганида, у эрининг никоҳдаги энг чуқур эҳтиёжини қондиради.

Худди шунингдек, эр хотинининг кўнглини олиш учун ва ундан завқланиш учун ўзини қурбон қилганида, у хотинининг никоҳдаги энг чуқур эҳтиёжи – хавфсизликка бўлган эҳтиёжини қондиради. Аёлга уни химоя қиласиган, таъминлайдиган етакчи керакдир. Эр буни қувонч билан қилганида, хотиннинг энг чуқур истаклари амалга ошади”.

Эркаклар, сизнинг хотинингиз – бу биринчидан, Худонинг қизи ва фақат шундан кейингина сизнинг хотинингиздир. Аёллар, сизнинг эрингиз – бу авваломбор, Худонинг ўғли, шундан кейингина сизнинг эрингиздир. Биз Худонинг тимсолининг тенг олиб юрувчилари сифатида бир-биримизни иззат қилиб, ўзимизнинг Самовий Отамизни иззат

қилган бўламиз. Қўйидаги лавҳада эрлар ва хотинларга ёзилган Худонинг насиҳатини дикқат билан ўқиб чиқинг:

“Хотинлар, сизлар Раббийга бўйсунгандарингиздек, ўз эрларингизга бўйсуннинглар. Чунки худди Масих Жамоатнинг боши бўлганидек, эрҳам хотиннинг бошидир. Масих – Тананинг Нажоткори ҳамдир. Шуннинг учун жамоат Масихга бўйсунганидек, хотинлар ҳам, худди шундай, ҳамма нарсада ўз эрларига бўйсунсинлар. Эрлар, худди Масих Жамоатни севиб, у учун Ўзини фидо қилганидек, ўз хотинларингизни севинглар. Масих Жамоатни муқаддаслаш учун ҳаммом суви билан ювиб, Сўз орқали тозалади, токи уни муқаддас ва бенуқсон ҳолатда Ўзига доғсиз, нуқсонсиз ёки шунга ўхшаш бирор нарсасиз, шуҳратли Жамоат қилиб тақдим этсин. Эрлар ўз хотинларини худди ўз таналарини севгандаридек севишлари керак: ўз хотинини севган ўз-ўзини севади. Зеро ҳеч ким ҳеч қачон ўз танасидан нафратланмаган, балки уни озиқлантиради ва парвариш қиласди. Раббий ҳам Ўз Жамоатига худди шундай қиласди, чунки биз Унинг танасининг аъзоларимиз, Унинг этидан ва Унинг суюклариданмиз. Шунинг учун одам ўз ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишади ва иккаласи бир тана бўлади”.

— Эфес. 5:22-31

Муқаддас Рух эрнинг ролини ва хотиннинг ролини сизга қандай кўрсатаяпти?

---



---



---

Сизга Худо томонидан берилган ролдаги ҳаёт орқали ўз эрингизни (хотинингизни) хурмат қиласизми? Қайси соҳаларда ўсишингиз керак?

---



---



---

Бироз тўхтанг ва ибодат қилинг: “Муқаддас Рух, турмуш ўртоғимни хурмат қилишимга менга нима ҳалакит бермоқда? Мен уни хурмат қилмаёттаним учун нимани йўқотаяпман? Турмуш ўртоғимнинг қайси ички имкониятларини намоён бўлмай колишига сабаб бўляяпман? Илтимос, унинг киммат баҳолигини кўришимга ёрдам бергин”. Бироз вакт тинч мухитда туринг ва қулоқ солинг. Муқаддас Рух сизга нимани очаяпти?

## 4-кун. Кундалик ўқиши учун

### ИСО МАСИХНИНГ СУРАТИ

*“Шунинг учун одам ўз ота-онасини қолдириб,  
ўз хотинига ётишади ва иккаласи бир тана бўлади. Бу буюк сирдир,  
мен эса буни Масиҳга ва Жамоатга нисбатан айтаяпман”.*

— Эф. 5:31,32.

Эр ва хотиннинг ролини Худо ўйлаб топган. Бу ролларнинг вазифаси бирини паст уриш ёки устунлик қилишда эмас. Бу Масиҳ ва Жамоат орасидаги муносабатнинг намунасиdir.

Энди сиз эр ва хотиннинг роли ҳақида ўқиганингиздан сўнг, бу бобда ўқиган нарсаларингизни сиз эшитган ва ўйлаган нарсалар билан солишитиринг. Бу бобда ёзилганлари сиз илгари эшитганингиздан ёки сиз ишонган нарсалардан фарқ қиласиди? Нима сизга қарши чиқмоқда? Нима сизни рухлантирмоқда? Нимани чуқурроқ ўрганишни истар эдингиз?

---

---

---

Эрнинг роли – Масиҳ хизмат қилганидек хотинигахизмат қилиб, хотини учун етакчи бўлиш эканлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Ниҳоҳда у Масиҳнинг етакчилиги, хизмати ва севгиси манзарасини яратади. Эркаклар, сизнинг ролингизда сизга нима ёқади? Унда сиз ўзингизни қатъи-ятсиз ҳис қилишга мажбур қиласидиган бирор нарса борми?

---

---

---

Худо бу ролни ўз кучингиз билан бажаришингизни режалаштирган эмас. Бироз тўхтанг ва ибодат килинг: “Муқаддас Рух, Сен Исо Масиҳнинг Рухисан ва Сен менда яшайсан. Исо Масиҳ каби севиш ва хизмат қилишини ўргатгин. Яхши етакчи бўлишим учун, соғлом қарорлар қабул қилишим учун ва бизнинг иттифокимиздаги тенг шерик сифатида хотинимни иззат қилишим учун менга иноят бергинг”.

Аёллар, сизнинг эрингизнинг ролида сизга қўпроқ нима ёқади? Никоҳингизни бирлик билан тўлдириш учун сиз эрингизнинг ролини қандай ҳурмат қилишингиз мумкин?

---



---



---

Энди хотиннинг роли – Жамоатнинг қўллаб-кувватлаши ва Масих кархисидаги бўйсунувчанлигини намойиш қилиб, ихтиёрий равища бўйсуниш ҳамда қўллаб-кувватлаш ролини қабул қилиш эканлиги ҳакида ўйлаб кўринг. Аёллар, сизнинг ролингизда сизга нима ёқади? У сизга кўркув ва етишмовчилик ҳиссини келтирадими? Нима учун?

---



---



---

*Сизнинг овозингиз, инъомларингиз ва ҳиссангиз қимматбаҳодир. Шундай ибодат қилинг: “Худойим, Сенга бўйсунишда амалга ошадиган эзгуликнинг тимсоли бўлишини мендан сўраётганинг учун Сендан миннатдорман. Хеч нарса, факат Сенинг Сўзинг менинг ким эканлигим ҳакидағи тасаввуримни шакллантиради. Мен Сенга хизмат қилишни истаганимдек, эримга хизмат қилишим ва уни қўллаб-кувватлашим учун иноят бергин”.*

Эркаклар, хотинингизнинг ролида сизга нима ёқади? Никоҳингизни бирлик билан тўлдириш учун сиз хотинингизнинг ролини қандай иззат қилишингиз мумкин?

---



---



---

Турмуш ўртогингиз билан мазкур саволларга жавобларни, никоҳда бирликни шакллантириш ҳакида ўз мақсадларингизни муҳокама қилинг, барча ваҳималарингизни юзага олиб чиқинг ва муҳим бўлган ўзгартиришларни муҳокама қилинг. Агар сизлардан бирингиз кўркув ёки ўзига ишонмасликни хис килаётган бўлса, Худонинг Сўзига мурожаат қилинг. У нима дейди?

Бирга шундай ибодат қилинг: “Ота, Сен бизларнинг икковимизга ҳам бизнинг никоҳимизда ажойиб, салмоқли ва олижаноб ролни бериб, бизларга илтифот кўрсатганинг учун Сендан миннатдормиз. Бизларга бир-бirimизга хизмат қилишга, бирликни мустаҳкамлашга ва Сенинг шарафинг ҳаки севишига ёрдам бергин. Исо Масих номи билан. Омин”.

## 5-кун. Кундалик ўқиши учун

### ГУРУХ

“Бир-бириңиз билан уйғунликда яшандыр; тақаббұр бұлманглар (манман, ўзингизни ҳаммадан зүр деб ўйлайдыган ўзы ҳақида баланд фикрли бұлманглар) лекин тайёрлік билан (одамлар, нарсалар) қаршиисида бўйсунинглар ва камтарин вазифаларни бажаринглар. Ҳеч қачон ўзингизга ўта баланд баҳо берманглар ва ўз назарингизда доно бұлманглар”.

— Рим. 12:16, замонавий кенгайтирилган таржима

Балки сиз: “Гурухда “мен” сүзи йўқ”, – деган иборани эшитгандирсиз. Бу факат спортта таалуқли эмас, балки оиласа ҳамдир. Икковингиздан ҳар бириңиз мухим, зарур ролни бажарасиз ва сизлардан бирортангиз бошқасидан устун эмас. “Фарқлар никоҳда муаммога айланмаслиги керак, – ёзишади доктор Генри Клауд ва доктор Жон Таунсенд. – Агар сизнинг эрингизнинг ёки хотинингизнинг нуқтаи назари болаларни тарбиялаш ёки уй жиҳозларини жойлаштириш масаласида фарқ килса, сиз бойрок бўласиз. Сизнинг дунёйнгиз кенгаяди”.

Шундай қилиб, сизлардан қайси бириңиз ўз ролини яхшироқ бажармоқда? Сиз доимо у, ёки бу мажбуриятларни биргаликда бажаришингиз ва вақти-вақти билан улар алмашиниши мумкин. Лекин умуман олганда, никоҳнинг вазифаларини бажариш учун сизлардан қайси бириңиз ўз ролини яхшироқ топди?

Гурухни кўздан кечиринг. Бажарилиши лозим бўлган барча мажбуриятлар рўйхатини тузинг ва ҳар бир вазифага энг яхши ўйинчини тайинланг. Баъзи вазифаларни тўлиқлигича эрга ёки хотинга бериш мумкин. Бошқаларини эса иккига бўлиш мумкин, токи бир куни бири ма-съул бўлсин, бошқа куни бошқа бири, ёки бир ҳафта бири, бошқа ҳафта бошқаси масъул бўлсин.

Мана, бир қанча мисоллар:

Машинага қарашиб

Озиқ-овқатларни сотиб олиш

Таътилни режалаштириш

Болаларнинг уй вазифаларини текшириш

Маблагни тақсимлаш

Болаларни мактабга олиб бориш, улар билан ўйнаш ва б.

Кир ювиш	Тушлик ва кечликларни тайёrlаш
Чангютич билан хоналарни тозалаш	Тушлик ва кечлиқдан сүнг коса-төвөкларни ювиш
Чангларни артиб чикиш	Майсазорни киркиш
Богдорчилик, буталарни киркиш	

Сиз никохга қадам қўёётганингизда, оиласда ким у ёки бу ишлар учун мажбурияни бўйин олиши ҳакида маълум тасаввурингиз бор эдими? Агар ҳа бўлса, айнан қайсиларини? Ўз жавобларингизни баҳоланг ва ҳозирги ҳолат билан солиштиринг. Тўғирлаш керак бўлган қайси дир соҳаларни кўраяпсизми?

---



---



---

Маданиятингизда оиласдаги қайси ишларни кимлар қилиши кераклиги ҳақидаги қабул қилинган колипларни таҳлил қилинг. Сизнинг нижохингиз икир-чикирларини ўзгалар тайинлашига рухсат берманг.

Яна ўз рўйхатингизга қаранг ва уни турмуш ўртоғингизнинг рўйхати билан солиштиринг. Жавобларни мухокама қилинг. Сўнгра сизлар ўзаро келишган мажбуриятлар рўйхатини тузинг.

---



---



---

*Келинглар, кўздан кечирамиз, биз севгига ҳамда ўзаро ёрдамга разбатлантиришида нақадар ихтирочи бўлишишимиз мумкин...*

— Ибр. 10:24, The Message таржимаси, инглиз тилидан таржима.

Кай тарзда, ўз муносабатингиз, сўз ва ҳаракатларингиз билан турмуш ўртоғингизни мажбуриятларини бажаришга қувватлай оласиз?

---



---



---

# МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

*Агар сиз бу китобни “Messenger” хизматидан «Никоҳ тарихи» материалларининг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, 4 видеодарсни кўринг.*

- 1| Исо Масих энг паст даражадаги хизматни олиб ва шогирдларининг оёкларини ювиб, бизларга ажойиб намуна кўрсатди (Юх.13:1-17га қаранг). Замонавий дунёда айнан оёқ ювишга эҳтиёж йўқлигига қарамасдан, бир-бирига хизмат қилишга эҳтиёж мавжуд. Биз қандай қилиб Исо Масихга айнан тақлид қилишимиз ва рамзий маънода турмуш ўртоғимизнинг “оёғини ювишимиз” мумкин?
- 2| Эркаклар, нима учун сизларга эр сифатида хотинингизга никоҳдаги тенг шерик сифатида қараш муҳим (1 Пет. 3:7га қаранг)? Агар сиз уни тенг кўрмасангиз нима содир бўлади? Аёллар, нима учун сизларга хотин сифатида эрингизга хурматни намоён қилишда ўзингизни тутиб турмаслигингиз муҳим? Агар сиз бундай қилмасангиз нима содир бўлади? Сизга Худо томонидан берилган ролларни Унинг инояти билан бажаришингиз учун бу жавоблар қай тарзда сизни Худодан кўркиш билан тўлдиради?
- 3| Никоҳда бир эркак ва бир аёл орасидаги муносабатлар Исо Масихнинг бизлар, Унинг Қайлиғи билан муносабатлари тимсолини акс эттириши лозим. Эр ва хотин эр-хотинлик муносабатида кимнинг тимсоли эканлигини таърифланг. Эр ва хотиннинг роллари қай тарзда Жамоатга ҳамда имонга келмаганларга Масихнинг севгисини намоён қилиши керак? Бу вазифаларни бажариш учун бизда қандай куч бор? Етакчиларга: Бу саволнинг иккинчи қисмига жавоб бериш учун Муқаддас Ёзувдаги қуидаги оятларга диққат қилинг: Эф. 5:18; Ҳав. 1:8; Зак. 4:6; Ёкуб 4:6; Флп. 4:13.

- 4| Худо фарқларимиз бизларни ажратмаслиги, балки бирлаштириши-ни истайди. Ўйлаб кўринг: Агар сиз турмуш ўртоғингиз билан бут-кул бир хил бўлсангиз, бир хил кучли томонлар ва заиф томонларга эга бўлган бўлсангиз, сизнинг ҳаётингиз қандай бўлган бўлар эди? Шундай ҳолатни тасаввур қилинг, кейин эса бир-бирингизга ора-ларингиздаги фарқларни яна қандай қадрлашингиз мумкинлиги ва улардан қувонишингиз мумкинлигини айтиб беринг.
- 5| Сизлар ўзаро тақсимлаб олган уйдаги мажбуриятларни билиш жуда мухим ва фойдалиdir. Сиз ўзингизнинг уйингизда уларнинг баъ-зиларини тайин қилдингизми? Қай тарзда, бу билим хизмат қилиш мухитини яратишга ёрдам беради ва шу билан бир вақтда, турмуш ўртоғингизни мустаҳкамлайди?

## БОБНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ:

- Соғлом оила қуришнинг энг маҳсулдор усули – турмуш ўртоғингизга хизматчи бўлиш, бошқа кишининг энг катта қизиқишилари учун ўз қизиқишиларини қурбон қилишни ўрганишдир.
- Масихнинг Рухига ҳаётимизда қай даражада ўрин берсак, бизнинг никоҳимиз Масихни шу даражада акс эттиради. Агар биз Муқаддас Рухга доимо ҳаётимизни тўлдиришига имкон берсак, бизнинг онгимиз янгиланади, хулқ-авторимиз эса яхшиланиб боради.
- Эркаклар ва аёллар Худонинг суратини ўзларида олиб юрадилар ва ерда Унинг табиатини акс эттирадилар. Эркак ҳам, аёл ҳам бирдек қадрлидирлар, уларнинг икковларига ҳам бир-бirlарига хизмат қилиш ҳокимияти ишониб топширилган.
- Эрлар, Худо сизларга ўз хотинингизга ғамхўрлик қилишни, уни асрарни ва таъминлашни ишониб топширди. Сиз аввало унинг манфаатини кўзлаб, ўз жонингизни унга бағишлаб, уни севишингиз ҳамда уни иззат қилишингиз лозим.
- Хотинлар, Худо сизларга эрингизнинг юрагини асрар ва унга ғамхўрлик қилишни ишониб топширди. Сиз уни ҳурмат қилишингиз, Масихга бўйсунганингиз каби унинг етакчилигига бўйсунишингиз керак.
- Агар уй ишлари бўйичаўзаро тақсимланган мажбуриятларни билсангиз, сизнинг оиласигизда баҳслар камроқ бўлади, гурух тузиш учун тинчлик ва имкониятлар кўпроқ бўлади.



## Жинсий яқинлик

Жинсий яқинлик буткул бағишиланган муносабатлар учун тайинланган, чунки бу Масиҳ орқали Худо билан буткул бирлашишдан туғиладиган қувончни олдиндан сезиб роҳатланишидир. Ер юзидаги эркак ва аёл орасидаги энг буюк севги – шунчаки Худонинг севгисига имо ҳисобланади.

— Тимоти ва Кейти Келлер, “Никоҳнинг моҳияти”.

“...О, севгандар ва севилгандар, еб-ичинглар!  
Ўз севингизга қонинглар!”

— Кўшиклар қўшиғи 5:1 (инглизчадан таржима).

### 1-кун

**M**уқаддас Ёзув Худонинг жинсий севги ҳақидаги режасини таърифлашдан уялмайди. Аслида, у жуда аниқ ва баъзан ошкора эротиқдир. Агар сиз бизга ишонмасангиз, шунчаки бир неча дакиқани турмуш ўртоғингиз билан бирга Кўшиклар Кўшиғи китобини ўқиб ўтказинг ва нима содир бўлишига диққат қилинг.

Бизлардан кўпчиликдан фарқли равишда Худо одамларнинг жинсий муносабатларидан уялмайди. У унинг чиройидан завқланади ва унинг натижаси учун тантана қиласди. Худо бизларнинг жинсий муносабатимизда четдан иштирок этишни истайди. Никоҳда жинсий муносабатлар нафақат керак ва фойдали, балки у муҳим ўрин тутадива ҳар қандай йўл билан рафбатлантирилади.

Сулаймон бизларга: “Ўз севгиларингдан қонинглар”, – дейди. Бошқача қилиб айтганда, жинсий муносабатлар – бу нимадир сирли ва чукур нарсадир; юзаки тажриба билан қониқишигга сабаб йўқдир. Жинсий муносабатларни чукур қониқиши билан татинглар ва лаззатланинглар.

Никоҳда жинсий алоқа қилиш, муносабатларни янгилаш учун тугмачани босиши дегандек гап, шунинг учун Ёзув сувни тез-тез жинсий лаззатланиши ва қониқишини ифодалаш учун мажоз сифатида ишлатади. Сув хаётни давом эттириш учун муҳимдир. У тароват ва ҳаётий кучлар беради. Соғлом жинсий ҳаёт – никоҳ иттифоқи сақлаб қолинишининг ягона шарти эмас, лекин унинг аҳамиятини паст деб ўйлаш ҳам мумкин эмас. Худо севги билан машғул бўлиш байрам ҳамда икки ҳаётни бирлаштирган чукур аҳд ҳакида ажойиб эслатма бўлишини режалаштирган.

Жинсий алоқа соғлик учун фойдали эканини биласизми? Муносабатларда яқинликни келтириб чиқаришдан ташқари у иммун тизими ни мустаҳкамлайди, инсоннинг тўғри вазнни сақлаб туришига ёрдам беради, артериал кон босимини пасайтиради, оғриқни камайтиради ва юрак хуружлари хавфини камайтиради, буларнинг барчаси унинг шарофатларидан баъзилари, холос.

Жамоатдаги баъзи деноминациялар жинсий истакларни гуноҳкорона ёки танавий ҳиссиётлар деб атайдилар. Шунинг учун ҳатто никоҳдаги жинсий муносабат ҳам ёмон номга эга. Кимдир бизларни жинсий муносабат – хотиннинг эр олдидаги мажбурияти деб ишонишга мажбур қилишга ҳаракат қиласди. Лекин ҳақиқат шундан иборатки, жинсий муносабат турмуш ўртоқларнинг иккаласининг ҳам лаззатланиши учун яратилган! Кимдир жинсий муносабат – бу наслни давом эттиришимиз учун чидашимиз лозим бўлган керакли ёвузлик, деб таъкидлайди. Буларнинг барчаси шайтондан келган янгилишилар ва муқаддас муносабатни бузиб кўрсатишдир, шулар туфайли кўплаб масихийлар жинсий муносабатларга хавотир ва қўркув билан қарайдилар.

Наслни давом эттириш – жинсий муносабатнинг мақсадларидан биридир, лекин энг бошидан Худо жинсий муносабатни лаззатланиш манбаи сифатида режалаштирган. “Сенинг булоғинг дуойи-баракатли бўлсин, – дейди бизга Муқаддас Ёзув, – ёшлигингдаги хотининг, севимли кийик, жозибали оху билан қувонгин. Унинг қўксиге сени ҳамма вакт

қондирсин, унинг муҳаббати сени доимо маст қилсин” (Ҳик. 5:18,19, замонавий таржима). Бошқа таржималарда: “асир қилсин”, “тутиб олсин”, “мафтун қилсин”, – дейилади.

Худо Ўзини тортинувчан қилиб кўрсатмайди. У жинсий аъзоларни яратган ва уларнинг фаолиятларидан хижолат бўлмайди. Жинсий муносабатни ва у билан боғлиқ лаззатланиш хиссини У яратган. Бизлар лаззатланганимизда У завқланади. У бизларнинг жинсий истакларинимизни камситишни истамайди. У уларни муқаддаслашни истайди.

### **МУҚАДДАСЛАНГАН ЖИНСИЙ МУНОСАБАТ**

Муқаддасланиш – бумуқаддаслик томон сафар бўлиб, бу Худо бизларнинг ҳаётимиз учун тайин қилган ҳамма нарсалардан энг яхшисига бўлган сафардир. Бу йўлда сиз инсоний табиатдан озод бўласиз ва илоҳий табиатга тўлиша борасиз. Ажойиб жинсий муносабат ҳаётини ривожлантириш (бу Худо бизлар учун тайин қилган энг яхша нарсаларнинг бир қисми хисобланади) сизнинг тўшакни муқаддас саклаш ҳақидаги Худонинг дъяватини қабул қилишингиздан бошланади. Фақатгина шундай қилибгина, сиз инсоний тасаввур чегараларидан устун бўлган жинсий лаззатланишни ўзингиз учун кашф этасиз.

Лекин Худо биз Унга берадиган нарсанигина муқаддаслай олади ва муқаддас қиласи. Афсуски, бизлардан кўпчилик, ҳаётининг жинсий соҳасини Унга топширишни рад қиласи, чунки ўзларининг хатоларидан уяладилар ва олдинги зўрланиш асирилигида турибдилар. Салбий тажриба ҳаётимизнинг жинсий соҳасига нимадир муқаддас бўлмаган нарсадек қарашга мажбур қиласи, шунинг учун биз Уни Муқаддас Худодан тўсишга ҳаракат қиласиз. Шуниси ҳайратланарлики, кўплаб одамлар жинсий соҳани яратган Худо бизларнинг олдинги тажрибамизни қайта сотиб олиш ва уни муқаддаслаш учун кучга эга эканлигини тезда унутиб қўядилар.

Уялиш бизларнинг нигоҳимизни Худодан олиб, ўзимизга қаратишимизни истайди. У бизларни асир қиласи ва Худонинг шафқатини ҳамда иноятини рад этишга мажбур қилишга ҳаракат қиласи. Умуман олганда, бошида уялиш бўлиб кўринадиган нарса бизларни мағрурлик холатига келтириши мумкин. Гўёки, Унинг қилган иши бизнинг ҳаётимизнинг

жинсий соҳасини шифолаш учун етарли эмасдек, биз Худонинг шафқатига етарлича баҳо бермаймиз. Биз оғриқни муҳаббатнинг нурига олиб чиқиши ўрнига, ичимида тутиб туришда давом этамиз. Ўзларини Худо уларни жинсий соҳада олдин химоя қилмагандек хис киладиган одамлар, кўпинча, Уни ҳозирги ҳаётларига таклиф қилишга қўрқадилар. Гап шундаки, Худо сизни ташлаб кетган эмас эди, содир бўлган нарса инсониятнинг гуноҳдан қулаши оқибатидир. Гуноҳ ёки зўрланганлиқдан уялиш сизни никоҳда жинсий яқинлик тўлиқлигидан лаззатланиш ва жинсий ҳаловатдан тутиб туришига йўл қўйманг. Худо бизларнинг ҳар бир заррамизни шифолашни ва уни бир бутун қилишни истайди.

Бизлар янги оила қурган вақтимизда, кўплаб масиҳий жуфтликлар каби бизлар ҳам, бизнинг никоҳ ваъдаларимиз ўтмишдаги барча жинсий ҳатти-ҳаракатлар изларини сидириб кетади ва бизларга жаннатга йўл очади, деб ўйлаган эдик. Бизлар севгимиз ва бағишлиланганлигимиз туфайли ўтмишнинг ҳеч қандай сояси бизнинг келажагимиз бўсағасидан ҳатлаб ўтмайди, деб ўйлаган эдик. Бизларга мунтазам жинсий алоқалар худбинона одатлар ва тортинишни сидириб ташлайдигандек туюлар эди. Афсуски, бизлар хато қилган эдик. Бизларнинг қарорларимиз ва ваҳийларимиз бизларга қандай озодлик олиб келганини кўрсатиш учун бу ерда ҳам бизлар ўзимизнинг ўзига хос тарихларимиз билан ўртоқлашамиз.

Ҳеч қандай ўтмишдаги одатлар ёки муваффақиятсизликлар Худонинг фарзандларини янги жинсий меросдан маҳрум қила олмайди. Лекин бизнинг жинсий соҳамизни муқаддаслаш ва ўтмишдаги, ҳозирги кунлардаги ҳамда келажақдаги хатоларни факатгина Худо қайта сотиб ола олади. Фақат Унинг инояти билангина оила тўшаги лаззат ва севги ўрни бўлади.

Сизнинг ўтмишингиз қандай бўлганидан қатъий назар, Худо сизнинг жинсий соҳангизни кескин ва тўлиқ қайта тикламоқчи. Унинг инояти сиз чидашингизга тўғри келган ёки ўзингиз қилган ҳамма нарсадан устундир. Лекин сиз Уни ўз ҳаётингизнинг жинсий соҳаси устидан ҳам Раббий қилмагунингизча Унинг иноятини олишнинг иложи йўқдир. Унинг қаршисида очиқ бўлинг, ўзингизнинг бўйсимишингизни тан олинг. У сизнинг жинсий соҳадаги даҳшатингизни ажойиб тушга айлантиради.

## НИКОХ ТҮШАГИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ

“Никох ҳаммангизда қадрли бўлсин, жинсий муносабатингиз нопок бўлмасин. Зинокорлару фохишаларни эса Худо ҳукм қиласди” (Ибр. 13:4).

Агар сизнинг никохингизда муаммолар бўлса, унда биринчи ўринда, булар тўшақда намоён бўлади. Никох тўшагида иштиёқнинг етишмаслиги, одатда, жинсий қобилиятнинг сустлигининг эмас, балки муносабатлардаги муаммоларнинг аломати хисобланади. Яширин муаммолар заиф соҳаларда намоён бўлади ва бизлар жинсий яқинлик вақтларида кўпроқ заиф бўлиб қоламиз.

Жинсий яқинликнинг энг муҳим негизи – ҳурматдир. Кўплаб одамлар никох тўшагини бирор нарса билан булғаш ёки беҳурмат қилиш мумкин эмас деб, янглиш ўйлайдилар, шунинг учун нима истасалар шуни қиласдилар. Бу фикр ҳақиқатдан жуда йироқдир.

Ҳали турмуш қурмасдан, биз уни шу билан ҳурмат қиласдик, ўзимизни бўлгуси эр(хотин)имиз учун покликда асраймиз. Биз тўйдан сўнг ҳам ўзимизнинг никох тўшагимизни бошқа одамлар билан жинсий муносабатда бўлмаслик билан (ўз турмуш ўртоғимизга хиёнат қилмасдан) ва хеч нарса бизни жинсий яқинлик чиройидан фикримизни чалғитишига (масалан, порнография, жинсий бузуқликлар ва номаъкул ишлар) йўл қўймаслик билан ҳурмат қиласдик. Никох тўшаги диёнатсиз жинсий эрмаклар билан муқаддасланмайди; балки, аксинча, диёнатсиз хулқатвор никох тўшагини булғайди ва турмуш ўртоқларни жинсий яқинликдан ҳаққоний лаззатланишдан тутиб туради. Биз шунингдек, олдинги бобда айтиб ўтилганидек, ўз тўшагимизни ўз турмуш ўртоғимизнинг эҳтиёжларига хизмат қилиш жойи деб қараш билан ҳурмат қиласдик. Ўз турмуш ўртоғингизга жинсий хизмат қилиш – бу Худо белгилаган муқаддаслик чегараларида унинг эҳтиёжларини ҳурмат қилишдир.

Баъзан биз ҳатто бу учун керак бўлган кайфиятга эга бўлмаган ҳолда турмуш ўртоғимиз билан жинсий муносабатда бўлиб, ўз турмуш ўртоғимизга хизмат қиласдик. Бизнинг ёшимиз улғайгани сари, жинсий интилиш кам аҳамиятга эга бўлиб бораверади. Биз жинсий алоқани турмуш ўртоғимизга жисмоний интилиш борлигининг тасдиғи дебқабул

қилишни бас қиласыз. У күпроқ қалб яқинлигига интилишга айланиб боради. Худо жинсий алоқаны эр ва хотин орасидаги алоқа воситаси сифатыда яраттган, шунинг учун ҳимоясизлик ҳисси сизни бу алоқадан лаззатланишдан тутиб қолмасин. (Сиз хизмат қилиш рухида харакат қилишингиз ва ўз турмуш ўртоғингизга босим ўтказмаслигингиз ҳамда ўзингизнинг лаззатингиз учун у буни истамаган вактда жинсий алоқа қилишга мажбурламаслигингиз керақ).

Биз никох түшагимизни хурмат жойи қылганимиз учун, ҳозир, бизлар элликка кирган вактда, бизнинг жинсий муносабатимиз биз йигирма ёшда бўлган вактимиздагидан анча яхшироқ, гарчи йигирма ёшлик пайтимизда биз яхшироқ ташқи қўринишга эга бўлган бўлсак ҳам. Жинсий муносабатнинг сифати сизнинг ташқи қиёфангизга ёки сиз нақадар харакат қилаётганингизга боғлиқ эмас. Асосийси, сизлар, бирга бўлувчилар ким эканликларингиздир.

Севги билан машғул бўлиб, бизлар никоҳимизнинг ўттиз йилдан ошганини байрам қилмоқдамиз. Бизнинг қувончларимиз, оғриқларимиз, жангларимиз ва ғалабаларимиз бизнинг жинсий яқинлигимизга маъно ва қадр қўшади. Бизнинг рухий, хиссий ва физиологик яқинлигимиз соғ лаззат ва ҳаловатда намоён бўлади. Биз ўз никоҳимизда яратган жинсий маданият Худонинг қайта сотиб олувчи кучи ҳакида гувоҳлик беради, чунки биз бошлаган жойимиздан анча олдинга силжидик.

## 2-кун

### ЛИЗАНИНГ ТАРИХИ

Биз Жон билан бирга ўз никоҳимизга турли хил жинсий гуноҳлар олиб келдик. Жон ўз жангларида иштирок этаётган бир пайтда, мен ҳаётнинг жинсий соҳасида шахсий жангимни олиб бораётган эдим. Мен коллежда ўқиётган, 19 ёшда бўлган пайтимдаги тартибсиз жинсий муносабатларим, 22 ёшлигимда турмушга чиққан пайтимдаги озодлигимга ҳалакит беришини хеч қачон ўйлаб кўрган эмас эдим.

Менинг ота-онам жинсий муносабат ҳақида сүзлаганларида, у никох учун яратылған дер әдилар, лекин нима учун бундай эканлигини тушунтирмас әдилар. Ёдимда қолгани бўйича, улар мени таносил касалликлари ва никоҳсиз ҳомиладорлик шармандалиги билан кўркитар әдилар.

Ота-онамнинг никоҳи бир амаллаб сақлаб турилар эди, уларнинг сўзлари билан ҳаёт тарзлари орасида ўхшашлик жуда кам эди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, менинг бувим билан отамнинг улар билан жинсий алоқада бўлган жуда кўп танишлари бор эди. Бизнинг суҳбатларимизда ҳеч қачон поклик ва яхши хулқ тушунчалари ёдга олинмас эди. Мен ўзим учун қарор қилдим: нима истасанг қилишинг мумкин, асосийси, оқибатлари ҳақида ўйлаш керак ва ота-онадан обдан яшириш керак.

Менинг коллежда ўқиши жараёнимда, бу мантиқ мен ўз тенгкурларим биланқабул қилган ахлоқ билан бирга менинг ҳаёт негизимга айланди: фақатгина севган кишинг билан ётишинг мумкин ва жинсий алоқа вақтида масъулиятни бўйин олишинг, жумладан, ҳомиладорликдан сакланишинг лозим. Вақти-вақти билан мен ҳатто ўзимнинг камроқ масъулиятли дугоналаримни ўзимнинг шифокоримнинг олдига олиб боришимга ҳам тўғри келар эди, у эса уларга “дори” берар эди.

Сўнгра мен Жон билан танишдим ва бизнинг илк учрашувимизда у мени Раббийга олиб келди. Мен йигирма бир ёшда эдим. Ўша оқшомнинг ўзида мен юқоридан туғилдим, Муқаддас Рухга тўлдим ва ҳамма нарсадан шифо топдим. Жон билан суҳбатимиз жараённида мен қандайдир бемаъни гапни айтиб: “Мен ахлоқли бўлганим учун шу қадар хурсандман”, – деган сўзларни айтдим.

Бундай ахмокона гапни айтиш қандай калламга келганини кейинчаликтушуна олмадим. Нима учун бундай деганимни тушуна олмайман, кўринишича, мен ахлоқ билан муқаддаслик орасидаги фарқни тушунмаганман. Ёдда тутинг, мен учраганлар билан эмас, севган йигитларинг билангина ётиш, ахлоқли бўлиш деб ўйлар эдим. Мен юқоридан туғилганимга қарамасдан, ўша илк соатларда менинг онгим ҳали янгиланган эмас эди.

Кейинчалик, бизлар жиддий мақсад билан учраша бошлаганимизда, Жон менинг сўзларимни унтишига умид қилдим. У менга: “Бизлар икковимиз ҳам ўзимизни асраганимиздан мен шу кадар хурсандман”, – деган вактидаги даҳшатимни тасаввур қилинг. Ўша лаҳзада: “Бу эндиғина туғилган ва ҳеч нимани тушунмайдиган Масихдаги гўдакнинг гувраниши эди”, – деб қичқиргим келар эди. Мана шунда мен олдинги қарорларимнинг натижалари бошқа одамлар учун нақадар оғрикли бўлиши мумкинлигини англадим.

Жон мендан у билан ҳаётини бўлишишини сўрашини кутган куним келди ва мен унга ҳақиқатни айтишимга тўғри келишини билар эдим.

Мен ўзимни Жонга арзимайдигандек ҳис қиласр эдим, мен ўзимга Худони севадиган ва менга ғамхўрлик қиласдиган одам билан ҳаётимни куриш учун бебаҳо имкониятни қўллашга интилаётгандек туюлар эдим. Мен айланиб келиш учун чиқдим ва Худога фарёд қилдим. Мен кечирилган эканимни билар эдим, лекин жинсий муносабатларим натижалари учун афсусланиш ҳисси мени тўлдирадар эди.

Сўнгра мен суҳбатлашиб олиш учун Жоннинг олдига бордим. Лекин мен ўзимнинг уятли сиримни тан олишимдан олдин у: “Мен сенга Муқаддас Ёзувдан бир жойни ўқиб беришимга қарши эмасмисан? Сен билан буни ўртоқлашишим кераклигини мен ҳис қилдим”, – деди.

Мен маъқуллаб бош силкидим ва Жон ўқишни бошлади: “Шундай килиб, ким Масихда бўлса, у янги ижоддир; эскиси ўтиб кетди, энди ҳаммаси янгидир” (2 Кор. 5:17, инглиз тилидан замонавий таржима).

“Мен биламан, бу ғалати эштилади, – деди у, – лекин мен ҳис қилдимки, ҳамма эскиси ўтиб кетганини Худо сенга айтишимни сўрайяпти. Энди сен янгисан ва сен ...бокира қиз кабисан”.

Бу сўзлар остида, менинг кўнгил айнигандек бўлди. “Мен бокира эмасман, – дедим мен, – мен сизга айнан шуни айтмоқчи эдим”.

Жон менинг елкамдан кучди, менинг кўзларимга қараб: “Агар Худо сени бокира деса, бизлар ким бўлибмизки баҳслашсак?” – деди. Шу лаҳзада менинг бор уялишим йўқолди.

## БУЗИЛГАН ЖИНСИЙ СОҲАНИНГ ТИКЛАНИШИ

Барибир мен ҳаётимнинг жинсий соҳасини муҳаббат учун эмас, хирс учун уйғотдим. Мен турмушга чиқаётганимда, севишни истар эдим, лекин қандай севишни билмас эдим. Турмушга чиққунимча, мен жинсий алоқани қандайдир ёмон, таъкиқланган ва ножӯя иш деб тасаввур қилар эдим. Энди, мен турмушга чиққанимдан сўнг, у Худо учун ва одамлар учун яхши ва муҳим нарсага айланди. Мен қандай қилиб олдинги ҳолатдан янгисига ўтишни билмас эдим.

Бизлар Жон билан ёлғиз қолганимизда, мен илгари коллежда кўрган даҳшатли порнофильмлардан қандайдир лавҳалар бирданига кўз ўнгимда намоён бўлар эди. Ёки мен олдинги севган йигитим билан бўлган жинсий муносабатларимнинг хотираларидан уялиб ўзимнинг жинсий майлимни сўндиришга ҳаракат қилар ва ўз қобигимга ўралиб қолар эдим. Бу даҳшатли эди.

Мен озод бўлишим ва ўзимни эримга буткул топширишим лозим бўлган бир пайтда, ўтмишга боғланганлигимни пайқаб қолдим. Жон менга тўлиқ эгалик қилишга арзир эди, мен эса ўтмишдаги хатоларим туфайли жинсий озодликни ҳис қила олмас эдим. Мен нопок фикрлар билан, манзараплар билан, солиштиришлар ва уялиш ҳисси билан курашар эдим. Мен уларга қарши курашар эдим, лекин бу бефойдадек туюлар эди. Мен ўз ҳаётимнинг айнан ўша фаслида кўнгил ришталарини ва наслий лаънатларни барбод қилиш кучи ҳақида билиб олдим.

Бу китобда биз аллақачон оилавий лаънатлар масаласини кўтарган эдик. Мен айтиб ўтганимдек, бизнинг оиласидан менинг томонимда ахлоқсизлик ва хиёнаткорлик ҳукм сурар эди, мен улардан воз кечишимга тўғри келди. Лекин бундан ташқари, мен парчаланган жинсий ҳаётим қайта тикланиши учун олдинги муносабатларнинг кўнгил ришталарини узиб ташлашимга тўғри келди. Келинг, Муқаддас Ёзув нима дейишига назар ташлаймиз:

“Сизларнинг таналарингиз Масихнинг аъзолари эканлигини билмай-сизларми? Шундай қилиб, Масихнинг аъзоларини олиб, фоҳишанинг аъзолари қилар эканманми? Йўқ, асло! Фоҳиша билан қовушган одам

у билан бир тан бўлишини билмайсизларми? Чунки: “Иккови бир тан бўлади”, – деб айтилган” (1 Кор. 6:15,16).

Мен ўзимнинг олдинги севган йигитларимни зинокор деб атамайман, лекин Ёзув бу Ёзувири. Мен улар билан бир тан эдим, энди эса бошқа одам билан аҳд туздим. Ҳар бир танишув ва ажралиш билан менинг қўнглим бўлакларга бўлинар эди, шунда, ахийри, ўша жинсий алоқалар натижасида мен ҳар қандай бутунликни йўқотдим. Агар бизнинг ҳаётимизнинг жинсий соҳаси бузилган ва беобруй қилинган бўлса, фақатгина Худо унинг обрўйини тиклай олади. Фақатгина Худо нимадир нопок ва булғангандар нарсани олиши ҳамда қайтадан тоза ва муқаддас қилиши мумкин. Фақатгина Худо бизга кул ўрнига гўзаллик бериши мумкин ва биз буни Унга олиб келамиз.

Агар сизнинг ҳаётингизнинг жинсий соҳаси ўтмишдаги ахлоқсизлик билан уйғотилган бўлса (бу кўплаб жинсий муносабатлар бўладими, порнография билан бирга мастурбациями ёки бошқа бирор ифлосликлими), биз сизга қайта тикланиш ибодатига янавақт ажратишни таклиф қилишни истар эдик. Марҳамат, ибодатдан олдин ўзингизни руҳан тайёрланг, фақатгина эрингиз(хотинингиз), якин дўстингиз, ибодатдаги шерингиз ёки шунчаки Муқаддас Рухнинг ҳузурида ибодат қилинг. Баланд овозда айтинг:

*Самовий Отам,  
менинг гуноҳимнинг жазосини олиш учун Сен Ўз Ўзингни юборганинг учун раҳмат. Мен энди Масиҳдаман, менинг ҳаётимдан барча эски нарсалар ўтиб кетди. Энди ҳаммаси янгидир. Коринфликларга иккинчи мактубда (5:21) айтилганидек, Исо Масиҳ менинг гуноҳларимни Ўзига олди, токи мен Сенинг ҳақлигинг бўла олайн. Мен бугун айнан шундайман.*

Энди мен ўзимнинг гуноҳларимни ва ажододларимнинг гуноҳларини эътироф этаман, мен жинсий гуноҳларга, нопокликка, бузуқликларга ҳар қандай иштирок этишиниҳамда кўплаб жинсий шериларни рад қиласман. (Сиз рад этаётган ҳар қандай гуноҳнинг номини аниқ айтинг. Уларни Худонинг олдида аташдан уялманг. Ҳеч нарса Ундан яширип эмас. Уларнинг ҳар бирини У аллақачон билади ва сиз-

ни айбдорликхамда уят юкидан құтқаршиға ташна. Сүнгра, тайёр бўлганингиздан сўнг давом эттирине).

Ота, Ўз Руҳингнинг қиличини олиб, мен ва ...орасидаги барча ифлос жинсий ҳамда кўнгил боғланишини барбод қилгин. (Муқаддас Руҳга қулоқ солинг ва ўзингиз эшишадиган ҳар бир исмни айтиб ўтинг. Шундай бўлиши мумкинки, сиз анчадан буён муносабатда бўлмаган, аммо сиз улар билан фақат турмуши ўртоги ёки Нажоткор билан бўлиши мумкин бўлган ҳиссий ёки жисмоний боғлиқ бўлган одамларнинг исмларини эшиштасиз).

Ҳар бир исмни алоҳида айтиб ўтганингиздан сўнг, шундай ибодат қилинг:

Ота, бу одамлардан менинг кўнглимнинг бўлакларини олии учун фариштадаринги юборгин. Ўз Руҳинг билан уларни менга қайтаргин, токи мен тўлақонли, муқаддас ва Сенга маъқул бўлиши учун ажратилган бўла олайин.

Ота, мен ҳар қандай бузук суратларни рад қиласман. Ифлос суратлар менинг кўз ўнгимда намоён бўлишига имкон берганим учун мени кечиргин. Санолар (100:3) даги сўзлар бўйича мен аҳд тузаман ва юрагимни бенуқсошлиқда асройман, бирор номаъқул нарсани кўз ўнгимга йўлатмайман. Мен ҳар қандай нопок руҳдан воз кечаман ва унга ҳамда унинг таъсирига менинг ҳаётимни тарк этишини буюраман.

Ота, мен Исо Масиҳинг покловчи қони билан ювгин, чунки фақатгина у қайта сотиб олии ва поклашкучига эга. Мен ўзимни Сенинг маъбадинг бўлишига бағишлайман; Ўз Муқаддас Руҳингнинг кучи билан бу муқаддасгоҳнинг руҳи, жони ва танасидан ҳар қандай ифлосликни олиб ташлагин. Мени Ўзингнинг Муқаддас Руҳинг билан тўлдиргин. Менинг кўзларимни очгин, токи мен кўра олайин; қулоқтаримни очгин, токи мен эшишта олайин; юрагимни очгин, токи Сен мен учун тайёрлаб қўйган ҳамма нарсани ола олайин. Мен сеникиман. Менинг ҳаётимда Сенинг ироданг бажо бўлсин.

Муҳаббат билан, Сенинг фарзандинг.

## 3-кун

## ЖОННИНГ ТАРИХИ

Жисмоний сохада мен ўзимни хотиним учун асралым, лекин порнография ва мастурбацияга яъни ўз-ўзини жинсий қўзғатишга тобе эдим. Мен гўзал хотиним билан жинсий муносабатлар менинг бу бузуқлигими ни шифолайди, деб ўйлаб, бу тобеликни ўз никоҳимга олиб келдим. Лекин бу содир бўлмади. Бизнинг тўй оқшомимиздан сўнг ҳам бир неча йиллар мобайнида мен ҳирс билан курашишда давом этдим. Менинг тобелигим бизнинг жинсий ҳаётимизга кучли халақит берар эди. Мен уялиш ва хижолатни ҳис қиласиди. Мени ҳирс боғлаб туришини мен истамас эдим, лекин мен нақадар кучли ҳаракат қилмайин, озод бўла олмас эдим. Жиддий ўзгаришлар керак эди.

1984йилда мен бизнинг жамоатимизга келадиган меҳмонларни кутиб олишга масъул эдим. Бир куни мен ўз жангларим ҳакида, меҳмонлардан бирига, ўзим жуда ҳурмат қилган Худонинг кишисига айтиб бердим. У озод қилиш хизмати орқали кўпларга яхши таниш хизматчи эди. “Агар кимdir менга ёрдам бера олса, шу одам, мана шу киши”, – деб ўйладим мен ва унга ҳаммасини очиқ айтиб бердим.

Унинг жавоби мен учун кутилмаган жавоб бўлди: “Буни бас қил! – деди у, – сен шунчаки бас қилишинг лозим”.

Мен: “Яхши. Лекин сиз мен учун ибодат қиласизми?” – дедим.

У ибодат қилди, лекин ҳеч нима содир бўлмади. Мен: “Балки менга одамларга озод бўлишга ёрдам берадиган кучлироқ инъомга эга бўлган одам керакдир”, – деб ўйладим. Лекин янада кучлироқ озодлик хизматига эга бўлган бирор киши менинг хаёлимга келмади. Мен ўзимни гўёки бу гуноҳга ботиб қолгандек ҳис қиласиди. Тахминан тўққиз ойлардан сўнг, менинг дўстим унинг уйида тўрт кун яшашга рухсат берди. Мен у ерга биргина мақсад: тобеликдан озод бўлиш учун бир ўзим бордим. “Худо, ахийри, озодик келиши лозим”. Ўша куни, 1985йил бмайда мен мўъжизавий равишда тўлиқ озодликни кўлга киритдим.

Мен озод бўлганимдан сўнг, бир неча ойдан сўнг мен Худодан сўрадим: “Худо, мен тушунмадим. Нега мен учун ибодат қилганларида мен

озод бўлмадим? Мен Худонинг бу буюк кишисига ўз гуноҳимга ошкора икрор бўлиш учун ўзимни бўйсундирдим. Нега озод бўлишим учун шу қадар кўп вақт кетди?”

Худо дархол менинг дикқатимни менинг ибодатли ҳаётимдаги ўзгаришларга қаратди. Кўп вақт мобайнида мен асосан бундай ибодат қилар эдим: “Раббий, мени ишлатгин. Илтимос, мени ишлатгин”. Бу сўзлар менинг ибодатимнинг маркази эди. Менинг барча ибодатларим менинг фаровонлигим ва даъватим атрофида айланар эди. Менинг гуноҳдан озод бўлиш истагим Худога севги билан, ҳаттохи Лизага севги билан хам мустаҳкамланмаган эди; у менинг муаммоларим бир куни ўз даъватимга киришимга ҳалақит беради, деган қўрқув томонидан бошқарилар эди. Менинг худбинлигим Худо билан яқинликка тўсқинлик қилар эди ва Унга яқинликнинг етишмаслиги Унинг ўзгартирувчи кучини ўз ҳаётимда ҳис қилишимга ҳалақит берар эди.

Сўнгра менинг юрагимда ўзгаришлар содир бўлди ва менинг ибодатимда бошқа асосий сўзлар пайдо бўлди: “Раббий, мен Сени билишини истайман. Орамизда хеч қандай тўсиклар бўлмасин”. Мен дикқатимни ўзимга қаратишни бас қилдим ва Худога қаратдим. Мен ўзимга қарашни бас қилиб, нигоҳимни Худога қаратганимда, ўз ҳаётимни Унинг инояти учун очдим. У мени озод қилди ва менинг жинсий ҳаётимга бутунликни олиб келди. Мен Ёзув Худо учун қайғуриш дейдиган нарсани ўз ҳаётимда ҳис қилдим.

### ХУДО УЧУН ҚАЙҒУРИШ

“Чунки Худо учун қайғуриш нажотга олиб борадиган шубҳасиз тавбани келтириб чиқаради, дунёвий қайғуриш эса ўлимни келтириб чиқаради” (2 Кор. 7:10).

Кўплаб йиллар давомида, мен ўзимнинг тобелигим учун қайғурадим. Мен аллақачон айтиб ўтганимдек, мени хирс боғлаб кўйишини истамас эдим, менинг бу хулқ-атворим мен учун жирканч эди. Кўплаб одамлар гуноҳ учун қайғурадилар. Лекин Худо учун қайғуриш бор, у тавбага ва ўзгаришга олиб боради; бундан ташқари, ўзгаришларсиз айблов ҳиссига олиб борувчи дунёвий қайғуриш бор.

Дунёвий қайгуриш ўзига қаратилган ва мағрурликдан озиқланади. У чорасизлик ва ўзига раҳм келиши билан характерланади, чунки факатгина инсоний күч чегарасида қила оладиган ечимларнингини кўради. У Худонинг кучини англашга асосланган умид учун кўрдир, шунинг учун албатта руҳий ўлимга олиб боради.

Худо учун қайгуриш, аксинча, ўз-ўзига раҳм келиши ва худбинника йўналганэмас. У диккатини Худога қаратади. У оғриқ келтиришига қарамасдан, келажакка умид уйғотади, чунки унинг кучи Худонинг муқаддаслаш, күч бериш ва ўзгартириш хусусиятидадир. Худо учун қайгуриш қайсиdir лаҳзада чақиб олиши мумкин, лекин тез орада, унинг ортидан қувонч ва ҳаёт келади.

Дунёвий қайғу ва айблов ҳисси менинг ҳаётимдаги ҳирснинг чангалини мустаҳкамлар эдилар. Худо мени ишлатиши учун ибодат килганимда, мен жуда художўман, деб ўйлар эдим, лекин аслида, бу мағрурлик эди. Мен факатгина ўз мақсадларим учунгина озод бўлишни истар эдим. Мен Худонинг юрагини нақадар яралаётганим умуман менинг хаёлимга келмас эди.

Кўплаб одамлар факатгина уларнинг гуноҳлариафсус-надоматҳавзалари кўттармаслиги, келажақдаги муваффақиятларига ҳалақин бермаслиги ва айборлик ҳисси келтирмаслиги учун озод бўлишни исташади.

Агар биз Худонинг юрагини билмасак ва У билан тўлишмасак, Худога ўхшаш бўла олмаймиз. Унга яқинлик доимо ўзгаришга замин яратади. Биз озодликни қўлга киритамиз ва доимо Худо билан шахсий муносабатларда бўлиб, озодлигимизни гуноҳдан асраймиз. Биз камтарликда Унга яқинлашганимиз сари, У Ўзини очади ва бизларга муқаддас яшаш учун куч беради:

“...Худо мағрурларга қарши туради, лекин камтарларга иноят ато эта-ди. Шунинг учун Худога бўйсуннинглар... Худога яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади (Унга ўзингизни очинг). ..Кулгингиз йифига, қувончингиз қайгуга айлансин (Худо учун қайгуга). Раббий олдидаги камтар бўлинглар ва У сизларни юксалтиради” (Ёкуб 4:6-10, кенгайтирилган таржима).

Бизнинг гуноҳкор табиатимиз истаклари ва ҳирсларидан озод қилиб, Худо бизларни юксалтиради. Озодлик учун У бизларни озод қилди. Лекин Озод қилувчини таниб-билмагунимизча биз озодликни топа олмаймиз. Агар сиз озодликни истасангиз Худонинг юрагини изланг. Ҳар дафъа Худонинг йўлидан чекинганингизда, бу яқинлик Худо учун чукур қайгуни келтириб чиқаради, бу эса, ўз навбатида, сизни У билан муносабатларда янада мустаҳкамлайди ва озодлиқда юриш учун куч беради.

Ёдда туting, сиз Худонинг фарзандисиз, сизнинг ҳаётингизда айблов хиссига ўрин йўқдир. Агар озодликни кўлга киритишингизга бирор нима ҳалақит берса, буни ўзингизнинг заифлигинги газа йўйишга йўл қўйманг. Ўз хатойингизнинг оқибатларидан қўрқманг. Аксинча, Худонинг буюк, қайта сотиб олувчи инояти кучига таянинг.

“Шундай экан, энди Исо Масихда бўлғанларга ҳеч қандай маҳкумлик йўқдир. Чунки Исо Масихдаги ҳаёт Рухининг қонуни мени гуноҳ ва ўлим қонунидан озод қилди” (Рим. 8:1,2).

## ПОРНОГРАФИЯ ВА ЖИНСИЙ ҲАЁТ

Мен (Жон) соддаларча, уйланганимдан порнографияга тобелигим ўтиб кетади, деб ўйлар эдим, аслида эса ҳаммаси бошқача бўлди. Кўплаб жуфтлар ҳам айнан шу, мен билиб олган нарсани хис қилишади: порнография оила қурмаган йигит қизларга салбий таъсир кўрсатгани каби, худди шундай, оила қурганларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Унинг никоҳдаги оқибатлари доимо заарли ва эр-хотинларга ҳақиқий яқинликдан лаззатланишга ҳалақит беради.

Баъзи масиҳий маслаҳатчилар эр-хотинларга жинсий муносабатларга қўзгатиш воситаси сифатида порнографияни бирга кўришни тавсия қилишларини билиб қолиб, даҳшатга тушдик. Бу катта хатодир. Бундай килманг. Маълум вакт ўтганидан сўнг, сиз жинсий муносабатларингизни хирс алансасида ямлаб ютадиган ухлаб ётган аждарни уйғотиб кўйганингизни билиб қоласиз.

“...Одамнинг кўзлари ҳам асло тўймайди” (Хик. 27:20). Порнография – бу никоҳдан ўтгунча ҳам, никоҳдан сўнг ҳам оила учун жиддий

таҳдиддир. Турмуш ўртоғингиз билан биргаликда ҳам, ундан алоҳида ҳам сиз бошқаларнинг шармандалигига қарамаслигингиз керак.

Порнография танага лаззат бериши туфайли вақтингчалик кўзғалиш ва қоникиш ҳисси берса ҳам, кейинчалик у турмуш ўртоғимиз ва Худо билан яқин муносабатларда бўлиш қобилиятимизни ҳалок қилади. Ахийри, у бизда эримиз (хотинимиз) дан ва ўзимиздан қоникмаслик ҳисси қолдиради. Порнография жинсий алоқага кўзғатади, лекин муносабатдаги яширин муаммоларни ҳал қилмайди. Масаланинг тез ечими бўлиб туюладиган нарса, аслида, шундай ҳам мўрт пойдеворда турган юқ вазнини оғирлаштиради. Порнография ҳаёт учқунини ёндирадигандек туюлса ҳам, аслида, у кейинчалик хижолатлик, ишонмаслик ва ҳимоясизлик портлашини келтириб чиқарадиган ҳалокатли пиликни ёндиради.

Худо шундай режалаштирганки, одам жинсий лаззатланишга фақатгина ҳаётини бағишилаган одамга ўзини топширган ҳолдагина эришади. Бу эр-хотинни жуфтлик тўшагидан ташқари ҳам ўзаро яқинликни ривожлантиришга мажбур қиласди ва эр-хотин орасидаги муносабатларни тўлиқ қамраб олади. Порнографиядан лаззатланиш эса, аксинча, фақатгина бир одамга йўналган бўлади. Унга бошқа билан яқинлик керак эмас, асосийси – фақат истак ва эътибор обьекти. Порнографиядан лаззатланиш – Худо икки одам учун режалаштирган, жинсий яқинликдан хис қилиш мумкин бўлган эйфориянинг бор-йўғи заифгина соясидир.

Эр-хотинлар ўз муносабатларига порнографияни келтирганларида, бошқа одамларни ўзларининг жинсий муносабатларига тортиб ўз тўшакларини булгайдилар.

Худо бундай режалаштирган эмас. Жинсий тажриба икки ҳаётни бирлаштириб турган аҳдни эслатувчи бўлиши лозим. Никоҳ аҳдида учинчи одамларга ўрин йўқ. Икки киши учун муқаддас бўлган нарса, кўплар иштирок этгандарида булғанади. Худо учун бизлар жуфтлик тўшагимизни ва уни ифодаловчи аҳдни ҳурмат қилишимиз жуда мухим, чунки У жуфтлик тўшагини ажойиб лаззатланиш ва ҳақиқий қоникиш жойи бўлишиниистайди.

## 4-кун

### ЮРАКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Яқин кунларгача порнографик сайтлар энг оммабоп онлайн манбалар эди (хозир уларнинг ўрнини ижтимоий тармоклар олган). Интернетдаги ҳар ўнинчи сайт, ҳатто бундан ҳам кўпроғи порнографик сайт хисобланади. 40миллиондан ортиқ америкаликлар бу сайтларга мунтазам равишда киришади, ҳар лаҳзада интернет тармоғининг 28,258 фойдаланувчиси порнография кўради. Жинсий иштаҳа ҳеч қачон бу қадар жиловсиз варагбатлантириладиган бўлган эмас.

Жинсий қўзғалишнинг никоҳдагидан бошқа йўллари қўплиги туфайли севги билан шуғулланишнинг ўрниниҳирс олди. Кибер-секс жинсий яқинликни барбод қиласи ва оиласарни бузади. Интернетдаги порнографияга тобелик натижасида, жинсий муносабатлари йўналиши бузилиши туфайли, ҳатто ёш йигитлар эрекциянинг бузилишидан азоб тортмоқдалар. Воқеликдаги аёллар уларни қониқтирмайдилар. Уларнинг тез-тез бўлиб турадиган виртуал алоқалари реал жисмоний учрашувдан жуда кескин фарқ қиласи.

Бу муаммо фақат эркакларга тегишли эмас, порнографик манбалар эса умумжаҳон тармоқ чегарасидан ташқарига ҳам чиқиб бормоқда. Тахминан ҳар бешинчи аёл интернет тармоғида ҳар ҳафтада порнография кўради. Бундан ташқари, эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўзларининг тобеликларини эротик журналлар ва китоблар билан озиқлантирадилар, охиригилар аёллар орасида алоҳида оммабопdir.

Порнография ва жинсий гуноҳларнинг бошқа турлари Худо аслида режалаштирганидан ташқарида бузук лаззат таклиф қиласи. Лекин ҳатто ўз тасаввуридаги ёки экран каршисидаги жиловсиз жинсий хулқатвор шунчаки бузук лаззатдан кўра чукурроқ асоратларга эга. Исо Масих деган: “...ким аёлга хирс билан қараса, аллақачон у билан юрагида зино қилган бўлади” (Мт. 5:28).

Порнография кўриш – бу эр ёки хотиннинг хиёнатининг шаклларидан биридир ва у оиласа таҳдид солади, чунки жинсий муносабатлар ҳақида Гудонинг режасини ҳар қандай бузиш шакли юракнинг ҳолатини бу-

зади. “Асраладиган ҳамма нарсадан кўра кўпроқ юрагингни асра, чунки ҳаёт булоқлари ундандир”, – деб ёзилган Ҳикматлар китоби 4:23да.

Жинсий гуноҳ бизларнинг юракларимизни булғайди ва кейинчалик оила ҳамда ҳаётимизни барбод килиши мумкин. Бу ҳақиқатни, ажралиш ҳолатларининг эллик олти фоизида томонлардан бири “порнографик сайтларга кучли қизиқишига эга” эканлиги ҳакидагиқайғули статистика тасдиқлайди.

Ҳар қандай гуноҳ, ахийри, бизнинг ҳаёт фаолиятимизга ҳужум қиласди. Бизлар масиҳий бўлганимиз учун душман бизнинг рухимиз учун жангда енгилди, шунинг учун у бизнинг жонимиз учун жанг қилмоқда. Бизни тўла-тўқис ҳаётдан маҳрум килиш учун у бизларни гуноҳ оқибатларигачувалтириб ташламоқчи (Юх. 10:10га қаранг).

Масиҳ бизларни гуноҳдан озод қилди, лекин гуноҳ ҳаётимизни назорат қилишига рухсат берганимизда бу озодликни ҳаётимизда ҳис қилмаймиз. Шу сабабли, Повул ёзган эди:

“Шундай экан, гуноҳ ўлимли таналарингизда хукмронлик қилмаслиги учун гунохга унинг хирсларида бўйсунманглар. Шунингдек, аъзоларингизни ҳам ноҳақлик қуроли сифатида гунохга топширманглар, лекин ўзларингизни Худога ўликлардан тирилганлардай тақдим этинглар ва аъзоларингизни Унга ҳақлик қуроли сифатида топширинглар” (Рим. 6:12,13, курсив муаллифларники).

“Аъзоларингизни” сўзи – биз Худога ҳаётимизнинг жинсий соҳасини ҳам тақдим қилишимиз лозимлигини билдиради. Биз ўзимизни Унга буткул тақдим қилганимизда ва Муқаддас Рух бизнинг жинсий муносабатларимизни белгилашига рухсат берганимизда, бу билан Худони улуғлаймиз. У бизларни барча кишанларданва Худо бизлар учун тайинлаган ҳаётдан бизни тутиб турувчи асириликдан озод қиласди. У бизларни озодлик, яқинлик ва хузур-ҳаловат келтирадиган жинсий лаззат томон йўналтиради.

Биз ҳаётимизда одатга айланган жинсий гуноҳ зулмини осон енгамиз, демоқчи эмасмиз. “Чукӯр кўркув ва эҳтиром билан Худога итоаткор бўлган ҳолда, нажотингизнинг натижаларини кўрсатиш учун, – деб ёзган эди Повул, – ғайрат билан меҳнат қилинглар” (Флп. 2:12, инглиз

тилидан замонавий таржима). Муқаддаслаш Худо иноягининг иши бўлишига қарамасдан, танани хочга михлаш – бу оғрикли жараёндир. Вақти-вақти билан муқаддаслик ва бенуқсонлик сари сафарвасасаларга ва мағрурликка доимо қарши чиқишни талаб килади. Аммо бизлар Муқаддас Рухга Унинг поклаш ишини ичимизда амалга оширишига рухсат берсак, биз жанг оғриғидан бир неча баробар ортиқроқ бўлган руҳий қувончга кирамиз.

### ПОКЛИК ВАХИЙСИ

“Мен сизларни Худонинг раши билан рашик килмоқдаман, чунки мен сизларни покиза қизни ягона эрга никоҳлагандай, Масихга тақдим этдим. Лекин илон ўз ҳийлагарлиги билан Ҳаввани алдаганидек, сизларнинг онгингиз ҳам Масихдаги соддалиқдан йироқлашиб бузилмасин, деб кўркмоқдаман” (2 Кор. 11:2,3).

Никоҳдаги поклик фақат бизлар ҳакимизда эмас, шунингдек, Масихнинг пок келин ҳакидағи вахийси ҳақида сўзлайди.

Ҳозирги кунда хирс жамоатда ҳам авжига чиқмоқда. Яқин орадаги изланишлар кўрсатдики, масихийлар орасида эллик фоиз эркаклар ва йигирма фоиз аёллар порнографияга тобедирлар. Бу тобелик билан курашиш учун кўплаб эркаклар ва аёллар ўзларининг жинсий майлларини жиловлаш учун ҳисбот бериш ва юриш-туришни ўзгартириш усулларига мурожаат қиласидар. Бу ўзгариш истагининг қимматбаҳо кўрсаткичидир ва бу усуллар, албатта, фойдали, лекин ҳисбот бериш ва интизом гуноҳнинг табиатини енгиш учун етарлича кучга эга эмас. Агар одам жинсий жиловсизликка интилса, ҳеч кандай шаклдаги табиий жиловлар уни тутиб туришга қодир эмас. Ҳаттоқи, унинг ташқи юриш-туриши вактинча назорат остида бўлса ҳам, унинг ички ҳаёти устидан хирс ва айблов хисси ҳукмронлик киласиди.

Бизнинг юриш-туришимиз фақатгина онгимиз ўзгарганидагина ҳақиқатан ўзгаради. “Бу дунё билан тенглашманглар, – ўтинади Повул, – балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар” (Рим. 12:2га каранг). Худонинг фарзандлари сифатида бизлар гуноҳнинг кучидан

озодмиз (Рим. 6:19-23). Лекин бу озодликдан лаззатланиш учун, аввало Худо онгимизни ўзгартириш орқали бизнинг юриш-туришимизни муқаддаслашига рухсат беришимиш лозим.

Бизлар Худонинг Сўзида ва Унинг ҳузурида вақт ўтказганимизда бизнинг онгимиз янгиланади. Бошқа йўли йўқ. Юракка экиласидиган ва Муқаддас Рух мустаҳкамлайдиган Худонинг Сўзи гуноҳдан озодлик беради (Сан. 118:1 ва Ёкуб 1:21га қаранг). Кўплаб масиҳийлар ўзларининг жинсий соҳадаги уятли ишларидан йиглайдилар, лекин уни озодликка олиб Борувчининг ҳузурига олиб чиқа олмайдилар.

Кўплаб диний институтлар ахлоқсизлиқдан қутқариш учун кўркув ва назорат қилиш механизмларини экишга ҳаракат қиласидилар. Бундай ҳаракатлар керакли натижа келтирмадилар ва иккюзламачилик ҳамда гуноҳ мўл-кўллигига олиб келдилар. Уялиш гуноҳни сояга олиб кетади ва у ўша жойда гуллаб-яшнайди.

Диний қонунлар ва одамлар ўйлаб топган қоидалар бизларни гуноҳдан қутқара олмайди. Аслида, қонунлар ва қоидалар қонунбузарлик учун яхши мухит яратади (Рим. 7 ва 2 Кор. 3:бга қаранг). Худо бизларнинг бор кучимиз билан қоидаларга кўра яшашимизни истамайди, У бизларнинг Унга яқин бўлиб яшашга жуда ҳам иштиёқ билан интилишимишни истайди. Биз Отанинг севгисида бўлганимизда ва У билан шахсий муносабатлар орқали бир бутун бўлганимизда мукаммаллашамиз. Ёзув дейди:

“Масих эса гуноҳларимизни олиш учун зохир бўлганини ва Унинг Ўзида гуноҳ йўклигини биласизлар. Масихда жо бўлган ҳар бир одам гуноҳ килмайди. Гуноҳ киласидиган ҳар бир одам эса уни кўрмаган ҳам, таниб билмаган ҳам” (1 Юх. 3:5,6, муаллифларнинг курсиви).

Бу оятда “таниб-билиш” маъносини билдирувчи сўз сифатида ишлатилган юононча сўз “ginosko” “одамни узоқ вақт давом этган муносабатларни билдирадиган тўғридан-тўғри шахсий муносабатлар орқали билиш”, – деган маънони билдиради. Гуноҳкор табиатдан озод бўлиш йўли – Худо ҳакида кимлардир орқали билишда эмас, балки Худо билан шахсий муносабатларга эга бўлишдадир.

Хаворий Юханно Муқаддас Рухнинг рухлантириши остида доимо гуноҳга эга бўлган масиҳий Масиҳ билан яқин, шахсий муносабатларга эга эмаслигини айтган. Шунинг учун никоҳдаги яқинликка таҳдид солаётган гуноҳ устидан ғалабага эга бўлиш учун Худо билан яқинликка улғайиш лозим.

Агар гуноҳ сизнинг ҳаётингизни назорат қилса, Худога югуринг. Гуноҳдан озодликни сиз фақат Масиҳнинг севгисини ва иноятинишахсан ва доимий равищда таниб-билиш орқали қўлга киритасиз. Сиз Худонинг хузурига камтарликда келганингизда, У сизнинг онгингизни янгилайди ва Масиҳдаги озодликни англашга соя солиб турган барча пардаларни олиб ташлайди.

“Бирок Раббийга мурожаат қилганларида, бу парда олиб ташланади.

Раббий Рухdir. Раббийнинг Рухи бор жойда озодлик бор. Бизнинг ҳаммамизочик юзимиз билан кўзгуга қараганимиздек, Раббийнинг шуҳратига қараб турибмиз ва Раббийнинг Рухи орқали шуҳратдан шуҳратга, худди ўша тасвирга ўзгармоқдамиз” (2 Кор. 3:16-18).

Худо жинсий ёки бошқа бирор гуноҳ билан сизнинг ўзингиз курашишингизни истамайди. У сизнинг бенуқсонлик ва муқаддасликда яшашингизни истайди. Худонинг севгисига жавобан сизнинг Худога бўлган севгингиз ўсиб борганида, сизнинг ҳаётингиз янгиланиш ва уни эҳтиром қилиш истаги билан тўлиб-тошади. Унинг иродасига ва йўлларига бўйсуниб, сиз Исо Масиҳ каби яшаш учун куч топасиз. Повул Филиппидаги имонлилар учун ибодат қилгани каби, биз ҳам сиз учун ибодат қиласиз:

“Сизларнинг севгингиз билимда ҳамда хар қандай ҳис-туйғуда тобора ва тобораортиб бориши учун ибодат қилмоқдаман, токи сизлар аълороқ бўлган нарсани аниқлаб, Масиҳнинг қунида пок ва бенуқсон бўлингларҳамда Худонинг шуҳрати ва мақтоби учун Исо Масиҳ орқали ҳақликнинг ҳосилларига тўлиб-тошган бўлинглар” (Флп. 1:9-11).

Агар жинсий муносабатларга Масиҳга маъқул бўлиш кучли истаги билан ёндашсак, биз эр(хотин)имиз билан ҳаётимизнинг турли фаслларида яқинликдан лаззатланишни ўрганишимиз мумкин.

## 5-кун

### ЖИНСИЙ МУНОСАБАТЛАР ФАСЛЛАРИ

“Хар ишнинг ўз фурсати бор ва осмон остидаги хар нарсанинг ўз вақти бор” (Воиз 3:1).

Ҳаётнинг кўплаб соҳаларида, вақт шунчаки муҳим эмас, балки у ҳамма нарсадир. Агар ҳаётда ҳамма нарса фаслга эга бўлса ва ҳар бир мақсаднинг ўз вақти бўлса, жинсий ҳаёт ҳам бундан мустасно эмас. Хар йил – тўрт фасллар йифиндисидир ва биз ҳар бир никоҳда ҳам шундай деб хисоблаймиз. Шунинг учун келинг, жинсий муносабатларни айнан шу контекстда кўриб чиқамиз.

### БАҲОР: БИРИНЧИ ДЕКАДА

Тасвирлаш учун жинсий ҳаётнинг ҳар бир фаслини оиласвий ҳаётдаги ўн йилликка таққослаймиз. Мисол учун ёшлари ўртача йигирма саккизда бўлган эр ва хотинни оламиз. Оиласвий ҳаётнинг биринчи ўн йиллиги – бегуборлик ва янги бошланишлар фасли, буни баҳор деб атаймиз. Александр Поупнинг фикрини таъкидлаб ўтсак, бу – “умид булоги абадий окиб турадиган” даврdir. Баҳор имкониятларга тўла.

Биринчи ўн йиллик – бу сиз янги жинсий истиқбол билан ҳаётга кирганингиздаги кутишлар ва кашф килишлар фаслидир. Эҳтиросли кутиш вақтида йиғилиб қолган нарсалар никоҳингизнинг баҳорида уйғонади.

Сиз ҳали алоҳида шахс сифатида ким эканлигинизни ва биргаликда ҳаёт куриш нима эканлигини кашф этишда давом этаверасиз. Жинсий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси ҳам янги, ҳам тароватли.

Агар сиз фарзандлар кўришни режалаштираётган бўлсангиз, унда, аниқроғи, айнан шу фаслда сиз ҳомиладорлик қувончи ва қийинчиликларини билиб оласиз. Оиласа болалар пайдо бўлганида, жинсий ҳаёт ўзгаради. Сизлар энди нафақат бир-бирингизни севасиз, аммо шунингдек, от ва она ҳамсиз. Болалар, балки сизнинг тинчлигингингизни бузадилар ва сизнинг хонангизда ётадилар.

Бу дилтортар вазифалар фаслидир. Менга (Лиза) ёш она бўлиш ёқар эди ва болаларни эмириш ёқар эди. Мен ўз ўғилларимга бир ёшгача ва ҳатто икки ёшгача кўкрак эмирадир эдим. Бу ерда муаммо пайдо бўлади: мен тушундимки, болаларга ғамхўрлик қилиш кучли истаги эр ҳакида жуда тез унтишга имкон беради. Ёш она, бола ва эр орасида танлаши мумкин эмас, сиз қўлингизда тутиб турган болангиз сизнинг ҳаётингиздан эрингизни сиқиб чиқармаслиги лозимлигини доимо ёдда тутиш лозим.

Мен болаларимни аллалаганимда, уларга ғамхўрлик қилганимда катта қониқиши хис қиласар эдим, шунинг учун эримга етарлича эътибор қаратмас эдим. У ўғилларимизни севишига қарамасдан, унда улар билан менда бўлганидек боғланиш йўқлигини мен унтиб қўяр эдим. У менга муҳтож эди, лекин бизнинг мухаббатимиздан туғилган болаларимизнинг эҳтиёжлари менга равшанроқ эди. Ва аксинча, баъзи эркаклар ўз қизларига шу қадар ўрганиб коладиларки, ўз севгилари ва нозик туйгуларини қизларига тўкиб-солиб, хотинларига эркалашлар тақдим қилишини унтиб қўядилар.

Болалар учун ғамхўрлик қилинг, лекин шу билан бир вактда, бир-бирингиз билан яқинликни озиқлантиинг. Бир-бирингизга экинг. Бирга вақт ўтказа олишингиз учун болаларни ухлашга дарвактрок ёткизинг. Фақатгина тўшақдаги уйқунигина бўлишмаслик учун ғамхўрлик юкини хам ўзаро бўлишиб олинглар. Ўз эҳтиёжларингиз ваташвишларингиз ҳакида турмуш ўртофингиз билан ошкора сухбатлашинг. Баъзан оддий: “Мен сен билан яқин муносабатларни соғинаяпман. Яна уни хис қилиш учун нима қилиш керак?” – деган сўзларнинг ўзи хафачиликни четлаб ўтиш учун етарлидир.

Бу биринчи ўн йилликда бир-бирингизнинг жинсий эҳтиёжларингизни билиб олишга ҳаракат қилинг. Кейинчалик сизлардан бирингизда бошқангизга нисбатан ёқимсиз хислар пайдо қиласидиган жинсий эркалашларга йўл қўйманг. Бир-бирингиз билан сухбатлашинг. Бу биринчи ўн йилликда ўз яқинлигингиз ҳакида, сиз ёзда ва кузда ҳосилдан лаззатланиш учун баҳорда эккан боғ деб ўйлаш мухимдир.

## ЁЗ: ИККИНЧИ ДЕКАДА

“Ёз – бу доимо бўлишии мумкин бўлган фасллардан энг аълосидир”.

— Чарльз Боуден.

Агар баҳор умидни ўзида мужассамлаштиrsa, ёз – ваҳий жонланадиган ва қўкракни тўлдириб нафас оладиганфасллар. Ҳаёт бу фаслда гуллаб-яшнайди. Бу даврнинг бошида, эр-хотинлар аллақачон касб, мартаба борасида ўз йўлларини аниқлаб олишган ва эҳтимол, аллақачон ота-она бўлишган. Агар оиласа болалар бўлса, улар озроқ улғайишган ва ҳаётларининг ажойиб даврига етишган. Болалар ўсиши жараёнида эса, ота-оналар бу ролларида шаклланишди.

Сиз ёзниг олтин лаҳзаларидан бирортасини ўтказиб юборишни истамайсиз! Сиз мактабнинг, болалар тўғаракларининг ва шахсий мартабангизнингёркин қуёш нури аро яқин муносабатлар учун вақт топишингизга тўғри келади. Агар баҳорги декада сизнинг боғингиз учун хосилдор бўлган бўлса, унда ёз фаслидан янада кўпроқ лаззатланасиз. Агар оиласавий ҳаётингизнинг биринчи ўн йиллигига сиз боғингизни унчалик парвариш қилган бўлмасангиз, барибир экинлар учун ғамхўрлик қилишга кеч эмас.

Ёз – бу ҳамма нарса, шу жумладан, бегона ўтлар ҳам тез ўсадиган фасллар. Жўякларингиз яхшилаб ўтоқ қилинган бўлишини назорат қилинг, юзакилик заминида бегона ўтлар осон ўсиб чиқади. Жинсий ҳаётингизнинг соғлом қисмини суғоришни давом эттиринг ва у янада тезроқ ўсади, чунки сизда аллақачон компост ерни ўғитлаганидекни-коҳингизни ўғитладиган ўн йил ишонч йили бор.

Ёз – бу узун кунлар, кулгу, очиқ ҳаводаги зиёфатлар, кун қоқ ярмидаги жалалардир. Биз шуни пайқадикки, бизнинг ёз декадамизда жинсий алоқамиз кўпроқ кундуз кунлари бўлган экан. Тунда бизлар жуда чарчаган бўлар эдик, шунинг учун кундуз куни, болалар мактабда бўлганларида бизлар имкониятни қўлдан бой беришни ва кечгача кутишни истамас эдик.

## КУЗ: УЧИНЧИ ДЕКАДА

Кейинги ўн иилни биз куз фасли деб атаймиз. Ҳозирча у биз учун энг севимли даврдир. Биз иссиқ қүёшли кунлар ва совук тунлар бирикмасини яхши күрамиз. Бизнинг танамизга ўхшаб, ўзимиз ҳамкўпроқ бўшашганмиз.

*“Куз – бу ҳар бир барг гул бўлган иккинчи баҳордидир”.*

— Альбер Камю

У бизга ёқади! Ўз ёшлигингизни қайтаришга ҳаракат қилгандан кўра кузни нишонланглар. Аёнки, жинсий яқинлик яна бизнинг ҳаёти-мизда кўпроқ ўрин эгаллайди. Энди, бизлар эллик ёшдан ўтганимиздан сўнг, бизнинг ҳаёт тезлигимиз ўзгарди. Энди бошқа болалар билан дарс қилиш, уларнинг мактаб ёки спорт ташкилий ишларига бориш керак эмас. Бизнинг бир-биримиз учун кўпроқ вактимиз бор.

Бизлар ҳатто бу куз фаслида нима қилишни исташимизни ёзиб оламиз, токи қиши тўятдан келиб қолмасин. Бошқа соҳалар каби биз жинсий соғлигимиз учун ҳам ғамхўрлик қиласимиз. Бу учун ҳар биримиз ўз танамизни парвариш қиласимиз, соғлом овқат еймиз, тоза ҳавода муутазам вақт ўтказамиш ва спорт билан шуғулланамиз. Бизлар ҳали учрашиб юрган пайтларимизда сайр қилиш бизларнинг севимли машғулотимиз эди ва энди бизлар атайин биргаликда кўпроқ сайр қиласимиз.

Кўплаб эр-хотинлар куз фаслида бирга яшашни бас қиласилар. Болалар ота-оналарининг уйини тарк этишгач, эр-хотинлар ёт киши билан яшаётганларини кашф этадилар. Бизларнинг ҳар биримизда бу даврда танлов бор. Қачонлардир бўлган нарсаларни йўқотганимиз учун мотам тутиш, ёки бўладиган нарсаларга қувониш. Биз сизни бу даврга ўз ни-коҳингизни қайти тиклаш имконияти сифатида қарашингизга даъват қиласимиз. Сизлар яна ёш келин-куёвлардек бўлишингиз мумкин, фақат бу дафъа сизларнинг икковингиз ҳам каттароқ ва донороқ бўласиз.

## ҚИШ: ҚОЛГАН ЙИЛЛАР

“Эң қаҳратон қишида мен ичимда енгилмас ёз борлигини билиб қолдым”.

— Альбер Камю

Алдамаймиз, қарилек оғир ва жуда ноҳақ кўринади. Жоннинг ота-онаси бу даврни яхши уddeлалаяптилар. Соғлиқларидағи турли муаммоларга қарамасдан, улар ҳавас қылса арзийдиган даражада мунтазам бирга сайр қиласидилар, спортзалга қатнайдилар ва дўстлари билан тушлик қиласидилар, шулар туфайли хушчақчақлик ҳолатини сақлаб келмоқдалар. Бу икки севишганлар ҳануз икки ўринли тӯшакда бирга ётадилар. Биргалиқда кексайган маъқул, жинсий муносабатлар эса ҳар бир фаслда фоят ажойибdir.

Биз тўрт фасл ҳақидаги боб учун олган Муқаддас Ёзувдаги матн муаллифи Воиз шундай деган: “У ҳамма нарсани ўз вақтида гўзал қилиб яратди” (3:11). Ҳамма иш ўз вақтида ажойибdir. Биз бирга кексайишни ва ўз фаслимизнинг тезлигига ракс тушишни истаймиз.

Ўйлаш учун сўнгги мисол. Speedo фирмасининг чўмилиш кийимлари Олимпия ўйинлари учун ажойиб, лекин мен (Лиза) кекса ёшдаги эркакларни бу чўмилиш кийимида кўрсам юзимни тескари ўтираман. Қачонлардир тез сузиш учун мўлжалланган нарса тинч, шошмасдан сузиш ёки оқим билан сузиш фаслида керак бўлмасдан қолади. Асосийси – бу сузишни бас қилмаслик. Биз ахир бикинида унча мафтункор бўлмаганимиз учунгина сузишни яхши кўрмай қолмаймиз-ку! Сузиш ва жинсий муносабатлар ҳар бир фаслда бирдек яхши, шунчаки вақтга қараб турлича кўринади.

Никоҳимизнинг баҳор фаслида мен бикинида қуёшда тобланар ва чўмилар эдим. Сўнгра ёз фаслига она сифатида ёпиқ чўмилиш кийимида ўтдим. Энди куз фаслида калта кўйлак ва калта иштон киймоқдаман. Ким билади, балки келаётган қиши фаслида мен чўмилиш кийими билан юпка киярман. Лекин мен сузишни бас қилмайман.

Балки бизлар баҳордагидек тез-тез чўмилмасмиз ва болалар ёнимизда эканлигидан хавфсираб, ёз фаслида бўлганидек чўмилмасмиз. Лекин

биз ҳаётимизнинг кузида ҳам, қишида ҳам сузамиз. Нима бўлганда ҳам, жинсий муносабатлар бизнинг абадий ёзимиздир.

## АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Ҳозир ҳаётингизнинг қайси фаслида эканлигингизнинг аҳамияти йўқ, шу фаслга хос сўзланг. Агар сиз ёлғиз бўлсангиз истакларингиз ва иштиёқларингизни Худога сўзланг. Дунёкарашингиз умумий бўлган дўстингиз ёки дугонангиз билан суҳбатлашинг ва бир-бирингизни рухлантиринг. Агар сиз турмушга чиккан ёки хотин олган бўлсангиз, бир-бирингиз билан суҳбатлашинг, ўз кечинмаларингиз билан ўртоқлашинг.

Гап шундаки, муҳаббатда ҳар бир одам янада яхшироқ бўла олади, фақатгина одам ўргана борса. Эркаклар усуулларга эргашишга мойилдирлар. Улар шундай ўйлайдилар: “Агар шу ҳолатдаги сўнгги ўн бора аъло бўлган бўлса, яхши нарсани ўзгариришнинг нима кераги бор?” Аёллар, агар турмуш ўртоғингизда ўзгаришни кўришни истасангиз бу ҳакида турмуш ўртоғингизга айтинг. Масалан, шундай денг: “Сен менинг бўйнимдан ўпишинг менга ёқади”. Эрингиз истакларингизни ўйлаб топишига мажбур қилманг, улар ҳакида ошкора сўзланг.

Бунинг иложи бўлганида, ўзингизни яхши ҳис қилишинг учун сизлар жинсий муносабат билан шуғуллана олмайдиган кун давомида бир-бирингизни кўллаб-кувватланглар. Бир-бирингиз билан нозик муносабатда бўйинглар. Сайр қилгани чиқинглар, сизлар жинсий муносабатлар ҳакида суҳбатлашишингиз керак бўлганида, сизлардан ҳеч бирингиз хато килаяпман, деб ҳис қилмасин. Ойномаларда ёзилаётган нарсаларга ишонманг. Никоҳингизнинг бошқа соҳалари каби сиз ўз жинсий ҳаётингизни ўзингиз истаганингиздек бошқариш хуқукига эгасиз.

Агар сизга ёрдам керак бўлса, уни топинг. Бу сирли соҳани эътиборсиз қолдирманг. Бу китобнинг охирида, биз тавсия қилинадиган китоблар рўйхатини келтирамиз, яна кўпроқ маълумотни сиз жамоатингиздан олишингиз мумкин.

Бу соҳада бизлар мутахассис бўлмаганимиз, шунчаки ўз тажрибамиз ва билимларимиз билан ўртоқлашаётганимиз учун бизнинг маслаҳат-

ларимиз кўпроқ шунчаки қониқиши эмас, балки жинсий яқинликни истайдиган жуфтларга тўғри келади. Биз эр-хотинлардан бири бошқаси билан умуман қизикмайдиган бўлиши ҳолатлари бўлишини тушунамиз. Биз биламиз, бу жинсий рад этилганликнинг жуда оғрикли туридир. Ўз турмуш ўртоғингиздан юз ўтиргманг, Худога мурожаат қилинг. Унинг каршисида юрагингизни тўкиб-солинг ва У сизнинг никоҳингизни шифолашига ишонинг. Агар сиз турмуш ўртоғингиздан жинсий муносабатни талаоб қилсангиз, ҳеч нимага эришмайсиз.

Биз шунингдек биламизки, эр(хотин)бетоб бўлган, чарчаган ёки жинсий муносабатда бўла олмайдиган жисмоний ахволда бўлиши мумкин. Шифокор билан суҳбатлашиб, бу ҳолда нима қилиш мумкинлигини билиб олинг.

Сизни бутун ҳаётингиз давомида тарк этмайдиган иштиёқни кашф этишингиз ва Худонинг мұқаддас режасида мустаҳкамланган ҳамда ўтмишнинг яралари-ю хатолари билан нобуд қилинмаган ўз жинсий меросингизни шакллантиришингиз учун ибодат қиласиз. Бир-бирингизнинг севгингиз “сизни доимо озиқлантирсин!”

1-кун. Кундалик ўқиши учун

## ЖИНСИЙ ЯҚИНЛИК ТАНТАНАСИ

“...Сен ёшлигингда уйланган сенинг хотинингдан лаззатлангин!

Фарышта каби гўзал, гул каби чиройи – унинг танасидан лаззатланишини ҳеч қачон тўхтатмагин. Ҳеч қачон унинг муҳаббатини шундай бўлиши керакдек қабул қиласиган!”.  
— Ҳикматлар 5:19,20, The Message (инглиз тилидан таржима)

Худо жинсий алоқани одамнинг гуноҳга қулашидан олдин яратган. У буни никоҳ ичида яратган эди ва бу жуда яхшидир. Ҳатто ажойиб! Аёл ва эркак орасида бундан кучлироқ севги ва яқинлик риштаси йўқдир. Сизнинг оиласигизда жинсий алоқага муносабат қанака? Сиз унга Худо ўйлаб чиқарган, пок ижобий нарса сифатида қарайсизми? Нима учун?

---

---

---

Сизнинг ўтмишингиз сизга қанака жинсий дарслар берганидан қатъий назар, Самовий Отангиз шуни билишингизни истайди: У сизнинг эрингиз (хотинингиз) билан жинсий яқинлигинги тўлиқ ва буткул маъқуллайди ва дуо қилади. Муқаддас Ёзувдаги жинсий муносабатлар ҳақидаги қуйидаги оятларни ўқинг ва улар устидан фикр юритинг:

“Сенинг булоғинг дуойи-баракатли бўлсин ва ёшлигингдаги хотининг билан қувонгин. У сен учун севимли кийик, жозибали оху бўлсин. Унинг кўкси сенинг истагингни ҳамма вақт қондирисин, унинг муҳаббати сени доимо маст қилсин”.

— Ҳикм. 5:18,19, замонавий таржима.

“Эрлар ва хотинлар бир-бирларининг жинсий эҳтиёжларини қондиришлари лозим”.

— 1 Кор. 7:3, GW, инглиз тилидан таржима.

## 214 НИКОХ ТАРИХИ

“Никох ҳаммангизда ҳамма нарсада жуда қадрли бўлсин (хурматга лойик, қадрли, кимматбаҳо ва жуда бебаҳо). Эр-хотинлик тӯшаги шарманда қилингган бўлмасин (хиёнат билан беобрў қилингган бўлмасин)...”

— Ибр. 13:4 (инглиз тилидан кенгайтирилган таржима).

Ростгўй бўлинг. Ўз эр-хотинлик ҳаётингизда жинсий муносабатларга қайси ўринни берасиз? Сиз шунчаки унга чидайсизми, ёки у сизга қоникиши келтирадими? Бу оятлар сизга жинсий муносабатларни ижобий нурда кўришингизда қандай ёрдам бермоқда?

---

---

---

*Худо бизларга соглом жинсий ҳаётнинг батафсил манзарасини Кўшиклар Кўшиги китобида бермоқда. Бу муносабатлардаги лаззатланиш ҳақида оятларни, айнислас, 4 ва 7-боблардаги оятларни ўрганиб чиқинг ҳамда Раббийдан сизнинг жинсий яқинлик ҳақидаги тасавуурингиз ва кутаётган нарсаларингизни Унинг режасига кўра тўғирлашини сўранг.*

Жинсий ҳаётнинг энг муҳим негизи – бу хурмат қилишдир. Сизнинг юриш-туришингизда сизнинг эр-хотинлик тӯшагингизни беобрў қила-диган нарса борми?

---

---

---

Муқаддас Ёзувнинг кенгайтирилган таржимасида Ибронийларга мактубнинг 13:4 оятида, хурмат ҳақида сўзланганда, нафақат эр-хотинлар ўз тӯшакларини бенуқсон саклашлари лозимлиги айтилади, балки, шунингдек, уни хурматга сазовор, қадрли, қимматбаҳо ва ўта бебаҳо ҳисоблашлари лозимлиги айтилади. Ўз никоҳида жинсий яқинликни ҳимоя қилиш ва тантана қилиш учун қандай амалий қадамлар кўйиш мумкин?

---

---

---

2-кун. Кундалик ўқиши учун

## ЮРАГИ ЭЗИЛГАНЛАР УЧУН ШИФО

“У юраги эзилгандарни шифолайды, уларнинг яраларига малихам суртади”.

— Санолар 146:3

Бизлардан кўпчилигимиз ўтмишдаги нотўғри қарорлар, шу жумладан, гуноҳкорона жинсий муносабатлар учун қалбимизда яра ва оғриқларга эгамиз. Лекин бизнинг Самовий Отамиз ўзининг ақл бовар қилмайдиган донолигида ва Ўғли Исо Масих орқали бизлар билан шахсий муносабатларга эга бўлиш қайноқ истагида бизларга шифоланиш ва қайта тикланишга йўл очди. Повул ўзининг Титусга бўлган мактубида Худонинг севгисининг бор құдратини таърифламоқда:

“Хали яқин ўргада, бизлар ахмоқ ва қайсар, гуноҳга ботган, хирснинг ва турлича лаззатларнинг қуллари эдик, адватда ва ҳасадда яшар эдик, жирканч эдик, бир-биримиздан нафратланар эдик. Лекин Худо, бизнинг эзгу ва севувчи Худойимиз Нажоткор келганида, У бизларни буларнинг ҳаммасидан қутқарди. Бизлар бунга ҳеч нима кўша олмаймиз. У бизларга яхши ҳаммомни берди ва бизлар ундан Муқаддас Рух воситасида ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан ювинган янги одамлар бўлиб чиқдик. Бизнинг Нажоткоримиз Исо Масих бизларга сахийлик билан янги хаётни қўйди. Худонинг инъоми бизларнинг У билан шахсий муносабатларимизни қайта тиклади ва бизларга хаётни қайтариб берди”.

— Титусга 3:3-7, The Message,  
муаллифларнинг курсиви, инглиз тилидан таржима.

Сизнинг ўтмишингизда ёки сизнинг эр(хотин)ингизнинг ўтмишида сизлардан бирингизни бошқангизга нолойик ёки жинсий яқинликдан лаззатланишга арзимайдиган деб ҳис килишга мажбур киласидиган нимадир бўлганми? Бироз сукут сақланг, ибодат қилинг ва шу ҳакида ўйланг. Агар Муқаддас Рух сизга ниманидир кўрсатаётган бўлса, ёзиб олинг ва ибодатда Унга топширинг.

Бир-бирингиз билан ўз фикрларингизни астойди ўртоказашинг. Ибодат қилинг ва Муқаддас Рух сизларнинг юракларингизни шифолаши ва йўқотилган нарсаларни қайта тиклаши учун Уни таклиф қилинг.

Худо сиз Унга очадиган нарсаларнигина муқаддаслашга тайёр. Ростгўй бўлинг. Сиз жинсий ҳаётингизнинг бирор соҳасини Ундан яширмаяпсизми? Сизнинг жинсий ҳаётингизнинг сиз “кириш таъқиқланади” деган ёзув ёзилган тахтача илиб кўйган соҳаси борми? Агар бор бўлса, унда қайси соҳа? Ибодат қилинг ва Муқаддас Руҳдан нима учун сиз бу соҳани ёпганингизни кўрсатишини сўранг. У сизга очадиганини ёзиб қўйинг.

---

---

“...Масиҳ билан бирлашган ҳар бир киши янги бошланишини қўлга киритади, у янги қилиб яратилган. Эски ҳаёт ўтиб кетди, янгиси куртак ёзмоқда! Унга назар ташланг!”

— 2 Коринфликларга 5:17, The Message, инглиз тилидан таржима.

Биз юракларимизни Раббийга берганимизда, бизларнинг юракларимиз шифоланди ва қайтадан бир бутун бўлди. Сиз ибодат қилиб ўзингизнинг ўтмишингизни Худога берганингизда айнан шуни қилдингиз. Энди қуйидаги оятлар устидан диккат билан фикр юритинг: Қонуннинг тақорланиши 6:5; Санолар 118:2; Ҳикматлар 3:5-8; Йермияҳ 29:11-14; Марк 12:29,30. Бу оятлар орқали Муқаддас Рух сизнинг никоҳингиз ва жинсий ҳаётингиз ҳақида нима демоқда?

---

---

### 3-кун. Кундалик ўқиши учун

## ЯҚИН СУХБАТДАГИ ОЗОДЛИК

*“...Масих билан иттифоқда яшайдыған ҳар бир киши гуноҳ құлмайды...”*

— 1 Юханно 3:6, GNT, инглиз тилидан таржима.

Масиҳнинг Рухи билан сұхбатлашиш орқали бизлар эга бўладиган Масиҳ билан яқин муносабат ҳар қандай гуноҳдан озод бўлишнинг асоси сидир. Яқин муносабат – бу яқиндан сұхбатлашиш, бу подшоҳ Довуд, ҳаворий Повул ва Марям излаган ягона нарсадир. Яқин сұхбат – “Масиҳда бўлиш” демакдир. “Масиҳда бўлиш” жумласи Янги Аҳдда ўргача юз марта кўлланади. Исо Масиҳ яқин сұхбатни “Унда бўлиш” деб атаган эди. Биз Масиҳ билан яқин сұхбатга қандай эришишимиз ва уни тутиб туришимиз мумкин? Унга мунтазам равишда вақт ажратиш ва дикқат қилиш билан.

Яширин жой бизнинг календарларимиз ва жадвалларимизда асосий ўринда бўлиши лозим, чунки бу яқин муносабатлар туғиладиган жойдир... Шоҳлик кучининг чексиз миқдори ҳақиқатан ёнаётган ва Раббий Исога бўлган муҳаббат шахсий муносабатларидан куч олаётган одамларга тегишли бўлади.

— Боб Сордж

Гуноҳдан озодлик, шубҳасиз, Исо Масиҳ билан яқин муносабатларда яшириндир. Шундай қилиб, сиз У билан муносабатларингизни қандай таърифлаган бўлар эдингиз? Накадар мунтазам равишда сиз Унга тўлиқ вақтингизни ва эътиборингизни ажратасиз? Нима Унинг ҳузурини излашга ундейди? Сизнинг ибодатларингизнинг қўп қисмини нима ташкил киласи: моддий нарсаларга эга бўлиш истагими ёки Худони билиш истагими?

---

---

---

Агар Исо Масиҳ билан яқин муносабат сизнинг устунлигингиз бўлмаса, ўзингизни айбламанг. Шунчаки, Унинг қаршисида ростгўй бўлинг ва Ундан иноят сўранг. Қуйидаги сўзлар билан ибодат қилинг: “Раббий, мен Сени севаман ва Сени билишни истайман, лекин айнан шу вақтда менинг Сен билан муносабатларим мен истаганимдек эмас. Менга Сенинг ёрдаминг керак. Менинг кўзларимни очгин, токи мен Сени таниб-билишнинг солиштириб бўлмайдиган баҳосини кўра олайн. Менга ўз юрагимни кўрсатгин. Мен Сени биринчи ўрининга қўйишимдан мени нима тутиб турибди? Сенга муҳаббат ўтида ёнишга ёрдам бериш учун мен нима қила оламан? Мен сенинг донолигингни ва иноятингни сўрайман. Исо Масиҳ номи билан”.

Сукут сақланг, Муқаддас Рух сизга нима дейишига қулоқ тутинг. Буни ёзиб олинг ва У сўраётган ишни қилишингиз учун Ундан дуо қилишини сўранг.

**Мен Худони биринчи ўринга қўйишимдан мени нима тутиб турибди?**

---



---



---

**У билан яқин муносабатларни ривожлантириш учун мен қилишим лозим бўлган ишлар:**

---



---



---

### ХУДО БИЛАН ЁЛГИЗ ҚОЛИНГ

Исо Масиҳ билан яқин муносабатлар қуришнинг энг яхши усули – Унинг юраги билан учрашиш ва янги даражадаги озодликни хис қилишdir. Бу учун У билан сухбатлашиш ва ибодат қилишга қаергадир бориш мумкин. Ўз жамоатингиздан “Худо билан учрашув” сафарига бо-

ришингиз ёки эр(хотин)ингиз билан икковингиз шундай сафарни амалга оширишингиз мумкин. Сизни кундалик ташвишлар чалғитмайдиган бир неча кунда Худо билан ёлғиз бўлиш сизнинг ҳаётингиз ва никоҳингизни умрбод ўзгартириши мумкин.

Сафарга чиқиб, Худо билан вақт ажратиш учун вақт топинг. Бу вақтни ўз жадвалингизда режалаштиринг ва уни ўз устунлигингизга айлантиринг. Бошқа ҳеч нарсани режалаштирунг ва бошқа ишларга чалғиманг, фақатгина Муқаддас Ёзувни, блокнот ва ручкани олинг. Худо сизга йўз юрагининг эзгулигини мўл-кўл қуишига тайёрланинг!

**“Яширин хона” мўъжизалари ҳақида билиб олинг.** Ўқинг: 1 Йилнома 16:27; Санолар 15:11; 26:4-6; 30:19,20; 90:1-16; Ишаъё 40:31; Юханно 15:4-8; Ибронийларга 4:16.

## 4-кун. Кундалик ўқиши учун

# ТҮҮРИ ИСТАКЛАРНИ АЛАНГАЛАТИШ

*Мен шуни айтамаңман: “(Доимо) Мұқаддас Рұхда ҳаракат қилинглар ва яшандылар (Рұхга жағын беринглар, Үнінг назоратига ва бошқарувига бүйсүннелер), шунда сизлар тана (Худони билмайдыган инсоний табиат) ҳирсларини ва истакларини бажармайдыган бұласизлар”.*

— Галатияликларга 5:16, инглиз тилидан көнгайтирилген таржима.

Никох иттифоқининг поклиги Масих Ўз келинчагида күришни истайдыган покликни акс эттириши лозим. Жинсий истакларда ҳеч қандай ёмон нарса йўқ, улар Худо томонидан яратилған ва У уларни таррнум қиласди! Лекин бизнинг иттифоқимизни ёмон ҳатти-харакатлар ва ёмон таъсир шарманда қылганида, шулар яқин муносабатта қарши чиқадилар ва Худо яхши деб атаган нарсани бузадилар. Яхши истакларни рағбатлантиришнинг калити инсоний табиатни очылдан силласини куритиш ва ўз рухини боқищададир.

Шубҳасиз, Мұқаддас Ёзув бизларга жинсий муносабатларга яхши ва ижобий назар бермоқда (масалан, Кўшиклар Кўшиғига карант). Мұқаддас Ёзувнинг муаллифлари жинсий гунох тузоғини ва Худо томонидан бизга берилған инъомни бузишга мойиллигимизни аник фахмлар эдилар. ...Айнан шунинг учун жинсий истаклар денгизида ҳаракат қилишда никоҳ институти жуда мухимдир. Факат унда жинсий муносабатлар руҳий аҳамиятта эга ва қадрли бўлади.

— Гэри Томас

Сиз кўзларингиз ва қулоқларингиздан ўтказадиган нарса, кейинчалик сизнинг онгингиз ва юрагингизга киради. Сизнинг кўзларингиз ва қулоқларингиз – бу жоннинг ва руҳнинг дарвозасидир. Сиз кўрадиган ва эшигадиган ҳамма нарса ёки инсоний табиатни, ёки руҳни озиқлантиради.

Тўхтанг ва ўйлаб кўринг. Сиз ўз инсоний табиатингизни қайси йўллар билан боқасиз? Сизнинг ҳаётингизда нопок истакларингизни алансиз.

галатадиган фильмларга, телешоуларга, күшикларга, ойнома ёки сайтларга ўрин борми? Сизнинг онгингиз ва юрагингизни булғайдиган китоблар, ойномалар ёки сайтлар билан ўзингизни озиқлантирасизми? Дўстлар ва уларнинг таъсири борасида-чи? Улардан бирортаси нотўғри муносабат ва ҳатти-ҳаракатларни қўллаб-кувватлайдими?

---



---



---



---



---



---

Муқаддас Рух сизга носоғлом таъсирни очишини сўранг. Кимдан ёки нимадан узокроқ юришни У айтмоқда?

Биз онгимизни Худонинг Сўзи билан янгилаганимизда юриш-туришимиз ўзгаради. Қуйидаги ояллар устида фикр юритинг:

“...Зеро Худонинг сўзи жонлива таъсирчан бўлиб, хар қандай дудама қиличдан ҳам ўткирроқдир. У жон ҳамда рух орасини, бўғинлар ҳамда иликларнинг орасини бўлишгача сукилиб киради ва юрақдаги ўй ниятларни фош қиласди...”

— Ибронийларга 4:12

“Шунинг учун барча ифлосликдан ва шармандаликнинг ифлос окибатларидан қутулиб, (сизларнинг юракларингизга) экилаётган ва илдиз отган, жонларингизга нажот беришга қодир бўлган Худонинг Сўзини камтарлик (мулойимлик, ювошлиқ) билан қабул қилинглар”.

— Ёкуб 1:21, кенгайтирилган таржима

“Менинг сўзим олов каби (синовга бардош бера олмайдиган ҳамма нарсани ямлаб ютадиган) ва (энг мустаҳкам) қояни парчаловчи болға каби эмасми? – дейди Раббий”.

— Йермиях 23:29, кенгайтирилган таржима

**ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ ОЯЛЛАР УСТИДА ФИКР ЮРИТИНГ:** Йешуа Нун ўғли 1:8; Санолар 1:1-3; 118:103; Йермиях 15:16; Римликларга 12:1,2; Колосаликларга 3:1-5; 1 Петъор 2:2.

Аниқ айтганда, сиз ўз рухингизни қандай қилиб жинсий муносабат, яқинлик ва муқаддаслик ҳақидаги Худонинг Сўзи ҳақиқати билан озиқлантирасиз? Ҳақиқатга тўйинишни қандай қилиб кўпайтиришингиз мумкин? Ибодат қилинг ва Муқаддас Руҳдан ўз рухингизни озиқлантириш ва тўғри истакларни аллангалатишнинг амалий ижодий усувларини кўрсатишини сўранг.

---

---

---

*Агар сиз Муқаддас Руҳдан сўрасангиз, У сизга қандай қилиб муқаддасликка иштиёқни аллангалатишни ва никоҳингиз яқин муносабатларида чукурлашишни кўрсатади.*

## 5-кун. Кундалик ўқиши учун

### СУХБАТ ВА ЯҚ

“...Хақиқатни севгида айтиб, биз Сош бўлмиши Masих билан муносабатларда тўълиқ ўсиб борамиз”.

— Эфесликларга 4:15, GW, инглиз тилидан таржима

Никоҳнинг барча фаслларида ажойиб жинсий муносабатларнинг калити – бу суҳбатлашишdir. Кўплаб жуфтларда яқин муносабатлар “билим етишмаслиги туфайли ҳалок бўлади” (Ҳос. 4:6, замонавий таржимага қаранг). Агар эр-хотинда нималарни кутаётгандари ва маъкул кўришлари ҳақида мунтазам суҳбат бўлмаса, муаммолар юз беради. Ўзингизнинг жинсий истакларингиз ҳақида бир-бирингизга ҳақиқатни севги билан айтганингизда, сиз Худо сиз учун тайёрлаб қўйган никоҳ улуғворлигига ўсиб борасиз. Муаллифлар ва нотиклар Боб ҳамда Одри Мейснер шундай тушунтирадилар:

Бир-бирингиз учун энг яхши дўст бўлинглар ва шаффоф бўлинглар. Бу сизларнинг жинсий лаззатингизни ғаройиб тарзда бойитади. Бир-бирларингиздан нимани кутаётганингиз, шунингдек, қийинчиликларингиз ва муаммоларингиз ҳақидаги очиқ суҳбатларсизнинг жинсий муносабатларингизга илиқлиқ ва қабул қилинишни олиб келади. Сиздан жинсий қувват, истак ва ҳаракатлар билан фарқ қиласидиган турмуш ўртоғингизни тушуниш сиз учун устивор мақсад бўлсин. Ва бардошли бўлинг. Бир-бирингизни сирли икир-чикирларгача билиб олиш учун сизга бутун ҳаёт керак бўлади.

#### Мана бу гапларни тугатинг:

Мен тушунаман, бу фаслда бизлар севги билан шуғулланишимиз учун энг яхши вакт – бу

”

Менинг турмуш ўртоғимүзини қуидаги ҳолларда севги билан шуғулланишимиз учун озод ҳис қиласы:

---

”

Менинг назаримча, бизнинг никох фаслимизда севги билан мунтазам шуғулланишга энг катта түсқинлик – бу

---

”

Мен ҳозир турмуш ўртоғим билан ўртоқлашишни хохлаган нарса, жинсий яқинликдаги энг мухим нарса – бу

---

”

**Турмуш ўртоғим билан жинсий муносабатда менга энг күп ёқади:**

---



---



---

**Турмуш ўртоғим билан жинсий муносабатда менга энг күп ёқмайди:**

---



---



---

*Сиз қачондир ўз турмуш ўртоғингиз билан сизга нима ёкиши ва нима ёқмаслиги хакида чин дилдан ва очик сұхбатлашғанмисиз? Бизлар бир-бириңизнинг фикризни ўқиши қобилятига ега бўлмаганлигимиз учун, сизларни бу саволларни хавфсиз жойда сизлар ҳал кила оладиган, сизларнинг икковингизга мўлжалланган маҳсус вақт ва жойни режалаштиришига даъват этамиш. Ёдда тутинг, ҳақиқатни севгида сўзлаш керак ва ўз турмуш ўртоғингизнинг эҳтиёжлари-ю истакларини тушунишга Худонинг инояти учун ибодат килиш керак.*

Эр, сиз ҳақиқатан ҳам хотинингиздан кўра ишингизга ва болаларингизга кўпроқ вақт ва эътиборингизни ажратаяпсизми? Хотинингизнинг жинсий эҳтиёжларини яхшироқ қондириш учун нима қила оласиз?

Үзингизни хотинингизнинг олдида камтар олинг ва ундан ўз фикрини айтишини сүранг, сүнгра эса бирга ибодат қилинглар.

---

---

Хотин, ҳақиқатан ҳам оила ва иш сиз учун эрингиз билан жинсий яқинликдан кўра муҳим устунликка айландими? Эрингизнинг жинсий эҳтиёжлари учун қандай қилиб яхшироқ хизмат қила оласиз? Үзингизни эрингизнинг олдида камтар олинг ва ундан ўз фикрини айтишини сүранг, сүнгра эса бирга ибодат қилинглар.

---

---

---

# МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

Агар сиз бу китобни “Messenger” хизматидан «Никоҳ тарихи» материалларининг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, 5 видеодарсни кўринг.

- 1| Ибтидо китобига мувофиқ, Худо эркакни ер тупроғидан яратди, сўнгра аёлни яратди ва уни эркакнинг олдига олиб келди. Ибтидо 2:21-25ни дикқат билан ўқинг. Эркак ўзининг олдидага аёлни кўрганида, унинг биринчи реакциясида нима сизга ўзига хос туюлаяпти? Улар Худога итоатсизлик қилгандаридан сўнг нима ўзгарди (Ибт. 3:6-8га қаранг)?
- 2| Бугунги кунларда Худонинг шафқати, кечирими ва инояти бизларга тегишли эканига ҳамда ҳар қандай гунохни бартараф қилишда ёрдам беришга қодир эканига ишонасизми? Агар шундай бўлса, унда сизнинг назарингизда нима учун кўп одамларга жинсий гуноҳлардан озодлик олиш қийин? Сиз бу муаммодан қийналаётган одам билан сухбатлашиб қолсангиз, у ўзининг ўтмишидаги гуноҳларидан озод бўлиши ва Худонинг кечирими ҳамда иноятини қабул қилиши учун уни қандай руҳлантирган бўлар эдингиз?
- 3| Ўз сўзларингиз билан айтинг: эр-хотинлик тўшагини хурмат қилиш нима? Буни амалда қандай қилиш мумкин? Уни қандай қилиб беобрў қилиш мумкин?
- 4| Ёзув одам ҳис қилиши мумкин бўлган икки хил тоифа қайғу ҳакида сўзлайди: дунёвий қайғу ва Худо учун қайғу. Уларнинг орасидағи фарқни муҳокама қилинг, уларнинг хусусиятлариниша қайғунинг иккала турининг охирги натижаларини айтиб ўтинг.

ДУНЁВИЙ ҚАЙҒУ

ХУДО УЧУН ҚАЙҒУ

5| Худо билан яқин муносабатлар – бу барча гунохлардан, шу жумладан жинсий гунохлардан кутулиш шартидир. Бироз сукут сақланг ва ўйлаб күринг. Сиз ўз кучингиз билан узоқ вақт озодликни ва гунохлардан кутулишни хис қила олсангиз эди, нима содир бўлган бўлар эди? Бу сизнинг Худо билан ва одамлар билан муносабатингизни қандай ўзгартирган бўлар эди?

**Фикрланг:** Одамнинг танавий қобилиятида бирор кадрли нарса борми? Римликларга 7:18; Юханно 15:5; Филиппицларга 3:3; 1 Коринфликларга 10:12ни ўқиб күринг.

6| Ўз кўзингизни ва қулогингизни, шунингдек, онг ва юрагингизни бузукликлардан, нопок фикрлардан, жамият мажбуран қабул қилдираётган юриш-туриш мезонларидан ҳимоя қилиш учун Худо билан яқин муносабатлардан ташқари яна қандай амалийқадамлар қўйиш мумкин?

*Кўйидаги оятлар устидан фикр юритинг:*

“Мен бузук ва ҳаром нарсаларга қарашини рад этаман...” (Сан. 100:3, NLT).

“Мен кизга хирс билан қарамаслик учун кўзларим билан аҳд туздим” (Аюб 31:1, NLT, инглиз тилидан таржима).

7| Жинсий соҳада пок қолишининг сирларидан бири – бу ўз никохи ичида жинсий қониқкан бўлишидир. Худо ҳаворий Повулнинг қўли орқали Коринфликларга биринчи мактуб (7:2-5) даберган тўғри насиҳатни диққат билан ўқиб чиқинг. Бу оятларнинг ҳар бирида Муқаддас Рух сизга нимани очади? Бу лавҳа сизнинг жинсий муносабатларга бўлган нуктаи назарингизни умуман ва хусусан турмуш ўртогингизга хизмат борасида қандай ўзгартериши мумкин?

**Етакчиларга:** Сизнинг гурухингиз аъзоларидан Муқаддас Ёзувнинг шу оятларини Ёзувнинг бошқа таржималаридан ўқишлиарини сўранг.

## БОБНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

- Худо сизнинг никоҳингизда ажойиб жинсий ҳаёт бўлишини истайди, бу Унинг тўшакни пок тутиш ва хурмат қилишга даватига рози бўлишдан бошланади.
- Гуноҳдан ёки зўрланишдан уялиш ҳисси сизни эр-хотинлик яқин муносабатлари тўлиқлигидан ва жинсий лаззатланишдан тутиб туришига рухсат берманг. Худо сизнинг барча яраларин-гизни шифолашни ва сизни бутун қилишни истайди.
- Эр-хотинлар бир-бирларигалаззат бағишлиашни иштиёқ билан истаганларида ажойиб мухаббат кечалари содир бўлади. Жинсий яқинлик сизни эр(хотин)ингиз билан жисмонан, ҳиссий, қалбан ва руҳда бирлаштиради ҳамда сизга поклиқда-ю муқаддасликда қониқиш ҳисси беради.
- Агар дикқатимизни худбинона равишда ўзимизга қаратишимиз Худо билан яқин муносабатларимизга ҳалақит берса ва Унинг ўзгаришувчи кучидан бизни тутиб турса, дикқатимизни Худога қаратишимиз ва У билан яқин муносабатларимиз бизнинг ҳаётимизда Унинг кучини фаоллаштиради.
- Биз Худонинг Сўзини ўрганишда ва Худонинг ҳузурида вакт ўтказганимизда, бизнинг онгимиз янгиланади ва юрагимиз по-кланади. Муқаддас Рух томонидан экилган ва мустаҳкамланган Худонинг Сўзи жинсий гуноҳдан озодлик беради.
- Никоҳ ҳаётининг барча фасллари бир-биридан фарқ қиласди, бу шуни билдирадики, сиз ўз жинсий ҳаётингизда ҳам турли фаслларни бошдан кечирасанз. Ҳар бир фаслнинг ўз қувонч ва қийинчилликлари мавжуд. Бир-бирингиз билан жинсий муносабатлар ҳақида ҳар бир фаслда ошкора ва мунтазам сухбатла-шинглар ва бир-бирларингиз билан яқинликни рағбатлантириб туринг.



## Бошидан бошланг

*Доимо баҳтли бўлишининг биргина имконияти бор,  
бу – ҳар куни баҳтли бўлишидир.*

Маргарет Бонанно

### 1-кун

**Б**изнинг болаларимиз кичкина бўлғанларида, мен (Лиза) уларга бир камбағал одам ҳақидаги халқ эртагини ўқиб берар эдим. Бу камбағал одамнинг катта орзуси бўлиб, бу – олма дарахти остида кўмилган хазинани топиш эди. Бу дарахт айнан қаерда эканлигини у билмас эди, аммо орзу унинг юрагини умид билан тўлдиради эди.

Бу одамнинг катта, эски боғи бор эди. Бу боғ ҳосил келтиришдан тўхтади ва уйга қашшоқлик келди. Бу одамнинг орзуси бўлмаган вақтда у боғни сотиш ҳакида ўйлар эди, лекин орзуси пайдо бўлгач, у қаттиқ меҳнат қила бошлади. У керакли дарахтни топгунича балки анча тер тўкиши керак бўлишини тушунар эди. У файрат билан ишга киришди ва ҳар бир олма дарахтининг атрофини ковлай бошлади. У нақадар кўп ковласа, унинг хазинани топиш эҳтимоли шунча кўпаяр эди. Лекин сўнгги олма дарахти қолганида ва у орзу қилган хазина топилмаганида, уни аччиқланиш ва хафсаласи пирлик қамради.

Факат кейинги йили баҳорда бу камбағал одам хазинасини топди: у боғ бўйлаб юрар эди ва гуллаб турган олма дарахтларининг хушбўй

атрини чукур симирап эди. Унинг барча қари дараҳтлари гул қопламига бурканган эди. Уларнинг ҳар бири хушбўй ҳид таратар эди ва кузда яхши ҳосилни ваъда берар эди.

Бу киши доимо эга бўлган боджини парваришлай бошлаганида ўз хазинасини топди. У ҳар бир дараҳтнинг атрофидаги ерни ковлай бошлаганида, унинг ўзи буни билмаган ҳолда ерни ишлаган ва уни кислородга бойитган эди. Бунинг шарофати билан дараҳтларда янги ҳосил даври бошланди. Қачонлардир ҳосилсиз бўлган дараҳтлар ҳосил келтира бошлишди. Ўша йили ва кейинги анча йилларда бу одам ва унинг оиласи улар ҳатто орзу кила олмаган ҳосилдан лаззатландилар!

Бизлар мазкур китоб бўйлаб саёҳатни бошлаганимизда, биз никоҳ битимини дараҳтга қиёсладик. Ер қаттиқ бўлганида, дараҳт гуллаб-яшнаши учун мухим бўлган сув ва озиқ моддаларни илдизлар керакли миқдорда ола олмайди. Бу китобнинг ilk беш бобини бизлар ерни қандай қилиб юмшатиш лозимлигини кўрсатиш учун ёздик. Хафалик, кўркув ва худбинликнинг ҳалокатли оқибатларини олиб ташлаб сиз илдизларга кислород ва озиқ моддалар берасиз. Никоҳнинг қадрияти, ўрни ва мақсадларини мустаҳкамлаш ҳақидаги орзулар ва қарорларингиз шарофати билан келажақда ўз новдаларингизда умид ваъдалари-никўрасиз ҳамда хазина топасиз.

Ҳар бир никоҳ ҳали кўринмай турган ҳосил ваъдасида туради. Биз ўз оиласиз ва юрагимизни асраб биз қилишимиз керак бўлган ишни қиласиз, Худо эса баракалар бизнинг оиласизга келишини буюриб Ўзи қилиши керак бўлган ишни қиласи. Майин шохчали новдалар, улкан танали етук дараҳт ва ҳаттоки, жажжи уругча – ҳаммаси ичида кучга эга. Бизнинг Худойимиз ҳосилсиз нарсани олади ва ундан мўл-кўл нарса келтириб чикаради. У эскини янги қиласи, ўликни эса тирилтиради.

### ҲАММАСИНИ ЯНГИ ҚИЛИШ

*Мұхаббат ўтмииини ўчириб юбормайди, у келажакни ўзгартиради.*  
— Гэри Чапмэн

Келинг, яна бир бора, охирги марта бокқа қайтамиз, ҳамма нарса ўша жойдан бошланди.

“Худо одамларни яратди; У уларни худосифат, Унинг табиатини намоён қиласиган қилиб яратди. У уларни эркак ва аёл қилиб яратди. Худо уларни дуо килди: “Серпушт бўлинглар! Кўпайинглар! Ерни тўлдиринглар! Ҳукм суринглар! Сувдаги баликлар, самодаги қушлар, ер юзида харакат қилаётган ҳар қандай жонзот учун масъулиятни бўйин олинглар”” (Ибт. 1:27,28, The Message, ингл. тилидан таржима).

Бу доимо бизлар учун Худонинг режаси эди. Бизнинг ўтмишимиз, бизнинг кўркувларимиз, атроф муҳитнинг аҳволининг ёмонлашиши Яратувчининг илк ниятини заҳарлади ва ўзгартирди. Балки сиз ўзингизни Адан боғида тайинланган даъватдан анча йироқ хис қиласиз, шунинг учун у сизга тегишли эканига ишона олмассиз. Жасур бўлинг. Ҳар бир ҳаёт ва ҳар бир оила янги туғилишни бошдан кечириши ва янги йўлни бошлаши мумкин.

“Тахтда Ўтирган: “Мана, ҳамма нарсани янги яратаяпман ”,— деди” (Вах. 21:5).

Худо шунчаки эскини янгиламайди. У ҳамма нарсани янги яратади. У Адан дараҳтларини – бизнинг гуноҳдан кулашимизашёларини олди ва уларни бошқатдан яратди. У бизларни Ўзининг абадийшаҳрида, уйда, барглари барча халқларга шифо берадиган ҳаёт дараҳти олдидা кута олиши учун Ўз Ўғли Исо Масихни ўлим дараҳтидан ўтказди. Бизлар йўқотган нарсалардан У қайта сотиб ола олмайдиган нарса йўқдир, шу билан бирга бизларнинг никоҳларимиз ҳам. Бизлар ҳам янгидан бошлай олишимиз учун у ҳамма нарсани янгилайди.

Ўтмиш ортда колди. У асрларда цементланган ва одам унга етиша олмайди. Лекин вақтдан ташқарида мавжуд бўлган Шахс бор ва У ҳеч қандай чекловлар билан чегараланган эмас. У “Баланд ва Юксак бўлган,абадий Яшовчи” дир (Иш. 57:15га қаранг). Худо бизнинг ўтмишимизнинг ҳар қандай айбларини қайта сотиб олади, чунки У бизнинг келажагимиз тарихини ёзмоқда. Худонинг Шоҳлигига кечангি режалар эртанги кунга халақит бермайди. Ҳар куни Унинг шафқати янгиланади ва сизни Унинг ваъдалари кутади. У севади ва иложсиз нарсани иложли қилишини жуда ҳам истайди.

“Бизнинг ичимиизда Ўз куч-кудрати билан ҳаракат қилаётган Худо эса биз сўраётган ёки орзу қилаётган ҳамма нарсадан кўра ҳам ҳаддан ташқари кўпроғини қилишга қодирдир” (Эфес. 3:20).

Худо ҳар бир шахсга алоҳида ва сизларга оила сифатида биргаликда берадиган серҳосиллик, маҳсулдорлик ва тўла-тўқислик шууримиз англай олишидан устундир. Сиз ўтган кунлар ва ҳафталарга оиласиз учун ёзган орзу, мақсад ва истакларингиз ҳақида ўйланг. Худо бу мақсадни шунчаки амалга оширишни истамайди. У солиштириб бўлмайдиган дараҷада кўпроғини қилишни истайди. Сизнинг оиласиз Унинг Самовий Шоҳлигини бу жойда, ерда мустаҳкамлаши учун У сизнинг таъсир доирангизни кенгайтиришни ва яқин муносабатларингизни мустаҳкамлашни истайди. У сизда ва сиз орқали кескин ва мислсиз ҳаракат қилишни истайди. Балки олдинги бобларни ўқиётганингизда сизнинг орзу қилишга ҳаддингиз сифмагандир. Унда ҳозир орзу қилишга журъат қилинг!

Худо билан ҳайтнинг муҳим асосий негизи шундан иборатки, Унга ҳеч қандай ишни қилиш учун бизнинг ёрдамимиз керак эмас. У биз билан шерикликдан хурсанд. Унга бизнинг ҳамкорлигимиз керак эмас, лекин У бундан харсанд. Биз иложсиз нарсаларга эришишга иштирокчига айланамиз. Сиз никоҳда янги ҳайтни бошлаётганингизда, ҳозир сизлардан мана буни сўраймиз: ҳозир иложи бўлмаган нарсаларга интилинг.

Иложсиз нарсаларни қўлга киритиш нақадар иложли эканини кўрсатадиган бир ҳикояни ёдга оламиз. У тарихдаги жуда ноқулай вақтда, одамлар Худонинг ерни тўлдириш ҳақидаги амрига қарши исён қилган вақтда содир бўлди.

Бутун ер бўйлаб тарқалишнинг ўрнига бизнинг аждодларимиз бир жойда тўпландилар ва Одам Ато ҳамда Ҳавва Адан боғида қилганлари каби, самога етиш учун минора қуришга ҳаракат қилдилар. Сиз, албатта, Худо Бобил минораси қурилиши тарихига қандай аралашганини билсангиз керак.

“Раббий инсон ўғиллари қураётган шаҳарни ва минорани кўргани тушди. Раббий деди: “Мана, бир ҳалқ ва ҳаммаларининг тиллари бир; бу

улар қилишни ният қилғанларининг фақат бошланиши. Улар ният қилған нарсалардан улар учун иложсизи бўлмайди. Тушиб бориб, уларнинг тилларини чалқаштириб ташлайлик, токи бири бошқасининг сўзини тушунмасин”. Раббий уларни у жойдан бутун ер бўйлаб тарқатиб ташлади ва улар шаҳар ҳамда минорани қуришни бас қилдилар” (Иbt. 11:5-8, ESV, курсив муаллифларники, инглизчадан таржима).

Худо бу иншоотнинг қурилишини режалаштирган эмас эди ва улариккита омил: “бир тил” ва “бир халк” шарофати билан натижага эришишлари мумкин бўлгануларнинг меҳнатини У барбодкилмади. Агар ҳатто Худонинг иродасига қарши равишда иложсиз нарсаларни қилиш учун шу икки омил етарли бўлса, Масихда бир танага айланган икки киши нақадар кўпроқ нарсаларга эришишлари мумкин?

Худо сизнинг никоҳингиз учун тайёрлаб кўйган “ҳаддан ташқари кўпроғи” ни қамраб сиз ҳаммасини яна қайтадан бошлаганингизда умумий мақсад ва бир тил жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Келинг, мазкур иккала шартни кўриб чиқамиз ва тилдан бошлаймиз.

## 2-кун

### САМОЛАРНИНГ ТИЛИ

“...Чунки юрак нимага тўлиб тошса, тил ўшани гапиради” (Лк. 6:45).

Бутун китоб давомида, биз бир неча бора аввало Худонинг Сўзи юрагингизда ишлашига имкон бериш муҳимлиги ҳакида айтиб ўтдик. Биз Худонинг Рухига бўйсунганимизда ва ўзимизни Унинг Сўзига топширганимизда ўзгаришлар содир бўлади. Биз айтиб ўтганимиздек, агар ички ўзгариш содир бўлмаса, юриш-туришда ўзгариш содир бўлмайди. Лекин сиз ичкаридан ўзгара бошлаганингизда, сизнинг ташки дунёнинг ҳам ўзгара бошлайди. Сизнинг сўзларингиз юрагингиздаги Худонинг ишининг илк исботи бўлади.

Ҳар қандай вазиятда бизнинг қаршимизда танлов турибди: самовий тилда сўзлаш ёки ернинг тилида сўзлаш. Ер кўринарли воқеликни сўз-

лайди. Самолар ҳақиқатнинг энг баланд Манбасига мувофиқ сўзлайдилар.

“Менинг фикрларим – сизларнинг фикрларингиз эмас, сизларнинг йўлларингиз – Менинг йўлларим эмас, – дейди Раббий, – аммо осмон ердан накадар баландбўлса, Менинг йўлларим сизларнинг йўлларингиздан ва Менинг фикрларим сизларнинг фикрларингиздан шу қадар баланддир. Чунки ёмғир ва қор осмондан тушиб, у ерга қайтмасдан, лекин ер юзини суфориб, экувчига уруғ ва еювчига нон бериши учун уни туғдиришга ва ўстиришга қодир қилганидай, худди шундай, Менинг оғзимдан чиккан сўзим Менинг олдимга бехуда қайтиб келмайди. Лекин Менга нима маъкул бўлса, шуни бажо келтиради ва Мен уни нима учун юборган бўлсан, ўшани муваффакиятли амалга оширади” (Иш. 55:8-11).

Худонинг тилида сўзлаш учун биз Унинг Сўзини билишимиз лозим. У бизнинг тасавуримизни ўзгартиради, бизга кўринмас нарсаларни кўришга ва ҳали содир бўлмаган нарсаларни сўзлашга бизни мажбур киласди. У бизнинг сўзларимизни шунчаки ижобий сўзлар ёки хиссий некбинликдан кўра каттароқ бўлмиш имон шевасига ўгиради. Унинг асоси – ваъда қилинган нарса албатта содир бўлишига комил ишончлиликдир.

Куйида само тилининг ер тилидан фарқ қилишининг бир неча намуналари:

Ер дейди: “Умид йўқ”. Самолар дейдилар: “Хамма нарсанинг иложи бор”.

Ер дейди: “Рад этилиш”. Самолар дейдилар: “Қабул қилиниш”.

Ер дейди: “Сен менга эгалик қиласан”. Самолар дейдилар: “Мен ўзимни ўз ихтиёrim билан топшираман”.

Ер дейди: “Қасос”. Самолар дейдилар: “Кечирим”.

Ер дейди: “Мен сенинг кулинг бўлмайман”. Самолар дейдилар: “Мен сенинг хизматкоринг бўламан”.

Ер дейди: “Мен ўз камчиликларимдан нафратланаман”. Самолар дейдилар: “Мен ўз ички иқтидоримни кўраяпман, менинг муҳаббатим эса сенинг камчиликларингни қоплади”.

Ер дейди: “Сен менинг эҳтиёжларимни қондирмаяпсан”. Самолар дейдилар: “Мен сенинг эҳтиёжларингни қондиришни истайман”.

Шу сўзларнинг ўзигина рухлантиришга қодир, лекин улар Худонинг Сўзи ҳакиқатидан илдиз олиб, унга чуқур кириб борган бўлсан гина хуқуқ ва имкониятларни мустаҳкамлайди ҳамда кенгайтиради. Биз сизларни само тилига кулок солишга, Мукаддас Ёзув билан ҳамкорлик килишга, уни ўз никоҳингизда кўллаш ва эълон қилишга рухлантирамиз. Худонинг ҳалқи сифатида биз биламизки, “бу қиска муддатли енгил қайғуларимиз бизга беҳад мўлкўлабадий шуҳрат вазниникелтиради; факатгина биз кўринадиган нарсаларга эмас, кўринмайдиган нарсаларга карасак: чунки кўринадиган нарсалар ўткинчи, кўринмайдиганлари эса абадийdir” (2 Кор. 4:17,18).

Тил ҳаёт ва ўлим устидан ҳокимиятга эгадир. Биз имон билан йўқ нарсаларни бор деб айтишимиз мумкин (Хикм. 18:21 ва Рим. 4:17га қаранг). Худонинг Сўзи сизнинг дунёнингизни шакллантирсин.

### **ҲАҚИҚАТНИ СЎЗЛАШ**

“...лекин ҳакиқатни севги билан айтиб, ҳар нарсада Масиҳнинг хулқ-авторини акс эттириб, бизлар ўсиб борамиз...” (Эфес. 4:15, замонавий таржима).

Самовий тил билан сўзлаш – ҳар доим ҳакиқатни сўзлашдир. Лекин ҳакиқатни сўзлашнинг ҳамма усули ҳам тўғри эмас. Худонинг тили билан сўзлаш – ҳакиқатни севги билан сўзлашдир.

Кўплаб жуфтлар бу иккита чегарадан чиқиши ҳолатларидан бирини кўллаганларида хато қиласидилар. Баъзи эркаклар ва аёллар Худонинг Сўзини ўз умр йўлдошларига ҳужум қилиш учун ёки уларни паст уриш учун ишлатадилар. Баъзи бирлари ҳакиқатни аччиқланиш ёки жаҳлланиш ҳолатида ёки қасос, хафалиқдан сўзлайдилар. Бошқалар эса ўз турмуш ўртоқларининг кўнглини оғритишни ёки оиласага келишмовчиликлар келтиришни истамайдилар, шунинг учун ҳакиқатни ичларига ютадилар (гарчи уни айтиш муҳим бўлса ҳам) ва фақат юзаки севгини кўрсатиб, ўзларини ҳеч нима бўлмагандек кўрсатиб юраверадилар. Вакт

ўтиши билан бу чукур ҳафсаласи пирликка ва хафаликка олиб келади, кейинроқ эса, қайсиdir лаҳзада юзага отилиб чиқади. Бу ёндашишлардан бирортаси биз Масихға тобора ўхшаш бўлиб боришимиз ҳақидаги Худонинг истагини акс эттирмайди.

Эр ёки хотин сифатида сиз ўз турмуш ўртоғингизнинг заифликларини бошқалардан кўра кўпроқ биласиз. Сиз бу ноёб билимдан уни хафа қилиш, уялтириш ёки айблаш учун осонгина фойдаланишингиз мумкин. Лекин бизнинг баландроқ даъватимиз бор, шундай эмасми? Бизлар ўзимизни турмуш ўртоғимизнинг энг катта хизматкори бўлишга ва уларга аъло даражада ғамхўрлик қилишга иштилишга бағишладик. Бизнинг ҳақиқат сўзларимиз бизнинг турмуш ўртоғимиз Масихға ўхшашликка ўсиб боришига ёрдам бериши мумкин, лекин бизлар тилимиздан ўлдирувчи қурол сифатида фойдалансак, бизлар абадий бебаҳо бўлган сўзларни сўзлай олмаймиз.

Агар биз соғлом никоҳни қуришни истасак, бизлар ҳалокатли ва ёмон хулқقا жавоб боришимиз керак, лекин бунинг ҳар доим ўз вақти ва ўз ўрни бўлиши лозим. Сиз ҳеч эътибор берганмисиз, агар турмуш ўртоғингизга баҳс кизиган вақтда унинг камчиликларини айтсангиз бу ҳеч қандай яхши натижага олиб келмайди. Аксинча, бу чақиб олувчи танбеҳлар вазиятни янада кескинлаштиради ва жанжаллар янада оғрикли бўлиб боради. Агар сиз сухбатлашиб олишингиз кераклигини ҳис килсангиз, турмуш ўртоғингиз совушини кутинг. Агар вазият жиддий тус олса, балки учрашув белгилаш ва сизнинг турмуш ўртоғингиз сизни эшитиши мумкин бўлган яқинлик шароитида сухбатлашиш яхшироқдир.

Мен (Лиза) аник эслайман, Худо бир куни менга деди: “Лиза, агар сени эшитишларини истасанг, сенинг ўзинг буни қандай эшитишни истасанг сўзни шундай қилиб айтгин”. Биз осонгина: “Сенинг ўзинг эшитишни истаган вақтда буни айтгин”, – деб қўшиб қўямиз. Жанжал авжга чиқкан пайт одатда, барпо қилувчи танқид учун унчалик тўғри кела-диган вақт эмас. Таънани турмуш ўртоғингиз яхши руҳий тетикликда бўлганида ва уни осон қабул қилишга тайёр бўлганида айтган маъқул.

Чарчаган вақтида яхвиси дам олгани қўйинг. Бир-бирингизни кечиринг, кучоқлашинг ва эрталаб сухбатни давом эттиришга қарор қилинг.

Сезгир ҳақиқатни севги дарёсида айтиш лозим. Ҳеч қайси одамга унинг хатолари ва камчиликларини кўрсатишлари ёқмайди, лекин ўрганишга тайёр бўлганлар таъналардан хулоса чиқарадилар ва уларга ўсиш учун имконият сифатида қарайдилар.

Маслаҳат беришдан оддин ўз мақсадларингизни текширинг. Ўзингиздан сўранг: “Мен севгим тўлиб тошишидан сўзлаяпманми ёки ўз шахсий манфаатимни ва фойдамни кўзлаяпманми? Мен ҳақиқатан ҳам ўз турмуш ўртоғимга яхши бўлиши ҳақида ташвишланаяпманми ёки хафа қилгани учун қасд олишиниз излаяпманми?” Агар жанжал ўртасида ўз турмуш ўртоғингизга ўзини қандай тутиши лозимлигини ўргата бошласангиз, сиз худбинона ҳаракат қилаётганингизнинг эҳтимоли кўпроқдир. Охири замон, турмуш ўртоғингизнинг сизга бўлган муносабатига бўлган жавобингиз учун сизнинг ўзингиз жавоб берасиз.

Сиз асабийлашиб жигибийрон бўлаётганингизда ҳақиқатни севги билан айтиш қийин. Агар тилингизни тийсангиз икки ҳолатдан бири содир бўлади: ёки сиз ноҳақ эканлигингизни англайсиз ва жим бўлганингиз учун миннатдор бўласиз, ёки сиз турмуш ўртоғингиз эшлиши керак бўлган ҳамма нарсани осоиишта ва аниқ айтасиз.

Биз шуни билиб олдикки, кичик хафачилкларга эътибор бермаслик ва уларни Раббийга ишониб топшириш маъкул. Лекин унтиш қийин бўлган яралар борлигини бизлар тушунамиз. Доимий беор хулк-автор вазиятида ўз тилини бўш қўйиш фойдалироқдир. Лекин ҳатто қарши чиқиши керак бўлса ҳам, бу ўз турмуш ўртоғингизни хафа қилишга ҳаққингиз бор дегани эмас. Ҳақиқатни қуйидаги усуслар билан айтиш мумкин:

- ўз ниятларини Худонинг Сўзи нурида текшириш;
- ўз турмуш ўртоғига эмас, балки муаммога ташланиб тўкнашувни ҳал қилиш;
- ўз тилини назорат қилиш ва ҳалокатли сўзларни айтмаслик;

- шафқатли бўлиш;
- соғдил бўлиш;
- юмшоқ жавоб бериш;
- доимо умид бағишилаш;
- сизга қандай мурожаат қилишларини истасангиз, шундай оҳангда сўзлаш;
- муаммони доно ҳал қилишга ёрдам берадиган сўзларни, вақт ва жойни танлаш.

Сулаймон деган: “Темир темирни чархлагани каби, одамлар ҳам бир-бирларини мукаммаллаштирадилар” (Ҳикм. 27:17, замонавий таржима). Бизнинг муносабатимизда четлаб ўтиш мумкин бўлмаган ишқаланиш ва ҳатто келишмовчиликлар содир бўлади, лекин улар тўғри ҳал қилинса, бу ишқаланиш лаҳзалари бизнинг ҳаётимизда художўйликни чархлайди.

Никоҳдаги бирликни хавф остига қўядиган муаммоларни ҳал қилиш лозим. Кичик хафагарчиликлар ўз вақтида ва тўғри шифоланмаганида чуқур яраларга олиб келиши мумкин. Турмуш ўртоқлар кўпинча бир-бирларининг кўнгилларини нақадар оғритганларини ҳатто сезмайдилар ҳам. Агар Худога ва бир-биримизга севги туфайли барча ваҳималаримизни мухокама қилсак, бу бизларга бирликда ўсишга ҳамда тобора яхши бўлиб боришга ёрдам беради.

### З-кун

#### СЕВГИ ТИЛЛАРИ

Шундай қилиб, биз тилни анъанавий маънода, кўпроқ ўз сўзларимизга ва биз уларни қандай талаффуз қилишимизга ургу бериб мухокама қилдик. Энди ўз дикқат марказимизни озроқ кўчиришни истаймиз

ва бир «тил»нинг бошқа томонини муҳокама қилмоқчимиз. Тўртинчи бобда биз, эр(хотин) бизга биз унга хизмат қилганимиздан бошқачароқ хизмат қилиши мумкинлигини тушунсак никоҳ кучлироқбўлишини айтдик.Худди шунингдек, одамлар севгини турлича берадилар ва қабул киладилар. Севгининг турли шеваларини билиб олиш учун Гэри Чепменнинг “Севгининг беш тили” китобини ўқиб чиқишини тавсия қиласиз. Бу китоб бизларга ўзаро муносабатларимизни яхшилашга салмоқли хисса кўшди.

Бу накадар муҳим эканлигини тушунишингизга ёрдам бериш учун-бизнинг никоҳимизни мисол келтирамиз. Менинг (Лиза) севгимни намоён қилишимнинг асосий усуслари – сифатли вақт ўтказиш ва хизмат ишларини амалга оширишdir. Бошқача қилиб айтганда, Жонга, унга бўлган улкан севгимни намоён қилиш учун бизнинг никоҳимизда мен қандайдир ишлар билан машғул бўлар эдим (кир ювиш, плиткаларни ўрнатиш, овқат қилиш, уй тозалаш, болаларга ғамхўрлик қилиш, расм чизиш ва боғдорчилик билан шуғулланиш). Бундан ташқари, сифатли вақт ўтказиш учунмен у билан чукур сермањо суҳбатлар куришга ҳаракат килар эдим. Хуллас, менга севги ҳакида гувоҳлик берадигандек туюлган ишларни килар эдим.

Мен (Жон) гўёки бошқа хамирдан қорилгандекман. Мен ўз севгими бошқача – жисмоний тегиши ва эркалаш сўзлари орқали намоён қиласман. Лиза жуда мазали овқат қилас эди, гиламни қоқар эди ва плиткаларни алмаштирас эди, лекин мен: “Мен сени севаман”, – деганини эшитмас эдим. Гўёки бизларнинг иккаламиз ҳам турлича тилларда гапирирас эдик.

Никоҳ соғлом бўлиши учун, иккала одам ҳам ўзларини баҳтли ҳис қилишлари лозим ва уларнинг ҳар бири севгини уларга тушунарли тиљда ифода этилишига лойикдирлар. Шунинг учун бир-бирига ўз севги тилини айтишнинг ёмон жойи йўқ. Доктор Чепменнинг китобини ёки шу китобни [Slove-languages.com](http://Slove-languages.com). сайтидан ўқиб, турмуш ўртоғингиз билан бирга ўзингизнинг севги тилингизни билиб олишга биз сизни руҳлантирамиз. Ўқиб чиққангизни муҳокама қилинг. Айнан сизнинг

оилангизда сизнинг севгингизнинг тили қандай кўринишида бўлади? Яхшиси бу ҳақида тинч, айбловларсиз оҳанга сўзлашиб олинг. Масалан, шундай сўзларни айтинг: “Мен ...шунда ўзимни севимли ҳис қиласман” ва шу тарзда давом этинг.

Сиз ўз турмуш ўртоғингизга маъқул нарсаларни билиб олиб, мақсадга йўналган ҳолда унга ёқадиган гапларни сўзлашни ва унга маъқул ҳатти-харакатларни қила бошлаганингизда, сиз ўз никоҳингизнинг луғатини янада бойита борасиз. Бу самовий тил воситасида ва ҳақиқатни севги билан айтиш воситасида сиз ўрнатган пойдеворни мустаҳкамлайди. Бу омиллар биргаликда сизнинг никоҳингиз ичида ягона тилни шакллантиради.

Энди биз иложсиз нарсани иложли қиласиган иккинчи соҳа – бирликни қандай барпо қилишни кўриб чикамиз.

### **ВАЗИФА БАЙРОФИ ОСТИДА**

ИсоMasих, бошқа нарсалар билан бирга, Ўз хизматида бирликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлар эди. Масалан, Юҳаннода баён қилинган ҳикоя. ИсоMasих, Унга хиёнат қилинган тунда, ҳамма бирликда бўлиши ҳақида ибодат қилди:

“Нафакат улар учун, балки уларнинг сўзлари бўйича Менга ишона-диганлар учун ҳам ибодат қиласман. Уларнинг ҳаммаси бир бўлсин. Отам! Худди Сен Менда ва Мен Сенда бўлганим каби, улар ҳам Бизларда бир бўлсинлар, токи дунё Сен Мени юборганингга ишонсин. Сен Менга берган шухратни Мен уларга бердим, токи Биз бир бўлганимиз каби улар ҳам бир бўлсинлар. Мен улардаман, Сен эса Мен дасан! Улар ҳам бирликда мукаммал бўлсинлар, токи дунё Сен Мени юборганингни ҳамда Мени севганинг каби уларни ҳам севганингни билиб олсин” (Юҳанно 17:20-23, курсив муаллифларники).

Бирлик Худонинг шухратини намоён қиласади. Бу Унинг Ўғлининг ярашиш соҳасидаги ишининг кучи ҳақида гувоҳлик беради. Худонинг халқи орасида Унинг севгисининг намоён бўлиши Худонинг дунёга

бўлган севгисининг асосий исботи бўлган бир вақтда, кўплар Хушхабарни онгий далиллар билан исботлашга ҳаракат қиласидилар ёки мажбурлаб экадилар.

Бирлик – бу фақатгина Худонинг Шоҳлигидан ташкарида бўлган одамлар учун гувоҳлик эмас, балки бизнинг устунлигимиз ҳамдир. Айнан бирлик бўлган жойларда Худо дуо-баракатларини жўнатади (Сан. 132га қаранг). Шунинг учун бирлик – зулмат шоҳлиги учун икки карра таҳдиддир: у Худонинг халқини дуо қиласи ва шу билан бир вақтда, гуноҳкорларга Худонинг севгисини намоён қиласи.

Ҳайрон қоларли жойи йўқ, шунинг учун душман бизнинг никоҳимизга жанжал келтириш учун қўлидан келган ҳар ишини қиласи, ҳар қандай худбинлик ва кўркув эса бунга фақат ёрдам беради. Бу оғир меҳнатдир, чунки бирлик душман билан ва танавий табиятимиз билан курашишимизни талаб қиласи. Бу учун вақтинчалик қийинчиликларни енгиб ўтадиган Худонинг Рухининг инояти ва аниқ мақсадни англаш керак. Энди, юқорида айтиб ўтилганлар асосида, келинглар, Эфесликларга мактубда (5:21) нима деб ёзилганига назар ташлаймиз:

“...Бир-бирингизга Худонинг кўркувида бўйсунинглар”.

Олдинги бобда биз турмуш ўртоқлар бир-бирларига бегараз хизматкорлар сифатида бўйсуниб, қандай ролларни ўйнашларини муҳокама қилдик. Энди бизлар бўйсуниш ҳақидаги ва у бизларга бирлиқда бўлишимизга қандай ёрдам бериши ҳақидаги тушунчангизни кенгайтирамиз.

Инглиз тилиди бўйсуниш – submission, олд қўшимча sub ниманидир остида туришни билдиради, mission сўзи эса вазифа ёки топширикни билдиради. Агар уларни бирлаштирасақ, submission – “қандайдир вазифа ёки топширик остида бўлиш”, – деган сўз келиб чиқади. Сиз ўзингизнинг турмуш ўртоғи сифатидаги мажбуриятларингизни ёзиб олиб ва уларни бажариш учун керак бўлган қадамларни ўйлаб чиқиб, анча вақтни сарфладингиз. Шунинг учун бу бўйсунишга даъват сизга никоҳингизда бўлган ҳар бир вазифа устида буюкроқ мақсад – Худонинг севгигизда

си ва шуҳратини кўрсатиш мақсади туриши ҳақида эслатма бўлиб хизмат қилсин. Турмуш ўртоқларнинг иккаласи ҳам Худо берган топшириқ ҳокимиятига бўйсунадилар, айнан шу бизларни бирлиқда бўлишга мажбур қиласди.

Бундай назар ташлаш, турмуш ўртоқларга кучли ва мустаҳкам оила куришга ёрдам беради. Бўйсуниш эркак кучли, аёл эса заиф бўлишини, ёки аксинча бўлишини талаб қilmайди. Никоҳнинг мақсади шу қадар буюк ва ҳар биримиздан шу қадар каттаки, икки нафар кучли одам кучли иттифоқ барпо қилишарини талаб қиласди. Илтимос, тушунинг, “кучли” сўзини ишлатиб, биз шахсни ёки одамнинг жисмоний қобилиятларини назарда тутмаймиз. Биз одамнинг хиссаси ҳақида сўзламоқдамиз. Эслатиб ўтмоқчимиз, никоҳда муҳим нарса устунлик қилиш эмас, ҳокимият ўрнатишdir. Бошқача қилиб айтганда, биз худуд учун жавобгарликни бўйин оламиз, унинг устидан шунчаки хукм сурмаймиз.

Бизнинг оиламизда мен (Жон) Лизадан кўра кўпроқ укувлироқ бўлган соҳалар бор. У бу соҳаларда қувонч билан менга ўрин беради. Бошқа соҳалар борки, Лиза кўпроқ укувлироқ, у соҳаларда мен унинг донолиги ва билимiga ишонган ҳолда бошқарувни қувонч билан унга топшираман. Бизнинг топшириғимиз бир ва бу ҳар биримиз ўз томонимиздан энг яхши ҳисса кўшишимизни талаб қиласди.

Жон доимо моддий ҳисботларни юритишини аъло даражада уddyалар эди. Худо бизнинг барча эҳтиёжларимизни қондиришига ва бизнинг ҳаётимизни дуо қилишига у ҳеч қачон шубҳаланмас эди. Бизлар бир неча бор кўчган эдик ва ҳар дафъа Жон уй топган эди. У пулни бошқариш масъулиятини ўз бўйнига олганида, менинг (Лизанинг) гўёки елкамдан юк қулагандек бўлган эди. Ўшангача маълум муддат давомида тўловларни тўлаш билан мен шуғулланар эдим, чунки Жон кўп сафар қиласди ва хизмат билан жуда машғул эди. Менинг кайфиятим бузилаётганини кўриб, у бу масъулиятни ўз бўйнига олди. Мен учун оғир юк бўлган иш у учун осон ва енгил эди. У уй, машина ва бошқа катта жиҳозларни сотиб олишни аъло даражада уddyалади. Яна унга ўғилларимиз билан мусобақаларга, ўйинларга ва бошқа тадбирларга бориш ёқар эди.

Менга эса уйга қараш ёқар эди. Мен доимо уй, бизлар оиласвий тушликлар ва кечки овқатларга йигиладиган жой бўлишини истар эдим. Мен ўз оиласнни боқиши яхши кўраман ва мен болаларимиз уйимизга дўстларини таклиф қилишларини истар эдим. Яна мен уйимиз Жон сафарлардан қайтганида дам олиб, бўшаша оладиган жой бўлишини истар эдим.

Ҳар бир вазифани ўз бўйнига олиши учун сизлардан қайси бирларингиз нима ишда укувлироқ эканини билиб олинг. Бирларингиз қучли бўлган соҳаларда бир-бирингизга ишонишни ўрганинг. Агар сиз у, ёки бу соҳаларда бир-бирингизга ихтиёрий равишда етакчиликни топширсангиз, бу сизга умумий мақсадингизга эришишга ёрдам беради.

## 4-кун

### УСТУНЛИКЛАР

“Бир кишидан кўра икки кишига яхшироқдир, чунки улар бир-бирига муваффакият қозонишга ёрдам бера оладилар” (Воиз 4:9, ингл. тилидан замонавий таржими).

Вазифа ва устунликлар бир нарса эмас, лекин улар қўлма-қўл юришади. Икковларингизнинг устунликларингиз тўғри келишиш ва уларга амал қилиш бирликни сақлаб қолиш учун жуда муҳимдир.

Бизнинг устунликларимизни энг буюк мақсад: Худонинг севгисини англаш ва намоён қилиш белгилайди. Бу вазифа ҳар бир имонлига тегишли бўлгани туфайли, ҳар бир жуфтликда турлича бўлган ва мавсумдан мавсумга ўзгарадиган режалар фарқ қилишига қарамасдан, ҳаётимизда бир хил устунликларга асосланишимиз мумкин. Биз сизларга устунликларни қўйидагича тартибда қўйишини таклиф қиласмиз:

1. Худо. Аслида Худо ҳатто биринчи ўринда ҳам эмас. У ҳамма нарсадан устун ва ҳаётимизнинг ҳар қандай соҳасидаги муваффакият ва садоқат учун У билан муносабатлар муҳимдир. У бизнинг ҳаётимизнинг барча устунликларини тўлдириши ва бошқариши лозим.

Лекин аниқлик учун биз Уни рўйхатда биринчи ўринда қўямиз. Лекин бизнинг Худо билан муносабатимиз ва биз У учун қилаётган хизматимиз – бир нарса эмас. Хизматчилар ва жамоатда ишлайдиганларнинг барчалари кўпинча хизматларини оиласидан устун кўйишга мойилдирлар. Илтимос, сизнинг оиласигиз бундай янглишишнинг қурбони бўлишига йўл қўйманг.

2. Эр(хотин). Бу соҳада ҳам адашиш мумкин ва бунинг аччик ҳосилини тотиш мумкин. Болалар мухим, лекин бу – улар учун ғамхўрлик жараёнида сиз турмуш ўртоғингизни унутасиз дегани эмас. Болалар бир куни улғаядилар, катта бўладилар ва сизнинг ўйингизни тарк этадилар, лекин турмуш ўртоғингиз билан аҳд муносабатларингиз бутун ҳаётингиз давомида сиз билан қолади. Кўлингиздан келган ҳамма ишни қилинг ва биргаликдаги ҳаётингизни шундай курингки, сизнинг болаларингиз улғайиб, чиқиб кетганларидан сўнг сизлар иккалангиз олдингидек яхши дўст бўлиб қолинглар.
3. Болалар. Ҳаётнинг турли мавсумларида турмуш ўртоқларининг ҳар бирининг иштироки ва вазифаси ўзгариб туради, айниқса, бу сизнинг кейинги устунлигингиз – даъватингизга боғлиқдир. Агар сизлардан бирингиз уйдан ташқарида ишласа, сизнинг тадбиркорлик ёки хизмат соҳасида мажбуриятларингиз бўлади. Агар айнан шу пайтда сизнинг даъватингиз болалар билан уйда ўтириш бўлса, унда мазкур устунлик ва кейинги устунлик орасида бўлиниш керак эмас. Аммо К.С.Льюис айтганидек: “Уй бекаси – бу тўлаконли касбdir”.
4. Даъват. Аслида, сизнинг даъватингиз бу рўйхатдаги ҳамма нарсани ва умуман олганда, ҳаётимиздаги ҳамма нарсани ўз ичига олади. Лекин биз яна аниқлик киритиш учун бу устунликнинг аҳамиятини чеклаймиз. Биз “даъват” деб атайдиган нарса – Худо сизни ва сизнинг турмуш ўртоғингизни алоҳида равишда санъат, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик, соғлиқни саклаш, таълимот, хизмат, ҳокимият ёки яна қайсиидир бошқа соҳаларда қилишга даъват қилган ишни билдиради. Бизнинг оиласизда бизларнинг даъватимиз

бир хил бўлиб чиқди, лекин кўплаб турмуш ўртоқлар бирга ишлашмайди ёки жамиятнинг айнан ўша бир соҳасида хизмат қилишмайди. Агар сизнинг никоҳингизда айнан шундай бўлса, барибир ҳар бирингиз машғул бўлган соҳа билан қизиқишингиз ва бир-бирингизга ёрдам беришингиз мумкин. Сураймон айтганидек, икки киши биргаликда меҳнат қилгандарнида, улар бир-бирларига муваффакият қозонишга ёрдам берадилар.

5. Дам олиш. Шаббат куни ҳақидаги амрни Худо тайинлаган, одамлар эмас. Агар биз дам олишга вақт топсак, бошқа барча устунликлар гуллаб-яшнайди. Биз кучимизни қайта тиклашимиз учун ҳаётимизда мунтазам равишда дам бўлишини Худо истайди, лекин дам олиш дегани ҳаракатсизлик дегани эмасдир. Бизни руҳий, жисмоний ва ҳиссий қайта тиклайдиган ишларни қилганимизда биз дам оламиз. Никоҳда бизлар шунчаки алоҳида эмас, балки биргаликда дам олишимиз усуулларини топишимиш мухимдир. Биз ўз оиласизда икковимизга ҳам ёқадиган умумий қизиқишлир ва машғулотларни топганимиз. Масалан, бизлар табиат кўйнига чиқамиз ва оила ҳамда хизмат соҳасидаги ўз орзуларимиз ҳақида сұхбатлашамиз. Биргаликда дам олиш ва қучни қайта тиклаш – бу икки ҳаётни бир қилиб бирлаштиришнинг бир кисмидир.
6. Одамлар билан сұхбат. Жуда кўп ҳолларда, эр ва хотин бир-бирларидан алоҳида ижтимоий ҳаёт кечирадиган эр-хотин иттифоклари бор. Соғлом никоҳ учун эркак киши баъзан вақтни эркаклар билан, хотин эса хотинлар билан ўтказиши мухим бўлса-да, шу билан бирга, умумий дўстларга эга бўлиш ҳам мухимдир. Бизнинг дўстларимиз бизнинг ҳаётимизда мухимроль ўйнайдилар. Улар бизларни рухлантирадилар, кўллаб-кувватлайдилар ва мустаҳкамлайдилар. Модомики, биз бир тана эканмиз, бизнинг икковимизни ҳам била-диган ва яхши кўрадиган дўстларимиз бўлиши лозим.

Сизнинг иттифоқингизни атайн дуо қиладиган дўстларга эга бўлиш накадар мухимлигини охиригача изҳор қилишнинг иложи йўқдир.

Бизнинг икковимизнинг ҳам турлича роль ўйнайдиган дўстларимиз бор. Менинг (Жоннинг) мен бирга фақатгина дам оладиган, масалан, бирга гольф ўйнайдиган дўстларим бор, шунингдек, кўнглимни ва юрагимни тўкиб-соладиган дўстларим бор. Мен кийинчиликларим ва заифликларим ҳакида ўртоқлашадиган одамлар бизларнинг икковимизни ҳам севишади.

Менинг (Лизанинг) ҳаётим жуда бой бўлгани ва мен гольф ўйнамаслигим сабабли, менинг севигига чуқурроқ ўсиб боришга рухлантирадиган қалб дўстларим бор. Булар – бизлар ҳаётда ва оилада дуч келадиган маҳсус қийинчиликларни тушунадиган аёллардир. Улардан баъзилари – хизматда юзага келадиган қийинчилик лаҳзаларидағи менинг энг яхши ўртоқларим, бошқа бирлари – гап муносабатлардаги ихтилофлар ҳакида борганидамаслаҳатлашиш мумкин бўлганларнинг энг яхшиларидир. Уларнинг барчалари бизлар учун олтиндан қимматдир.

Баъзи одамлар илгари бизнинг дўстларимиз эдилар, лекин бизлар аста-секин улардан йироқлашдик. Улар бизнинг никоҳдаги бирлигимизни рағбатлантирмаган ҳолда бизлардан биримизга кўпроқ мойил эдилар. Агар одам сизларнинг икковингизга ҳам дўст бўлмаса, бундай одам билан муносабат курманг. Вақти келиб, бундай одам албатта сизнинг никохингизга бўлиниш олиб келади.

## СЕВГИНИ ТАНЛАБ

“Шундай қилиб, сизлар Худонинг танланган муқаддас ва севикили одамлари каби раҳмдиллик, эзгулик, мулойимлик, узок сабр-токазат ва онгингизда камтарликка бурканинглар. Бир-бирингизга чиданглар ва бир-бирингизни кечиринглар. Агар бирортангиз кимдандир хафа бўлган бўлса, Масиҳ сизларни кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар. Ҳамма нарсадан кўра кўпроқ баркамолликнинг бирлашуви бўлган севигига бурканинглар” (Кол. 3:12-14, курсив муаллифларники).

Севги бизларни уйғунликда бирлаштиради. У – бирликнинг асоси бўлиб, иложсиз нарсаларни кўриш учун ҳақиқий қалитдир.

Эфесликларга мактубда (5:28) Повул “эркаклар хотинларини яхши кўришлари керак” лигини айтмоқда. “Керак” сўзи – бу жуда жиддий мажбурият эканлигига ургу бермоқда. Бу ерда эрларга ҳам, хотинларга ҳам тегишли бўлган янада кучли негиз берилмоқда: биз бир-биримизни хиссиётимиздан қатъий назар севишмиз лозим.

Замонавий маданият: “Севги бу – назорат қилишнинг иложи бўлмаган ва фақатгина унга жавоб бериш мумкин бўлган ҳиссиёт”, – дейди. Агар биз севгини ҳис қилсак, биз севадиганлар каби ҳаракат қиласиз. Севги хисси ҳамма вақт ҳам бўлавермаслигини тушуниш учун кўп ҳаракат қилиш шарт эмас, севги эса ҳар доим ҳам танловдир. Худо бизларни севишни танлади. Агар биз севишни танласак, ҳиссиётлар, охири замон, бизнинг ҳаракатларимизга эргашадилар. Имон севгига асосланниб ҳаракат қилганида, ҳатто севишини ҳис қилмаганида ҳам, тоғларни силжитишга қодир. Худо бизларнинг ҳаракатларимизни дуо қилишни истайди. Дитрих Бонхоффер деган:

“Сенинг никоҳингни севги сакламайди, балки никоҳ сенинг севгини саклаб туради”.

Никоҳ севгини тутиб туришининг ягона усули – бу Худонинг Рухи билан сұхбатлашишдан ҳиссий ва руҳий қониқиши олишдир. Биз ёт манбага мурожаат қилганимизда ва ўз кучимизга умид қилганимизда, ҳиссиётлар йўқлиги синовига мубтало бўлиб севги сўлади. Лекин бизлар Худонинг севгисида мустаҳкамланганимизда, ҳатто ҳиссиётлар бизларга панд берганида ҳам бизнинг севги ҳатти-ҳаракатларимиз бизларни бирлиқда тутиб туриши мумкин.

Хатога йўл кўйманг. Албатта, никоҳда ҳиссиётлар бўлиши керак. Лекин К.С.Льюис ёзганидек:

“Ҳамма учун коида жуда оддий – ўзингизни: “Мен турмуш ўртоғими-ни севаманми?” – деган савол билан қийнаб, вақtingизни ўтказманг. Гўёки сиз уни севадигандек ҳаракат қилинг. Биз буни қилганимиздан, биз буюк сирлардан бирини очамиз. Агар сиз ўзингизни гўё шу одамни севадигандек тутсангиз, сиз шубҳасиз уни севиб коласиз”.

Хатто уни севишингизни ҳис қилмасангиз ҳам турмуш ўртоғингизга севгини намоён қилишда давом этиш мумкин. Унга хизмат қилишга, уни қўллаб-қувватлашга ва уни қабул қилишга қарор қилиш мумкин. Сизнинг ҳаётингиз севигига тўла бўлганида, сизнинг ишларингиз кўрсататётган нарсани хиссиётларингиз тобора тасдиқлай бошлади.

## 5-кун

### ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОПИШ

“Худонинг севгиси жамоатни бенуқсон қилади. Унинг сўзлари унинг гўзллигини уйғотади. Шундай килинганки, Унинг барча сўзлари ва ишлари унда энг яхши нарсаларни очади...” (Эфес. 5:26,27, The Message, инглизчадан таржима).

Сулаймон ёзган эди: “Доно хотин ўз уйини барпо қилади...” (Хик. 14:1). Агар доно аёллар ўз уйларини барпо қилишса, унда доно эркаклар ўз хотинларини барпо қилишади! Бир-биrimizни барпо қилиб, биз Масихга ўхшашлигимизни намоён қиласмиш. Никоҳда Худо биз учун тайёрлаган энг яхши нарсани кашф этиш – бу бир-биrimizдаги энг атло нарсаларни кашф этиш демакдир.

Бизнинг турмуш ўртоғимизга бўлган севгимиз – бу самолар билан ҳамкорлик, Худонинг қўллаб-қувватлаши билан келишишдир. Худо одамни унинг заифликларига қараб эмас, балки Ўзининг шафқати ва севгисига кўра хукм қилади. Худо турмуш ўртоғингизнинг ички иқтидорига кўра сўзлайди ва сиз ҳам шундай қилишингизни таклиф қилади.

Биз аллақачон айтиб ўтганимиздек, Лиза саратон касаллиги туфайли болалигига бир кўзидан маҳрум бўлган. Шунинг учун у узоқ вақт мобайнида омма олдига чиқишдан кўрқар эди. Мен (Жон) унинг бу қўркуви ҳақида билан эдим, лекин мен шунингдек, Худо унга ғайритабийи донолик ато қилганини ҳам билар эдим.

Мен ёшлар чўпони бўлганимда, баъзан мен Лизага, у жамоатимизнинг қизларига воизлик қилишини исташимни айтар эдим. “Хеч ҳам,—

жавоб берар эди у. – Мен сенинг илованг эмасман. Жамоат мени эмас, сени ёшларнинг чўпони қилиб тайинлаган”.

Унинг рад этишларини эшитиб, мен уларнинг илдизида унинг ҳаётидаги Худонинг инъомига қаршилик қилиш истаги эмас, балки кўркув ётишини билар эдим. У омма олдига чиқишдан жуда кўрқар эди, лекин хар дафъа у саҳнага чиққанида, одамлар йифиндан сўнг менинг олдимга келиб унинг воизлиги уларга нақадар чукур таъсир қилганини айтар эдилар. Шунинг учун унинг рад этишларига мен доимо: “Тайёр бўлиб тургин, мен кечкурун сени олиб кетгани кириб ўтаман”, – дер эдим.

Мен (Лиза) мен қила олмайдиган ишни қилишга Жон мени мажбур қиласяпти, деб ўйлар эдим. Ёшлар йифинидаги қизларга аёлнинг овозини эшитиш керак эканлигини у билар эди, лекин мен ўзимни бу хизмат учун умуман тўғри келмайдигандек ҳис қиласар эдим. У улар учун намуна излашдан ташқари, улар гуллаб-яшнашлари мумкин бўлган муҳит яратишга ҳаракат қилаётганини мен билмас эдим. Мен ўзимда кўра олмаган ниманидир у менда кўра олди ва мендан воизлик қилишни сўрамасликни Жондан илтимос қилиб, баъзан ҳатто туни билан кўз юммаганимни хисобга олмасдан, Худо менда бўлган энг яхши нарсаларни кўрсата олиши учун у мени бу хизматга олиб боришга давом этар эди. Ўшанда бу менга жуда ёқмас эди. Лекин ортга ўгирилиб, у мени ўз кўркувларим ва чекланганликларимданқанчалик севги билан олиб чиққани накадар кўриниб турганини мен тушунаяпман.

Жон менга ёрдам бергани каби, мен ҳам унга ўз инъомларим билан ёрдам берар эдим. Илк йилларда, мен унинг китобларини кўп тахир қиласар эдим ва улар унинг юрагидаги хабарни аниқ етказишини кузатар эдим. Бизлар биргаликда қила олган кўплаб ишлар факатгина бизларнинг бир-биримизга бўлган севгимизва руҳий ўсиш учун ўзаро ёрдам шарофати билан дунёга келди.

Балки сиз ўз турмуш ўртогингиз билан бирга, турмуш ўртогингиздаги энг яхши фазилатларни қандай қилиб юзага чиқаришни ҳали билиб олмаган бўлишингиз мумкин. Балки аксинча, сиз ўзингизнинг вазиятингиздан ва яқинлигингиздан бир-бирингизни пастга уриш учун фойдала-

ётгандирсиз? Унда шу кун янги бошланишлар куни бўлсин. Бугун сиз янги андаза ўрнатишингиз мумкин.

Кайтадан бошлашга ҳеч қачон кеч эмас. Агар сиз бир-бирларингизда энг яхши нарсаларни топишни ўрганишни истасангиз, марҳамат, биргалиқда сидқидилдан ибодат қилиш учун вақт ва жой топинг. Худога шундай сўзларни айтинг:

“Самовий Ота, Сен бизларнинг орамизда ўрнатган никоҳ иттифокига нотўғри муносабатда бўлганимиз учун тавба қиласиз. Бизнинг никоҳимиз – бу дурдона асардир, бизлар эса у арзийдиган эҳтиром билан уни қурмадик. Бизнинг ҳаётимизда янгиланаётган ва ҳаммасини бошқатдан бошлашга куч бераётган Сенинг шафқатинг учун биз Сендан миннатдормиз. Муқаддас Рух, биз бир-биришимизга Сенинг севинг орқали қарашимиз учун зарур бўлган иноятни бизга беришингни Сендан сўраймиз. Биз бир-биришимизни қандай қилиб юксалтиришимиз ва бир-биришимизга қандай хизмат қилишимиз мумкинлигини кўпроқ билиш ва тушунишни бергиз. Сен бизларнинг ҳар биришимизда кучайтиришни истайдиган инъомларни ва қадр-қимматни кўриш учун кўзлар бергиз ва Сенинг ишингда юксакликларни қандай кўлга киритиш мумкинлигини кўрсатгиз. Биз алоҳида бўлганимиздан кўра бирга бўлганимизда бизларга яхшироқ эканига биз ишонамиз. Биз сенинг шуҳратинг ҳақи, Сен бизнинг ҳаётимиз ва бизнинг никоҳ иттифокимиз учун эга бўлган нарсаларнинг тўлиқлигига ўсиб боришни истаймиз. Исо Масих номи билан. Омин”.

Сизлар бир-бирингизга дадил айта олишингиз учун қуйида биз хар бирингиз учун тантанали эълонни келтирамиз. Турмуш ўртоғингизга бу сўзларни айтаётганингизда унинг кўзларига қаранг.

Эр:

Мен ўз кучим билан сени эзганим ва паст урганим учун кечиргин. Сенинг фазилатли ишларингга, гўзалигинга, донолигинга, эзгулигинга мурожсаат қилмаганим учун мени кечиргин. Сен гуллаб-яшнашинг мумкин бўлган мухитни яратмаганим учун мени кечиргин. Бизнинг сұхбатимиздаги, муносабатларимиздаги, тўшакдаги худбинлигим учун

мени кечиргин. Худо бизнинг никоҳимизни шифолаши, қайта тиклаши ва шарафлаши мумкинлигига мен ишонаман. Сен ва мен, бизларни мустаҳкамлайдиган Үнда ҳамма нарса қила олишимизга мен ишонаман. Бизлар Исо Масиҳ номи билан ҳукм сурәмиз, серхосил бўламиз ва кўпаямиз.

Хотин:

Мен ўз фазилатларимни сизга камчиликларингизни кўрсатиш учун ишлатганим учун мени кечиринг. Сизни шарманда қилганим ва сизга нисбатан худбин бўлганим учун мени кечиринг. Бундан буён мен ўзимнинг сўзларим билан сизнинг ҳаётингизни барпо қиласман. Сизнинг юрагингизни ёмон асрорчи бўлган даврим учун мени кечиринг. Мен сизга ишонаман ва мен бизга ишонаман. Худо ҳаммасини янги қила олишига мен ишонаман. Мен сизни севишни ва кечиришни танлайман. Бу – шафқат ва ҳакиқатга тўла янги кун. Келинг, яна севамиз ва орзу қиласмиш.

Азиз дўйстлар, сизлар учун энг яхши нарсалар ҳали олдинда эканига биз ишонамиз. Худонинг инояти орқали сизнинг меросингиз, жинсий яқинлигингиз ва таъсирингиз ҳар қандай умид ва кутган нарсаларингиздан ортиқ бўлиб чиқиши мумкин. Бир-бирингиз билан иттифоқда, Худонинг Руҳи кучи ва руҳлантириши остида сиз ерда ҳаммага Масиҳнинг севгиси ҳақида сўзлаб берадиган ва самоларда Парвардигори Оламга қувонч тухфа қиласидаган тарихни ёзасиз.

Бошқатдан бошлаш топшириғи – ишонч қофозидир. Бу ягона имконият эмас, балки ҳали дунё бор экан, барча даврларда абадий имкониятдир. “Бошқатдан бошлаш” – бу кечанги кунни кўйиб юбориб ва ўз юракларини эртанги кунга тайёрлаб ҳозир яшаш демакдир.

Бизлар бу ерда ёзган нарсаларнинг ҳаммаси, биз ўз никоҳимизни ҳамма нарсани қилишга Қодир бўлганга ишониб топширмагунимизча яхши ғояларлигича қолаверади. Бизларга Яхудо мактубида (1:24,25) нима бўлиши мумкинлиги ҳақида вахий берилган:

“Сизларни иқилишдан сақлаб қолишига, Ўзининг шуҳратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худога Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шуҳрат, улуғворлик, салтанат ва хокимият бўлсин! Омин”.

Худо бизларни асрайди. Фақат Угина бизнинг никоҳимизни зулматдан олиб чиқишига қодир. Биз Уни улуғлай олишимиз учун У бизларга қувонч ва шараф беради. Бизнинг ҳаётимиз – севиш ва яхши ўсиш учун бизларни кузатаётганлар учун тирик, руҳлантирилган мактубдир.

Ҳар бир баҳор – бу янги бошланишдир.

“Зеро мана киши аллақачон ўтиб кетди,  
ёмғир ўтди ва ёғишидан тўхтади.

Ерда гуллар пайдо бўлди,

кушларнинг кўйлаш вақти келди ва бизнинг еримизда мусичаларнинг овози эшитилмоқда...” (Кўш. қўшиғи. 2:11,12).

## 1-кун. Кундалик ўқиши учун

### БҮЮК НАРСАЛАРНИ КУТИНГ

“(Нима, мен билан нима содир бўлар эди), агар мен тириклар ерида Раббийнинг эзгулигини кўришга ишонмаганимда эди! Кутгин, умид қилгин ва Раббийдан кутгин; жасур бўлгин, мард бўлгин ва юрагинг мустаҳкамлансин. Ҳа, кутгин, умид қилгин ва Раббийдан кутгин”.

— Санолар 26:13,14, кенгайтирилган таржима.

Сизнинг самовий Отангиз сизни ва сизнинг турмуш ўртоғингизни жуда севади. У сизнинг никоҳингиз гуллаб-яшнашини истайди. Аслида, У “сизга шафқат қилиш учун кутмоқда, қараб турибди ва ташнадир” (Иш. 30:18га каранг).

Гап шундаки, энди сиз никоҳдан нимани кутасиз? Худо қандай имкониятлар учун ибодат қилиш ва ишонишга руҳлантиримоқда?

---

---

---

Худонинг Сўзи кутиш ҳақида нима дейиши ҳақида ўйлаб кўринг:

Сен биз кутмаган даҳшатли ишларни қилганингдава тушиб келганингда, тоғлар Сенинг юзингдан эриб кетар эди! Ё, Худо, Сендан ёрдам кутаётганларга шунча нарсаларни тайёрлаб қўйган Сендан бошқа бирор худо ҳақида қулоқ эшитмаганва англамаган, шунингдек, кўз ҳам кўрмаган.

— Иш. 64:3,4.

Сенинг ваҳийларинг мўъжизавийдир, шунинг учун жоним уларни сақлади. Сўзларингнинг ваҳийлари ёриштиради, соддаларга ақл беради. Мен оғзимни очиб, ух тортман, зеро Сенинг амрларингга ташнаман.

— Сан. 118:129-131.

Раббимиз Исо Масихнинг Отаси Худо муборак бўлсин! У Ўзининг буюк раҳм-шафқати бўйича, Исо Масихнинг ўликлардан тирилиши билан бизни тирик умидга янгидан туғилтириди, токи сизлар учун осмонда сакланаётган бегубор, чиримас, сўлмас бир меросга эга бўлинглар.

— 1 Пет. 1:3,4.

Шундай қилиб, Раббий сизларга раҳм-шафқат килиш учун кутмоқда ва сизларни аяш учун юксалмоқда; чунки Раббий – адолат Худосидир, Унга умид қилганларнинг барчаси баҳтлидирлар!

— Иш. 30:18.

Бу китобнинг бобларидан бирида бизлар реал бўлмаган нарсаларни кутиш хавфи ҳақида сўзладик. Сизлар бу оятларданбилиб олган нарсалар асосида, тўғри нарсаларни кутиш нимаси билан яхши?

---



---



---

Кутилган буюк нарсалар – бу Худонинг ваъдалари, Унинг хулқ-автори ва режасини билиш орқали кутиладиган нарсалардир.

Худо учун жуда қийин ёки иложсиз нарсанинг ўзи йўқдир. Ибтидо 18:13,14; Матто 19:26; Марк 9:23,24; Луко 1:36,37; Эфесликларга 3:20ни ўқиб чиқинг. Худо Ўзининг солиштириб бўлмайдиган кучи ва кудрати ҳақида нима демоқда?

---



---



---

Мана, Мен янги қиласапман! У аллақачон содир бўлмоқда – наҳотки тушунмайсизлар?...

— Иш. 43:19, замонавий таржима.

Бизлар ҳамма нарсани янги яратадиган Худога хизмат қиласиз. Сизнинг никоҳингиз янгиланишини истайсизми? Сизга янги севги, янги орзу, янги бирлик ва янги жинсий яқинлик керакми? Сиз Отангиздан сўраганингизда У янги қилиб яратишини кутинг. Нимани янгиланишини исташингизни ёзинг, сўнгра ибодат қилиб буни Худога беринг.

---

---

## ХАЁТНИ СЎЗЛАНГ

*“Ҳосил қоринни тўйдиргани каби, Сўз онгни тўйдиради; яхши суҳбатяҳии ҳосил каби қувонтиради. Сўзлар ўлдиради ва сўзлар ҳаёт беради; улар ёки заҳар ёки ҳосил, буни сенинг ўзинг танлайсан”.*

— Ҳикматлар 18:20,21, The Message, инглиз тилидан таржима.

Сиз кўпроқ ернинг тилида сўзлайсизми, ёки самонинг тилидами? Биринчиси ўлимни, иккинчиси эса ҳаётни келтириб чиқаради. Ҳар бир вазиятда сизда бу икки тилдан бирида сўзлаш танлови бор. Чўпон **Жимми Эванс** шундай ёзади:

“Суҳбат кўприк каби икки одамнинг ҳаётини бирлаштиради, бошқа бир одамнинг юраги ва онгига эркин йўл очади. Никоҳда суҳбат нафакат муҳим, у ҳаётий эҳтиёждир. ...Сўзлар – яралаш ва шифолаш, барбод қилиш ва барпо қилиш учун ғайритабиий кучга эга. Бизлар барпо қиласидиган, мустаҳкамлайдиган, руҳлантирадиган ва шифолайдиган сўзларни сўзлаш учун ўзимизни интизомга солишимиз керак”.

Бизлар аллақачон билиб олганимиздек, хамма нарсанинг ўз вақти бор: сўзлаш вақти бор ва жим туриш вақти бор. Сукунатда туринг ва ўйлаб кўринг: Турмуш ўртоғингиз билан муаммоларни муҳокама қилишга қайси вақт энг тўғри келмайдиганвақт? Қайси бири тўғри кела-диган вақт? Нима учун?

---

---

---

Сиз ҳозирги вақтда турмуш ўртоғингиз билан тушиб қолган энг қийин вазиятни қисқача қилиб таърифланг. “Нари боргин...” сўзи тоифасидан бўлган қандай салбий сўзлар ва иборалар бу мавзуда суҳбатлашганда сизнинг оғзингиздан чиқади?

Танаффус қилинг ва шундай ибодат қилинг: “Муқаддас Рух, мен бошқа салбий сўзларни талаффуз қилишни истамайман. Менга кўркув ва газабни ифодаловчи сўзлардан кутулишга ёрдам беришингни сўрайман. Менга ҳаётнинг ижобий сўзларини – самонинг тилини бергин, токи мен бизнинг никохимиз ҳакида имон билан сўзлайин. Исо масиҳ номи билан. Омин”.

Сиз Худонинг Сўзини кўпроқ англаб, ўзингизнинг самовий тилингиз сўз бойлигини оширишингиз мумкин. Кўйидаги лавҳаларни дикқат билан ўқиб чиқинг. Сўнгра шу оятлар воситасида руҳланган, сизнинг никоҳингизга нисбатан мунтазам айтиш мумкин бўлган бир ёки кўпроқ ижобий фикрларни ёзib олинг. Биз биринчи оятни мисол тариқасида келтирмоқдамиз.

МУКАДАС

Хикматтар 5·18 19

## **ЁЗУВНИНГ САМО ТИЛИДАГИ ОЯТЛАРИ:**

Биз турмуш ўртоғим билан  
биргаликда бир-бirimiz  
билан жинсий яқинликдан  
лаззатланамизва ҳәётимизнинг  
барча кунларида ундан қонамиз.

Эфесликларга 4:15,29

Эфесликларга 4:26,27

Эфесликларга 5:21-33

**258 НИКОХ ТАРИХИ**

Филиппиикларга 2:3-5

---

---

Санолар 132.

---

---

1 Коринфликларга 13:4-8

---

---

---

---

---

---

---

---

## ЎЗ ТУРМУШ ЎРТОГИНГИЗНИНГ ТИЛИДА СҮЗЛАШ

*“Гўёки сизнинг ҳаётингиз унга боғлиқдек севгига  
эришинглар, ахир бу аслида шундайдир...”*

— 1 Коринфликларга 14:1, The Message, инглиз тилидан таржима.

Севгининг кўплаб тиллари бор. Сизнинг турмуш ўртогингиз бу тилларнинг бирида наридан-бери гапирав, сиз эса бошқа бирида ажойиб сўзларсиз. “Севгининг беш тили” китоби муаллифи доктор Гэри Чепмен шундай ёзди:

“Сизнинг севгингизнинг ҳиссий тили ва турмуш ўртогингизнинг тили бир-биридан хитой тили инглиз тилидан фарқ қилганидек фарқ қиласди. Сиз турмуш ўртогингизга ўз севгингиз ҳақида инглиз тилида накадар сўзлашга харакат қилманг, агар у факат хитой тилини тушунса, сизлар бир-бирларингизни накадар кучли севишиларингизни ҳеч қачон била олмайсиз. ...Агар биз ўз севгимизни маҳсулдор кўрсатишни истасак, турмуш ўртогимизнинг асосий севги тилини ўрганиб олишимиз керак. Менинг ақлий холосам... шунақаки, севгининг беш асосий ҳиссий тили бор. Бу – одамлар севгини ҳиссий даражада намоён қиласиган ва қабул қиласиган беш усулди”.

Доктор Чепменнинг сўзларига кўра, севгининг беш тили – бурухлантириш сўзлари, биргаликда вақт ўтказиш, совгалар, хизмат қилиш ва ғамхўрлик қилиш, жисмоний тегишдир. Кўплаб одамлар, шу билан бирга, бизлар ҳам, уларнинг асосий ва иккиламчи севги тиллари борлигини пайқайдилар. Биз аллақачон айтиб ўтганимиздек, севгининг тиллари ҳақида доктор Гэри Чепменнинг китобидан ёки сайтдан кўпроқ билиб олиш мумкин.

Куйидаги саволларга жавоб бериб, сизнинг никохингиз ўзгариши суръатида севги тилининг аҳамиятини кўришингиз мумкин: Эримнинг

(хотинимнинг) қандай ҳатти-ҳаракатлариўзимни алоҳида севимли ҳис қилишга мажбур қиласди? У қилмайдиган қандай ишлар мени ҳамма нарсадан кўра кўпроқ яралайди? Мен турмуш ўртогимдан нимани кўпроқ талаб қиласман: яхши гапларни ва мактобларни, бирга вакт ўтказишни, маҳсус совғаларни, жисмоний тегишни ва қучоқлашни ёки уй ишларидага ёрдам беришини? Мен турмуш ўртогимга ўз севгимни одатда қайси йўл билан намоён қиласман? Ўз фикрларингизни ва ҳиссиётларингизни ёзинг.

---



---



---



---

Сўнгра айнан шу саволларга ўзингизнинг турмуш ўртогингиз ҳақида жавоб беринг. Энг сезиларли фарқлар нимада?

---



---



---



---

Сизларнинг севгини намоён қилишларингиз орасида фарқ борлигини билар эдингизми? Агар “ҳа” бўлса, бу билим сизга никоҳингизда қандай ёрдам беради? Агар “йўқ” бўлса, сизларнинг ораларингизда муаммолар ва тушунмовчиликлар содир бўлганининг сабабини энди кўраяпсизми?

---



---



---



---

Бир-бириңиз билан севгини намоён қилиш ва қабул қилиш усулларингиз ҳакида сұхбатлашынг. Сизлардан ҳар бириңиз башқа бириңиз-нинг тилида севгини намоён қилиши учун қандай амалий учта қадамни күйиши мүмкінлигини айтишини бир-бириңиздан сұранг.

---

---

---

---

*Турмуш ўртогингизга ўз севгингизни қай алғозда яхшироқ намоён қила олишингиз ҳақида Мұқаддас Руҳ билан сұхбатлашиши учун бүгүн озроқ бақт ажратынг. Сизнинг турмуш ўртогингизни ҳеч ким У қадар яхши билмайды.*

4-кун. Кундалик ўқиши учун

## СИЗНИНГ ҲАЁТИЙ УСТУНЛИКЛАРИНГИЗ

*“Биродарларим, Раббимиз Исо Масиҳнинг номидан сизлардан ўтиниб сўрайман: ҳаммаларингиз бир нарсани гапиринглар, сизларнинг орангизда бўлиншилар бўлмасин, аксинча, сизлар бир фикрда ҳамда бир мақсадда бирлашган бўлинглар”.*

— 1 Коринфликларга 1:10.

Бирликда шу қадар кўп куч бор! Бизнинг бир-биримиз билан бирлигимиз – бу Худонинг ҳали Уни билмайдиганларга Ўз севгисини кўрсатиш усулидир. Бизда ҳеч қаерда, никоҳда кўрсата олишимиз каби бирликни кўрсатиш учун шу қадар кўп имкониятлар йўқ. Сиз мазкур китобнинг иккинчи бобини ўқиганингизда, сиз ўзингизнинг никоҳ ҳақидаги умумий режава мақсадингизни аниқлаб олдингиз. Энди, бизлар “Никоҳ тарихи” миз бўйлаб саёҳатимизнинг якунига етганимизда, сизнинг вазифангизни қўллаб-кувватлашга қодир кундалик устунликлар ҳакида ўйлашингизга даъват қиласми.

“Биринчи” ва ҳаётдаги энг муҳим устунлик – бу Худо билан муносабатлардир. Нима учун У бунга биринчи ўринни ажратади ва сиз учун ҳар нарсада Уни эҳтиром килиш нимани билдиради? Худо билан соғлом муносабатларингиз сизнинг никоҳингиз, оилангиз, иш ва ҳаётингиздаги қолган барча соҳаларга нақадар ижобий таъсир қиласми?

---

---

---

Сизга Худо томонидан берилган вазифа ва мақсадларни бажариш – устунликларни куйидаги тартибда кўйишни билдиради: эр(хотин), болалар, даъват, дам олиш, одамлар билан сухбат. Бироз вакт сукунатда бўлинг ва ибодат қилинг. “Раббий, менинг устунликларим тўғри қўйил-

ганми? Агар йўқ бўлса, нимани тўғирлаш керак? Ким ёки нима менинг жуда кўп эътиборимни олмоқда? Кимга ёки нимага менсимаслик қила-япман? Тўғри тартиб ўрнатиш учун ва сўнгра уни мустаҳкамлаш учун мен амалий нима қила оламан?” У сизни йўналтирадиган ўз ваҳийларингизни ва ҳатти-ҳаракатларингизни ёзиб олинг.

---



---



---



---



---



---

Сиз ўзингизни қолган умрингиз давомида турмуш ўртоғингизни қўллаб-қувватлаш ва ардоклашга бағишиладингиз. Болалар сизнинг уй-ингизни тарқ қилишади, мавке ўзгаради, дўстлар келиб-кетаверадилар, аммо никоҳ иттифоқи – бу ҳаётнинг барча фасллари учун тузилган аҳд-дир.

Хозирги муносабатларингиз нурида, кексаликкача яшаб аъло дўстлар бўлиб қола оламиз, деб айта оласизми? Бир-бирингизни даъватингизда ва ишингизда қўллаб-қувватлайсизларми?

---



---



---

Сизнинг никоҳингизда амалда нима сизнинг бирликни қадрлашингиз ва сақлашингизни айтади? Ўз муносабатингиз ёки ҳатти-ҳаракатларингиз билан ораларингиздаги бирликни бузадиган вактларингиз бўладими?

---



---



---

Воиз 4:9 ва Колосаликларга 3:12-14ни ўқиб чиқинг. Сўнгра мана бу сўзлар билан ибодат қилинг:

*Раббий, Сен мени эрим (хотиним) билан мүқаддас ва севимли бўлишимииз учун танладинг. Муқаддас Руҳинг биланменга ўз турмуши ўртогимга шафқат, эзгулик, камтарлик, мулоиймлик ва бардошини кўрсатишими учун иноят бергин. Сўзларим ва ҳатти-ҳаракатларим билан турмуши ўртогимнинг ҳаётини яхшироқ қилишиимга ёрдам бергин. Мен ишонаман, бизлар алоҳида бўлганимиздан кўра бирга бўлганимиз яхши, чунки бизлар бир-бirimizга мудаввафақият қозонишига ёрдам бершишимиз мумкин. Бизлар Сени яхшироқ била олишиимиз ва бир-birimizga яхши хизмат қилишиимиз учун устунликларни тўғри қўйишага бизга донолик бергин. Исо Масиҳ номи билан, омин.*

## 5-кун. Кундалик ўқиши учун

# ЭНГ ЯХШИСИНИ КАШФ ЭТИШ

“...Ҳар бир имкониятдан энг аъло натижани чиқаринг.  
Сўзда шафқатли бўлинг. Мақсад – сұхбат орқали одамларни паст  
урмасдан ва улардан ўзингизни устун қўймасдан улардаги  
энг яхши нарсаларни кашф қилиши”.

— Колосаликларга 4:5,6, The Message, инглиз тилидан таржима.

Эр ва хотин сифатида сизлар бир бутунсизлар. Бу – сизларда ҳамма нарса умумий эканлигини билдиради. Сизнинг турмуш ўртоғингизнинг муваффакияти – бу сизнинг муваффакиятингиздир. Сизнинг турмуш ўртоғингиз мамнун ва маҳсулдор бўлганида, сиз янада мамнун ва маҳсулдор бўлишингиз мумкин. Турмуш ўртоғингиздаги энг яхши фазилатларни кашф қилиб, ўзингиздаги энг яхши фазилатларни кашф қиласиз. Исо Масих бизларни, ўз келинчагини шундай сўзлар айтиб ўқитади: “Масихнинг севгиси жамоатни бенуқсон қилади. Унинг сўзлари унинг гўзаллигини уйғотади. Шундай яратилганки, Унинг барча сўзлари ва ишлари унда энг яхши фазилатларни кашф қилади...” (Эфес. 5:26,27, The Message, инглиз тилидан таржима).

Турмуш ўртоғингизнинг қобилияtlари, инъомлари ва фазилатлари ҳакида, унга нима ёқиши ҳакида ҳамда у нимадан лаззатланиши ҳакида ўйланг. Нима учун бошқа одамлар уни мунтазам мақтайдиларва миннатдорчилик билдирадилар?

Мен ўз турмуш ўртоғимда кўраётган қобилияtlар, инъомлар ва фазилатлар...

---

---

---

---

Агар бу фазилатлар аллақачон бошқа одамларни ишда ёки хизматда бойитаётган бўлса, турмуш ўртогингиз бу фазилатларда ўсишда давом этиши учун сиз унда иштиёқ ва багишланиши қандай қўллаб-кувватлашингиз мумкин? Агар эрингиз (хотинингизда) у ҳали ишлатмайтган қобилият борлигини кўрсангиз, бу қобилият буткул намоён бўлиши учун муҳитни ўйлаб топа(яратга) оласизми?

---



---



---



---

Келинглар, бир-биримизга эътиборли бўлайлик ва мунтазам равишда бир-биримиз ҳакимиизда ғамхўрлик қиласайлик, қандай қилиб севгига, ҳайрли ишларга ва олийжаноб ҳатти-ҳаракатларга рағбатлантириш (ёндириш ва рухлантириш) мумкинлигини кузатайлик ва ўрганайлик...

— Ибронийларга 10:24, кенгайтирилган таржима,  
курсив муаллифларники.

Шундай қилиб, имконият туғилганида ва фурсат бўлганида, келинглар, ҳаммага яхшилик (фақатгина уларга фойдали бўлган ишларни эмас, балки уларнинг руҳий фаровонликлари учун керакли ишларни ҳам) қиласайлик. Айниқса, имондаги ўзимизниларга (Худонинг оиласига тегишилларга, имонлиларга) дуо-баракат бўлиш учун эътиборли бўлинглар.

— Галатияликларга 6:10, кенгайтирилган таржима,  
курсив муаллифларники.

Ибронийларга 10:24; Галатияликларга 6:10 ва Колосаликларга 4:5,6 (бу оятлар бу бобда бугун учун ўқишига берилган). Ўз эр(хотин) имизда энг яхши фазилатларни амалда қандай қилиб рағбатлантиришимиз ва кашф этишимиз мумкин? Бошқача қилиб айтганда, у ўзининг инъомлари ва фазилатларидан фойдаланиши учун нима дейишингиз ва қилишингиз мумкин? Сиз уни қандай дуо қилишингиз ва ўсишни кўришингиз мумкин?

---

---

---

---

Бугунги кундаги жавобларингиз билан бир-бирларингиз билан ўртоқлашиш учун вакт ажратинг. Турмуш ўртогингиздан ўз фикрларини сизга сидкидилдан айтиб бериншини сўранг ва унга ўз юрагини тўкиб-солишига имкон беринг. Қайси пунктларда фикрларинг бир ёқдан чиқмоқда? Сиз ўз турмуш ўртогингиз ва ўзингизда нима янги нарсаларни билиб олаяпсиз? Бирор вакт сукунатда бўлинг ва ўз турмуш ўртогингиз дуо-баракатли бўлиши учун ибодат қилинг.

Ўз турмуши ўртогингизни ўрганинг. Ўзингизни ўрганинг... Сиз ўзингиз кашиф қилган нарсалардан ҳайратланишингиз ва доңг қотишингиз мумкин. ...Турмушинг саргузашти турмуши ўртогингиз аслида ким эканлигини кашиф қилишидан иборатдирип. Сизнинг турмуши ўртогингиз ким бўлишини билиб олганингизда завқ-шавққа тўласиз.

Х.Норман Райт

## **МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР**

*Агар сиз бу китобни “Messenger” хизматидан “Никоҳ тарихи” материалларининг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, унда марҳамат қилиб, б видеодарсни кўринг.*

- 1| Худо Одам Атога ва Ҳаввага кўпайиш ва ерни тўлдириш топширигини берди. Лекин бир неча авлоддан сўнг бу амрга бўйсунишни истамайдиган одамлар жамияти пайдо бўлди. Ибтидо (11:1-6)даги лавҳани дикқат билан ўқиб чиқинг. Бу одамлар нимада бирликда эдилар? Агар итоатсиз одамларнинг бирлиги уларга муваффақият олиб келган бўлса, бу бизлар никоҳда ва Исо Масиҳда бир бутун бўлган ҳамда Худога итоатли бўлишга чанқоқ бўлганлар учун нимани билдиради?
- 2| Бирлик улкан кучни келтириб чиқаради ва мукофотлар беради. Бу лавҳаларни ўрганиб чиқинг ва уларни айнан сизнинг никоҳингиздаги муносабатларда кўлланг: Санолар 132; Матто 18:19,20; Юҳанно 17:21,23; 2 Коринфликларга 13:11. Сизнинг турмуш ўртогингиз билан бирликдан сизнинг ҳаётингизда қандай баракалар туғилиши мумкин?
- 3| Одамнинг сўнгги сўзлари катта аҳамиятга эга, Исо Масихнинг ҳолатида эса улар алоҳида кучли ва башоратли эди. Юҳанно 17:9-11, 20-23ни ўқиб чиқинг. У бу сўзларни айни хочга михланишидан олдин айтди. Унинг ва Отасининг орасидаги бирликка эътибор беринг. Бу лавҳалар орқали Муқаддас Рух сизга нимани кўрсатаяпти? Булар сизни ўз турмуш ўртогингиз билан бирликка интилишга қандай руҳлантираяпти?
- 4| Худо янги бошланишларнинг Худосидир! У ҳамма нарсани янги яратишини эълон қилмоқда (Вах. 21:5га қаранг). У бизларнинг тур-

мушимизнинг барча йилларида янгиланган мулокот, умид, имон, жинсий яқинлик ва орзуларни ҳис қилишимизни ҳамда буларни турмуш ўрганимиз билан биргаликдаги турмушимизнинг барча йилларида бўлишишимизни истайди. Қандай килиб амалда, бизлар эр ва хотин сифатида муносабатларда бирликни куришда бир-бири-мизга ёрдам беришимиз мумкин?

- 5| Ҳикматлар китобида (14:1) ёзилганки, доно аёл ўз уйини барпо қиласди. Бу шуни билдирадики, доно эр ўз хотинини барпо қиласди! Аёллар, қандай килиб сизлар хотин сифатида амалда ўз уйингизни барпо қилишингиз мумкин? Эркаклар, қандай килиб сизлар эр сифатида амалда ўз хотинингизни барпо қилишингиз мумкин?
- 6| Баъзи турмуш курган жуфтлар тижорат ёки хизмат билан биргаликда шуғулланадилар, кўпчилик эса бундай эмас. Бу шуни билдирадики, улар янада бир-бирларига яқинроқ бўлишлари ва бир-бирларини даъватларида ва қизиқишлирида рағбатлантиришлари лозим. Қандай килиб эрлар ва хотинлар амалда бир-бирларини кўллаб-куватлашлари ва бир-бирларига яқинроқ бўлишлари мумкин?

## БОБНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ:

- Исо Масихда ҳар бир никоҳ янги бўлиши мумкин! Унинг Руҳи мунтазам равишда ҳар бир соҳада янги бошланишлар имкониятлар таклиф қиласди
- Ҳар бир вазиятда бизнинг қаршимизда танлов турибди: самоларнинг тилида сўзлаш ёки ернинг тилида сўзлаш. Имон билан бизлар самолар билан келишимиз мумкин ва Худонинг Сўзи ваъдаларига кўра сўзлашимиз мумкин.
- Бирлик – мана шу никоҳ иттифоқининг мақсадидир. Биз ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бирликда бўлишга интилишимиз лозим.
- Агар биз ўз турмуш ўртоғимиз билан бирга бирликнинг пайдан бўлсак, бир тилда сўзласак ва бир мақсад сари ҳаракат килсак, Худонинг баракалари бизларга куйилади ва иложсиз нарсалар иложли бўлиб қолади.
- Эрлар ва хотинлар орасидаги сидқидилдан бўлган севги дунёга Худонинг шухратини ва севгисини намоён қиласди. Бизларнинг бирлигимиз бошқа одамларни Исо Масихга жалб қиласди.
- Доно хотин ўз уйини барпо қиласди, доно эр ўз хотинини барпо қиласди. Агар ҳар бир эр ва ҳар бир хотин ҳаёт сўзларини эътироф килсалар ва турмуш ўртоқларининг фазилатларига ургу берсалар, улар ўз ҳаётларини кенгайтирадиларва ерда Худонинг иродасини бажарадилар.

## ИЛОВА

### Қандай қилиб нажот топиш мүмкин?

*“Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўлжалардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон ҳақликка эришиши учун юраги билан ишонади ва нажот топшиши учун оғзи билан эътироф этади”.*

— Римликларга 10:9,10.

Үз турмуш ўртоғингизга Худонинг муҳаббатини тақдим қилиш учун, аввало сизнинг ўзингиз Унинг муҳаббати ва нажотини Унинг Ўғли Исо Масих орқали қабул қилишингиз лозим. Исо Масихнинг ўлими ва тирилиши орқали Худо сизга, ўзининг севимли ўғли (қизи) сифатида Ўзининг Шоҳлигига йўл очди. Исо Масихнинг хоҷдаги курбонлиги абадий ва тўқисликка тўла хаётни сизга тегишли қилди. Нажот бу – Худонинг инъомидир, сиз уни меҳнат қилиб қўлга киритиш ёки унгалойиқ бўлиш учун ҳеч нима қила олмайсиз.

Мазкур қимматбаҳо инъомни қўлга киритиш учун, аввало ўз Яратув-чингиздан айри яшаганингиз гуноҳини тан олишингиз лозим (чунки бу шу вақтгача қилган барча гуноҳларингизнинг илдизидир). Тавба қилиш – нажот топишнинг муҳим қисмидир. Ҳаворийлар китобида баён қилинган 5000киши нажотга келган кунда Петъор бу ҳақида аниқ айтди: “Шунинг учун гуноҳларингиз ўчириб ташланиши учун тавба қилинглар ва Худога ўгирилинглар” (Ҳав. 3:19). Муқаддас Ёзув ҳар биримизнинг гуноҳ қули бўлиб туғилишимизни айтади. Бу қулликнинг илдизи ўзбошимчалик ва итоатсизликни бошлаб берган Одам Атонинг гуноҳига бориб тақалади. Тавба қилиш бу – танлов бўлиб, бу сиз фақат ўзингизга ва шайтонга, яъни ёлғоннинг отасига бўйсунишни бас қилишингизни ҳамда бундан буён ўзингизнинг янги Эгангиз Исо Масихга, сиз учун ўз жонини курбон қилган Шахсга бўйсунишни бошлашингизни билдиради.

Сиз ўз ҳаётингизни Исо Масихга бўйсундиришингиз лозим. Исо Масихни ўз Эгаси қилиш – бу ўз ҳаёти устидан ҳокимиятни Унга бериш (Унга ўз рухи, жони ва танасини бўйсундириш) бутун борлиғингизни ва ҳамма нарсангизни бўйсундириш демакдир. Сизнинг ҳаётингиз устидан Унинг ҳокимияти мутлақ бўлади. Сиз буни қилган лаҳзангизда Худо сизни зулматдан озод қиласиди ва сизни нурга ҳамда Ўз Шоҳлигининг шуҳратига олиб ўтади. Сиз шунчаки ўлимдан ҳаётга ўтасиз, сиз Унинг фарзандига айланасиз!

Агар сиз Исо Масих орқали нажотни қабул қилишни истасангиз, куйидаги ибодат билан ибодат қилинг:

*Самодаги Худо, мен гуноҳкор эканлигимни ва Сенинг ҳақлиқ мезонларингга тўғри келмаслигимни тан оламан. Мен ўз гуноҳларим учун абадиятда маҳкум қилинишига лойиқман. Мени шу аҳволда қолдирмаганинг учун Сенга раҳмат, чунки Сен бокира қиз Марямдан түгилган Ўзингнинг ягона Ўзинг Исо Масиҳни мен учун ўлиши ҳамда хочда менинг ўрнимда жасололани учун юборганингга мен ишонаман. У учинчи куни ўлуклардан тирилганига ва энди менинг Раббим ҳамда Нажоткорим сифатида Сенинг ўнг кўл томонингда ўтирганига мен ишонаман. Шунинг учун бугун Сендан айри яшаганимга тавба қиласман ва Ўз ҳаётимни тўлиқ Исо Масиҳнинг ҳокимлигига топшираман.*

*Исо Масиҳ, мен Сени ўз Раббим ва Нажоткорим деб эътироф этаман. Ўз Руҳинг билан менинг ҳаётимга киргин ва мени Худонинг фарзандига айлантиргин. Мен қачонлардир маҳкам тутган зулматнинг ишларини рад қиласман. Шу кундан боштаб бошқа ўзим учун яшамайман, лекин Сенинг иноятини билан, мен абадий яшашим учун Ўзини қурбон қилган Сен учун яшайман.*

*Раҳмат Раббий, энди менинг ҳаётим тўлиқ Сенинг қўлингда, Сенинг Сўзингга биноан мен ҳеч қачон уятда қолмайман.*

Худонинг оиласига хуш келибсиз! Сиз билан ҳозир нима содир бўлганини бошқа имонлиларга сўзлаб беришга сизни даъват қиласман. Энди Муқаддас Ёзувга ишонадиган бирор маҳаллий жамоатга қатнай бошлишингиз ва сизни имонингизда руҳлантирадиган имонлилар билан сухбатлашишингиз жуда муҳим. Шунингдек, агар биз сизга ўз шаҳринингизда жамоат топишда ёрдамлашишимизни истасангиз, бизнинг хизматимизга мурожаат қилишингиз мумкин (бизнинг MessengerInternational.org сайтимизга мурожаат қилинг). Сиз ҳар куни Худони таниб-билишда ва севишида улғайишингиз учун биз ибодат қиласиз!

# МУҚАДДАС РУҲ

МУҚАДДАС РУҲ

КИРИШ

ЖОН БИВЕР

ХИСОС БИЛАН ЧАКОНОГИСА

Афсуски, Муқаддас Руҳни кўпинча нотўғри тушунишади ва шу билан, кўплаб одамларни Унинг Кимлиги ва У бизга Ўзини қандай намоён қилиши ҳақидаги билимларсиз қолдирадилар. Муқаддас Руҳ, кўпинча, нимадир “ғалати” нарса сифатида тасвирланади. Бироқ Муқаддас Китоб аниқ қилиб айтмоқдаки, Муқаддас Руҳ – бу нимадир эмас. У Кимдир, У Шахс ва бизни ҳеч қачон тарк этмасликни вайда берган. Мазкур интерактив китобда Жон Бивер Сизни жамоатдаги энг эътиборсиз қолдирадиган ва тушунарсиз Шахс – Муқаддас Руҳни шахсан каашф қилишга таклиф қиласди.

Мазкур ажойиб муқаддимани ўтказиб юборманг.  
Интерактив китоб қўйидагиларни ўз ичига олади:

- кундалик ўқиш;
- гуруҳ бўйиб мұхокама қилиш учун саволлар;
- Муқаддас Руҳ ҳақидаги баъзи бир қийин саволларга жавобларни ўз ичига олган бонус боб.

ЖОН БИВЕР

Шайтоннинг  
хўраги

## Шайтоннинг хўраги

Душманнинг ўлдирадиган тузоғидан қочиш керак!  
“Шайтоннинг хўраги” шайтон имонлиларни Худонинг иродасидан тортиб олиб чиқиш учун фойдаланадиган энг алдовчи илмокларидан бирини очиб беради. Шайтоннинг тузогига тушиб қолган одамларнинг кўпчилиги, ҳаттоқи, буни англаб етмайдилар.

Алданманглар! Сиз хафагарчилик билан тўқнашасиз ва у Сизнинг Худо билан муносабатларингизга қандай таъсири қилиши фақатгина Сизга боғлик. Сизнинг жавобингиз келажагингизни белгилайди. Агар сиз хафагарчиликни тўғри ҳал қиласангиз, Сиз жаҳддор эмас, кучли бўласиз.

Сайтдаги қўшимча манбалар:  
[www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)



Кўпроғини истайсизми?  
Сканер қилинг

# БИР КУНИ КҮП ЙИЛЛАР ИЛГАРИ...

Никоҳ доимо бор эди. Бу – бир әркак ва бир аёлни боғловчи аҳд эди. Бу боғланиш уларни кучлироқ, олижаноброқ ва ёрқинроқ қилди. Улар биргалиқда, алоҳида бўлганларидан кўра яхшироқ эдилар.

Тўй маросими фақат бошланиши бўлди. Бу уларнинг узоқ ва баҳти оиласвий ҳаётларига дарвоза эди. Уларнинг ҳар бир танлов ва ҳатти-харакатлари ҳаётларини уларнинг иттифоқларининг даъватига кўра қуриши лозим эди. Ўз Яратувчиларининг севгисини намоён қилиш учун эр ва хотин буюк номаълумликка қаттиқ чирмасиб кетган юраклар, қўллар ва овозлар билан қадам кўяр эдилар.

Биз бу буюк севгининг тарихи билан алоқани қандай қилиб йўқотиб кўйдик? "Никоҳ тарихи" китобида Жон ва Лиза Бивер сизни Худонинг илк режасини ўзингиз учун яна қашф этишга таклиф қиладилар. Сиз турмушга чиққанмисиз ёки уйланганмисиз, турмушга чиқмаганмисиз ёки уйланмаганмисиз, сизнинг тарихингиз – Унинг тарихининг бир қисмидир.

Бу интерактив китоб билан биргалиқда яна қуидагилардан фойдаланинг:

- Ҳар куни ибодат қилинг;
- Гуруҳларда муҳокама қилиш учун саволлардан фойдаланинг;
- Орзуингиздаги оилани куриш воситаларидан фойдаланинг;
- Ўз тарихингизни яхши ёзиш учун қадамба қадам қўлланмадан фойдаланинг.



Жон ва Лиза Бивер оммабоп китоблар муаллифлари ва Messenger International ташкилотини таъсис қилувчиларидир. Улар ўттиз йилдан ортиқ вақт никоҳдалар ва уларнинг курашлари ҳамда ғалабалари бошқа одамларнинг никоҳи тарихини бойитиши ҳамда ҳимоя қилишини истайдилар. Жон ва Лиза АҚШнинг Колорадо штатидаги Колорадо - Спрингс шаҳрида истиқомат қилишади, уларнинг тўрт ўғиллари ва уч набиралари бор.

Кўшимча манбаларни сиз қуидаги сайтда топасиз: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)



Кўйронини ишайсанми?  
Сканер хизмати

**Messenger  
International**  
[MessengerInternational.org](http://MessengerInternational.org)

Бу китоб – муаллифдан совға нусхадир.  
Уни сотувга чиқариш мумкин эмас.

